

ИМ КАРИМОВ

Бүл ажыб дүннө



НАИМ
КАРИМОВ

БЧ ажриб
дунё

Возейй кисса ва хисодлар,
сажна асарлари



ТОШКЕНТ
«О'ЗВЕКИСТОН»
2016

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)7

K25

Каримов, Наим

K25 Бу ажиб дунё [Матн]: воқеий қисса ва ҳикоялар /
Н. Каримов. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2016. –
288 б.

ISBN 978-9943-28-668-9

Атоқли шоир, ёзувчилар ҳаёти ҳам ажойиб воқеалар, унтуилмас учрашувларга бой бўлиб, улар хақида эслангандан ёки хотиралар битилгандан гўзал бир асардек севиб ўқилади.

Ушбу китобдан ўрин олган Фитрат, Чўлпон, Ойбек,Faфур Фулом каби хассос адиллар ҳаёти билан боғлиқ ажабтовур ҳикоя, киносценарий ва пьесалар ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Шунингдек, собиқ шўро даврида қатағонга учраган ўзбек зиёлиларининг оғир тақдирларидан ҳикоя қилинади.

Муаллиф «Гули ва Навоий» драмасини ёзишда асрдан-асрга, наслдан-наслга ўтиб келаётган барча турк халқларидаги эртак мотивларидан фойдаланган.

Бир неча маърифий-биографик романлари орқали танилган адабиётшунос олим Наим Каримовнинг бу янги асари ҳам китобхон томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинади, деган умиддамиз.

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-28-668-9

© Наим Каримов, 2016

© «O'zbekiston» НМИУ, 2016

Вокеий хиссиялар



*Хурриятсевар аждодларимизнинг
буюк орзулари ушалиб, Ўзбекистон
мустақиллигининг шонли 25 йил-
лиги нишонланаётган ўзбекистонлар
кунларга етганимизга шукроналар
ва масаннолар бўлсин!*

Муаллиф

ФАФУРОНА САФАР

...1940 йилнинг 5–15 июнь кунларида Москва-да белорус санъатининг ўнкунлигини ўтказиш мўлжалланган эди. Эндигина расм бўла бошлаган таомилга биноан, қардош халқларнинг кўзга кўринган шоир ва ёзувчилари ҳам ўнкунликка меҳмон сифатида таклиф этилган эди. Ўзбек ёзувчилари номидан Ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби Ҳамид Олимжон билан бирга Fafur Fулом ҳам ўнкунликда қатнашиш учун Москвага боришган.

Москва ўша йилларда қардош халқларнинг миллий маданиятларига катта эътибор бера бошлаган эди. Бир маданият маъракаси тугамай, иккинчиси бошланар, иккинчиси тугамай туриб, учинчиси бошланар эди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарлари ҳам бир шаҳардан иккинчисига, бир маросимдан иккинчи маросимга бориб турганлар.

Ҳамид Олимжон билан Fafur Fулом ҳам белорус санъати ўнкунлиги тугаши билан қардош қалмиқ халқининг эпоси – «Жангар»нинг 500 йиллигига бағишлиланган тантаналарда иштирок этиш учун Қалмиқистон пойтахти Элиста шаҳрига боришлари лозим эди. Лекин қалмиқ әлати бундай катта тантаналарга ҳали тайёрланиб улгурмаганлиги сабабли халқ эпоси юбилейи куз ойларига кечиктирилади.

Бошқа иттифоқдош республикалардан Москвага маҳсус келиб, Элистага боришга чоғланган ёзувчилар юртларига ранжиб қайтмасликлари учун собиқ Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси ҳайъати грузин ада-

биётининг мумтоз намояндаси Акакий Церетелининг куз ойларига мўлжалланган 100 йиллик юбилейи тадбирларини олдинга суришга қарор қиласди.

Хуллас, собиқ Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси, бошқа меҳмон ёзувчилар қатори, Ҳамид Олимжон билан Fafur Furomdan ҳам Тифлисга, Церетелининг юбилейига боришларини сўрайди.

Ҳамид Олимжоннинг Элистага боришдан асосий мақсади ўша йилларда Тошкентда «Алпомиши» эпосининг 1000 йиллигини ўтказиш учун маълум бир тажриба тўплаш эди. Шу сабабли режаси амалга ошмай қолган шоир Тифлисга боришдан воз кечиб, ёлғиз ўзи Тошкентга қайтади.

17 июнь куни Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасининг кўп миллатли делегацияси Киев вокзалида жамланниб, поездга ўтиради. Fafur Furom турли миллатларга мансуб ҳамроҳлари билан бирга бир купега жойлашади. Каттагина жомадонини катнинг тагига жойлайди-да, ҳамроҳларига: «Бир-икки дақика бўлса ҳам тоза ҳаво оламан», деб ташқарига чиқади. Аммо поезд юра бошлайди ҳамки, ўзбек шоиридан дарак бўлмайди. Ҳамроҳлари агар охирги бирор вагонга илинганд бўлса, биринчи бекатда купега кириб келади, деб хотиржам карта ўйнаб ўтиришади. Бирок уч-тўртта темир йўл бекати орқада қолиб, тун пардаси тушиб, ҳатто тонг ҳам отса-да, Fafur Furomdan ҳамон дарак бўлмайди. Ҳамроҳлар қаттиқ ташвишга тушиб, нима қилишларини билмай, жуда бўлмаса, темир йўл ходимидан рўй берган фавқулодда воқеани поезд бошлиғига хабар қилишни сўрайдилар...

Шоири даврон «Тоза ҳаво оламан», деб перронга тушиб, ўша атрофдаги бир-икки дўкончага кирса, лимонад билан кремсададан бўлак сафарбол матоҳ йўқ экан. Шундан кейин у тўппа-тўғри вокзал ресторанига кириб, хизматчилар билан салом-

алик қилади, сўнгра бир-икки шишани қўлтиғига қистирганча, перрон томон отилиб чиқади. Бироқ не кўз билан кўрсинки, ҳозиргина жомадонини қўйиб, купесидан чиқиб келган поездни уни кутиб ўтиrmай, «пу-пуб» деганча кетиб қолибди.

Faфур Fулом ҳаллослаганича вокзал биносига кириб, Тифлисга борадиган кейинги поезднинг қачон кетишини суриштиради. Аммо яқин орада ўша йўналиш бўйича бирорта поезднинг йўлга чиқиши режалаштирилмаган экан. Бу ҳам кулгили, ҳам асабий вазиятдан хабар топган текинтомошачилар бирпасда унинг атрофини ўраб олиб, шоирнинг энсасини қотириб, турли-туман маслаҳатларни бера бошлашади. Ниҳоят, кимдир: «Хечқиси йўқ, ташвишланманг. Эртага Харьков ёки Ростовга учиб борсангиз, поездингизга, албатта, етиб оласиз», дейди. Faфур Fулом хурсанд бўлиб: «Э, бор экансан-у-у, Ломоносов, шундай ақлни берган отангга раҳмат-е!» дея самолётта чипта суриштира кетади...

Хуллас, шу куннинг эртасига Faфур Fулом тонг сахарда аэропортга бориб, самолётга ўтиради ва бирор соат ўтмай, Ростов тупроғига келиб тушади. Ярим соат ичидан темир йўл вокзалига етиб олади. Москва – Тула – Харьков – Ростов йўналиши бўйича чиққан поезд ҳали Дон соҳилларига етиб келмаган экан.

Кўп ўтмай, таниш поезд кўринади. У тўхташи билан Faфур Fулом, гўё ҳеч нарса рўй бермаганидек, вагонга чиқиб, бамайлихотир купега кириб боради. Купедаги ҳамроҳлар Faфур Fуломни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қоладилар. Шоир эса худди қўшни вагондан чиққан кишидек, «Яхши келаяпсизларми?» деб, ҳамроҳлари билан самимий кўришади...

АМИН ВА АМИНА

Сунбула охирлаб колганда Мұхаммадамин жомадонини күтариб қайтишга мажбур бўлди. Бекобод металлургия заводи қурувчилари орасида авж олган терлама дарахтдан-дарахтга, ўрмондан-ўрмонга кўчган ёнғин сингари, унга ҳам етиб келган эди. У дастлаб хасталикка парво қилмади. Ўзи тенги йигитлардан нечасини ўттиз еттинчи йил ўлати аллақачон олиб кетган, яна қанчаси уруш майдонларида ўқ еб, ер тишлаган, бу ҳар икки балодан омон қолганлар эса, шу ерда, ярим сахро ўртасида, битлаган, оч қолган, эрта тушган совукдан жунжуккан, шунга қарамай, завод қураман, деб тутдай тўкилаётган эди.

«Тақдирдан ҳеч қаерга қочиб қутулолмайсан» – Мұхаммадамин шундай дер эди ичидা. Шу ўй, шу фалсафа уни Бекободда – турли юқумли касалликлар учрашган чорраҳада қайсарлик билан тутиб турди. Аммо сўнгги кунларда қулоғидан ой кўриниб қолди. Силласи қуриб, ўтирган жойида терлаб-пишадиган, юрган йўлида каловланиб йиқиладиган бўлди. Курилиш тиббий бўлимидаги ҳамишира унга зудлик билан Тошкентга қайтиб, малакали мутахассислар қўлида шифо топиши лозимлигини айтди. Мұхаммадамин сўнгги манзил яқинлашиб қолганини сезгандан кейингина йўлга чиқди.

Тошкент касалхоналари урушдан дарёдай оқиб келаётган ярадорлар билан лиқ тўла эди. Мұхаммадамин бир неча кун уйида қолиб кетди. Ёзувчилар уюшмаси раҳбарларининг ташвиши усиз ҳам етарли эканими, ҳеч ким қиё бокмади. Хотини Амина эрининг тақдиридан ҳам кўра касалликнинг ёлғиз қизрасига юқиб қолишидан чўчиб, бормаган жойи, кирмаган эшиги қолмади. Нихоят, ноябрь ойининг бошларида адойи тамом бўлган шоирни касалхонага ётқизишнинг иложи топилди.

Шоир касалхонага келтирилган куннинг эртасига ёк профессорлар шошилинч равиша йифилиб, тиббий таҳлил натижаларини ўртага ташладилар. Хастанинг аҳволи фавқулодда оғир, терламанинг инсон вужудини кемирувчи заррачалари пилла қуртидек иштаҳага кириб, шусиз ҳам чўпдек бўлиб қолган шоирни ямлаётган эди.

...У қўқонлик эди. Кўқонликларда эса ўз ҳамшаҳарларига нисбатан ифтихор туйғуси кучли бўлади. Шу туйғу туфайли отаси унга Муҳаммадамин деб исм қўйган ва ўғлининг Муқимийдек шоири даврон бўлишини орзу қилган. Амина билан қаламкаш дўстлари эса уни Амин деб чақиришарди. Хуллас, улар 1937 йили турмуш қурганларида, Амин ва Амина бир олманинг икки палласидек, бир-бирлари билан узок ва баҳтли-саодатли умрга қовушгандек бўлдилар.

Такдир бир дарахтнинг соясида туғилиб, бир ариқдан сув ичган кишиларни бу дашти азимнинг не пучмоқларига улоқтириб, не бўронларга йўлиқтирмайди, дейсиз. Аммо бирининг илдизи Кўқонда, иккинчисининг эса олис Эдил бўйларида бўлган ёшларнинг Самарқандда учрашиши, яна уларнинг Амин ва Амина деб аталишида илоҳий бир ҳукм мавжуддек эди. Амин Аминани дорилфунунни битириб, бўлажак ёрига дарс беришидан аввал ҳам – у ишчилар факультетида таҳсил кўрган вақтлардан биларди. Лекин сажиясидаги камсуханлик, уятчанлик ва журъатсизлик Амина билан яқиндан танишишига имкон бермади. Агарда шу кезларда Самарқандда ўқиган Усмон Носир бу икки ёшнинг танишувига кўмак бермаганида, уларни ўқтин-ўқтин истироҳат боғига етаклаб, гап-сўзларини ўзаро улаб турувчи

жонли ҳалқа бўлмаганида, эҳтимол, Амин билан Амина ўртасидаги дўстлик ва муҳаббат чироғи ёнмай колган бўлармиди?

Амин болалик дўсти қамоққа олингач, «халқ душмани»нинг ҳамтовоғи сифатида дорилфунундан ҳайдалди. Шундан кейин Тиббиёт институтига ўқишга кирган Аминанинг изидан Тошкентга келиб, уни топди, унга уйланди ва шу ерда палак ёза бошлади.

Равшанки, шу даврда Тошкентда унинг уйи бўлмаган. Самарқанддан бирор баҳонаи сабаб билан келганида ҳам Уйғун билан бақамти яшаган Усмон Носирнинг чоғроқ хонасида турган. 1937 йил бошлирида, ораларидан ола мушук ўтгач, Усмон Уйғунга қарашли бу уйни тарқ этди. Самарқандга сиғмаган Амин фалакнинг гардиши билан баҳти қаро дўсти яшаган хонада истиқомат қила бошлади. Ҳатто Аминани ҳам ётоқхонадан шу ерга кўчириб келди. Орадан бир оз вақт ўтиб, ўттиз еттинчи йил довули сусайгач, унга Ўрдадаги Мутахассислар уйидан жой ажратишиди. Амин билан Амина шу ерда ўзларининг энг баҳтли кунларини кечира бошладилар. Алфия ҳам шу уйда туғилди.

— Ал-фия! — ҳорғинлик билан чиккан бу сўз худди мураббога ботириб олинган-у, таъми оғзида колгандек, Амин бир-икки лабларини ялаб олди.

Амина шу заҳоти қизчани, унинг ҳаракатларини, қандай ухлаши-ю қандай қулишини оғзини тўлдириб таърифлай кетди.

— Ҳозир... қаерда?.. Ким билан... қолган?.. — оҳиста, синик товуш билан сўради Амин.

Амина қизчани қўпинча Муҳсин Ҳамидовнинг уйида қолдириб, эри билан «Ҳамза» спектакли¹нинг

¹ К.Яшин ва А.Умарий драмаси асосидаги спектакль. 1942 йил 8 январда ҳозирги Ўзбекистон Миллий давлат академик драма театрида саҳнага қўйилган.

репетициясига борар, бу қўқонлик дўстларининг уйи эса нак театрнинг рўбарўсида эди. Лекин хастахона шаҳарнинг бошқа бир «қирғоғи»да бўлгани учун у кейинги пайтларда қизалогини ўз уйида қолдириб, кимдандир қараб туришни илтимос қиласди.

— Кўқондан келишган, — жавоб қиласди Амина.

Амин чурк этмади. У кўзларини юмиб, сухбатга ортиқ чоғи йўқлигини англатди. Шу орада ҳамшира кириб, юқумли хасталар хонасида узок қолиш хавфли эканини писанда қиласди. Амина шифокор бўлгани учун бу сўзлар унга эриш туюлди.

Аминнинг хаёли Кўқондаги чоғроқ ҳовлисига, мунис онасию ака-укаларига кетди... Кўқондан ким келдийкин? Кошкийди синглиси Убайдахон бўлса? У худди аясининг ўзи. Юмшоқ сўз, меҳрибон, пазанда... Маставага жамбил солиб, шундай пиширадики... Дарвоқе, қани энди ўша маставадан икки кошиққина бўлса... Серқатик, жамбилли маставани ичганига ҳам юз йил бўлди, чоғи... Амина — ёмон пазанда эмас. Лекин у кўпроқ карам шўрвани яхши кўради. Хаста чоғингда эса нечундир болалик даврингда еган-ичган таомларни қўмсайсан, киши...

Олис болаликнинг ёдини аллақачон ўтиб кетган ота-боболарингдан, аллақачон сўлиб, қуриб қолган ўт-ўланлардан, хотирангдан кўтарила бошлаган таомлардан ахтарасан. Ўзинг не ахволда ётибсан-у, томга чиқиб варрак учирган кунларингни йиллар тумани орасидан кўрмоқчи бўласан. Ўша варрак учирган томингга талпинасан, талпинасан, талпинаверасан...

Амин Самарқандда экан, не-не рус шоирларининг шеърларини ўқиб ёдламади. Улар куйлаган гулларга меҳр кўймади... Амина настарин гулларини хуш кўради. Амин тез орада Аминагагина эмас, настарин гулларига ҳам ошиқ бўлди-қолди. Улар баҳорий Абрам бульваридан ўтиб, истироҳат боғига бориб, сайд қилиб қайтгунларига қадар шу бўй

уларга ҳамроҳ бўлар, кўнгилларини яшаш ва севиш завқига тўлдирад эди. Лекин ҳозир Қаймокли гузар яқинидаги ҳовлини, шу ҳовлини кесиб оқмиш ариқ бўйларида гулсафсалар сафини эслади. Киши болалик чорида гулсафсар ҳидини сезмас экан. Ҳозир дафъатан шу гулнинг бўйи димоғига урилгандек ту юлди. Гулсафсаларнинг икки томонга осилиб турган «қулоқлари»да мовий осмоннинг қуюқлашган рангини кўргандек бўлди. Гулсафсар унга дунёдаги энг кўркам ва энг хушбўй гул бўлиб кўринди, шу тобда.

— Амина-а! — у кўзларини очмай, секин овоз чиқарди.

Жавоб бўлмади. Амин кўзларини аста очиб, палатага ҳоргин назар ташлади. Амина уйига кетган, унинг: «Кетяпман. Яхши кол!» деган сўзлари эса уйқу оғушидаги хастанинг қулоғига чалинмаган эди.

...Кўкондан ким келди экан? Балки унинг хасталигидан дарак топиб, Иномжон акаси келгандир? Йўқ, Иномжон акаси ҳам, Убайдахон ҳам келган бўлсалар, аллақачон уни йўқлаган, Кўконнинг – болалиги ўтган азиз тупроқнинг нафасини шу ғариб ва нурсиз хонага олиб кирган бўлардилар. Демак, у ердан келган яқин қариндошларим эмас...

Амина эрининг қўқонлик узок-яқинлари келишганда, кўпинча уларга рўйихушлик бермас, агар биронтаси бир кунми-ярим кунми тунаб қолгудек бўлса, қовоғидан қор ёғилиб, чирсиллай бошлар, сўнг амал-тақал қилиб ҳайдаб-кузатганидан кейин ҳам Аминни эговлашни бас қилмас эди. Дастрлаб Амин бунга қарши исён кўтарди.

— Амина, юр ошхонага! — у кечки таом пайти яқинлашганига қарамай, бемалол ўтирган хотинининг қўлтиғидан олди.

Амина истар-истамас қўзралди. Эр-хотин қўшни хонага чиқдилар.



— Амина, мәҳмонарнинг қорни таталаб кетди-ку! Кўқонда бўлганингда шу пайтгача суюқ овқатни ичиб, кейингисини кутаётган бўлардинг.

Амина бўш келмади:

— Шу ўзбекларнинг одати қизик: овқат егани еган, егани еган. Овқат еб чарчамаганини қара буларнинг!.. Уйингда дон-понинг борми, деб сўрамайди, гўшт-ёғинг борми, билмайди. Бир сават қуруқ нонни кўтариб келиб, «мозор босиб келган!» деб ўтираверади...

— Хой, азизам, нималар деяпсан? Ахир аям кунда келаётгани йўқ-ку! Келса, ойда-йилда бир келади. Шунда ҳам набирамни, келинимни кўрай, деб келади. Поездда уриниб-туртиниб келишса-ю, бир кошик овқатни раво кўрмасак, қандай одам бўлдик?!

— Хой-хой-хой! Юртдошларингиз келганда бирам гинахон бўлиб кетасизки!.. Аввал ишлаб, Уйғунга ўхшаб жарак-жарак пул топиб келинг. Кейин уни пишир, буни пишир, деб менга буйруқ беринг!

Амин Тошкентга кўчиб келганидан кейин ҳам турмушида ҳаловат бўлмади. «Халқ душмани» Усмон Носирнинг дўсти бўлган, деб тинмай турткалашди. Ёзган шеърлари газеталарда моғор босиб ётди. Шундай пайтларда рўзғорни тебратиб турган Амина эрининг эркига бўйсунмасликни одат қила бошлади. Ўша куни ҳам у эрининг қистов-илтимоси билан ўчоққа олов ёққанига қарамай, мәҳмонарнинг кечки дастурхонига бир луқма ош эмас, бир товок заҳар олиб чиқди.

Хулласи қалом, Амин қулоғи тинч бўлиши учун — оға-инилари, ёр-дўстлари келишлари билан уларнинг кавушларини ўзи тўғирлаб қўядиган бўлди. Буни сезган яқинлари секин-аста Тошкентдан, Аминнинг уйидан оёқларини уздилар. Лекин Амин тез орада бир хақиқатни тушунди: эр-хотин бир-бирларини қанчалик севмасин ва ахил яшамасин, ўз қобиқларига



бурканиб яшай олмас эканлар; инсон ўз қалби ва хаётининг минг бир томири ила қўни-қўшнилари, ёр-биродарлари, қариндош-уруғлари ва хизматдошлиари билан шундай чамбарчас боғланган эканки, агар шу томирлардан бирортаси уэилгудек бўлса, инсон ҳаёти ҳам синган кўза сингари, парча-парча бўлиб сочилиб кетар экан.

Айниқса, Амин ўттиз еттинчи йилдан кейин кучайган, уруш йилларида ҳам ҳамон давом этган шубхаю гумонлар чангальзорида ўзини, ёлғиз, таянчсиз, заминсиз сезди. Қўкондан бирор кимса келгудек бўлса, у узокми-яқинми, бундан катъи назар, уни бағрига босишни, уйига етаклаб келиб, бир бурда қотган нонни бирга бахам қўришни истаб қолди. Аммо ўзидаги бу эхтиёж Амина кўзларидаги чақмоқ қаршисида чилпарчин бўлишини тасаввур этиб, дардини ичига ютди. Шундай қилиб, у ўз қалбida уякан бўшлик пайдо бўлаётганини сезмай қолди...

Шоир зоти, сиёсий тузум жиловдорлари наздида, қанчалик ночор ҳисобланмасин, оддий халкнинг кўз ўнгида, офтобда ётган ойна парчасидек, доим нур сочиб туради. Амин ҳам ўзидан шундай нур таратувчи шоирлар қавмидан эди. Бояги синик ойна парчаси юзлаб одамларнинг факат покиза бир қисмигагина сеҳрли туюлиб, унинг кўзларини қамаштирганидек, Амин ҳам, ўзи сезмаган ҳолда, бир муниса қизнинг меҳрини қозонди. Ёзувчилар уюшмасининг ҳисобкитоб бўлимида хизмат қилган бу оврўпалик қиз уюшмадаги Аминдан кўра кўркамрок, журъатлироқ ва истеъдодлироқ бошқа бир шоирга эмас, айнан унга меҳр боғлади. Аминдаги ички назокат ва руҳий порлоклик дастлаб унда хайриҳоҳлик уйғотди ва бу беозор туйғу бора-бора ўт-аланга олди. Амин

үйидаги хижолатпазликдан хийла ўксиниб янаётган эмасми, хоксор кишига сув билан хаводек зарур бўлган ҳурматни, қадр-киммат нархини шу яхши «харидор»дан топди. Алкисса, фалакнинг гардини билан улар ўртасида мухаббат нихоли пайдо бўлиб, у йил сайин эмас, кун сайин ўса бошлади. Баъзан бу нихол Инқилоб хиёбони¹да, баъзан Тельман но-мидаги истироҳат боғи²да гул ёзиб, ўзининг нимпуши-ти ҳарир баргчалари билан мухаббат боғини беҳай бошлади.

Ким билади, балки ана шу нихолни хали мур-фак пайтидаёқ кесиб ташланш ниятидами, Ҳамид Олимжон – Ёзувчилар уюшмаси раҳбари – Амин Умариини урушнинг авжи суронли кезларида Беко-бодда бошланган қурилишга юборди. У шогир-ди Мирмуҳсин билан ўша ерда кўп нусхали га-зета чиқариши, қурилиш янгиликлари ва меҳнат жабҳасидаги зафарлар билан қурувчиларни таниш-тириб, битлаб кетган, оч ва юпун оммани зарбдор меҳнатга ундаши, «илҳомлантириши» лозим эди.

Амин касалхонада ётар экан, Бекободда кўзи ол-дига терламадан нариги дунёга равона бўлиб кетган кишиларни эслади. Ўзининг ҳам улар оркасидан ке-тиши мумкинлигини ўйлаб, сўнгги марта Катяни, Катеринани кўришини ва у билан видолашибни их-тиёр қилди.

Катя эса Аминнинг бошига тушган савдодан ха-бардор, зарур бўлса, унга жонини бериш учун ўша кунлари касалхона атрофида парвона бўлиб юради. Лекин Аминага дуч келиш ва унинг дилига озор бе-ришдан чўчиб, палатага киришга ботинмади. Бирок

¹ Хозирги Амир Темур хиёбони.

² Хозирги Бори Эрам.

юрагидаги ишқ түфёни Амин тақдиридан хавотирланыш ва хунук гумонлар оташи авж олгач, бир куни олисдан Аминанинг уйга қайтаётганини кўрди-да, ўзини палатага отди. Навбатчи нима биландир ивирсиб турган экан, Катя тўғри палатага кириб, кўз ёшлигини дув-дув тўкканича Аминни қучоқлаб, унинг олов бўлиб ёнаётган бошини ўз бағрига олди. Амин бу бахтли дақиқаларга қанчалик муштоқ бўлмасин, Катяни ўзидан итарди:

— Катюша! — хаста овоз билан деди у. — Мен... оғир касалман... Юқ-қумли касал... Сенга юқиб... юрмасин... Сен мен учун... ҳам... яшаш-шинг... керак!

— Йўқ, йўқ! Сенсиз менга ҳаёт йўқ! — Катя Аминга баттарроқ ёпишди.

Шу пайт эшик очилиб, Амина кириб келди. У, чамаси, Катяни олисдан кўришга улгурган ва худди шу воқеанинг рўй беришини сезиб, ортга қайтган эди.

Жаҳолат ҳатто ўлим қаршисида ётган хастани ҳам аямайди. Амина ҳамма нарсани унутиб, роса томоша кўрсатди. Амин уни кучи етганича юпатишга, ҳеч гап бўлмагани ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигиги ни тушунтиришга уринди. Азбаройи қийналганидан қаро терга ботди. Иссиғи ҳаддан зиёд кўтарилиб, воқеанинг нима билан тугаганини билмади. Шу-шу ўзига келмади...

1942 йилнинг 13 ноябридан 14 ноябрига ўтар кечаси 30-йилларнинг гўзал шоирларидан бири Амин Умарий оламдан кўз юмди. 29 яшар шоирнинг қалб тори авж пардада узилди.

Усмон Носир, Иброҳим Назирий камалиб кетганинг ларидан сўнг ҳам бир гурух қўқонлик ижодкор ёшлилар Абдулла Қаҳхор бошчилигида Тошкентда, ахён-ахёнда бўлса-да, йиғилиб, сухбатлашиб турардилар. Амин ҳам, бошқа дўст-ёрлар ҳам Абдулла Қаҳхорни

«халфа» деб аташарди. Совук хабарни эшитгач, Амина нашриётга, «халфа» хузурига бориб, турмуш ўртоғининг бандаликни бажо келтирганини маълум килди. Сўнг икковлашиб 1 Май кўчасидаги Ёзувчилар уюшмасига, Ҳамид Олимжон олдига бордилар. Ҳамид Олимжон Амин Умарийдек чақнаб турган юлдузнинг қўққисдан сўнганига ишонмади. Бундан икки-уч кун аввал касалхонага қўнғироқ қилганида, унинг аҳволи дурустлашиб бораётганини айтишган эди.

— Аминахон, сиз қабулхонага чикиб, бир оз сабр килиб туринг. Кўриб турибман, ўзингизни йифидан тўхтатиб туролмаяпсизсиз. Биз унгача дафн маросими билан боғлиқ масалаларни ҳал килиб оламиз, — деди Ҳамид Олимжон. Амина хонадан чикқач, Абдулла Қаҳҳорга юзланди. — Аминнинг терламадан вафот этганига ишонгим келмайди. Унга энг яхши шифокорлар қараган, ахир! Марказқўм ҳам қўл қовуштириб турмади. «Ота»нинг ёзувчиларга меҳрибонлик қилишини яхши биласиз... Тағин... Амина рашк билан...

Абдулла Қаҳҳор тушунди. Ҳамид Олимжоннинг топшириғи билан уюшма ходимларидан бири касалхонага югурди.

— Тез бориб келинг. Жасаддан анализ олишсин. Натижасини тезроқ хабар қилсинлар. Кутаман.

Сўнг кимгадир қўнғироқ қилди:

— Насрullo, тез етиб келинг. Шошилинч иш чиқиб қолди. Амин Умарий...

Ҳамид Олимжон кетма-кет Усмон Юсуповга, бошқа раҳбарлар ва уюшма ҳайъати аъзоларига қўнғироқ қилиб, истеъдоли шоирнинг оламдан ўтганини хабар қилди. Кимнидир қабристонга, кимнидир тобутга юборди. Шу орада ҳаллослаб Насрullo Охундий ҳам уюшмага етиб келди.

— Абдуллажон, — деди Абдулла Қаҳхорга қараб, — дафн маросимиға Охундийни раис этиб белгиласак. У яхши ташкилотчи. Бунақа ишларнинг кифтини келтиради. Сиз марҳумнинг отаси қаторисиз, Насруллога ёрдам беринг. Союз¹дан чиқарамиз...

Ҳамид Олимжон комиссия аъзоларининг вазифалари ва дафн маросими тадбирларини белгилар экан, «элчи» ҳам этиб келди. Шифокорлар марҳумнинг заҳарланганини тасдиқловчи белгиларнинг хозирча йўқлиги, янги тиббий таҳлил натижаси эса уч-тўрт кунсиз маълум бўлмаслигини айтибдилар.

— Кўнглим сезиб турибди, — деди уюшма раиси безовталаниб. — Амина заҳарлаган. Хотин кишининг рашки даҳшатли бўлади...

Ундаги шубҳалар бошқаларга ҳам кўчди. Лекин ҳар не бўлса ҳам, аввал жасадни олиб келиб видолашиш, кейин сўнгти манзилга иззат-икром билан кузатиш лозим эди.

Орадан бир неча соат ўтгандан кейин марҳум шоирни тобутга солиб, уюшма биносига олиб келдилар. Марҳумнинг шеър ўқиганда икки томонга силкиниб, шалоладек оқиб тушадиган қоп-қора соchlари қиртишлаб олинган, сарғайган ва тўзғиган юзи эса мумдан ясалгандай сунъий бир тусга кирган эди. Куни кеча ёшлиқ ва гўзаллик балқиб турган шоирнинг бу сўлғин ва ўлик юзига кўзи тушган уюшма ходимлари додлаб юбордилар. Улар самимий хурмат қилган, сиймосида ҳақиқий зиёлини, олийжаноб инсонни мужассам этган шоир жонсиз, бирор ҳаёт нишонасисиз жисмга айланган эди.

Ҳамид Олимжон марҳумнинг бошига дўппи кийгизиб қўйишларини тайинлади. Амина довдираган ҳолда Ўрдага, уйига йўл олди.

¹ Уша йилларда Ёзувчилар уюшмаси «Ёзувчилар союзи» деб аталган.

Хайрлашувчилар сафи қалин бўлмади.

Бирор соатлик видолашувдан сўнг мотамсаро кишилар тобутни кўтариб, Минор қабристони сари йўл олдилар. Қабристон куз оғушида эди. Довдараҳтларнинг шох-шаббаларида марҳумнинг жонсиз юзидек қовжираган барглар омонат ҳилвираб турарди. Охундий мотам йиғинини очиб, шоир тўғрисида сўз айтганида ҳам, бошқа нотиклар марҳум шаънига видо сўзларини айтганларида ҳам шу тупроқ рангида кирган барглар, қора киприклардан оқиб тушаётган кўз ёшларидек, тинимсиз тўкилиб турди. Бир-икки қовжироқ япроқ тобут устига, марҳумнинг кўкрагида қовушган қўлларига келиб қўнди. Тирик чоғида бу қўллар Аминага, энди яширишнинг нима ҳожати бор, Катя-Катюшага ҳам гул элтишни севар эди. Энди бу меҳрибон қўллар ҳам, бу кузги япроқлар ҳам жонсиз...

Охундий бир оздан сўнг: «Бас, Катя! Ўзингни қийнама! Ҳаёт шунаقا. Яхшига кун йўқ, ёмонга ўлим... Кимdir олдин кетади, кимdir кейин... Аввалдан шу нарса бор. Ҳаётнинг бу темир қонуни олдиди инсон зоти ожиз», – деди. Аммо Катядан садо чиқмади. Охундий яна бир оз сабр қилиб тургач: «Майли, видолашгин. Лекин бу ерда узок қолма. Кун ботиб қолди», – деди ва бу манзарадан мутаассир бўлиб четда қараб турган Яшинни қўлтиқлаб, унсиз йўлга тушди.

Орадан бир неча соат ўтгач, осмону фалак кўз ёшларидек сўник ва ғамнок юлдузлар билан тўлди. Бу маъсум юлдузлар Катя билан бирга тонгга қадар шоир қабри устига кўз ёшларини тўқдилар.

Эртаси, тонг отиши билан, Қўқондан Амин Умарийнинг оға-инилари етиб келишди. Улар қабристонга кириб келишлари биланоқ «Вой, акам!», «Вой,

укам!», «Вой, жигарим!» деган фифону нолалар теварак-атрофни тўлдириб юборди. Шу пайт қабр усти астагина, сезилар-сезилмас силкиниб, дўнгдан бир-икки сиқим тупрок пастга сочилиб тушди. Сўнг аллақаердан ҳарир толалардан иборат оқиш бир дуд пайдо бўлиб, фарёд кўтарган кишилар атрофидагох кичрайиб, гоҳ одам бўйи чўзилиб, сузиб-парвона бўлиб турди. Мусибат ўтида ўртанган марҳумнинг жигарлари бу сирли, ҳолни сезиб-фаҳмлаб улгурдиларми-йўкми, аммо, чамаси, киндик қони тўкилган тупроқни, ота-онаси ва кариндош-урӯларини, шу азиз кишиларнинг ҳатто йиғлаган овозларини ҳам соғинган шоир руҳи улар билан учрашиб, видолашмокда эди...

ТАРАДДУД

Адҳам Ҳамдамнинг ўқтин-ўқтин Тошкентта келиб, дўст-ёрлари билан учрашиб туриши ҳар икки томон учун байрамдан ҳам аъло воқеа бўлган. Шунинг учун бир думалаб водийлик бўлиб олган йигитнинг республика ёш ёзувчилар семинари тугаши биланоқ кечки поездга тушиб, Фарғонага кетишини дўстларидан ҳеч бири истамади. Унинг ўзи ҳам киндик қони тўкилган шаҳарнинг ҳавосига бир-икки кун тўйиб кетишини чин қалбдан истарди... Хуллас, дўстларининг таклифи билан шу куни у Сайд Ахмаднинг уйида ётиб қоладиган бўлди. Ва, келишувга биноан, эрталаб икки ўрток ҳатто нонушта ҳам қилмасдан (зиёфатга борадиган одам нонушта қилиб ўтирадими!), йўлга тушишди. У пайтлар Тошкент кичкина шаҳар эмасми, ҳеч ким трамвай-прамвай қилиб ўтирмасдан, шаҳар вокзалига ҳам пиёда бориларди.

Икки оға-ини шошмасдан, ҳангомалашиб Лайли тўғонга етиб борганида, маҳалла болалари аллақачон

сойда қийқира-қийқира, сув соча-соча чўмилишаётган эди. Адҳам Ҳамдам билан Саид Аҳмад сой бўйида ўтган болалик дамларини, Солих Қосим билан қилган шўхликларини эслаб, кула-кула манзилга етиб бордилар.

У пайтларда боғ ҳовли эшиклари кечаси ҳам, кундузи ҳам ёпилмас эди. Улар боққа кириб борганинг ларида, эшик ланг очик, Туроб Тўла шимининг почаларини қайириб олиб, ҳовлига сув сепаётган, икки кўлинини белига тираган Рамз Бобожон шеър ўқиётган одамдай осмонга қараб турар, Шукрулло эса ниманидир ҳовли ўртасидан оқаётган арикка қўяётган эди. Ҳамма ўз иши билан банд бўлгани учун меҳмонлар тисланиб, эшик томонга қайтдилар-да, улардан бири ўша ерда туриб: «Хой, ким бор?» деб қичқирди. Ичкаридан: «Кела бермайсанларми! Ё чиқиб, пойларингга пояндоз солайми? Ўзларинг келиб турган боғ!» деган овоз келди. Икки ҳазилкашнинг ўйлаб қўйган ҳазили чиқмади, шекилли, секингина кириб келишди.

— Хой, Рамзиддин, осмонга қараб гўдайиб турмасдан, эшикка чиқиб, мени бўлмаса ҳам, фарғоналик азиз меҳмонни қўл қовуштириб: «Ассалому алайкум! Хуш келибсиз!» деб кутиб олсанг бўлмайдими?! Нима, кўчада колган болами бу? Кимсан Адҳам Ҳамдам, Фарғонанинг эркатойи! Колаверса, ўзим ҳам чакана ёзувчи эмасман! — деди Саид Аҳмад ҳазиллашиб.

— Мен сенларни барвакт келиб, мени эшикда қўл қовуштириб кутиб олишади, деб ўйлаган эдим. Сенинг-ку тагинг паст, мен, кимсан, Очил коммунистнинг невараси бўламан, ахир! — бўш келмади Рамз Бобожон.

— Бобонг билан кўп чиранаверма! Коммунист бўлса ҳам аллақачон ернинг тагида ётибди, партбилетини қучоқлаб. Менинг бобом Дума бўлган. Дума дегани коммунист деганидан баландрок бўлган.

— Ҳой, ҳой, бас қилинглар! — деди Туроб Тўла челягини ерга қўйиб. — Дўппининг тагида одам бор. Тинч келиб, тинч кетайлик!

Сайд Аҳмад ўзидан хавотирланиб, у ёқ-бу ёқни караб келди. Сўнгра Туроб Тўлага яқинлашиб, секингина:

— Тўғри айтасан, дўстим. Билиб бўлмайди. Тилимизга эҳтиёт бўлганимиз яхши, — деди.

— Ҳа, ховуингдан туш. «Ҳазил — ҳазилнинг таги зил», дейишган боболаримиз...

Сайд Аҳмад Рамз Бобожоннинг сўзларига жавоб бермоқчи эди, ўзини тийди: «Гулдир-гуп» — имо килди Туроб Тўла.

Мирмуҳсин қўшни нонвойнинг уйига чиқиб кетган экан, бир сават иссиқ ион кўтариб келди. Иссиқ тандир нонидан тотли ва лаззатли нарса йўқ дунёда! Ҳамма Мирмуҳсин қўлидаги саватга ёпишиб, ўша ернинг ўзида бир неча нонни тинчтди. Кейин иссиқ нонни ариқ сувига ботириб ейиш лаззати ёдларига тушиб, бир-иккита нонни ушлаганча ариқ ёқасига келишди.

Ариқ қайси боғдан ўтиб келган бўлса, шу боғдан тўкилиб тушган мевалар «эга»сининг қўлига етиб боргунича ҳовлима-ҳовли оқиб ўтар эди. Бугун Мирмуҳсиннинг боғи дўстлари билан гавжум бўлгани ва улар ариқ бўйидаги супада йиғилиб ўтирганлари учун улар аксар меваларни ўз қўллари билан ушлаб олдилар. Бу қирмизи олмалар, улар назарида, дараҳтлардан тўкилиб ариқда ўзи оқиб келган мевалар эмас, балки қўшни боғлардаги гўзал қизларнинг уларга — ёш шоирларга атайнин оқизиб юборган дил совғалари эди.

Улар Тошкентнинг эрта куз кунларида салқин ариқ бўйидаги супада ўтириб, узок гурунглашишди. Семинар таассуротлари билан бошланган сухбат Москвада ўтажак ва улар қатнашажак бутуниттифоқ

ёш ёзувчилар семинари билан, у ерда бўлажак учрашувлар ва Москвада, рус тилида чиқажак китоблари билан уланиб кетди. Шеърлар ўқилди, қизлар оғиздан тушмади. Ва, албатта, ариқда музлатиб қўйилган шишалар бўшатилди.

Шундай пайтда дунё инсоннинг кўзига жаннат бўлиб қўринади. Балки, дунё чиндан ҳам, жаннатнинг ўзидир. Мана, ҳозир ҳам мовий осмон тагида, дов-дараҳтлари шифил мева билан қопланган боғда, кавсар сувлари оқиб турган ариқ бўйида гурунг килиб ўтирган, ёшлик кучи, завқи ва орзулари билан тўла шоирлар учун дунё жаннат эмасми?! Бундан ортиқ жаннатни қаердан топасиз, қаердан?!

– Ҳаёт – қандай гўзал-а! – деди Рамз Бобожон.

– Энди билдингми ҳаётнинг гўзаллигини! – гурунгта қўшилди кечикиб келган Шухрат. – Ҳаёт гўзал бўлганлиги учун Навоийлар, Гётелар, Пушкинлар жўшиб-ёниб ўлмас асарларини ёзишган!

– Мана, биз ҳам ҳаёт гўзал бўлганлиги учун жўшиб-тошиб шеър ва достонлар ёзмокдамиз, – деди Мирмуҳсин.

– Аммо ҳали бизнинг ўлмас асарларни ёзишимизга бор, – деди Туроб Тўла ўксингандек бўлиб. – Ҳали ҳеч ким менинг ё (Мирмуҳсинга қараб) сенинг шеърларингни ёдлаб, маза қилиб ўқиб юрганини кўрмаганман. Эсингдами, Усмон Носирнинг шеърларини ёшлар ёддан билишарди. Ёдан ўқишарди. Севиб, севиниб ўқишарди!..

– Келинглар, Усмон Носирни сухбатга аралаштириб, бошимизга бало орттирмайлик, – деди Рамз Бобожон.

Сайд Аҳмад Адҳам Ҳамдамга сирли бир назар ташлади. Буни сезган Туроб Тўла:

– Бирор сир борми ўртангларда? Бор бўлса, бизлар ҳам билайлик, – деди.

– Адҳам, кечаги гапингни айт, – деди Сайд Аҳмад дўстига қараб.

Адҳам Ҳамдам «қандай бўларкин», дегандай хийла ўйлаб, сўнг паст овоз билан деди:

— Яқинда Ашурали Зоҳирй қайтиб келди. Ўн йилга ҳукм қилинган экан. Муддатини ўтаб, мулла бўлиб, оиласи бафрига қайтиб келди. Унинг айтишича, ўн йилга кесилганларга жавоб берилаётган эмиш. «Усмон Носир ҳам, худо хохласа, қайтиб келади», деди.

Давра, кутилмаганда, нафас олмай қолди. Сўнг бирдан ҳамма ўзича ниманидир гапира бошлади. Худди спектакль бошланишидан аввал оркестр ти-пирчилаб қолганидек. Кейин ҳамманинг кўнгли бирдан ёришиб, «ура!» деб юборди.

— Худо хохласа, Усмон Носир ҳам келади!.. Совет давлати —adolatпарвар давлат! Усмон Носирни ёшлик қилиб айтиб юборган гапларини кечиради, — деди Туроб Тўла.

— «Усмон Носир Сталинга хат ёзиб, уни кечиришини сўраган. Сибирда ҳам Сталинни, совет давлатини олқишлийдиган шеърлар ёзган», деган эди Абдулла Қаҳҳор. Шундай шоирни совет давлати кечирмай, кимни кечиради! — деди Шухрат рухланиб.

— Усмон Носир келса, яна бизни атрофига тўплаб, зўр шеърлар ёзишга ундейди. Шеъриятимиз яна гуркираб кетади, — деди Шукрулло.

— Озодликка чиқкан шоирларимизни муносиб кутиб олиш лозим. Усмон Носирни биз кутиб олмасак, ким кутиб олади! Оиласи Кўқонга кетиб қолган бўлса... — деди кимдир.

— Тўғри айтасан! Келинглар, ўйлаб кўрайлик. Усмон Носирни шундай кутиб олайликки, у бошидан ўтган балоларни унутиб, кўнглида қолган аламларни чиқариб, яна жўшиб шеърлар ва достонлар ёзсин, таржималар қилсин! — деди Туроб Тўла.

Шукрулло ўрнидан туриб, ариқ бўйига келдида, худди саҳнага чиқкан артистдек ғоз туриб, «Нахшон»ни ўқий кетди:

*Боғларга намозгар
Салқини тушди,
Гуллар нам баргини
Қайирди аста.
Күёш ҳам сув ичар
Тоглардан пастда,
Лоладек қип-қизил
Үт-шафақ үчди...
Күз тутдим,
Күзларим нигорон бўлди;
О, Дилбар,
Симбарим, юзлари қирмиз,
Киприги кўксига
Соя солган қиз,
Күз тутдим,
Юрагим тўла қон бўлди...*

Боғда, ариқнинг шилдираб окишига ҳамоҳанг ҳолда Усмон Носирнинг гўзал сатрлари жаранглаб, кўкда потиллаб ўйнаётган кабутарлардан учган парлар каби, арши аълога кўтарила бошлади. Шукрулло ҳали тугатмай туриб, достоннинг қолган қисмини усмонона овоз билан Неъмат Тошпўлат ўқишига тушди:

*Сен келдинг,
Кўнглимга сув каби оқдинг.
Сен келдинг,
Руҳимда яаш бошланди,
Севинчдан кўзларим
Беҳол ёшланди,
Сен келдинг,
Шеъримга чечаклар тақдинг.
Сен келдинг,
Ваъдамга вафодор малак,
Оппоқ кўнглингними
Сийпалаб ўпай?*

*Қора сочингни ми
Сийпалаб ўрай?
Ваъда этайнини,
Сенга деб фалак?..*

У ҳам ҳали хумордан чиқмасдан даврада Тураб Тўланинг овози янгради:

*Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим...
...Итоат эт! Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил, майли, тамом ўлсам!..*

Кимдир «Демон»ни ёддан ўқий бошлади:

*Қувгинди руҳ, қайгули Демон
Гуноҳкор ер узра учарди.
Масъуд кунлар хаёли шу он
Кўз олдидан бир-бир ўтарди.
Малак эди тоза ва маъсум,
Хандон эди ариши аълода,
Хатто юлдуз мовий самода
Айлар эди унга табассум...*

Шеърият шаробидан маст бўлган даврада кимнинг тингловчи, кимнинг шеър ўқувчи эканини билиш қийин эди. Ҳамма айни пайтда ҳам ўқувчи, ҳам тингловчи эди. Тўғрироғи, тингловчи йўқ эди. Бадоҳатан бошланган мушоирага Шухрат ҳам, Рамз Бобожон ҳам, Мирмуҳсин ҳам қўшилдилар. Кўшилмаган одам қолмади. Давра кўтаринки кайфият қушлари қанотида осмонга талпингандек бўлди.

Нихоят, шеърий вакханалия тугагандек бўлди.

Куни кеча номини ҳам тилга олиш хавфли бўлган буюк шоирнинг ўн йиллик жазо муддатини ўтаб,

она юртига соғ-омон қайтиши, давра назарида, ўзбек халқининг улуғ кунларидан бири бўлиши, халқ ҳам, Усмон Носир ҳам шу кунни бир умрга эслаб қолиши лозим эди. Давра шу куннинг Ўзбекистон учун тарихий кун бўлиб қолишини истаб, режа тузишга киришди.

Маълумки, собиқ маҳбуслар поездда эркинликда яшаётган кишилар билан бир вагонда келишади. Афсуски, Усмон Носирнинг қачон ва қаердан келиши номаълум. Давра бир пайтлар унинг Магаданга юборилганини эшитган эди. Сталинга хат ёзганидан кейин, у ўша ерда қолдирилганми ёки бошқа лагерга этап қилинганми – бу ҳам маълум эмас. Ҳар қалай, Усмон Носирни вокзалда кутиб олишнинг иложи йўқ. Аммо унинг озод бўлиб келиши беиз кетмайди. «Усмон Носир келди?», деган хушхабар бир зумда тарқалади. Бу хабарни эшитиш билан уни топиб, зиёрат қилиш – биз, шогирдларининг бурчимиз. Ва, албатта, Ёзувчилар уюшмасида Усмон Носирнинг она ватанига, ўзбек шеърияти бағрига қайтиб келиши муносабати билан учрашув кечасини ўтказиш лозим. Бу ҳам бизнинг бурчимиз...

...Боғни кесиб ўтган, икки қирғоғида гулсафсарурайхонлар ўсган ариқдан оқиб келаётган олмалар ҳам тўхтади. Бу олмалар ўрнига ботаётган қуёшнинг сўнгги олтин нурлари ўйнай бошлади.

ДОСТОНГА АРЗИЙДИГАН ҚЎШИҚ

«...Собирнинг тўйи куни ҳаво очик, бирон ерда бир парча кор ҳам кўринмас эди. Ҳатто кишининг кирчиллама кунларига қарамай, шамол, худди илк кўкламдагидай, илик ҳаво пуркар, яланюч дарахтлар қуёш нурларидан баҳраманд бўлиб, уйғониш орзуси билан товланар ва шовуллар эди...»

Адіб шу сўзларни ёзгач, денгиз узра эсан салқин куз шабадасининг хонага – очик деразалар оша – дарпардани ўйната-ўйната кириб келганини кўрди.

Ташқариде ноябрь кезиб юрарди. Бу пайтда Кисловодскда қор ёғмайди. Ўшанда ҳам қор йўқ эди, шекилли. Балки ёмғир ёғиб, эриб кетгандир. Ҳар ҳолда қандайдир тантанавор кайфият ҳукмрон эди...

Унинг хаёлидан тўрт йил илгариги воқеа бирмабир ўтди.

Адиб ўша куни қаергадир бормоқчи бўлиб хонадан чиқди. Аммо йўлакда Порсо Шамсийни кўриб қолиб, гапга тутинди. Улар нима ҳақдадир сұхбатлашар эканлар, Порсо ака бир чеккада Музайянанинг сұхбат ниҳоясини кутиб турганини сезди.

– Сизни кутиб турганга ўхшайди, – деди у Ойбекка фира-шира йўлакдаги Музайяна Алавияни кўрсатиб.

Адиб сұхбатни тўхтатиб, Музайянага юзланди:

– Менда ишингиз борми? Келинг, кулогим сизда, Музайянахон!

Музайяна худди шу сўзларни кутиб тургандек, дарҳол муддаога кўчди.

– Эртага бозор куни экан, – деди у Биби турган томонга имо қилиб, – бизларни меҳмонга чақиришаяпти. Маллин домла кўй сўймоқчи эканлар.

– Ниманинг шарафига?

– Чамаси, фронтдан келаётган хушхабарлар шарафига.

– Ха, азамат жангчиларимиз Польша тупроғидан ўтиб, нақ аждарҳонинг уясига қараб жадал суръатлар билан кетишаяпти. Кўй сўйса арзидиган янгиликлар, – деди адиб.

– Агар бошқа зарур ишингиз бўлмаса, биз билан бирга Маллин домланинг уйига борсангиз, бошимиз осмонга етарди. – Музайяна шу сўзларни айтгач, Порсо акага қараб деди: – Сизни ҳам, домла, Бибининг номидан таклиф этамиз. Даврамиз бут бўлади.

Порсо ака бундай давраларни хуш кўрса ҳам, бозор кунига мўлжаллаган юмуши борлигини айтиб, узр сўради.

Эртаси куни Тил ва адабиёт институтининг Ойбек бошлиқ бир гурух ходимлари Бешёоч даҳасидаги Профессорлар уйига ташриф буюришди. Раҳматулла Маллин рафиқаси Биби Сатторова билан қўй сўйиб, хизматда бўлдилар. Ойбек биринчи қадаҳни ғалаба учун, бундан икки йил аввал Москва бўсағаларида кўргани ўзбек жангчиларининг соғ-омон Берлинга кириб боришлари ва она юртларига ғалаба билан қайтишлари учун кўтарди. Озгина газакдан кейин Ходи Зариф сухбатни илиб кетди. Сухбат бир жойга борганда, адаб Музайяна опага мурожаат этиб:

— Музайянахон, биз эркакларни худо гапга, ширин сўзларни айтишга яратган. Ҳар икки самимий ниятнинг ўртасида биттадан қўшиқ бўлиб турса, яхши бўлармиди? Эшитишимча, сиз ҳалқ қўшиқларини шунақанги йиғилишларда айтиб юрар экансиз. Шулардан бирини хиргойи қилсангиз. Шояд сиздан кейин Хосиятхон ҳам бирорта ашула айтиб берса.

Хосият Комилова қўшиқ айтиш навбати ўзига ҳам келиши мумкинлигини сезиб, гапни бурди:

— Музайянахоннинг касблари — қўшиқ, «ёр-ёр», лапарларни йиғиши. Шу ишлари учун ойлик оладилар. Қўшиқ тўплашни биладиган одам куйлашни ҳам, албатта, ўринлатади.

Ҳозир бўлганлар Музайяна опани қистовга олдилар. «Ойбек аканинг гапларини ерда қолдирманг!», «Кани, «кандидатлигингиз» тайёр бўлиб қолган ё қолмаганини бир кўрайлик!» деган хитоблар бўлди. Мехмонларнинг аксари Музайяна опанинг таклифи билан келганлиги учун улар раъйига қараш лозим эди. Музайяна опа овози йўқлигини айтиб, хиргойи килишга рози бўлди. Шовқин-сурон кўтарилиб турган хона дафъатан сукунат оғушига чўмди. Ва шу

сукунат денгизидан халқ қўшикларининг марварид доналари отилиб чиқа бошлади. Музайяна опа майин овози билан оҳиста хиргойи қиласди:

*Кайси чамандан жиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким дамидан тушди ўт жоним аро, ёр-ёр...*

— Яшанг, Музайянахон, туппа-тузук овозингиз бор экан, бирга ишласак ҳам шу пайтгача билмас эканмиз-а, — деди Ҳоди Зариф мамнун бир ҳолатда.

Музайяна опа кутилмаган мақтовдан хижолатга тушиб, «ёр-ёр»нинг кейинги сўзларини унутиб қўйди. Сўнг Ойбек аканинг қистови билан янги «ёр-ёр»ни бошлади:

*Андижонда ўт ёқсам, Ўшда тутун,
Ёр-ёр, Ўшда тутун,
Шу дунёда бормикан бағри бутун,
Ёр-ёр, бағри бутун.*

*Шу дунёда бор бўлса бағри бутун,
Ёр-ёр, бағри бутун,
Коғоздан қозон қилаӣ, гулдан ўтин.
Ёр ёр, гулдан ўтин...*

«Ёр-ёр» сўзлари Музайяна опа оғзидан нафис халқ куйларига ўралиб чиқар экан, адаб хаёли олис болалик йиллари томон учди. У ўзи гувоҳ бўлган тўйларни, хотин-қизларнинг «ёр-ёр» айтиб, келин олиб келишларини эслади. Унинг назарида, ўзбек халқи ҳаётининг, тўй маросимларининг, она алласидек доимий гўзал ҳамрохи бўлган «ёр-ёр» сўнгги йилларда унутилиб бораётган ва бу ачинарли ҳол халқ руҳининг секин-аста сўниб бораётганидан дарак бергаётган эди.

Музайяна опа қўшиқни тугатгач, олималиги тутиб кетиб, ҳозиргина айтган «ёр-ёр»ни шарҳлашга киришди:



– Бу қўшиқдаги тутуннинг чикиши ҳар жойда ҳар хил, – деди у. – Гоҳ кошонанинг ичидан, гоҳ Кўк мачитнинг ичидан, гоҳ чимилдиқнинг ичидан чиқади...

Олима Ойбек акага қараб қўйди. Хаёл оғушидаги адаб унинг «тутун» ҳақидаги сўзларини эшитмаган эди. Музайяна опа ўзини ваъзхонликка ноўрин ўтган ҳисоблаб, хижолат тортди. Буни сезган Ҳоди Зариф олимага бошқа «ёр-ёр»ни айтишни таклиф қилди:

– Музайянахон, Александр Константинович яхши кўрадиган қўшиқни айтинг!

Ўзбек тилини сувдек билган профессор Боровковнинг номини эшитиб ҳушёр тортган адаб Ҳоди аканинг таклифини қўллаб-куватлади. Музайяна опа «Сайри булбул» куйида айтиладиган қўшиқни секингина куйлай бошлади:

*Юқоридан мен келаман, биласанми, ёр-ёр,
Дастрўмолчам кирларини ювасанми, ёр-ёр?
Дастрўмолчам кирларини ёмгир ювсин, ёр-ёр,
Сенга ошиқ бўлганимни ўзи билсин, ёр-ёр.*

*Кошларингнинг оросига қўйгин мени, ёр-ёр,
Ошиқликнинг бозорида сотгин мени, ёр-ёр.
Ошиқликнинг бозорида олмасалар, ёр-ёр,
Кипригингдан ўқлар ясаб отгин мени, ёр-ёр...*

Бу қўшиқ адига, жуда манзур бўлди. У ҳатто ҳеч кимга билдирамасликка уриниб, дастрўмоли билан қизарган кўзларини артиб қўйди.

– Бир достонга арзийдиган қўшиқ! – деди у ҳайратда. Сўнг Музайяна опанинг ёнига бориб, ёз демай, киш демай, онам демай, болам демай кишлоқма-кишлоқ, вилоятма-вилоят кезиб, қанчадан-қанча пойабзалларни тешиб, ёш келинлар, кекса кампирларнинг тили ва дилида яшаган, улар билан бирга қора

ер бағрига кириб кетадиган күшиқларни ёзиб олишга азиз умрини бағишлиған аёлнинг кумуш соchlарини силади. Бундай хурматта кўникмаган Музайяна опа адибни ота ўрнида кўриб, бошини унинг кўкрагига кўйди. Ойбек энди унинг елкасини силар экан, деди:

– Раҳмат, Музайянахон! Саломат бўлинг. Ҳали ёзувчиларимиз сизнинг атрофингизда парвона бўлишиб, шундай қўшиқларингиздан баҳра олишади.

Ходи ака ўзбек халқининг бундай ажойиб қўшиқлар, эртаклар, достонларга бой халқ эканлигини фурур билан айтиб, замонавий шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларида улардаги ширанинг йўқлигидан шикоятланиб деди:

– Ўзлари шундай қўшиқларни ёза олмаганларидан кейин, жуда бўлмаса, халқ ижоди хазинасидаги жавоҳирларнинг қадрига етсалар қанийди. Ҳолбуки, бу қўшиғу лапарларда қандай ажойиб сўз ўйинлари, лутфлар, кочиримлар, поэтик образлар бор. Уларни, улардаги шеърий маҳорат сирларини ўрганиш лозим!..

Шу пайт дастурхонга янги сўйилган қўй гўштидан тайёрланган қовурдок тортилди. Таомил бўйича қовурдок олдидан янги қадаҳ сўзи айтилиши лозим эди. Хонадон соҳиби Ойбекдек улуғ инсоннинг ташрифидан боши осмонга етганини айтиб, унинг соғлиғига қадаҳ сунмоқчи бўлди, аммо адиб ўрнидан туриб, унинг сўзини кесди:

– Азизлар! Олим ва олималар! Ҳозиргина Музайянахон куйлаган қўшиқ сўзларини манман деган шоирлар ҳам ёза олмайдилар. Бундай бадиий баркамол асарларни Ҳалқдек улуғ талант эгасигина яратиши мумкин. Бундай дурдона асарларни башарият маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган халқларгина яратади... Шундай ўлмас бадиият дурдоналарини яратган, бугун эса қаламини қиличга айлантириб, фронтда жон олиб, жон берадиган халқимиз учун олайлик!..

Айрим чанқоқ лаблар шиша идишчалар сари тал-пинди. Аммо адіб сўзида давом этди:

— Худо хоҳласа, яқин кунларда фалокатли уруш хам тугайди. Беш йил азоб-уқубат ичида яшаган, беш йил фронтда ҳалок бўлган фарзандлари учун мотам тутган ҳалқимиз яна «ёр-ёр»лар айтиб, тўйлар қиласи. Биз ҳозир ана шундай тантанали кунларнинг репетициясини қиласяпмиз. Фалаба байрами арафасидаги репетиция. Илохи Берлин бўсағаларида курашашётган фарзандларимиз ота-оналари бағрига, бизнинг бағримизга соғ-саломат етиб келсинлар! Уларнинг тўйларида шундай «ёр-ёр»ларни айтайлик!..

Шу сўзлардан кейин қўшиқ садолари янграй бошлади...

...Адіб шабада учирган варакларни йиғиб, яна ёзишга киришди.

Собир билан Анорахоннинг тўйи тасвири нима учундир чўзилиб кетди...

Мана, нихоят, адіб тўйга келган меҳмонларни «жой-жойларига ўтқазиб», «ёр-ёр» сахнасини ёзишга яқинлашиб қолди...

«...Ўқтам ширақайф бўлиб, саксон отадан бошлаб, то раиснинг тиззасида шўхлик қилиб ўтирган кизча – олтин сочли Юлдузнинг бахти ва соғлигини тилаб яхши ниятлар билдириди...»

Адіб хаёлидан яна Раҳматулла Маллин хонадонидаги меҳмондорчилик ўтди.

У тўй маросимиини тасвирлашда давом этди:

«Хушчакчак мажлис узоқ давом этди. Нихоят, паловдан кейин меҳмонлар ҳовлига тушди. Машъалалар билан кундуздай ёритилган кенг сахнада қийқирикли шўх «чилдирма базм»и бошланди. Дастреб даврага Ҳакима тушди. Хиёл ўтмай, ўнлаб қиз-жувонлар, ҳатто уятчан Анзиратгача чирмандаларнинг қасирғали

садолариға берилдилар, атласларнинг рангли оловларини чамандай яшнатиб, рақс эта кетдилар...

Раксдан сўнг, ниҳоят, юзларча колхозчи аёллар «ёр-ёр» айтишди – ўзбекларда қадимдан қиз тўйларининг ҳусни, безаги бўлган қўшик!..»

...Адиб романни тугатиб, Тошкентга қайтгач, қўлләзмани кўчиришни рафиқаси Зарифа опага буюрди. «Ёр-ёр» матнини эса Музайяна Алавиядан олиб қўшишни тайинлаб, қаламкаш биродарлари билан бирга Покистонга учди.

МУБОРАК ИМЗО

...У Ишчилар шаҳарчасигача шиддат билан борди. Адиб, унинг назарида, қўлидаги ёстиқдек китоб қўлләзмасини кўриши билан бағрига босиб, елкалариға қўли билан уриб-уриб: «Баракалла! Ўлманг, йигит! Улуғ иш қилибсиз!» дея табриклиётгандек туюлди. Аммо шу заҳотиёқ хаёлидаги ишонч осмонини кора булутлар қоплагандек бўлди: «Ахир адибни хаста, дейишаяпти... Кўр бўлгурлар шундай девқомат одамини тўшакбанд қилишибти-я!.. Қўли ҳам, тили ҳам яхши ишламасмиш... Ўзи мададга, шафқатга муҳтож кишидан ёрдам сўраб бораяпман-а!.. Уят эмасми, Тўхтасинбой!..»

Шу ўй-хаёл уни тўхташга мажбур этди. Орқага бир-икки қадам ҳам ташлади. Бироқ шу пайт унинг ичидан ўзга садо чикди: «Агар хасталиги чиндан ҳам оғир бўлганида, хатто етти мучали соғ қаламкаш биродарларидан ҳам кўпроқ ишлаётган, янги-янги ижодий режалар билан яшаётган бўлармиди, Тўхтасинбой?!..»

У яна олға юрди. Фикрлар ва туйғулар кураши-

да, нихоят, манзилга етиб борди. Кўнғироқ овозига Зарифахоним чикди. Тўхтасин иймана-иймана мурод-мақсадини айтди. Зарифахоним бир оз хаёлга ботган ҳолда:

— Домланинг тоблари йўқ... қандай бўларкин?.. — деди секингина.

Бу, «Бекор келибсиз. Хаста одамнинг олдига ёстиқдек қўлёzmани кўтариб келиш унга озор бериш билан баробар эмасми? Уни шу ахволга солгандари каммиди?» деган дашном эди. Тўхтасин Зарифахонимнинг сўзларини эшитиши билан, бошини эгди-да:

— Домланинг тоблари йўқлигини биламан... Аммо у кишининг йилига биттадан китоб ёзаётганларидан ҳам хабардорман. Бинобарин, китоб ўқишлари ҳам мумкинdir, деган умид билан келувдим, — деди маъюсланиб.

Зарифахонимнинг юзига енгил бир табассум юурди. Бу табассумда айни пайтда мамнуният ҳам, ташвиш ҳам бор эди. Тўғрироғи, аввал мамнуниятнинг яшил чироги кўринди. Аммо бу чироқ бир зумда сўнди-да, ташвишнинг қип-қизил чироги ёнди-қолди. Тўхтасин анойилардан эмасди. Зарифахоним унинг кайсаrlигини кўриб, қўлидаги қўлёzmани олди.

— Майли, сизни ҳам тушуниб турибман... Бир ҳафтадан кейин хабар олинг, — деди майин, аммо қатъий овоз билан.

Тўхтасинга бундан ортиқ илтифот керак эмасди. У ташаккур айтиб, адига сиҳат-саломатлик тиладида, қушдек енгил бўлиб изига қайтди.

Бир ҳафта бир йилдек узоқ чўзилди. Куз бошланганига қарамай, ҳали кун қисқармагани ёки унга шундай туюлгани учунми, ҳар ҳолда, кун чиқишидан кун ботишига қадар бўлган кузнинг заъфарон кунлари нихоясиздек туюлди унга. Аммо у бир ҳафтанинг ўтишини қанчалик орзиқиб кутган бўлмасин, ўзини яна бир оз сабр килишга мажбур этди. У беш юз сахифалик қўлёzmани ўқиб чиқиш хаста киши учун

жабрдан бошқа нарса эмаслигини тушунган эди. Яна бир ҳафта кутиб, кейин таниш ва қутлуғ маскан сари дадил йўл олди.

Тўхтасин Жалолов (хикоямиз қаҳрамонининг исм-шарифи шундай) адиб хонадонига кириб, у билан салом-алик қилганидан сўнг, қўлёзманинг майдонга келиш тарихини ҳикоя қилмоқчи эди, аммо Ойбек қатағон тегирмонидан омон чиққан кишини кўриши билан кўзлари чақнаб, ўтқазгани жой тополмаган кишидек, тараддуға тушди. У ташки дунёдан қарийб узилгани учунми ё дилига яқин кишилар билан камроқ мулоқотда бўлгани учунми, бундай кимсаларни кўрганда меҳр туйғулари тошиб кетар эди. Бунинг устига, у меҳмоннинг хайрли ишга қўл ургани ва бу ишни қойилмақом қилиб бажарганидан бенихоя хурсанд, тошқин ҳаяжонда эди. Дастурхон ёзилгач, меҳмонни чойга таклиф этди ва унинг интиқ кўзларига қараб:

— Яхши, яхши!.. Жуда яхши китоб!.. Соз!.. — деди.

Тўхтасин Жалолов бундан ўн йил аввал бўлиб ўтган воқеани айтмоқчи эди, аммо айттолмади. Ўшанда Юнус Латифнинг уч шоира ҳақидаги мақоласини ўқиган Ойдин опа кимни кўрса, ўшандан ўзбек шоиралари тўғрисида маҳсус асар ёзишни илтимос қиласар ва бу китобнинг тайёр қисмларини «Ёркин ҳаёт» журналида пешма-пеш эълон қилиб боришига ваъда берар, аммо, баҳтга қарши, бу муборак ишга бел боғлайдиган одам анқонинг уруғи эди. Фақат Тўхтасин Жалоловгина мухаррирнинг шу илтимосини бажаришига ваъда берган эди. Афсуски, у Ойдин орзу қилган китобни ёзишга эндиғина чоғланганида қатағон карвони уни кажавасига солиб, дашту биёбонларга олиб кетди. У олис сафардан омон қайтгандан сўнгина ўша ниятнинг рўёбига киришиди. У дастлаб Зебуннисо давридан XX асргача

яшаб ижод қилган ўзбек шоирлари ҳақидаги китобининг биринчи қисмини ёзиб тугатди. Аммо унинг манглайидан ҳали ҳам мудхиш тамға излари кетмаган экан, бу китоб нашриётларнинг темир эшикларини очиши учун уни ўқиб, оқ фотиха берадиган бирор мард топилмади.

«Агар ҳазрат Навоий бўлганларида, фақат у кишигина менга мадад беришлари мумкин эди... Модомики, Ойбек домла бугуннинг Навоийси эканлар, шояд шу киши мададкорим бўлсалар», – деб ўйлади Тўхтасин Жалолов. У шундай ўю умидлар билан ҳожатбарор манзилга борган эди. Китобнинг ёзилиш тарихини ҳам, мезбоннинг ёрдамига муҳтожлигини ҳам айтишга ўрин қолмади. Хаста адаб гоҳ чалачулпа айтилган сўзлар билан, гоҳ сермаъно имоишоралар билан унинг кўнглини олишни, сийлашни, меҳмон қилишни ўйларди. Айни вактда меҳмон учун кўлёзма ҳақидаги фикрлари муҳим эканлигини сезиб, хасталик берган имкон доирасида ўз таассуротларини ҳам баён қила бошлади:

– «Зебун-нисо» зўр ёзилган!..

Ойбек бир лаҳза жим қолди. У Зебуннисонинг ошиқ шоир билан бўлган мунозарасини эслаб, ундан бир-икки байтни айтмоқчи бўлди. Лекин унинг тили форсий байтларни бутун гўзаллиги билан ифода этишга қодир эмас эди. Шунинг учунми «Зебуннисо» боби ҳақидаги фикрларини якунланган хисоблаб:

– «Увай-сий» – мух-тасар роман!» – деди завқ билан.

Меҳмон қулоқларига ишонқирамай, таажжуб билан адига қаради.

– Ҳа, шундай!.. «Увайсий» – мухтасар роман!.. – тақрорлади адаб.

Шу икки-уч сўз замирида: «Увайсий ҳақидаги фасл гўзал ёзилган. Тилинг ширали. Бундай тил билан роман ёзмаслик гуноҳ! Увайсий ҳақида қулинг

ўргилсин бир роман ёзиш керак!» деган маъно ётганмиди, меҳмон саросималаниб, сўради:

– Роман?

– Ха, роман! Роман ёзинг! Албат-та, ёзинг! – таъкидлади адиб. Сўнг қўшиб қўйди. – «Махзуна» заиф. Матер-ял кам. Тўл-диринг!

– Албатта, тўлдираман. Махзуна хақидаги боб, айтганингиздек, чала. Раҳмат, Ойбек ака, тўғри маслаҳат бераяпсиз...

Шу пайт иссиқ таом келди. Ойбек қўярда-кўймай, меҳмонни серқатик маставани бир қоник ҳам қолдирмай тановул килишга ундинди. Косалар бўшагач, сухбат яна ўша маромда самимий давом этди. Энди сўз ўзбекнинг Мария Стюарти – Нодира-бегимга қўчди.

Бу афсонавор сиймо хақида сўз борганда, одатда, унинг шеърияти эмас, фожиали тақдири кўпроқ тилга олинади. Тарихчи олимлар неча йиллардан бери унинг фожиали ўлими тафсилотларини аниқлолмай, тахмин ва гумонлар ботқоғидан чиқолмай келадилар. Афсуски, бу даҳшатли хунрезликнинг гувохлари ўша вактдаёқ йўқ қилиб юборилган. Амир Насруллонинг буйруғи билан ўша даҳшатли дақиқада ҳозир бўлган барча канизаклар ҳам катл килинган. Жалъодлар эса, амирлар, султонлар, подшолар сингари, тарихнинг қонли сирларини онкор қилмай, ўзлари билан олиб кетадилар. Шунинг учун XV асрдаги муҳим воқеалар барча тафсилотлари билан маълум бўлгани ҳолда, XIX асрда – куни кеча рўй берган энг даҳшатли қотиллик хақида аниқ бир маълумотни тополмайсан киши.

Тўхтасин Жалолов ўз китобида шу хақда холисона фикрни айтишга уринди. Шунинг учун ҳам у адибнинг бу масалага бўлган муносабатини билишга иштиёқ сезиб турарди. Бирок, Ойбек «Нодира» фаслига тўхталди-ю, хаёлот оламига равона бўлди.

...У 1943 йили дўсти Fafur Fулом билан ҳамкорликда «Қувваи ҳусн» деган шартли ном остида Нодирабегимнинг фожиали тақдирига бағишиланган пьеса устида иш бошлаган эди. Муаллифлар бу асарда машҳур шоиранинг амир Насрулло томонидан қатл этилишини тасвир майдонига олиб чиқмоқчи бўлишган эса-да, қонхўр амирнинг эмас, балки Нодирабегимнинг – эзгулик ва гўзаллик тимсоли бўлган сиймонинг зулм ва ваҳшийлик устидан тантанасини кўрсатмокчи бўлган эдилар.

Тарихдан маълумки, амир Насрулло Кўконда бор-йўғи 12 кун турган. Аммо шу фурсат ичидаги инсоният хотирасидан ҳеч қачон ўчмайдиган хунрезликни содир этган ва шу нарса ҳам равшанки, ўз юртига гўё ғалаба билан қайтган амирни орадан бир неча йил ўтгач, Кенагаси бегим қулогига симоб куйиб ўлдирган.

Кенагаси бегим шахрисабзлик савдо гарлардан бири Абу Барлос томонидан Умархонга пешкаш килинган канизак бўлиб, пьесада у билан бирга хуштори, амир Насруллонинг жосуси Хожи қандолат Бухорий ҳам ҳаракат қилиши мўлжалланган эди...

Ойбек шу ёзилмаган асарни эсга олдими ё Нодирабегимнинг фожиа билан тўла ҳаётини кўз олдига бир-бир келтирдими, ҳар қалай, узок ўйга толди.

1937 йил доридан омон қолган адаб 50-йилларнинг бошларида яна кўпириб тошган қатағон денгизидан ногирон бўлиб чиқди. «Дўстлар» унинг 1951 йил 16 апрелда инсульт хасталигига йўлиқиб, тил ва кўл ҳаракатидан маҳрум бўлишига муваффақ бўлдилар. Тўхтасин Жалоловнинг ўзи ҳам яқинда ажал водийсидан аранг тирик қайтган эди. Гарчанд унинг бошидан кечган машакқатлар Нодирабегим кечинмалари олдида ҳолва бўлса-да, ҳар қалай, Тўхтасин Жалоловнинг тақдири билан Нодирабегимнинг кисмати ўртасида муштарак жиҳатлар йўқ эмас эди. Бу муш-

тараклик – ижодкорнинг адолатсизликка асосланган тузумдаги такдири бўлиб, у ҳақда қанчадан-қанча романлар ёзиш мумкин эди.

Адиб ана шундай ўйлар қучоғидан чиқиб, яна: «Ёзинг, ёзинг! Роман ёзинг!» – деди.

– Роман? – таажжуబ билан сўради меҳмон.

– Ҳа, роман ёзинг, роман!

– Нимани ёзай, Ойбек ака? – ўсмоқчилади Тўхтасин Жалолов.

– Ўзингизни ёзинг. Ўзингиз – ёзилмаган роман-сиз!

Тўхтасин Жалолов ўзи ҳакида ёзолмасди. У «Мехнат-тузатув лагери» деб аталган азобгоҳдан озод этилганида, у ерда кўрган-эшитган ва бошидан ўтказган воқеалар тўғрисида оғиз очмаслик ҳакида тилҳат берган эди. Ойбек ҳам ўз бошидан кечирган кўргиликлар тўғрисида роман ёзиш у ёқда турсин, ҳатто тўрт қаторлик шеърини ҳам газетада чиқара олмасди. Амир Насруллолар руҳи тантана килиб турган бир замонда унинг Faфур Fулом билан биргаликда «Кувваи ҳусн» асарини ёза олмагани тасодифий ҳодиса эмас эди.

Меҳмон адибнинг сўзларидан қанчалик рағбат ва мадад олган бўлмасин, ўзи тўғрисида бир сатр ҳам ёза олмади. Шунинг учун ҳам у «Олтин қафас»га қўл урди-ю, аммо унда ўзи кўрган темир қафас ва унинг ахлинини эмас, балки чучмал турмуш манзараларини тасвирлади.

Сұхбат ниҳоясига етди шекилли, меҳмон кетишга ижозат сўради. Ойбек муаллифга қўлёзма билан бирга уни нашр этиш мумкинлиги ҳакидаги ёзма фикрини ҳам бериши лозим эди. Лекин хасталик йилларида адибга котибалик қилган Зарифаҳонимнинг вакти бўлмаганлиги сабабли тақриз тайёр бўлмаган эди. Адиб меҳмондан узр сўраб, тақризни кейинрок етказишга ваъда берди.

— Мен «Маҳзуна» бобини тўлдиргунимча такриз ҳам тайёр бўлиб қолар, — деди меҳмон адиби хижолатдан кутқариш ниятида.

— Албатта, албатта! — жавоб қилди адиб ва меҳмонни кўчагача кузатиб қўйди.

Ойбекдек улкан адиб ва олимнинг юксак баҳосидан руҳланган меҳмон «Ўзбек шоиралари» китобининг Маҳзунага бағишлиланган фаслини тўлдиришга жонжади билан киришди. Ҳатто хизмат қилиб турган жойи — нашриётдан руҳсат олиб, уйида ишлай бошлади.

Шундай кунларнинг бири эди. Кутилмаганда нашриёт ходимларидан бири Тўхтасин Жалоловнинг уйига келиб, идорага зудлик билан бориши лозимлигини айтди. Собиқ маҳбус минг хил хаёлга борди.

— Нима гап? Тинчликми? — безовталанди у.

— Сизни кимдир келиб кутиб турган эмиш. Директоримиз Насрулло Охундий: «Олдингга солиб кел!» — деб буюрдилар — жавоб қилди нашриёт ходими.

Тўхтасин Жалоловни вахима босди. Ҳар эҳтимолга қарши, бир сидра кийим билан қотган нон олиб, халтага жойлади-да, ходимнинг олдига тушди.

Директор ўз хонасида ёлғиз ўтирган эди. У Тўхтасин Жалоловнинг эшикни қўрқа-писа очиши билан ўрнидан сакраб туриб, унга талпинди. Илик сўрашиб, ўтиришни таклиф этди. Сўнг олдига бир варак қоғоз қўйди. Тўхтасин Жалолов уни чақириқ қоғози деб ўйлади шекилли, қўрқув аралаш кўз югуртириди. Аммо шу лаҳзанинг ўзида чехрасига порлок бир табассум югуриб, оёқлари қалтирашдан тўхтади.

Қоғозга бундай сўзлар ёзилган эди:

«Тўхтасин Жалолов... ўзбек шоиралари ҳақида еоят мухим асар ёэди. Шу вақтга қадар ўзбек адабиётида ўзбек шоиралари, уларнинг асарлари, ҳаётлари деярли ўрганилмаган. Улар ҳақида якун-

ланган асарлар йўқдир. Айрим шоиralар тўғрисида энди-энди адабиётчиларимиз ишлай бошладилар. Бу ҳуқуқсиз, чексиз жабр кўрган мазлум шоиralарнинг асарлари уларнинг бахтсиз тақдирлари бўронида йўқ бўлиб, унутилиб кетган.

Т. Жалолов тарих варақларини ахтара-ахтара ўзбек шоиralари ҳақида хийла қимматли маълумотлар тўплади. Ўзининг катта, синчикли текширишлари натижасида ўттизга яқин ўзбек шоиralарини топди. Бу гоят ажойиб воқеадир.

Халқимиз ўзбек адабиёти тарихининг ёрқин саҳифаларини кўришга муштоқ ва бундай асарларга ташнадир. Ойбек».

Хаста адиб шу қиска, аммо самимилик ва хайриҳоҳлик туйғулари балқиб турган сўзлари билан «Ўзбек шоиralари» ва унинг муаллифи олдида турган тўсиқни бартараф этган эди.

Орадан кўп ўтмай, Тўхтасин Жалолов номини ўзбек маданияти тарихига бир умрга муҳрлаган китоб нашр этилди. Халқимизнинг бундай асарларга ташна эканлиги тўғрисидаги ойбекона башорат рост бўлиб чиқди.

Насрулло Охундий Тўхтасин Жалоловнинг кўлидан ҳали тушмаган халтага тикилганча: «Ювадиган бўлдингиз, оқсоқол!» деди. Бирок бу сўзлар унинг қулоғига кирмади. У улуғ инсон ва меҳридарё адибнинг муборак имзосини ўпиб, уни севинч ёшлиари билан юваётган эди...

УНУТИЛМАС КУН

...Котиба босмахонадан ҳозиргина чиқиб, ҳали «совиб улгурмаган» «гранка»ни олиб кирганида, Исмоил Сулаймонов кўлидаги «гранка»ни ўқиб тутатмаган эди. Котиба: «Бу охирги «гранка», дедида, шиппагини шапиллатиб чиқиб кетди. Кўзи янги



«гранка»даги «Турмуш ва товушлар» деган сарлавҳага тушиши билан Исмоил Сулаймонов – сарлавҳа уни сехрлаб қўйдими ёки қўлидаги «гранка» уни зериктирган эдими – эски «гранка»га «дам бериб», янгисини ўқишига тушди. Бу, ҳаваскор шоирларнинг шеърларига ёзилган обзор-мақола эди. Бундай обзор-мақолаларнинг ҳаммаси бир қолипдан чиққани учун уларни, одатда, бош муҳаррир ўринбосарига ўқишига беришмас эди. Аммо бу обзор-мақолани, яна «Турмуш ва товушлар» деб ғалати номланган мақолани унга бежиз беришмаган бўлса керак. У мақола муаллифини билиш учун «гранка»нинг «этаги»га қаради: имзо қўйилмаган эди. Ажабо, баландпарвоз сарлавҳали, яъни қаноти бор-ку, аммо «дум»и йўқ. Ҳали «Тошкент ҳақиқати» газетасида бирор мақола имзосиз чиқмаган эди. Исмоил Сулаймонов «гранка»нинг дастлабки сатрларини ўқир экан, бошида мужмал саволлар чарх ура бошлади...

«Редакцияга кўплаб конвертлар келади, – мақола шундай сўзлар билан бошланган эди. – Булардан бир қанчасининг бир чеккасида «Адабиёт бўлимига» деган уқдирма ҳам кўзга ташланади. Бу конвертлар ичида ҳаваскорлар томонидан ёзиб юборилган шеърлар кўпчиликни ташкил этади. Ҳаваскор шоирларнинг (бир-икки мустаснодан қатъи назар) деярли ҳаммаси ёшлар. Бу фактда ажабланарли ҳеч нарса йўқ. Чунки дунёни кўриб, англай, била бошлаган ёшлар ўз юрак ва хаёлларида туғилган зўр ҳисларни, катта таассуротларни, фикр ва мулоҳазаларни ўртоқлашгуси, изҳор қилгуси келади. Бу ҳисларни тўлқинли, ҳаяжонли, жўшқин тил билан, эҳтиросли воситалар билан, кўтаринки рух билан ифодалашни истайди...»

Ҳаваскорларнинг газетага қоплаб келадиган шеърларига қўпинча ҳали уч-тўртга кўйлакни йиртиб ултурмаган шоир ёки адабиётшунослар обзор-маколаларни

ёзишарди ва бундай мақолаларни, одатда, ҳаваскор шоирлардан бошқа ҳеч ким ўқимас эди. Аммо бу мақола Исмоилга нимаси биландир ёқди. Тили биланми, самимийлиги биланми, ўзи ҳам билмайди.

У мақоланинг давомига қаради: номаълум муаллиф мақолани нега «Турмуш ва товушлар» деб атаган? У шу саволга жавоб ахтариб, «гранка»ни «пулемёт услуби»да – ташлаб-ташлаб ўқиди: «Редакцияга келган шеърлар... Булардан бир хиллари... Бошқа бир хилларида... Учинчи хил шеърларда эса... Лекин булар ҳаммаси бизнинг турмушимиздан жаранглаб чиққан товушлардир». «Турмушдан жаранглаб чиққан товушлар». Бу сўзларда шоирона образ ялтиллаб туради. Ҳа, деди ўзига-ўзи, Исмоил Сулаймонов, мақола муаллифи ҳақ: албатта, ҳар бир шеърда ҳалқ ва мамлакат турмуши лавҳалари кўриниб туради. Лекин шоир зоти турмушни фақат кўриши эмас, балки товушларини ҳам эшитиб туриши лозим. У сарлавҳада яширган маънони уқигач: «Яшавор, номаълум муаллиф!» деб юборди. Кейин «гранка»ни иккинчи марта ўқиб, бош мұхаррирнинг хонаси томон югурди.

Максуд Кориев – газета бош мұхаррири – хукумат телефонида ким биландир гаплашаётган экан. Бундай пайтда қулоқ солиб ўтириш одобдан эмас. Қолаверса, мұхаррирлар шундай пайтда Хизр кириб қолса ҳам имо-ишора билан чиқариб юборишиади. Лекин Максуд Кориев «ўтиравер», дегандек имо килди. Сўнг, телефондаги сұхбатни тугатиб: «Қалай, бирор сиёсий хато ўтиб кетмабдими? Имло ва услуб хатолари йўқми?» деб сўради. Исмоил тегишли жавобни бергач, қўлидаги «гранка»ни кўрсатиб:

– Яхши мақола экан. Ҳаваскор шоирларгина эмас, бошқалар ҳам маза қилиб ўқишиади. Лекин кимнинг ёзгани қайд этилмаган. Ёки тахририятномидан кетаверсинми, Максуд ака?..

Бош мұхаррир аста ўрнидан туриб, дераза олдига борди. Деразадан Марказком биноси, ғира-шира бўлса-да, кўриниб турарди...

...1951 йил 21 сентябрда Мақсуд Шайхзода хисбга олинди. Бу унинг иккинчи марта шўро давлатининг махфий хизмати томонидан хисбга олиниши эди. У Озарбайжонни Совет Иттифоқидан ажратиб олишга уринган уч кишилик аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси сифатида айбланиб, уч йилга Тошкентга сургун қилинган эди. У шу уч йил ичидаги Тошкентда ўзбек тилини ўрганиб, Ойбек ва Fafur Fулом сиймосида оқибатли дўстларни топиб, ўзбек халқи ва ўзбек адабиётига шундай катта меҳр қўйган эдики, ҳатто сургун муддати тугаб, озар юртидаги ота-онаси қайта-қайта чорлаганига қарамай, бормади. У ўзбек шоири бўлиш шарафини ўзи учун аъло деб билди. Кейин бутун ҳаётини шоир, драматург, таржимон, адабиётшунос олим ва муаллим сифатида ўзбек адабиёти равнақига тўла бағишлади. Аммо у дўст деб, шогирд деб ардоқлаган айrim кимсалар унинг оёғига болта уришди. Шайхзода манглайига «халқ душмани» тамғаси урилиб, 25 йилга ҳукм қилинди. Агар сиёсий қатағонлар «ота»си Сталин 1953 йилда нариги дунёга асфаласофилин бўлмаганида, унинг суюклари Сибирнинг «абадий музликлар»ида бир умрга қолиб кетган бўларди. Аммо Шайхзода Оллоҳнинг меҳри тушган кишилар қавмидан экан, ярим жон билан бўлса-да, қайтиб келди. Бу баҳтли воқеа 1954 йилнинг июнь ойида воқе бўлди.

Лекин у 1957 йилга қадар на Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тикланди, на ёзган шеърлари газеталарда босилди. Ҳатто Шайхзодани чин дилдан ҳурмат қилган мұхаррирлар ҳам унинг шеърларини босишига журъят этолмадилар. Адолатсизлик орқасида, но-

мард кишиларнинг тухмати билан қамалган шоир янаadolatsizlik, nomardlik va razilllik ummonida яшашда давом этди. Шоирнинг Марказкомга ёзган аризалари ҳам жавобсиз қолди: унинг қўлига темир билагузук такқан кишилар ҳали ҳам от миниб, жавлон уриб юрар эдилар.

Ўша йилларда «Тошкент ҳакиқати» газетаси бошқа расмий газеталарга қараганда ўқимишли бўлиб, ўзбек адабиёти ва унинг унутилган намояндалари-га бағишлиланган «адабий саҳифа»лари билан довруғ козонаётган эди. Мақсад Кориев ҳам изланувчан муҳаррир, ҳам хушмуомала ва дилбар инсон бўлганилиги учун газета атрофига нафақат ижод аҳли, балки фан ва маданият чароғбонлари ҳам тўпланган эди. Шайхзода буни ўз кўзи билан кўриб ва билиб юрган бўлса керакки, кунларнинг бирида газета таҳририятiga кириб борди. Мақсад Кориев уни хурмат билан қарши олиб, котибага иссик чой дамлаб, қандолатлар билан олиб киришни буюрди.

Шайхзода адашига газета ва журнал муҳаррirlари унинг шеър ва мақолаларини босишдан кўркаётганларини айтиб, унга: «Сиз бу масалага қандай қарайсиз? Менинг шеърларимни боса оласизми?» дегандек қараб, муҳаррирдан жавоб кутди.

Шоир таҳририятга кириб келиши биланоқ бош муҳаррир унинг не мақсадда келганини сезган эди. Сезган бўлса ҳам, узил-кесил жавоб беришга тайёр эмас эди. Айни пайтда ғарип бир ҳолда, ҳали ҳам таҳқирланиб яшаётган буюк шоирга қандай қилиб бўлса ҳам ёрдам бериш истагида эди у. Мақсад Кориев ниманидир ахтарган киши бўлиб дераза олдига борди. Шайхзодага билдиримасдан, дастрўмолини олиб, кўзларидан дув-дув оқаётган ёшларни артди.

Шайхзода унинг кийналаётганини сезди ва тақдирга тан бериб, кетиш учун ўрнидан турди.

— Ўтиинг, Шайх ака, — эшитилар-эшитилмас товуш билан деди Мақсуд Қориев. Кейин баландрок овоз билан: — Ўтиинг!.. — деди. Сўнгра Шайхзода яқинлашиб, унинг рўбарўсидаги стулга ўтириди. — Ўзбекларда «Мусулмончилик аста-аста», деган гап бор, Шайх ака. Келинг, бирдан шеърдан бошламайлик... Тахририятга ҳаваскор шоирлардан кўплаб хат келади. Ҳамма ўзининг шеърини газетада эълон қилишни хоҳлайди. Ҳаваскор шоирларнинг кўпи малакали маслаҳатга, йўл-йўриққа муҳтож. Агар ўзингизга ор билмасангиз, сизга шундай шеърларнинг бир дастасини берсак. Уларни ўқиб, ҳаваскорларга адабий маслаҳат деймизми, адабий сабок деймизми, ҳар ҳолда, уларга йўл-йўриқ кўрсатадиган мақола ёзиб берсангиз...

Мақсуд Қориев шу сўзларни айтди-ю, тағин Шайхзодани номус босиб, башарамга туфлаб кетса, нима бўлади, деб хавотирга тушди.

Йўқ, Шайхзода хафа бўлмади, аксинча, мамнуният билан рози бўлди. Ва икки-уч кундан кейин саккиз-тўққиз бетлик мақолани олиб келди.

...Мақсуд Қориев И smoил Сулаймонов томонга ўгирилди-да:

— Биласанми, бу мақолани ким ёзган? — деб сўради ва ўзи жавоб берди. — Шайхзода! Озодликка чиққанига икки йилдан ошди. Ҳали ҳам муҳаррирлар унинг шеърларини босишга қўрқишиди. Ҳали ҳам Марказком шу масала бўйича аниқ бир фикрни айтмаяпти. Мана, ҳозир ҳам Шароф ака билан гаплашаётган эдим, кирганингда. «Нима қилай?» десам, «Ўзинг биласан!» — дедилар. Ҳатто Шароф академ республика раҳбари ҳам шу кичик бир масала ни ҳал қилишга журъат этмади.

Мақсуд Кориев сукутта чўмди. И smoил Сулаймонов чиқиб кетишни ҳам, қолишни ҳам билмай, саросималанган эди, бош мухаррир деди:

— Кимдир журъат этиши керак, И smoил! Кимдир бошлаб бериши керак. Қачонгача Шайх акадек забардаст шоир хор бўлиб юради. Кел, олса ола қолсин редакторлигини! Мақоланинг тепасига «Мақсуд Шайхзода» деб муаллифини ёзиб қўй!

Шайхзода шу тунни яхши ухлолмай ўтказди. Чамаси, боши тинимсиз оғригани, елкасидаги жароҳатлар ҳали ҳам азоб бераётгани учун эмас, балки мақоланинг чиқиши-чиқмаслик масаласи уни кўпроқ қийнагани учун ухлай олмаган эди. У одатдагидан барвакт, тонг сахарда туриб, юз-қўлини ювди ва сокол-мўйловини олди-да, рафиқаси Сакинахонимга «ҳаво олиб келай», деб кўчага интилди.

Анчадан кейин киоскачи келиб, газетхонасини очди. Кўп ўтмай, юк машинасида янги газеталар келди. Киоскачи бир дунё газетани пештахтага тартиби билан қўйгунича Шайхзоданинг сабр косаси зардоб билан тўлди. Нихоят, у, бошқа газеталар қатори, «Тошкент ҳақиқати» газетасини ҳам олиб, ўша ердаёқ вараклади. Учинчи саҳифа тагидаги «подвал»да «Турмуш ва товушлар» деб номланган мақоласи босилган эди. Мақола тепасидаги «Мақсуд Шайхзода» деган исм-шариф тилла суви билан ёзилгандек туюлди. Шайхзоданинг юраги «гуп-гуп» уриб кетди. Қамоқхонанинг якка камерасида ҳам, Сибирь ўрмонларида ҳам тўкилмаган кўз ёшлари қўйилиб келди...

Бу, 1957 йилнинг 20 марта эди. Бу, Шайхзоданинг шоир сифатида қайта туғилган куни эди. Шу куни шоирнинг Мақсуд Кориев журъати билан босилган оддийгина бир мақоласи унинг қарисига тузум томонидан қўйилган темир тўсиқларни парчапарча қилиб ташлади.

ШАМ ВА ЧАҚМОҚ

Абдураҳмон неча бор шайланиб, неча бор айниган эди.

Бугун у адибни ҳаёт пайтида зиёрат этмаганидан афсусланиб, ўзини ўзи роса койиб, йўлга чиқди. Тонг энди ранг олаётган чоғ эди.

Муюлишга борганида, икки чинор орасидан қуёшнинг олтин найзалари отилиб чиқди. Шу манзарани кўриб, юраги ҳаприқиб кетди. Мижжалари намланиб, жисму жонини оғир қайғу банд этди.

Хотирида ўша жаҳаннамнинг кора кунлари жонлана бошлади...

...Махбусларнинг сўнгги манзили Қарағанда бўсағасидаги ҳибсгоҳ эди. Йигирма беш йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган маҳбуслар Шарққа қайтиб, Қозоғистон даштларига яқинлашганларида, қадрдан замин таровати улар кўкрагига урилди. Абдураҳмон ота юртини, болалик кезларини эслади. Шояд биз келаётган лагерь Европанинг одам ютар совуқ азобгоҳларига ўхшамаса, деган хаёл бошидан кечди. Лекин «Қарлаг» бошқа лагерлардан асло қолишмас, аксинча, бу ерда инсонни таҳқирлаш «санъати» бошқа лагерлардаги тажрибалар билан янада бойиган, шунинг учун ҳам даҳшатлироқ эди. «Ватан хоинлари» учун маҳсус қурилганидан кейин уларни сут-қатик билан, ширин сўз билан эъзозлайдиган жой бўлармиди?! Аксинча, назоратчилар учун маҳбуслар одам эмас, ҳайвон қатори эдилар. Ҳайвонларни эса фақат ишлатиш, калтаклаш, таҳқирлаш лозим. Шундай қилар ҳам эдилар улар шу ерда...

Мусулмон маҳбуслар кечқурунлари силлалари қуриган бўлишларига қарамай, хира чироқ атрофига тўпланишар, Абдураҳмон эса титилиб-тўзғиб кетган

китобни қўлига олиб, ўқишига тушар, қолганлар чурк этмай тинглар эдилар.

Махбуслар бу кеч ҳам тахта чорпояга кўтарилиб, Абдураҳмонга: «Қани, бошладик!» дейишиди.

«...Навоий ўтириб, дўстининг шахсий ишлари ҳақида сўрагандан кейин, – томоқ қириб олиб, давом этди Абдураҳмон, – сўрагандан кейин, аввалги суҳбатларда бўлганидек, гап яна давлатга, ҳалққа доир умумий масалалар соҳасига кўчди. Навоий адолатли давлатнинг асосий сифатлари нимадан иборат бўлиши кераклиги, подшоҳнинг ҳалққа ва ҳалқнинг подшоҳга муносабати, вазирлардан ва беклардан тортиб, то энг кичик амалдорларгача ҳар бир иш учун қонун олдида масъул бўлиши, ҳалқнинг тирикчилигини яхшиламоқ учун лозим бўлган чоралар ва ҳоказо тўғрисида гапирди».

– Келинглар, – ўқишини бўлди фарғоналик йигит Арслонбек, – китобнинг шу жойларини ташлаб, Дилдор бобидан ўқийлик. Романинг ширали жойи ўша ердан бошланади.

– Ўқинг, мулла Абдураҳмон, – норози оҳангда деди тошкентлик ҳамشاҳарларидан бири, – Арслонбекка фақат Дилдорни таъриф қилган боблар бўлса!

– Фурсат кетмасин, ўқи! Ука, ҳадеб аралашаверма! Хотинингни соғинган бўлсанг, ётиб ухла, тушингта киради. Қучоқлайсанми, ўпасанми, у ёғи ўзингнинг ишинг! – маслаҳат берди махбуслардан бири.

Ҳамма кулди.

Абдураҳмон давом этди:

« – Хуросонда бир давр яратмоқ лозимки, – деди Навоий шавқланиб, – ўзга ҳалқлар ибрат ола билсинлар... Токайгача инсонлар ваҳшат саҳросида қолурлар! Инсон барча маҳлукотларнинг тожидир!..»

– Нима, нима? Бошқатдан ўқи! – тошкентлик йигит романнинг инсонни эъзозловчи сатрларини ёд олиб юради.

«Инсон барча маҳлукотларнинг тожидир!.. У ша-рафли, соғ, гўзал яшамоги керак. Давлат арбоблари ақл ваadolатни шиор қилсалар, халқни парвариш этсалар, ҳаётнинг зангини олтинга айлантирумоқ мумкин.

— Гоят гўзал фикр, гоят гўзал ният, — таъкидлади Хўжа Афзал. — Лекин бу мамлакатда мансабдорлар тоифасининг халққа жабр-зулм қилмоги бир одат ва анъана ҳолига кириб қолган... Мана бу зўр бало!

— Ҳар ерда жабрнинг тигини синдирумоқ зарур, — деди Навоий қатъият билан. — Золимлар билан муроса қилмоқ жиноятдир. Мабодо ўзимиз синдира олмасак, подшоҳга арз этмоғимиз, уни ақлга, инсофга даъват қилмоғимиз керак...»

Юртдошлар бутун вужудлари қулокқа айланиб, Абдураҳмон оғзидан учиб чиққан сўзларни дикқат-эътибор билан тинглашар, ҳазрат Навоийнинг тиллага арзирли ҳар бир сўзи шояд бизларга ҳам нажот йўлини кўрсатса, деб умид килар эдилар. Яқинда улар «халқлар доҳийси» Сталинга мурожаат этмоқчи, ўзларининг иложсизлик орқасида асирга тушганларини тушунтирумоқчи, ундан раҳм-шафқат сўрамоқчи бўлган эдилар. Аммо бу илтимосномалар лагерь бошлигининг хонасидан нарига чиқмади. Улар бу хатлари Москвага етиб борган тақдирда ҳам Сталиннинг маҳбуслар қисматини заррача ҳам енгиллаштираслигини, унинг собиқ ҳарбий асиirlардан ҳазар қилишини яхши билишарди.

Абдураҳмон ўқишда давом этаётган эди:

«...Навоий яширин, ичдан хўрсинди. Подшоҳнинг бемаъни ўжарлигини синдириш учун жасур оҳанг билан деди:

— Шоҳо, халқнинг молини, жонини бўрилар ихтиёрига топширилса, улар бу қонхўр маҳлуклар дастидан фигон кўтарса, уларга қулоқ солмаслик адл-

инсофдан эмас. Таҳдид ва сиёсат эмас, меҳрибонлик даркор. Халқ билан бўлгуси муомалада қиличга эмас адл кучига суюнмоқ, халқни жабр-зулмдан қутқармоқ лозим. Зоро, халқ шундай бир дарёи азимки, у тошса, унинг мавжидан на шоҳнинг қасри, на дарвешнинг кулбаси қолур; у шундай бир ўтки, унинг бир учқуни туташса, на хашакни қўяр, на фалакни... Бас, яхшилик қилмоқ керак: элнинг, юртнинг баҳти барқарор бўлса, салтанат ҳам бехатар бўлур...»

Махбуслар ишдан ҳориб-чарчаб қайтаётган эдилар. Тўйиб овқат емаслик ва мунтазам оғир меҳнат орқасида тинка-мадори қуриган Арслонбек маҳбуслар карвонининг ортида базўр борар эди. Назоратчилар гарчанд унинг исми Арслонбек бўлса-да, чумчукдек куч-қуввати йўқ, деб масхара қилганлари қилган эди. Бор-йўқ ишлари боёқиши маҳбусларни тергашиб, ишлатиш, жазолаш бўлган назоратчилар эрмак учун хоҳлаган маҳбусни таҳқирлани, калтаклаши, ҳатто отиб ташлаши хеч гап эмас эди. Чексиз-чегарасиз ҳуқуқларга эга бўлган назоратчилардан бири аранг судралиб бораётган Арслонбекнинг ёнидан ўтаётган киши бўлиб, уни туртиб юборди. Арслонбек окшомдан бери шигалаб ёғаётган ёмғирдан шилта бўлиб кетган тупроқка юзтубан йикилди. Бошқа бир назоратчи эса итини қўйиб юборди. Ит Арслоннинг устига ташланди. Маҳбуслар назоратчиларнинг шундай йўллар билан ўзларини ўзлари овутишлари, ўзларининг бошқа зуваладан ясалган кишилар эканликларини намойиш этишларини яхши билишарди. Шунинг учун ҳам Абдураҳмон Арслонбекка ёрдамга боришга энди чоғланган ҳам эдики, бошқа бир назоратчи унинг елкасига милтик кўндоғи билан туширди. Аммо қандайдир мўъжиза юз бериб, Абдураҳмон йикilmай қолди. Акс ҳолда Арслонбекни бир лаҳзанинг ўзида чалажон қилиб ташлаган ит уни ҳам қиймалаб юборган бўларди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, катта назоратчи инграб ётган маҳбусни лагерга элтишни буюрди. Кимдир устидаги шинелини ечиб, кигиз замбил ясади. Арслонбек эрмакталаб назоратчилар курбони бўлгани учун, «сир ошкор бўлмасин» деган ниятда уни тиббий қисмга эмас, баракнинг ўзига жойладилар. Маҳбуслар лагерма-лагерь кўчавериб, бундан баттар азобларни, ваҳшийликларни кўришган, қандай ярага қандай даво кўллаш лозимлигини яхши билиб олган эдилар. Улар ўша кундан бошлаб Арслонбекнинг жароҳатларини теварак-атрофдан топиб келган гиёҳлар билан даволашга киришдилар.

Абдураҳмон хаста маҳбус теварагида парвона бўлар экан, ўзича, «Навоийнинг яхши бир байти бор, маъноси шундай: «Ёмонлардан яхшилик кутмоқ ҳайвон шохида гул унмагини орзу қилмоқ билан баробардур!» дер эди. Унинг бу китобий гаплари тақдирдошлирига малол келмасди. Аксинча, улар дунёда Навоийдек улуғ зотлар бўлгани ва, эҳтимол, ҳали ҳам борлигидан қаноат ҳиссини түярдилар.

Ўша тун ҳамманинг фикри-ёди Арслонбекда эди. Эртаси ишдан қайтганларидан сўнг, хастанинг ҳол-аҳволидан хабар олгач, одат бўйича мутолаага тушдилар:

«...Дилдор, – Абдураҳмон бу сўзни ўқиши билан Арслонбек ётган томонга қараб қўйди, – енгилланиб хўрсинди. Қизнинг дилини гаш қилган ташвишни йўқотгани учун Арслонқул ичдан қувонди. Қизга яқин сурилди. Унинг кўркам соchlарини силади. Атрофга бир қараб олиб, ҳаяжон билан лабларини қизнинг гунчадек лабларига қўндирди...»

Хоразмлик йигит Матёкуб мутолаани бўлди:

– Мунча тез ўқийсан! Ҳеч нарсани тушунмадим! Сен ҳам мириқиб ўки, биз ҳам маза қилиб эшитайлик!

Абдураҳмон лавҳани қайта ўқишга мажбур бўлди. Ўқир экан, ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам синик рухи қанот боғлагандек бўлди. Арслонбек эса аччик

оғриқ оша олис юргида қолган ўн тўрт кунлик ойдек гўзал хотинини, у билан ўтказган уч-тўрт кунлик ширин ҳаётини бир-бир кўз олдидан ўтказди. Ит ғажиган баданидан дард бир сидра аригандай бўлди. Шу туни тушига хотини кириб, унинг яралариға қандайдир хушбўй мой суртиб, қўл-оёқларини силаб: «Арслонбек ака, худо хоҳласа, тез кунда тузалиб, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз. Ҳали сиз билан кўп баҳтли-саодатли кунларни бошдан кечира-миз!» деди...

Махбуслар мутолаада давом этар эканлар, Дилдор тақдири уларни кўп изтиробга солди. Мунис қизнинг Тўғонбек томонидан ўғирланиши, подшоҳга тортиқ қилиниб, ҳарамга ташланиши, бечора Арслонқулнинг эса Дилдор ишқида куйиб ёниши маҳбусларнинг шусиз ҳам азоб-уқубатли ҳаётига янги руҳий қийноқларни олиб кирди. «Боёқиши хотиним бошига не кунлар тушди экан? Бирор номард йўлдан урмадимикан?» деб Арслонқулнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам бошлари ровлаб кетди.

«...Шундай аёллар бўладики, улар ишқни эътиқод каби муқаддас тутадилар. Бу аёллар кўнгилнинг эзгу орзуси учун, фақир йигитнинг хароб кулбасини шоҳона саройлардан ортиқ кўрадилар. Увада кийимли содда чўпонни шаҳзодага алишмайдилар. Улар бутун борлиқлари билан бир мақсадга интиладилар. Агар мақсад мұяссар бўлмаса, унинг дардини бутун умр ўзларига ҳамишира қиласадилар. Дилдор шундайлардан эди. Безак, май, мусиқий, фахш, гийбат мавжлари билан қайнаган ҳаёт унинг кўнглидаги тоза севгини бўгмаган эди...»

Абдурахмон ўқиган романнинг бу сатрлари маҳбусларга далда бўлди. Улар уйларида қолган хотинларининг разолат ботқоғига ботмаслигига, кўзлари тагига олган сўлим қизларининг эса сабрли-

қаноатли эканликларига умид қилдилар. Хуллас, романнинг ҳар бир боби, ҳар бир саҳифаси уларнинг жароҳатли қалбларига малҳам бўлиб тушди.

Астрободга бадарға этилган Навоий: «Бу шаҳарда бир кун бир йил билан баробардур!» деганидек, лагердаги бир кунда минг хил савдо рўй берар эди. Ҳар куни, баъзан эса бир кунда икки маротабалаб баракда тинтув ўтказилар эди. Шундай пайтларда нинами, тўғноғичми чиқиб қолгудек бўлса, бу «совуқ қуроллар»нинг эгалари шу захотиёқ музхонага – карцерга ўн-ўн беш суткага ташланар эди. Лагерда қабул қилинган қоидага кўра, баракда китоб саклаш ҳам мумкин эмас эди. Шу туфайли назоратчилар «Навоий» романини топиб олганларида, уни баракнинг иккинчи қаватидаги чорпоядан пастга қараб шундай улоқтирар эдиларки, китоб вараклари қассоб қўлига тушган товуқ патларидек титилиб, учиб кетарди. Шундай дақиқаларда маҳбуслар ўзларидаги бирор арзирли нарса, кўпинча нон эвазига китобни кайтариб олардилар. Корни хеч қачон тўймайдиган маҳбуслар учун эса бир бурда нон бир қозон овқатдан азизроқ эди.

Кунларнинг бирида баракка бир эмас, бир неча назоратчи кириб, тинтув ўтказди. Баракдаги ҳамма нарса отилиб, ер билан битта бўлди. Қанчадан-канча нарсалар синди. Қанчадан-канча нарсалар назоратчиларнинг ҳамёнларига жо бўлди. Роман эса тақиқланган адабиёт сифатида мусодара қилинди. Ўзбек маҳбусларининг бу азобгоҳдаги бирдан-бир юпанчи бўлган китобдан жудо бўлишлари ҳаёт билан боғловчи сўнгги риштадан, бирдан-бир содик ва меҳрибон ҳамроҳдан, донишманд маслаҳатчидан жудо бўлиш билан баробар эди. Шунинг учун ҳам улар лагерь бошлири олдига бош эгиб, ялиниб бордилар. Романинг улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ҳақида эканлигини айтдилар. Бошлиқ, маҳбуслар

тили билан айтганда, «Тўғонбек» лагерь – мадраса, маҳбуслар эса мадраса талабалари эмасликларини писандада килди. Романи ёндириб юборишни, маҳбусларни эса лагерь тартибини бузганликлари учун карцерга ташлашни айтиб, бақирди. Аммо нечундир «ҳайвон шохидан гул чиқиб», бир оз инсофга келди-да, романни қайтариб берди.

Шу куни романхонлик, айникса, нашъали бўлди.

«Навоий Дарвешалига киноя билан қаттиқ тикилди.

– Иним, бу тоифанинг ниятларидан биз бехабармизми? – деди у жиддий қизишиб. – Мажидиддин Муҳаммад ким? Ундан бадтаринлар ҳам бор. Юз минг танга маошни оз билиб, ҳар бурчакда сасиб юрувчилар бор. Ватанини тақсимламоқ орзусида юрган хоинларни ҳам билурмиз. Уларни, албатта, йўқотмоқ керак. Лекин бу ишда мардона ва тўғри бўлмоқ зарур. Ўзгалар эгри бўлсалар, биз уларга эргашмайлик. Чакмоқ қанчалик баландда чақнамасин, эгри бўлгани учун, албатта, ернинг қаърига борур. Шамки, тўғри, адлдир – куйса ҳам бошдан-оёқ нур бўлиб куюр...»

Абдураҳмон бу сўзларни ўқир экан, маҳбуслар беихтиёр: «Офарин!» деб юбордилар. Бу ажойиб сўзларда улар ҳаётининг бутун моҳияти ўз ифодасини топган эди. Улар лагерни идора қилиб турган бир қисм шафқатсиз, томошаталаб, маҳбуслар қонини ичиш ҳисобига семириб юрган кишилар ўз қурбонларини қанчалик эзиб, таҳқир ва ҳақорат килмасинлар, дағдагалари, қамчи ва ўқлари чакмоқ сингари қанчалик баландда чақнамасин, бир куни адолат қуёшининг чиқишига, ўзларининг бу жаҳаннамдан најот топишларига умидвор эдилар. Аммо улар – кундан-кунга адo бўлаётган шамлар – ҳали бу разил инсонлар ортида разил бир тузум турганидан,

бу тузумнинг ҳам, унинг содик итларининг ҳам эгри чақмоқдек ер қаърига, албатта, киражагини билмас эдилар. Билишлари ҳам маҳол эди.

Лагерь маъмурияти яна турфа найранглар чиқара бошлади. Бир куни, совук хаддан ошиб, бир миска ювииндининг қаерга кетгани номаълум бўлган, маҳбуслар ичини ит таталаган пайтда «Тўғонбек» улар устидан кулмак истагида бир-икки бурда нонни ушатиб, ўзидан икки-уч қадам нарига отди. Маҳбуслар бир тишлам нонга зор бўлганларига қарамай, «Тўғонбек» ўйлаганидек, ушоқ ортидан югурмадилар. Фазаби қайнаган бошлиқ яқинида турган Матёқубнинг бошидаги яғир қалпоғини олиб, сим девор томонга отиб юборди. Бу манзарани ҳавозада турган соқчи ҳам кузатаётган эди... У «Тўғонбек»нинг шум ниятини билибми-йўқми, ҳар қалай, қалпок ортидан юргурган йигитни ўйлаб-нетмай отиб ташлади. Ўз юртини, ота-онасини кўришни орзу қилиб, азобгоҳда кечаетган ҳар бир кунни эмас, ҳар бир соатни, ҳар бир дақиқани санаб юрган йигит шу лаҳзанинг ўзида тил тортмай жон берди. Бу воқеа бутун лагерь аҳлинини ғазабга келтирди. Ўзбекистонлик биродарлар бу ёвузликка қарши қўзғолон кўтармоқчи бўлдилар. Лекин кимдир Ойбек домланинг сўзлари билан «бу ердаги ишлардан ақл ҳуркади», аммо «инсонлар ҳак йўлни ҳамиша ақлнинг кўзи билан топмишлар», деб вазмироқ бўлишни маслаҳат берди.

Дўстлар юракларида қатланган аламни китобдан, мутолаадан, романхонликдан олдилар.

«...Тонгга яқин арава келди. Муллабачча кўрпа келтирди. Жасадни кўрпага ўраб, авайлаб аравага солдилар, Арслонқул болалардан хабар олмоқ учун Дилдорни тезда уйга жўнашга қистади, қиём чогида Зайниддиннинг уйига келиб, оиласига таъзия билдириши кераклигини уқтирди-да, ўзи бошини қуийи солиб, арава ёнига кетди.

Марҳумни қари онаси, синглиси ва яқинда бир кўп можаролардан сўнг уйландиги хотини – шоира, қўшиқчи гўзал аёл – эшикда эсиз, ҳушсиз ҳолда қарши олдилар.

Кун чиққан вақтда Зайниддиннинг кенг ҳовлиси дўстлар, яқинлар, ақраболар билан тўла эди. Пешинда Навоий бошлиқ қалин халқ унинг жанозасида қатнашди. Султонмурод қайгудан бутунилай мажолсизланган эди. Уни қабристонга Арслонқул суяб-қўлтиқлаб олиб борди. Зайниддинни унинг бобоси – машҳур тиб олимининг саганаси ёнига кўмдилар. Султонмурод тунамоқ учун дўстининг қабри бошида қолди...»

Романдаги Зайниддиннинг ўлими тасвирланган бу лавҳада дўстлар бечора Матёкубнинг хоинларча ўлдирилиши манзарасини кўрдилар. Лагерда жорий этилган тартибга кўра, улар марҳумнинг дағи маросимида қатнашиш ҳукуқидан маҳрум эдилар. Дўстлар марҳумнинг қабри бошида, Султонмурод сингари, тун ўтказишни қанчалик хоҳласалар хам, бунинг иложи йўқ эди. Шунинг учун хам улар, мусулмон одатига кўра, тиловат қилиш билангина кифояланиб, абадий бирга бўлиш, жанг ва жаҳаннамда синовдан ўтган дўстликка содик қолиш учун қасамёд килдилар.

Тошкентлик йигит романдан ёдлаб олган сатрларни ўқиди: «*Сиздан тилагим шулки, бир-биримизга, давлатга, юртга вафо, садоқат, муҳаббат билан боғланайлик. Бу қудрат билан тўла кўнгиллар ҳаётни нурлатурлар, улар фалокат дарвозаларига сад чекиб, саодат дарвозаларини очурлар...»*

Бу қасамга розилик белгиси сифатида темирчиникидек қорайган, озиб тўзиган, суюклари чикиб кетган қўллар бир-бирлари сари узатилди...

Авжи навниҳол ёшида курол-яроғсиз урушга кириб, армиянинг парокандалиги, қўмондонларнинг ношудлиги, мамлакатнинг эса ҳарбга мутлақо тайёр

эмаслиги орқасида асирикка тушган, фашист газандалари қўлида асирик азоб-уқубатларини тортган бу фариб йигитлар ана шу тарзда ўз юртларида минглаб кунларни ит азобида ўтказдилар. Сафарбарлик эълон қилинганда, ҳали мўйлаби ниш урмаган йигитларнинг соч-соқоли оқариб, аъзойи баданлари чандиклар билан тўлди. Бу ноҳақлик, раҳм-шафқатсизлик учун улар кимга шикоят қилишлари мумкин? Ким уларнинг додига қулок солади? Ким уларнинг дил жароҳатларига малҳам топиб беради?..

Уларнинг баҳтига, ўша машъум шароитда бир меҳрибон сиймо бор эди. Бу – улуғ шоир ва улуғ инсон Алишер Навоий эди.

«...Навоий муншилар хонасидан ўтиб ичкари хонага кирди. Бу ерда ёлгиз Низомулмулкни учратди... Навоий киссасидаги бир ҳовуч айри-айри букилган қоғозларни олиб, Низомулмулкнинг олдига қўйди.

– Бу мушкилотларни тез ҳал қилмоқ керак!

Низомулмулк ҳамма қоғозларни бир-бир очиб, ўқиб чиқди.

– Бу каби ишларга жаноблари азиз вақтларини сарф қилмасалар ҳам бўлар эди, – деди Низомулмулк қуюқ қошлари учини бириктириб.

– Нечук? – сўради Навоий вазирга тикилиб.

– Агар ҳалққа қулок солсангиз, шикоятларга ботиб кетасиз. Умрни эговламасдан, ўзаро битишингла, деб кетавериш мумкин...

Навоий маҳкамалардан, вазифадорлардан ҳалқ ўз яраларига зарра қадар шифо кутмаганини, зулм ханжари бўғзига қадалганини сўзлади. Бу шикоятларни тез таҳқиқлашни талаб қилди.

– Ҳалқ амалдорларга ёмон кўз билан қарайди. Ҳамиша шундай бўлган, – деди Низомулмулк.

– Ҳалқ хато қилмайди, – деди Навоий. – Илонга ҳеч ким ўз кўксига жой бермас!..

— Устларига айб тушган зотлар, — деди Низомулмулк асабийлашиб, — давлатнинг содиқ хизматкорлари... Уларнинг қадр-қимматларини унумтоқ яхши эмас, албатта!

— Бу мамлакатда, — деди Навоий ҳаяжон билан, — зинданлар, жазолар, жарималар, дорлар бор. Ким учун? Адолатли давлатда бу нарсалар ёлгиз жабркорлар учун тадбиқ этилур. Садоқатли золимларнинг хизмати давлат илдизига болта уришдан бошқа нарса эмас!..»

«Сен хоинсан! Сен сотқинсан!» деган сўзларни эшитавериб қадди дол бўлган маҳбуслар мутолаа асносида ўзларининг инсоний ор-номуслари, фуурларини тиклаб, келажакка умид билан қарай бошлидилар. Адолат қуёши уларга ҳам нур сочажагига асло шубҳа қилмай қўйдилар. Тез орада «инсоният қуёши» сўниб, ҳақ ва ҳақиқат офтоби жилва қиласидигандек кўринди. Жаҳаннам дарвозалари очилиб, минглаб бегуноҳ маҳбуслар қариб-чуриган, майиб ва ногирон мўйсафидларга, чолларга айланган бўлсалар-да, киндик қонлари тўкилган юртларига қайтиш, ота-оналарини кўриш, ёр ва фарзандларини қучиш баҳтига муяссар бўлдилар...

1955 йили Абдураҳмон ўз дўстлари билан жаҳаннамдан омон қайтди. Улар бир-бирлари билан қанчалик тез учрашиб, мудҳиш кунларни ёд этиб, уларнинг нажоткори бўлган китобни эъзозлаб юрган бўлмасинлар, бу китобнинг Навоийдек улуғ муалифи қошига бориб, унга таъзим қилишга журъат этмадилар. Ҳар ҳолда «собиқ ҳарбий асир» тамғаси олдида ҳали ҳам кимлардир жунжикиб турарди...

Кеча бутун жумҳуриятга қайгули хабар тарқалди. Мавлоно Ойбек — ўзбек халқини Алишер Навоий ҳазратлари билан ошно этган, унинг қалбida буюк

бобокалонимизга ҳурмат ва муҳаббат гулларини ундирган, бир гурух ғариб маҳбусларга эса ўзининг ўлмас сўзи билан мададкор ва нажоткор бўлган адиб оламдан ўтган эди.

Абдураҳмон бу хабарни эшитиб, туни билан мижжа қоқмади. У отаси оламдан ўтганида ҳам бунчалик куймаган эди. «Нега шу кунга қадар тирик адиб ҳузурига бориб, сажда қилмадим? Тирик қолганим учун «раҳмат Сизга!» демадим», деб ўзини ўзи еди. Тонгга яқин бир дақиқами-икки дақиқами кўзи кетибди. Шунда туш кўрибди. Тушида Навоий ҳазратлари оппоқ соқол-мўйлабларини силаб турган эмишлар. Кейин бу нуроний сиймо ўрнида Ойбек домла пайдо бўлиб, Навоий ҳазратларими ё Ойбек домлами – Абдураҳмон билолмай қолди – шеър ўқибди:

*Гаҳи топдим фалакдин нотавонлиг,
Гаҳи кўрдим замондин комронлиг.
Басе, иссиқ-совуқ кўрдим замонда,
Басе, аччиқ-чучук тотдим жаҳонда.*

Шундан кейин Ойбек ҳазратлари бир шамга айланибди-да, деразани дафъатан очиб кирган шамолдан ўчиб қолибди.

Абдураҳмон кўча ва хиёбонлар, кўпrik ва майдонлардан ўтиб, Ишчилар шаҳарчасидаги ўша қутлуғ хонадонга етиб келганида адиб ҳовлиси ва дарвоза олди мотамсаро одамлар билан тўла эди. Ҳадемай, худди келишиб олганлариdek, омон қолган собиқ маҳбуслар ҳам етиб келдилар. Неча йиллик азоб ва мутолаа – романхонлик йилларида улардан бири Зайнiddин, иккинчиси Султонмурод, учинчиси Арслонқул... номларини олган эди.

Абдураҳмон-Султонмурод ўз дўстлари билан мархум адиб ётган хонага видолашгани кирди.

«...Султонмурод сокин, улугвор ётган улуг ўликни сўнг дафъа қучоқлаб чиқаркан, даҳлизда хотинлар орасида Дилдорга кўзи тушди. Тимқора кўйлак, нозик қошларига қадар тушган тимқора рўмол. Кора, шаҳло кўзларидан дур-дур ёш қушилади. Султонмурод оғир хўрсинди, гўё ичида бир олов тутокди: «Йигланг, синглим, йигланг! Букун бутун бир умр учун тўйиб йигламаган кўзлар агадиян кўр бўлади!» – деди Дилдорга у. «Оҳ, тақсиржон, йиғи кучсиз. Куймоқ, кул бўлмоқ керак!» – деди Дилдор бўгилган овоз билан.

...Шоҳиларга ўралган тобутни шоир дўстлари, жанговар беклар Хиротнинг аъён ва акобирлари кўтариб чиқдилар... Улуг мотамга бепарво қолишини истамагандек, осмондан булутлар ҳам дув-дув томчилар қуидилар... Ҳар ким бу тобутга жилла бўлмаса бармоқ учини тегизиб қолишини баҳт, инсоний бурч деб билар эди...»

Дўстлар хотирасидан асарнинг бу сўнгги, аламли сатрлари бирма-бир жонланиб ўтди. Лекин бу сафар улар ўлмас асарни ўқиётган эмас, балки унинг ўлмас ижодкорини сўнгги манзилга кузатаётган эдилар.

ИККИНЧИ УЧРАШУВ

...Лутфуллахон севимли ёри яшаётган Қатортол қишлоғидаги Хирмонтепа кўчасини, ҳатто уйини ҳам қидириб топган бўлса-да, энди нима қилишини билмай, боши қотди... Қишлоқ чойхонасига кириб, нон билан чой сўради. Чойхоначи йўловчи меҳмоннинг илтимосини бир зумда бажарди. Ҳатто меҳмоннинг бу ерлик эмаслигини билгани учун чойни ўзи уч бора қайтариб, сўнг пиёлага қуиб, ҳурмат билан унга узатди:

– Олинг, меҳмон! Хуш келибсиз бизнинг қишлоққа! Қадамингизга ҳасанот!.. – деди ва меҳмондан бирор нарсани сўрамаган бўлса ҳам, негадир ундан жавоб кутди.

Лутфуллахон бир оз хаёлланиб, сўнг деди:

– Раҳмат, ука! Одамшинаванда экансиз... Ўтиб кетаётган эдим. Қишлоғингизни кўриб болалигим эсимга тушиб кетди. Бирпас бўлса ҳам чойхонада ўтириб, ота-онамни, қариндош-уругларимни ёд этай, дедим...

– Илмли, ўқимишли кўринасиз. Мабодо дўхтир эмасмисиз? Агар дўхтир бўлсангиз, қишлоғимизда колинг. Яхши дўхтиrimiz бор эди, яқинда шаҳарга катта қилиб олиб кетиши... – деди чойхоначи.

– Йўқ, дўхтир эмасман, – деди худди афсуслангандек Лутфуллахон. Лекин ичиде «Ёлғонни Ўзи кечирсин!» деб қўйди. Кейин ахтараётган одами хақида бирор маълумот олиш ниятида сўради. – Қишлоғингизда ўша дўхтирдан бошқа яна ўқимишли кишилар бордир?

– Бор. Муаллимлар бор. Яқинда беш-олти нафар ёшларимиз ҳам институтни битириб келишади. Худо хоҳласа, қишлоғимиз маданий қишлоқлардан бирига айланади. Аммо-лекин Музайянахон деган бир аёл кўчиб келганидан кейин қишлоқ аҳлиниг турмуши ўзгариб кетди. Музайянахоннинг таклифи билан қишлоғимизга шоирлар, олимлар тез-тез келиб туришибди. Яқинда Зулфияхон билан ҳам учрашув бўлди. Зулфияхон Музайянахон билан опа-сингил эканми, иккалалари қўш майиздек бўлиб шеърлар ўқишиди, аёлларнинг қандайдир илтимослари бор экан, уларни ҳал қилишга ваъда беришиди... Мана шунақа бизнинг қишлоғимиз...

– Зулфияхонни яхши биламан. Шеърларини ўқиганман... Яна Музайянахон, дедингизми? Бу аёлни ҳам эшитгандайман. Шу қишлоқда турадиларми?.. – ўсмоқчилааб сўради Лутфуллахон.

— Ҳа, қишлоғимизда туради. Ана, қаранг, — чойхоначи меҳмонни турғизиб, беш-ўн уй наридаги, тут шоҳлари соя солиб турган уйни кўрсатди. Ўша уй — Музайянахоннинг уйи.

Лутфуллахон Музайянахоннинг оиласидан ҳаёти тўғрисида бирор маълумот берармикан, деган илинжда чойхоначига қаради. Аммо у ҳам бу борада бирор гап айтмади, Лутфуллахоннинг ўзи ҳам сўрашга ийманди. Йўловчининг чойхонада узок ўтириши хар хил гумонларни туғдириши мумкинлиги учун Лутфуллахон аста ўрнидан туриб, чойхоначига миннатдорчилик билдири ва кўчага чиқа бошлади. Чойхоначи орқасидан:

— Меҳмон, нонни ҳам ушатмабсиз, бир пиёла чой ҳам ичмабсиз. Бу қандай бўлди? Яна ичмаган чойингизга пул ҳам ташлаб кетаяпсиз. Бу, бизнинг одатимизга тўғри келмайди, пулингизни олинг, меҳмон! — деди.

Аммо Лутфуллахон қўли билан қуллук қилиб, йўлида давом этди. У чойхоначи кўрсатган уйнинг қарши томонида тўхтаб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Эшик очик бўлса ҳам, ҳовлида ҳеч ким кўринмасди. Уйнинг катта ёшдаги эгалари ишга кетишган бўлса керак. Лекин эшик очик. Аммо на болалар кўринади, на чол-кампирлар... Нима қилсан экан, кутайми, кетайми?..

У кетай деса, шу ерга михланиб қолгандек кетгиси келмас, негаки, ахтара-ахтара, нихоят, бу дунёдаги ёлғиз севинчи, бахти, такдирини топган эди... Кетмай деса, кап-катта кишининг, бўзчининг мокисидек, шу ерда айланиб юриши ноқулай. Кўрган киши нима дейди, ахир?! Кулмайдими, тентак экан деб ўйламайдими?..

Бир маҳал ўша уйдан бир бола чиқди. Кўчанинг нариги томонида туриб у Лутфуллахонга, Лутфуллахон эса кўчанинг бериги томонида туриб унга узок тикилиб туришди. Нихоят, Лутфуллахон боланинг олдига бориб, сўради:

- Ўғлим, сен шу уйда турасанми?
- Ҳа, шу ерда тураман, амаки.
- Кимнинг ўғлисан?
- Аямнинг ўғлиман.
- Аянгнинг оти нима, ўғлим?
- Музайяна!

Лутфуллахонни титрок босди. «Бу, менинг ўғлим эмасмикин? Ёки...» деган ўй унинг миясини пармалай бошлади...

Шу пайт ичкаридан «Фарҳод! Ҳой, Фарҳод!» деган чакириқ овози эшитилди. Ҳали Фарҳод овоз келган томонга қараб «Лаббай!» дейишга улгурмаган ҳам эдики, бир аёлнинг шарпаси кўринди. Шарпа эшик томон юриб, Фарҳодга яқинлашиб келди-да, у сухбатлашиб турган бегона кишига дастлаб бир назар ташлади, кейин нима учундир яна унга тикилиб, дафъатан «Лутфуллахон!» деб қичқириб юборди. «Фарҳод, аданг кепти, аданг! Хайрият, тирик экан!! Аданг, аданг кепти!!!» деб бақира бошлади. Сўнгра Лутфуллахонни қучоқлаб олганича ҳовлига бошлади...

...1930 йил – ўзбек маърифатпарварларига қирғин келган йил. Агар шу йилнинг ёз ойларида Самарқанддан поездда келиб, акамни кўриб кетай, сўнг Андижонга, бола-чақамнинг олдига борарман, деган Носир Саидов акасининг Ўрдадаги уйида ётиб колмаганида, балки шу кирғин-барот рўй бермаган бўлармиди?.. Ўша куни лағмон еган акасининг заҳарланиб ўлиши кимгадир кўл келди, назарида. Балки Обид Саидов заҳарланмай, ўз ажали билан ўлгандир... Лекин давлатнинг махфий идораси бир замонлар «босмачилар» орасига ташланган, ГПУнинг хуфияси бўлган кишининг ўлимидан ўз мақсади йўлида маккорлик билан фойдаланди. Маориф халқ

комиссарлиги тизимида хизмат қилган Носир Сайдов билан бирга комиссарликдаги барча кўзга кўринган кишилар қамоққа олинди. Ленинграддаги Шарқ институтида икки йил ўкиб, касалликка чалингани учун ютига қайтишга мажбур бўлган Лутфуллахон ҳам шу йилларда комиссарликда бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилаётган эди. Улар дастлаб Обид Сайдовни заҳарлашда қатнашган кишилар сифатида хибсга олинди. Кейин улар комиссарликдаги гўё шоир Боту раҳбарлик қилган аксилиңқилобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганликда айбландилар. Тергов дастлаб Тошкентда, кейин Москвадаги машъум Бутиръка турмасида олиб борилди. Аксар жабрдийдалар қийнок орқасида тухматдан иборат тергов кайдномалариға қўл қўйишга мажбур бўлдилар. Бир гурух маорифчилар Москвада отиб ташланиб, ғарибу фураболар маскани – Вагонково қабристонига дафн этилди. Колганлари собиқ Иттифокнинг борса-келмас жойларига 10 йилга сургун қилинди.

Лутфуллахон шу машъум жойларда инсон зоти кўрмаган азобларни, таҳқирларни бошидан кечирди. Эндиғина 27 ёшга кирган қирчиллама йигит хаётининг 10 йилини азоб-уқубатда ўтказиб, 1947 йилда озод бўлиб келган эди.

Лутфуллахон Музайянахонга она томондан кариндош эди. У ўз даврининг илғор кишилари таъсирида улғаяётгани учун ўзига муносиб қизга уйланишни истарди. Унинг яқин қариндошлари орасида шундай қиз бор эди. У бўлажак шоира ва фольклоршунос олима Музайяна Алавия эди. У Музайянахоннинг 20-йиллардаги машҳур шоир ва олимлардан бири, тоғаси Абдулла Алавий таъсирида илмли, маданиятли ва одобли қиз бўлиб улғаяётганини кўриб, унга бўлган ҳурмати кундан-кунга ортиб борди.

Хуллас, бир куни Музайянахоннинг муаллима-си Шамсижахон ая шогирдини холи топиб, унинг

қўлига бир хатни берди ва ўзи секингина хона эшигини ёпиб, сирли равишда ғойиб бўлди.

Музайянахон ёлғиз қолганида, секин тўрт буклоғлик қоғозни очди. Хат чиройли араб ҳарфлари билан ёзилган ва «Иффатли гўзал қардошим!..» деган сўзлар билан бошланган эди. Музайянахон эшикни очиб, хеч кимнинг қўққисдан кириб келмаслигига ишонгандан кейингина хатни катта ҳаяжон билан охиригача ўқиди. Лутфуллахон бу хатда ҳам зиёли, ҳам мусулмон кишига хос одоб ва маданият билан Музайянага ўз муҳаббатини изҳор қилган эди.

«Муҳаббат шундай бошланганми, билмайман, – деб ҳикоя қилган эди Музайяна опа адабиётшунос олима Махбуба Қодировага турмушга чиқиши тарихини эслаб. – Лекин менга тўла меҳр-муҳаббат билан ёзилган бу мактубни ёкиб, йиртиб ташлашга кўзим киймади, сақлашга ҳам чўчир эдим. Нихоят, отам томонидан менга кўз тегмаслик учун битилган уч бурчакли духоба кўзтуморга шу мактубни энди хеч ким шубҳа қилмайди, бехавотир, деб солиб, тикиб, сочимнинг орасига тақиб олдим...»

Шу орада Пискентда баланд-паст воқеалар бўлди. Паранжини ташлаган қизлар ҳаёти хавф остида қолди. Музайяна ҳам хеч кимга билдирамасдан, тоғаси билан бирга Самарқандга қочиб кетди. Бу воқеадан хатто Лутфуллахон ҳам бехабар эди. Шу боис у Музайянинг йўқолганини эшитиб, хавотирга тушди. Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнгина у севгилисининг Самарқанддалигини эшитиб, ўша ерга учиб борди. 1930 йил баҳор ойларида, Абдулла Алавий яшаган уйнинг каттагина боғида Музайяна билан Лутфуллахоннинг «қизил тўй»и бўлиб ўтди. Икки ёшнинг баҳтли ҳаёти узоқ давом этмади. Орадан икки-уч ой ўтмай, маориф халқ комиссари ўринбосари шоир Боту бошчилигига маориф ходимларининг катта бир гурухи, жумладан, Лутфулла Алавий ҳам қамоққа олинди.

«Үн йил... Мен ўн йил ичида қандай бало-офатларни кўрмадим. Аёл киши тирик ёки ўликлиги номаълум бўлган турмуш ўртоғини кутса, нари борса, икки-уч йил, борингки, беш-олти йил кутар. Ўн йил хам кутадими?.. Музайянахон, албатта, янги турмуш курган. Унга хуштор бўлган кишилар кўп эди...»

Лутфуллахон уйга кириб, хонтахта атрофига солинган янги кўрпачага ўтириб, берилган саволларга жавоб қайтараётган бўлса ҳам, хаёлидан шу ўй тарқамади. Мезбон аёлнинг кўрсатган ҳурматларидан хурсанд бўлса-да, кеч кира бошлагани учун Музайянахоннинг беш-ўн дақиқадан кейин турмуш ўртоғи билан келиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, кетишга ижозат сўради.

Мезбон аёл ҳайрон бўлиб:

— Каерга кетасиз? Музайянахон билан кўришмай кетасизми? — деди. Ахир, у сизнинг омон-эсон келишингизни ўн йилдан бери кутаяпти-ку!

Лутфуллахон ўзига-ўзи: «Ростданми? Тurmушга чиқмаганми? Мени кутиб яшаяптими?...» деб савол берди. Унинг кўнглида кечаётган фикрлар, ўйлар курашини сезган мезбон аёл ўрнидан туриб, токчадаги сандикчани очди-да, қандайдир китоб ва дафтарлар орасидан бир нарса олиб, Лутфуллахоннинг қўлига берди.

— Мана, айтган гапларимнинг гувоҳи!

Лутфуллахон ранги ўчган, уч бурчакли ё тўрт бурчакли эканлиги ҳам номаълум бўлган нарсани қўлига олиб, у ёк-бу ёғини кўраётган эди, чириган иплар ўз-ўзидан тўкилиб, ичидан бир неча бор буқланган қороз чиқди. У титроқ қўллари билан қоғозни очди. Ва ундаги ранги ўчган ёзувни ўқиди: «Иффатли гўзал қардошим!..» Лутфуллахонни каттиқ ҳаяжон босди. Музайянахонга севги изхор килиб ёзган хатининг шу кунгача кўз корачиғидек



сақланиб келаётгани унинг вафодорлигининг белгиси эди. У хатни дув-дув ёшлар тўкилиб бораётган кўзларига суртди...

Кўп ўтмай, Музайянахон савлат тўкиб кириб келди. Хона бирдан равшанланиб кетди. У хонага кириб келганида Лутфуллахон ёш йигитдек чақкон харакат билан ўрнидан силжиб, бир оз эгилган ва икки қўлини қўксига қўйган ҳолда туради...

Музайянахон кутилмаган учрашувдан ҳайратда колди.

ҲАМОЙИЛ

...Чўлпон Тошкент-Андижон поездига чиқиши биланоқ ўриндиққа чўзилиб ухламоқчи, асаблари-га ором бермоқчи эди. Бўлмади. Вагоннинг торгина йўлаги бўйлаб у ёқдан-бу ёқка шовқин-сурон билан ўтаётган кишилар оқими алламаҳалгача тўхтамади. Кимdir ўзидан-да катта юкини кўтариб, ўтирганнинг ҳам, турганнинг ҳам бошию елкаларига уриб ўтса, кимdir халтасидаги уринган тарвузними ёки қовунними пуллаш, яна кимdir эса исириқ тутатиб, дуо ўқиб, пул топиш умидида йўловчиларнинг қулоғини қоматга келтиради... Қани, айтинг, шундай шароитда мизғиб бўлармиди?..

Кўп ўтмай, вагон чироқлари аста хиралашиб, кейин сўнди. Энди поезднинг бир маромдаги «такиртуқир»игина эшитилар эди, холос. Умумий вагонда кетаётган Чўлпон ёстиқни орқасига тираб, кўзини юмди...

...Камера эшиги шараклаб очилди-да, назоратчи маҳбусга юки билан чиқиши буюрди. Сўнг уни навбатчининг олдига бошлаб борди, навбатчи по-

лис эса маҳбуснинг озод қилинганини эълон қилди. Маҳбус буни кутмаган эди, бир оз довдираф, саросимада колди. Буни сезган навбатчи унга бир парча қоғозни узатди. Қоғозда Камоланинг аҳволи анча оғирлашгани битилган эди.

Жавоҳарлаъл ўша куниёқ дастлаб енгил машина-га, кейин поездга ўтириб, Аллоҳободга борди. Шу куннинг эртасига, чошгоҳ пайти, самолётта чиқиб, Карабчи, Бағдод ва Кохира шаҳарлари орқали Александрияга учди. У ерда гидропланга тушиб, Бриндизи шаҳрига етиб борди. Бриндизидан поездга чиқиб, Базел томон йўл олди. Ниҳоят, Аллоҳободдан йўлга чиққанининг тўртинчи, Алмор қамоқхонасидан озод бўлганининг эса бешинчи куни, 9 сентябрь оқшомида, Баденвейлер шаҳрига етиб келди. Бу, Швейцариядаги немис санаторийси эди.

Жавоҳарлаъл Камолани ўпиб, бағрига босганида, янада озгани, курак суюклари янада бўртиб чиққанини сезди. Камоланинг бутун кучини йифиб, эрини ним табассум билан қарши олаётгани шундоқкина сезилиб туради. Дард уни енгиб қўйган, ҳатто Жавоҳарлаълнинг саволларига жавоб бериш учун ҳам унда, жичча бўлса-да, куч-мадор қолмаган эди. Жавоҳарлаъл Камолани савол берип уринтирмасликка, аксинча, уни палатага ётқизиб, қизиқ-қизиқ воқеаларни айтиб бериш билан унинг қалбига му-наввар ҳис-туйғулар шалоласини қўйишга интилди. «Камолам, тезда тузалиб кетасан! Ҳаётдан умидингни узма! Худо хоҳласа, Индиранинг тўйини ҳам, невараларимизни ҳам кўрасан ҳали!! Унга биринчи «алла»ни ўзинг айтиб берасан!!» деб унинг хаёлот оламини нурли келажак хотиралари билан тўлдириб юборди. Буни карангки, шу куннинг эртасига Камола соппа-сог аёлдек, кулиб, ял-ял товланиб уйғонди. Жавоҳарлаъл ширин сўзнинг унча-мунча доридан ҳам каттароқ шифобахш кучга эга эканлигини эшит-

ган эди. Шу куни у сўзнинг мўъжизакор кучини ўз кўзи билан кўрди. Энди у ўзининг ширинданиширин сўзлари, қалбидаги Ганг дарёси мавжларидек тошиб-мавжланиб турган муҳаббати ила Камолани даволашга, ундаги яшаш учун кураш рафбатини оширишга бутун кучи билан киришди. Камолада рўй берётган ўзгаришни кўриб, докторлар ҳам ҳайратлана бошлишди. Аммо Камоладаги бу ҳолат – алдамчи ҳолат бўлиши мумкин эди. Шу боис шифокорлар хавотирланганидек, Жавоҳарлаъл санаторийга тез-тез келиб, соатлаб сухбатлашиб bemорни уринтириб, чарчатиб, қўйиши мумкин эди. Жавоҳарлаъл шифокорларнинг маслаҳати билан Баденвейлердаги пансионларнинг бирига жойлашиб, кузнинг Камоласиз узун кунларини ўтказиш учун ўрмон ё далага чиқиб кетадиган бўлди. Шундай пайтларда у табиатнинг бокира бағрида Камолани минг хил қиёфада кўз олдига келтирас, бирга яшаётганларига оз эмас, кўп эмас, йигирма йил бўлганига қарамай, ёрининг ақлзаковати ёки руҳий оламининг порлоқ жилваларини эслаб, ҳайратга тушарди.

Жавоҳарлаъл Камолани бутун қалби билан севади. Шунга қарамай, у ҳаётининг аксар қисмини бошқа нарсага – ишга, ҳинд халқини инглиз босқинчилари зулмидан озод қилиш ишига бағишилаб яшамокда. Демак, у Камолани ёлғиз қолдириб, унга бериши лозим бўлган меҳрини, эътиборини аяган, «Мен улуг мақсад билан яшаяпман!» деб ўзини ўзи овунтирган, Камолани эса алдаган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ҳар икки йилдаги қамалишлари-чи? Шу қамалишлар чоғида Камолани – бу дунёдаги энг севимли ва азиз кишисини ёлғиз қолдирган-ку! Қачонгача уни ёлғиз қолдириб яшайди?!

Бу фариштасимон аёлни қарангки, эри ҳаётининг ярмини бошқа нарсага бағишилаб яшаётганидан аччиқланиш ўрнига, унинг халқ ва мамлакат

озодлиги йўлида олиб бораётган ишларига елкадош бўлишни истади. У ҳатто миллий курашда эрининг сояси бўлишга эмас, балки шу курашчилар сафидан ўзи ҳам мустақил ўрин эгаллашга интилди. У ҳатто эрига Тагор пъесасидаги Читра янглиғ шундай сўзларни айтаётгандек бўлди:

— Мен Читраман. Мен қаршимга келиб, сажда килишларини талаб қилувчи тангри ҳам, кимнингдир локайдлиги орқасида эзib ташланувчи капалакдек ожиз бир жонвор ҳам эмасман. Агар сен менга: «Мен билан бирга хавф-хатар ва кураш йўлидан боргин!» деб бир оғиз сўз айтсанг, ёки агар сен: «Ҳаётимнинг бирдан-бир максади бўлган ҳалқ олдидаги бурчимни ўташда менга ёрдам бергин!» десанг, менинг нималарга қодир эканлигимни ўз кўзинг билан кўриб, ҳайратга тушасан.

Аммо Жавоҳарлаъл бу фикрларни Камоланинг тилидан эшиitmади, балки бу сўзларни унинг кўзларидан ўқиб олди...

...Поезд бир сесканиб тўхтади. Орадан бир неча соат ўтган эди. Қайсиdir бекатдан бир неча киши чиқди. Улардан бири Чўлпонни танидими ёки яrim тунда бошқа бирор хушёр йўловчига кўзи тушмадими, ҳар қалай, шоирнинг қошига келиб, салом берди. Бекатда Андижон поездининг келишини кутавериб дикқати ошган бу йўловчига қулоқ керак эди. Лекин Чўлпон енгини бир оз кўтариб, билагидаги соатни кўрсатди. Муродига етмаган йўловчи ноxуш бир кайфият билан вагоннинг бошқа бўлагига ўтиб кетди.

Чўлпон яна кўзини юмди. У туш кўраётган ёки хаёл уммонига ғарқ бўлган пайти эдими, униси ҳам, буниси ҳам бўлинди.

Аммо поезд қайсиdir бекатдан ўтиши билан секинлашди-да, йўл очилгунига қадар «пинакка кетди»...

...Камола тузала бошлади. Чехраси кундан-кунга ёришиб борди. Бундан мамнун бўлган ва ёрининг янги туғилган охудек сакраб туриб кетишига ишонган, шу кунларда Ҳиндистон миллий конгрессига раис этиб сайланган Жавоҳарлаъл ҳатто Дехлига бориб, икки-уч ой конгресс ишлари билан шуғулланишни ҳам мўлжаллаб қўйди. Аммо шу кунларда санаторийда даволанаётган ирланд йигитининг вафот этиб қолиши унинг режаларини чиппакка чиқарди. Йигит Камолага қараганда анча соғ, тетик, ҳатто ундан ўқтин-ўқтин хабар ҳам олиб турарди. Камоланинг руҳини, кайфиятини кўтарувчи сўзларни топиб айтар, шу ишидан ўзи ҳам завқланар ва Камоладаги хаётга бўлган муҳаббат гуллари кун сайин чаман бўлиб очилаётган эди. Йигитнинг кутилмаган ўлими Камолага қаттиқ таъсир қилди. У кечалари хонасида кимнингдир юраётганини, устидаги ерга оғиб тушган чойшабни кимдир тузатиб кўяётганини сезди. Лекин ўрнидан туриб, чирок ёққанида, на хонада, на санаторий йўлагида бирор кимсани кўрмади. Бу ҳол бир неча бор такрорлангандан сўнг, унинг руҳиятида нохуш ўзгаришлар рўй бера бошлади. У Жавоҳарлаълдан бу ердан тезроқ олиб кетишини илтимос қилди. Жавоҳарлаъл ҳам Камоланинг Баденвейлерда ортиқ қолиши ўлим билан бараварлигини сезиб, уни Лозаннадаги машхур санаторийлардан бирига олиб кетди.

Бу воқеа 1936 йил январь ойининг сўнгти кунларида рўй берди.

Лозанна Швейцариянинг бутун дунёга машҳур шаҳарларидан бири эмасми, бу ердаги санаторийни ҳам Баденвейлердаги шифогоҳга асло қиёслаб

бўлмасди. Ям-яшил ўрмон бағрида жойлашган санаторий ҳавосининг ўзиёқ ҳар қандай оғир хастанинг бир-икки ҳафтада оёққа туриб кетишида малҳам вазифасини бажаарди. Лекин Камола бу ўрмон ҳавосининг шифобахш кучини сезиб улгурмади. Шифокорлар қанчалик елиб-югуришмасин, унинг тақдири Баденвейлерда ҳал бўлган эди.

28 февраль тонготарида Камола севимли қизи Индиранинг қўлида жон берди. Жавоҳарлаъл пансиондан етиб келганида, унинг ҳаёт риштаси бир умрга узилган эди. Швейцариянинг бир неча ёндош шаҳарларида яшаётган хиндлар – Жавоҳарлаълнинг қуролдош дўстлари, хинд одатига кўра, Камолани Лозаннадаги крематорийга олиб бордилар. Куни кеча кулганида қизил гулдек очилган лаблар ҳам, Ганг мавжларини эслатувчи қоп-қора кўзлар ҳам бир зумда кулга айланди. Жавоҳарлаълга, қизи Индирага меҳр-муҳаббати қайнаб-тошган, турмуш ўртоғининг ижтимоий фаолиятига елкадош бўлиб, хинд ҳалқининг озод бўлишини ўзининг ҳам мовий орзусига айлантирган Камола жажжи бир кўзачага жойланиб, Жавоҳарлаъл билан бирга уйига – Хиндистонга қайтди.

* * *

Эшик қўнғироғи жиринглади. Катя (Екатерина Ивановна) ошхонада ивирсинаётган бўлса керак, ҳадеганда чиқа қолмади. Бирор сониядан сўнг яна қўнғироқ, энди, асабийроқ чалинди. Катя қўлидаги сочиқни жаҳл билан отиб, «Счась!» деб қичқирдида, эшик томон югурди. Даҳлиздан унинг майинлашган овози эшитилди: «А, это вы,уважаемый Вадуд-ака?»¹ Бир оз ўтгач, яна унинг овози келди: «Стареете, Вадуд-ака, стареете. Раньше были более терпеливыми... Молоко ставила на огонь. Боялась –

¹ «Бу сизмидингиз, хурматли Вадуд ака?»

убежит¹. Мехмон кексароқ киши бўлса керак, товуши аниқ эшитилмади. Ичкаридан Чўлпоннинг синик овози келди:

– Катенька, кто пришел? Если за долгом пришли, скажи, что я еще гонорар не получил. Пусть не беспокоится. Наднях обязательно получу гонорар и тут же верну долг².

– Нет, не за долгом пришли. Это Вадуд-ака, Вадуд Самаркандский³!

Ичкаридан Чўлпоннинг овози эшитилди:

– Кто? Самарский? Какой еще Самарский⁴?

Чўлпон тўнини елкасига ташлаган ҳолда чиқиб, меҳмонни кўриб қолди.

– А, Вадуд домла! Сизмисиз? Мен шу атрофда ўралашиб юрадиган самаралик безорилардан бири келипти, деб ўйлабман. Келинг, келинг!! Камнамосиз? Дархонда, шундоққина Тошкентнинг киндигида туриб-а?..

– Мен-ку, кунда-шундаман десам ҳам бўлади. Сиз-чи, ҳужрангиздан чиқиб, икки қадам юрсангиз, ўзингизни Дархондек хушманзара жойда кўрасиз! Сув шарқираб окиб ётиби. Ҳаво топ-тоза. Катяхон билан қўлтиқлашиб чиксангиз, ҳам оёғингизнинг чигили ёзилади, ҳам биз фақирларни зиёрат қилиб, меҳмон бўлиб келасиз.

– Тобим йўқ, дўстим, тобим. Биласиз, қанд хасталигига йўлиқканман. Қўзимга хеч нарса кўринмайди. Қаердан ҳам менга илашди бу лаънати хасталик!..

– Асабдан, ҳаммаси асабдан, Чўлпон!.. Худо сизни

¹ «Кариб бораяпсиз, Вадуд ака, қариб бораяпсиз. Илгарилари сабр-тоқатли эдингиз... Сутни оловга кўйган эдим. Тошиб кетади, деб кўрқдим».

² «Катенька, ким келди? Агар қарзни сўраб келган бўлса, айт, ҳали қалам ҳақини олганим йўқ, ташвишланавермасин. Шу кунларда, албатта, ҳақимни олиб, қарзимни ўша заҳотиёқ узаман».

³ «Йўқ, қарзни сўраб келишмаган. Вадуд ака экан, Вадуд Самарқандий».

⁴ «Ким, самаралик? Яна қанака самаралик?»

темирдан ясаган экан! Устингиздан шўронинг танкаси босиб ўтиб кетса ҳам, «финг» демай яшаяпсиз-а!..

Икки дўстнинг остоңада сухбатга тушиб кетганини кўрган уй бекаси меҳмонни ичкарига таклиф этди.

Уй каттароқ бир хонадан иборат. Ошхона ҳам, ётоқхона ҳам, ижодхона ҳам – ҳаммаси шу ерда. Ўртадаги тўртта стул билан битта стол эса – меҳмонхона. Чўлпон меҳмонни шу ерга бошлиб келиб, уринган Вена стулларига чўкишни таклиф қилди.

– Ўтган ҳафта йўқлаб келсан, йўқ экансиз. «Чўлпон Андижонга кетди», деди Катяхон. Андижон тинч эканми? Сингилларингиз, жиянларингиз эсон-омон юришиптими? Нима, тўй-пўй бормиди?

– Тўй, дейсизми? Шу замонда тўй бўладими, Вадуджон? Тўй қиласиган бойвуччалар аллақачон «кулок» қилиб юборилган. Энди тўйни ўйлашиб килишади.

– Тўй билан азани тинч қўйса бўларди бу хукумат! «Янги ҳаёт» деб Даққи Юнусдан қолган урфодатларимизни оёқ ости қилиш яхшиликка олиб бормас. Халқнинг қарфишига, худонинг ҳам қаҳрига қолади бу хукумат!

– Келинг, Вадуджон, сиёсатнинг қоронғи кўчасига кирмай, ўтган-кетганлар ҳакида, ажабтовур воқеалар ҳакида гаплашиб ўтирайлик. «Дўппи тагида одам бор», деб ота-боболаримиз бежиз айтишмаган. Тилдан эҳтиёт бўлсак, кам бўлмаймиз, биродар.

– Чўчиб қопсиз, дўстим, чўчиб қопсиз. Замон сизни ҳам енгиб қўйипти...

– Замоннинг енгтанига ўн йилдан ошди, биродар. 23-йили Андижонга бориб, «Дархон» газетасини чиқарган пайтимдаёқ қўлим ҳам, тилим ҳам кишанланган эди. Шу кишани парчалаб ташлашга қанчалик уринмай, кишансоз устаси фаранглардан эканми, янги-янги кишанларни ясад, қўлимни ҳам,

тилимни ҳам устма-уст боғлаб ташлади... Одам зоти ҳамма нарсага чидар экан, дўстим, чидар экан...

Чўлпон бир оз сукут қилиб, сўнг давом этди:

– Чидамай нима ҳам қилсин?! Не иложи бор, ахир, инсоннинг?! Чидайди! «Дод» деса ҳам чидайди!! «Воидод!» деса ҳам чидайди!! Чидашга мажбур!!! Чидамай кўрсин-чи! Кўзининг олдида хотинини тахкирлаб, бадном этади; бола-чақасини қийнаб, қон қақшатади; уруғ-аймокларининг ҳам ёстигини қуритади. Большевик дегани инсоний қиёфасини йўқотган, раҳм-шафқатнинг ранги рўйини кўрмаган, зарур бўлса-бўлмаса қон дарёсини оқизадиган жаллоднинг ўзи экан!.. Уруғи кўп экан большевикнинг! Бири ўлса, ўнтаси тирилиб турипти! Ўнтаси ўлса, мингтаси қилич кўтариб чиқмоқда, биродар. Яна: «Замон енгиб қўйипти сизни», дейсиз. Бу бало билан ким олиша олади? Ким унга «бас!» дея олади, ким?..

– Ўзбекнинг пешонаси шўр экан, азизим!

– Нафақат ўзбекнинг! Козок-киргизнинг ҳам, озару гуржининг ҳам, ўриснинг ўзини ҳам пешонаси шўр экан, Вадуджон! «Ичдан чиқсан балога, қайга борай давога?» деган мақол шундай машъум замонларда тўқилган бўлса ажаб эмас...

Шу пайт Катя дўстлар кошига яқинлашиб:

– Что вы так горячо обсуждаете? Жизнь – сложная штука. Никогда она не была сладкой¹, – деди худди дўстлар сухбати мазмунини тушунган кишидек. Сўнгра стол устини артиб, дастурхон ёзди. Бир тақсимчада тўғралган нон билан косаларда карам шўрва келтирди.

Вадуд Махмуд Катянинг карам шўрвасини ёқтириб колган, ҳазми енгил таомлардан бўлгани учун бир қўлига қошиқ, иккинчи қўлига эса бир бурда қора нонни олиб, карам шўрвани хўриллатиб ича бошлиди. Чўлпон қорни очиқсан бўлса-да, қошиқни косага ботирганча хаёл уммонига чўмди...

¹ «Нималарни кизишиб мухокама қиласпиз? Турмуш – мушкул нарса. У хеч қачон ширин бўлмаган».

...Ўша куни поезддан тушиб, Қатортолдаги уйига етиб олиши билан нималарнидир титкилашга тушди. Севимли ака ва тоғанинг келганини эшитган сингиллар билан жиянлар бир зумда йиғилишди. Анчадан бери кўрмаганлари учун Чўлпонни ўраб олиб, ялаб-юлқашди. Тирикчиликлари ёмон кечмаётган бўлса керак, кўз очиб юмгунча қуюқ-суюқ солинган косалару лаганлар сандал устидаги патнисни тўлдириб юборди. Чўлпон сихат-саломатлигига, шифокорларнинг тавсияларига қараб, ундан-мундан тотиган киши бўлди. Марғуб тоғасига оғилдаги озғингина кўйни кўрсатиб, фотиҳа беришни сўраганида, жаҳли чиқди: у хурматнинг бундай ўзбекона тантанавор кўринишларини хуш кўрмас эди. Камтарона турмуш тарзига кўниккан шоир қариндош-уруғларининг ҳам маълум бир меъёр доирасида яшашларини хоҳларди. Унинг назарида, бева-бечораларнинг куни кеча Андижон кўчаларида очликдан ўлиб-чўзилиб ётганларини унутмаслик, бундан-да, шум, мусибатли, даҳшатли кунлар келиши мумкинлигини ёдда тутиш лозим эди. Нима учундир у эртанги кунни ўйлаганида, кўз олди коронфилашар эди.

Чўлпон шу куни дастурхонга фотиҳа ўқилиши билан ҳамма хоналарни айланиб, қаердаки бир варак бўлса ҳам, номи кўлёзма-ю, тепасига «Чўлпон» деган сўз ёзилган нарса бўлса, ҳамма-ҳаммасини йиғишириб, Тошкентдан олиб келган жомадонига сукди. Кечга яқин аравада Ўшга йўл олиб, болаликдаги дўсти Шарафиддин Салоҳиддин ўғлининг уйига борди ва бир кеча тунаб, унга совға қилган китобларию Москвадан йўллаган хатларини олиб, яна Андижонга қайтди. Сингиллари ота уйида ақалли бир кун-ярим кун қолишини сўраб қанчалик ёлворишмасин, хуфтонда вокзалга чиқиб, поездда Тошкентга келди.

Мана, унинг – буюк ўзбек шоирининг умр бўйи ёзган китоблари: шеър, ҳикоя, қисса, драма ва ро-

ман қўлёзмалари. У бу асарларини юрак қони билан ёзган. Уларнинг ҳар бирида унинг хаста юраги зарб бериб турибди. Аммо бу асарларнинг барчасида унинг она Ватанига, жонажон халқига туйган беадад меҳри билан бирга мустамлакачиларга бўлган, большевикларга бўлган ғазаб ва нафрати ҳам оловланиб турибди.

Чўлпон қоғозлардан бирини олиб ўқиди: «Санъат ҳарамига бир ёввойи бўрон кирди... Олтин қадаҳ, биллур косалардан бир-икки жуфтини агдариб кетди. Майлар тўкулди, косалар синди, қадаҳлар парча-парча бўлди...»

Шоир бошқа қоғоздаги сатрларга кўз югуртириди: «Кўм-кўк, гўзал ўтлоқларинг босилган. Устларида на пода бор, на йилқи. Подачилар қайси дорга осилган? От кишнаши, қўй маъраши ўрнига оҳ, йиги...»

У бошқа бир қоғозни олди: «Кўнгил, сен мунчалар нега Кишанлар бирла дўстлашдинг? На фарёдинг, на додинг бор, Нечун сен мунча сустлашдинг?»...

Чўлпоннинг олдида уйилган китоблар ва қўлёзмалардан шундай оловли сатрлар отилиб-ҳайқириб тургандек бўлди. Агар бу китоб ва қоғозларнинг юздан бири Андижондаги сингиллари ёки Ўшдаги қариндошларининг уйидан чиқиб қолса борми, уларнинг хонумонларига ўт кетди, деяверинг. Шунинг учун Чўлпон «касримга қолишмасин», деб Андижон ва Ўшдаги «портловчи моддалар»ини Тошкентга олиб келган эди. Ана энди у шу асарларнинг ҳаммасини ёндиради. «Эпоха» папиросини ёндириб, кул килганидек.

У чўнтағидан гугурт олиб, бир донасини чатнатиб ёндириди. Сўнг ўтни қоғозлардан бирига тутди. Коғоз, худди истамагандек, секин тутай бошлиди. Кўп ўтмай, йиртиб, ғижимланиб ташланган

қоғозлар қудратли гулханга айланиб, олов тиллари билан кўкка ҳамла қилди. Бу, шу қоғозларга битилган туйгулар, фикрлар, орзуларнинг сўнгти фарёди эди. Чўлпон шу оловли фарёдни томоша қилар экан, кўзларидан дона-дона ёшлар тўкилди. Бешўн дақиқадан сўнг гулхан пасайиб, олов тафтидан чет-четта учиб тушган майда қоғоз парчаларигина ёнмай, қовжираб турарди. Чўлпон уларни тўплаб, яна гугурт чертди. Нихоят, шоир руҳий, ижодий ва ижтимоий ҳаётининг кўзгуси бўлган асарларнинг ҳаммаси ёниб кул бўлди. Чўлпон кулни тўплаб, олдиндан тайёрлаб қўйган халтачага солди. Шунча китоб ва қўлёзма асарларнинг кули кичик бир халтачага жо бўлган ва халтacha ўлик сичқон боласидан ҳам енгил эди. Чўлпоннинг ич-ичидан қандайдир нотаниш бир йифими, ўқирикми отилиб чиқаётгандек бўлди. Чўлпон оғзини катта очиб, шу йифи-ўқирикни чиқариб юборишга шайланди. Лекин у: «Эй фалак!» деб қичқирди-да, ҳушидан кетиб йиқилди...

– Хаёл суриб қолдингиз?..

Вадуд Махмуд яна нималардир деди. Чўлпон бошини «дирк» кўтариб, хаёл дарёсида узок сузганини сезди. Мехмон олдида ўзини ноқулай ҳис этиб, бир замонлар ёзган, аммо ўқтин-ўқтин эслаб юрадиган сатрларини айтди:

– Хаёл... хаёл... Ёлғиз хаёл гўзалдир. Ҳакиқатнинг кўзларидан қўрқаман. Хаёлдаги юлдузларким, амалдир, Оловимни алар учун ёқаман... Гўзал хаёл, кел, бошимда гул ўйнат, Меним исрик тилагимни эркаллат!..

– Гўзал шеър! Чиндан ҳам, «ёлғиз хаёл гўзалдир»... Мен сизнинг 22–23-йилларда ёзган шеърларингизни ўқиганимда, улардан томиб турган кўз ёшларингизу

юрак қонларингизни кўриб, шу даврда шу жабрдийда юртда туғилганимдан, шу хунрезликларни амалга оширган мустамлакачиларга замондош бўлганимдан ҳазор-ҳазор пушаймонлар қиласан.

— Мени-чи, мени айтмайсизми? Дунё тамаддунига Кошғарийлар, Берунийлар, Форобийлар, Ибн Сино-лар, Навоийларни берган, Амир Темурдек соҳиб-қиронлари билан ер юзини титратган ҳалқ Кауфманнинг тўртта тўпни судраб келган аскарларини кўриб, тумтарақай қочганини, булар ҳам майли-я, «оқ подшо» тахтдан йиқилгандан кейин оғзимиздаги ҳалол лукмани ҳам большевикларга бериб қўйганимизни эсласам, ер ёрилмайди — ерга кириб кетмайман. Шу қадар ношуд ҳалқмизми-а, Вадужон?! Худонинг шу қадар ожиз бандаларимизми биз — ҳалқнинг зиёли деган пешонаси шўр фарзандлари?!

— Бизда айб йўқ, дўстим. Ҳар бир мамлакатнинг бошқа давлат томонидан босиб олинишига, аввало, подшолар айбдор бўлишади. Бизнинг подшоларимиз ҳарамни ҳурлар билан тўлдириб, улар билан айшишрат қилишдан бошқа нарсани ўйламай қўйишиган эди. Ваҳоланки, XIX асрнинг эрта тонгидаёқ дунё айрим давлатлар ўртасида тақсимлана бошлаган. Кучли давлатлар кучсиз давлатларни юта бошлашган. Русия Улуғ Пётр давридаёқ Туркистонга кўз олайтирган эди. Кўр ҳам, кар ҳам Пётр халафларининг бугун-эрта Туркистонга замбаракдан пахта ўқ отиб, барабанини бўкиртириб келишини яхши билишган. Аммо бизнинг беғам подшоларимиз на замонавий қурол-аслаҳа билан қуролланиш, на лашкарларга замонавий ҳарбий билим бериш лозимлигини асло ўйлашмаган. Сиз билан биз эмас, подшоларимиз айбдор, Чўлпонжон, подшоларимиз!

— Айбни бошқаларнинг елкасига қўйишдан осон нарса йўқ дунёда. Агар биз — шоирлар, олимлар, фозиллар ўзаро бирлашиб, подшоларга вазиятни ту-

шунтирсак, ундей қилиш керак, мундай қилиш керак, эшигимизда ўриснинг генераллари мўйловини бураб турибди, десак, подшоларимиз ҳушёр тортмасми? Бирор чора-тадбир кўрмасми? Аксинча, биримиз подшоларга мадхия ўқишдан бўшамади, иккинчимиз Ироққами, Арабистонгами бориб, араб тилининг нахву сахфига доир асар ёзиш билан машғул бўлди, учинчимиз подшонинг ғашига тегадиган ишлар қилиб, зиндонга тушди. Қани, айтинг, нега бизнинг ўзимиз ҳам бирлашиб, подшоларни, казо-казо амалдорларни келаётган бало-офатлардан воқиф эта олмадик?..

Чўлпон сиёсий мавзуларда сўзлаш қанчалик хавфли эканини яхши билган ва шундай баҳсу мунозаралардан қочишга интилган кишилардан бўлмасин, шароит унинг ҳам, Вадуд Маҳмуднинг ҳам дил жароҳатларини очишга мажбур қилган эди. Катя уларнинг нима тўғрисида сўзлашаётганларини аниқ билмаса-да, 1937 йил ёзида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қарийб барча зиёлилар хонадонига ўзгача ҳаво, ўзгача хавотир, ўзгача қўрқув кириб келганини, Чўлпоннинг ҳам ўз тақдиридан хавотирланиб яшаётганини яхши биларди. Шунинг учун у эри билан меҳмон ўртасида кечеётган сухбатнинг умумий йўналишини аллақачон илғаган, лекин «пешонага ёзилганини кўрамиз» деган фалсафа билан яшаётгани учун ортиқча ҳаяжонни ўринсиз, деб ҳисобларди.

Катя эри билан Вадуд Маҳмуднинг олдига келиб, деди:

– Хватит вам, ребята, мучиться. Если свыше нам дано жить – будем жить. Если не дано, умирать будем достойно¹.

Катяниң шу содда сўзларидан Чўлпон ҳам, Вадуд Маҳмуд ҳам енгил тортгандек бўлишиди. Дарвоқе, минг хил нарсани ўйлаб, бошни оғритишдан нима

¹ «Азаматлар, ўзингизни ўзингиз қийнаганингиз етади. Агар арши аъло бизга яшашни раво кўрган бўлса, яшаймиз. Агар раво кўрмаган бўлса, мардларча ўламиз».

фойда?! Бир бошга – бир ўлим. Эртами ё кечми, ўлим бизни ўз бағрига олади. Бу, табиатнинг, ҳаётнинг темир қонуни экан, унинг қандай ҳолатда келишининг нима аҳамияти бор?!

Ташқарида кечки шабада эса бошлагани учун Катя деразани очиб, хона ҳавосини янгиламоқчи бўлди. Дераза очилиши билан ташқаридан кирган шабада дераза ромига осилган ҳамойилни хийла тебратиб юборди. Одатда оналар ўн тўрт кунлик ойдек келинларига, баҳтли-саодатли турмуш кечираётган фарзандларига қўз тегмасин, деб эшик ё дераза ромига дуо сўзлари ёзилган туморларни илиб қўйишарди. Вадуд Махмуднинг кўзи ҳамойилга тушиб, унинг нима эканлигини Чўлпондан сўради:

– Дўстим, деразага нимадир осиб қўйибсизми? Биринчи кўришим. Сингилларингиз «Акамизнинг боши тошдан бўлсин», деб дуойи каромат ёзиб беришдими ёки?

Ҳамойил...

...Жавоҳарлаъл Камоланинг хокини кўзачага солиб олганидан сўнг қизи Индира билан бирга Монтрёга бориб, шу ерда бир неча кун туришга мажбур бўлди. Шу вактда узок-яқиндан хабар топган ҳинд ихтилолчилари Монтрёга келиб, Жавоҳарлаъл ва унинг қизалоғи Индирага чуқур таъзия билдирилар. Сўнгра у КЛМ авикомпанияси самолётида дастлаб Женевадан Марселга, ундан Римга, сўнгра Кохира, кейин Карабига, нихоят, Аллоҳободга етиб келди. Шу шаҳарларнинг ҳар бирида уни дўст-ёрлари, сиёсий арбоблар, консуллар кутиб олиб, унинг қайғусига шерик эканликларини маълум қилдилар. Жавоҳарлаъл дўстлари билан бирга Ганг қирғозларига тушиб, кўзачадаги қимматбаҳо хокни тезоқар муқаддас дарё-

га сочди. Камоланинг хоки тўлқинлар бағрига сингиб, азиз ва табаррук ўтмишдошларнинг хоклари сингари, ўз ватанини сўнгти бор айланиб, адам сахросига йўл олди...

— Вадуд-ака спрашивает, что в этом сверточке¹?

Чўлпон Катянинг овозини эшишиб, Вадуд Махмудга:

— Менинг хоким, — деди бошини кўтариб.

— Қанақа хок? Нималар деяпсиз, дўстим? — сўради Вадуд Махмуд нимадандир шубхаланиб.

— Чиндан ҳам, бу халтага менинг хоким солинган! Менинг кўзларим, менинг юрагим, менинг сўзларимнинг хоки бу, Вадуджон!!

Чўлпон шу сўзларидан сўнг чуқур нафас олиб, сўнг давом этди:

— Мен омонат одамман, дўстим. Совет давлати бугун бўлмаса, эртага мени, албатта, отиб, хумордан чиқади. У сизни менчалик ёмон кўрмайди. Сиз, худо хоҳласа, тирик қоласиз. Дориламон кунларни кўрасиз. Шу ҳамойил сизга аталган. Агар омон қолиб, бир кунмас, бир қун замона зайли билан Хиндистонга бориб қолсангиз, Ганг дарёси бўйларига бориб, большевикларнинг ифлос оёғи тегмаган ўша муқаддас дарёга оқизинг. Менинг хоким ҳам, ҳиндистонлик азиз-авлиёларнинг хоклари сингари, Ганг дарёсининг кумуш тўлқинларига қўшилиб, ўйнаб-яйраб оқсин...

ҚАСАМЁД

...Хорижда таҳсил олиб, эндиғина ватани – Бухорои шарифга қайтган Фитрат «Ойна» журналининг янги сонини кўриб, чехраси яшнаб кетди. Бу сонда Беҳбудийнинг «Аъмолимиз ва муродимиз» деган

¹ «Вадуд ака: «Бу тугунчада нима бор?» деб сўрайпти.

мақоласи босилған эди. У устознинг «Ойна» журналини нашр эта бошлаганидан хабар топиб, Самарқанд шаҳри яна Шарқнинг маърифат ўчоқларидан бирига айланиши ва катта довруғ қозонишига умид боғлаган эди. Мақолани ўқиб чиққач, умидлари асоссиз эмас-лигини сезиб, қувончи ичига сиғмай кетди. Мақолада ўткинчи тўю маъракаларга, хою ҳавасларга сарфла-наётган жарак-жарак пулларнинг бир ҳовучи, ати-ги бир ҳовучи ҳисобига болаларни Шарқ ва Farb мамлакатларидағи дорилфунунларга ўқишга юбориш масаласи кўтарилилган эди.

Фитрат XX асрнинг 10-йилларида Самарқандда «бисмилло» деб калишини ечиб, поездга чиқкан, сўнг Когондан уйига маҳсичан кетишига мажбур бўлган оми юртдошларини кўриб, худди шундай фикрни хаёлидан ўтказган эди. Кани энди бухоролик, самарқандлик, тошкандлик ёшлар ҳам нафакат Миср ва Туркия, балки Олмониё, Франсиё, Инглизстон сингари мамлакатлардаги машхур дорилфунунларга бориб, билим олиб, маърифатли, маданиятли кишилар бўлиб келишса!.. Ўзбек халқидан ҳам илм-фан ва техниканинг турфа соҳалари бўйича юқори маълумотли ёшлар етишиб чиқса!.. Кани энди уларнинг саъй-харакатлари билан юртимиз ер юзидағи илғор мамлакатлардан бирига айланса...

Фитрат Бухоро халқ республикаси тузилиб, янги ҳукумат раиси ўринbosари ва маориф халқ комиссари этиб тасдиқланган кунларда Беҳбудийнинг ўша мақоласини эслади. У эгаллаган лавозимлар хаёлот осмонида дайдиб юрган орзунинг амалга ошишига имкон беригина қолмай, ундан шу эзгу ишга раҳбарлик қилишни ҳам талаб қилаётгандек эди. У ҳукумат раиси Файзулла Хўжаевга шу масаланинг учини чиқарганида, жумхурият раҳбари уни тўла қўллаб-қувватлади. Ҳатто шу масалада амирлик

хазинасидаги большавойлар томонидан ўғирланмай колган тилладан фойдаланиш мумкин ва ҳатто лозим эканлигини ҳам айтди.

— Сен яхши биласан, — деди у, одати бўйича, Фитратни сенсираб, — отам Убайдуллахўжанинг ҳам, бухоролик номи етти иқлимга кетган бошқа бойларнинг ҳам Инглизтон, Олмония ва Фарангистонда дўконлари бўлган. Улар шу дўконларида хизмат килган бухороликлар орқали бу масканларнинг Овруподаги энг тараққий этган мамлакатлар эканлигини яхши билишган. Отам раҳматлининг бирдан-бир орзуси мени Германиёда ўқитиш эди. Афсуски, орзусига етолмади. Энди, нокамтарлик бўлса ҳам айтай, сен билан мен — бухоролик ёшларнинг отаси бўламиз. Бу болаларнинг, аксар ота-боболариdek, оми бўлиб қолишлирига ҳам, Ибн Сино, Берунийдек улуғ алломалар бўлиб улғайишларига ҳам биз Яратганинг олдида жавобгармиз. Иккимизнинг ҳам орзумиз бугундан бошлаб шу — ёшларни Оврупонинг энг илғор мамлакатларида ўқитиш бўлсин.

— Фарангистон билан Инглизstonни билмадим-у, аммо Олмониё шу кеча-кундузда ўз илмию техникаси билан бошқа давлатлардан ўзиб кетган, — сухбат улоғини олишга уринди Фитрат. — Замон биздан, биринчи навбатда, илм-фан ва техника бўйича, тиббиёт бўйича, саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича янги замоннинг муллаларини етиширишни такозо этади. Бу кутлуг ишни пайсалга солмай, шу йилдан бошлаб бухоролик ёшларни Олмониёга ўқишига юборсак, айни муддао бўлурди.

— Бу оғир масала, — деди Файзулла Хўжаев кумуш қаламдаги йўғон қизил қаламни олиб. — Унинг минг бир хил мураккаб томонлари бор. Мен масаланинг ташкилий томонларини бўйнимга олай. Сен бугундан бошлаб бухоролик қобилиятли, зеҳнли-уқувли ёшларни рўйхатга олиш билац шуғуллан!

Файзулла Хўжаев «гап тамом» дегандек, қўлидаги қаламни столга «так» этиб урди-да, ўрнидан турмокчи бўлди. Аммо Фитрат масаланинг яна бир мухим жиҳати борлигини айтиб, уни ўтиришга мажбур қилди:

— Эшон, — деди у салмоқланиб, — тошкандлик зиёлиларнинг «Кўмак» деган жамияти бор. Билишимча, Ўзбек билим ҳайъати ҳам шу масала билан шуғулланишни мўлжаллаб турибди. Агар шу идоралар билан алоқа боғлаб, Оврупога факат бухоролик болаларимизни эмас, туркистонлик ёшларни ҳам юборсак, узоқни кўзлаб иш тутган бўлармилик...

Файзулла Хўжаев бир оз ўйлаб, сўнг маъкул деган маънода бош силкиди.

—...Ўрта Осиёда, — давом этди Фитрат, — ўзбеклар Туркистон аҳолисининг катта қисмини ташкил этади. Ўзбеклар бугун бўлмаса, эртага алоҳида жумхурият бўлиб Русия таркибидан ажralиб чиқишилари мумкин. Бинобарин, туркистонлик ва хоразмлик ёшлар орасидан ҳам бўлажак Ибн Синою Берунийларни топиб, Оврупога ўқишга юборсак, шаҳару қишлоқлар, тоғу даштларда сочилиб яшаётган ўзбек халқини ковуштириш ишини бошлаб берган бўлармилик...

— Тўғри айтасан, Бухоронинг Афлотуни! — деб кулди Файзулла Хўжаев ва қўлидаги қаламни икки бармоғи билан айлантира туриб, сўзида давом этди: — Дарҳақиқат, бу хайрли ишни биз бошламасак, ким бошлайди?.. Мустамлакачиларнинг вазифаси доим халқларни бўлиб ташлаш бўлган. Бирини ўзбек, бирини қозоқ, бирини сунний, бирини шиа, деб. Кейин уларни бир-бирига қарши гижгижлатаверишган. Тарих бизнинг зиммамизга улуғ вазифани юклади. Энди биз бир бобока-лондан туғилган, аммо қилич билан бўлиб ташланган элатларни бирлаштиришимиз, улар ўртасидаги қондошлиқ ришталарини меҳр билан тиклашимиз даркор. Улар бирлашган ҳолдагина, илм-фан, ма-

даният ва техника чўққиларини эгаллаган ҳолдагина ўз юртларини илфор мамлакатлар қаторига олиб чиқишилари мумкин.

– Боракалло, Файзуллохон! Бухоронинг бахтига, менинг бахтимга омон бўлгин!.. Сенга ўгай кўз билан қараган кишиларнинг кўзлари ўйилиб тушсин!

– Яхши тилакларингиз учун раҳмат, устоз. Аммо дилингизга туғиб қўйинг: сизга бир ой муҳлат. Бир ойдан кейин Оврупога ўқишига борувчилар рўйхати менинг қўлимда бўлсин. Рўйхат қанча катта бўлса, шунча яхши! Шуни унутманг, ўзбекни Афлотуни!

Фитрат шу сухбатдан сўнг Тошкентга қўнғироқ килиб, Туркистон Маориф халқ комиссарлиги билан боғланди. Комиссарлик Оврупога ўқишига борувчилар рўйхатини тайёрлашни Ўзбек билим ҳайъатига топширди. Ўзи Бухоро мадрасаларини битирган ҳамشاҳарларини йиғиб, кенгаш ўтказди; улардан ўқишига ҳавасманд фарзандларини Оврупога ўқишига юборишлари Бухоро учун, айниқса, ўзлари учун зарурлигини тушунтириди... Зарур ҳолларда жума-шанба демай, кўчама-кўча, уйма-уй юриб, зийрак болаларнинг Бухоро жумхурияти ҳисобидан ўқиб, юқори малакали дўхтири, инженер, муаллим, агроном, бошқа соҳаларнинг «пир»и бўлиб келишларини айтиб, уларнинг келажакдаги ойдин ҳаётларини таърифлаб берди...

Нихоят, зўр машаққатлардан сўнг, бир ой эмас, икки ой деганда, талабалар рўйхати тайёр бўлди.

Энди масаланинг Масков билан боғлиқ энг машаққатли томони қолган эди...

...1922 йил ёзида Файзулла Хўжаевни «бурга тепди». Шифокорлар унга Германияга бориб даволанишни маслаҳат беришди. У олис сафарга боришдан аввал Масковга бориб, бояги ва бошқа масалаларни

ҳал қилмоқчи бўлди. Ўша йилнинг 6 сентябрида Масковдан Бухоро халқ шўро жумҳурияти Нозирлар кенгашига телеграмма келди. Жумҳурият раисининг телеграммасида бундай сўзлар битилган эди: «...*Бугун Абдуқодир Мұхиддинов ва савдо бўлимининг докладини эшигдим. Жами бўлиб олтин ҳисобига бир миллион сўмлик мол сотилган, уч юз минг сўмлик газлама, темир, қанд, ёғоч, резина сотиб олиниб, Бухорога жўнатилган. Колган пулга савдо-саноат нозирлиги топширигига биноан мол харид қилиш, бундан ташқари, Олмониёдан 200 ўринлик шифохона учун тўла жиҳоз ва дори-дармон сотиб олиш, бунда, албатта, 10 пуд хинин бўлишини назарда тутиш ҳақида буйруқ бердим...*»

Бухоро учун ғоят муҳим бўлган шу сўзлардан аввал қуийдаги сўзлар битилган эди: «*Масковга етиб келишим билан соглигим анча ёмонлашди. Даволана бошладим. Кеча Ташқи ишлар халқ комиссари ўринбосари Каракан билан учрашиб гаплашдим. Бухоролик болаларнинг Олмониёга ўқишга боришига розилик олдим. Олмониёда ўқиши керак бўлган болаларнинг, шунингдек, Масковга ўқишга борувчиларнинг ҳам етиб келишини кутмоқдамиз...*»

Мазкур телеграмма келиши арафасида Фитрат туркистонлик талабаларнинг бир гурӯхини Самарқандга олиб борган эди.

Мусулмон одатига кўра, ҳар бир фарзанд олис ёки яқин йўлга чиқишидан аввал марҳум ота-онаси-нинг қабрларини зиёрат қиласи. Фитрат назарида, шу ёшларнинг бобокалони Амир Темур эди. Туркистонлик ва бухоролик ёшлар унинг истак-ҳоҳиши билан Самарқандга бориб, Гўри Амирни зиёрат қилдилар.

Улуғ давлат арбобининг сафанаси хароб бир ҳолда эди. Лекин Фитрат Амир Темур ва унинг ўзбек халқи тарихидаги улуғ хизматлари тўғрисида ёшларга шундай жўшиб сўзлаб бердики, улар хаёлида,

Соҳибқироннинг қудратли руҳи сағана атрофида учиб юргандек бўлди. Фитрат «маъруза»дан кейин Куръон сураларини тиловат қилди. Сўнгра ёшларга қасам сўзларини айтиб турди. Бўлажак талабалар Фитрат оғзидан учиб чиқкан оловли сўзларни жон-жахдлари билан шундай такрорладиларки, ҳатто қасам сўзлари Гўри Амирнинг баланд гумбазини ҳам титратиб юборгандек туюлди.

Шу куни туркистонлик ва бухоролик ёшлар Гёте ва Бетховен ватанига бориб, ўрта ва олий ўкув юртларида фақат «аъло» ва «яхши» баҳолар билан ўқиб, танлаган соҳалари бўйича зўр мутахассислар – дўхтирлар, инженерлар, иқтисодчилар, юристлар, агрономлар, электриклар... бўлиб келишга ва она Ватанинг хур, обод ва ривожланган мамлакат бўлиши учун фидойиларча хизмат қилишга қасам ичдилар. Бу оддий қасам эмас, балки Гўри Амир олдида, Амир Темурнинг барҳаёт руҳи олдида, Оллоҳнинг гувоҳлигида ичилган ва ҳар бир сўзи кўкракларга ўйиб ёзилган қасам эди...

Ёшлар Гўри Амир зиёратидан чиққанларидан сўнг ҳам Устоз атрофида гирдикапалак бўлишда давом этдилар. Фитрат улар илтимоси билан ёшлик йиллари, Мир Араб мадрасасини тугатганидан сўнг Туркияга ўқишга боргани, ўша ерда кўрган-кечиргандаридан бир-икки шингилини ҳикоя қилиб берди. Ёшлардан бири:

– Устоз, турк ёшлари билан учрашув сизда қандай таассурот қолдирган? Улардан бирортаси билан дўстлашиб, Бухорога қайтганингиздан кейин хатлашиб турганмисиз? – деб Фитратнинг хаёлига ҳам келмаган саволни берди.

Фитрат бир оз ўйлаб, ўша олис юртда таҳсил олган кезларини эслаб, деди:

– Ўша йилларда турк ёшлари орасида ҳам билимга чанқоқлари оз бўлмаган. Уларнинг бир қисми,

эшишишмича, ҳозир Оврупо мамлакатларидағи дорил-фунунлар, кутубхоналар, саноат корхоналарида хизмат қилишмокда. Аммо хаёлим кечаю кундуз ўқишда ва мўлжаллаган асарларимни ёзишда бўлганлиги сабабли менда бирорта турк йигити ёки кизи билан дўстлашиш имконияти бўлмаган. Чунки, бирор одам билан дўстлашмоқчи бўлган киши у билан тез-тез кўришиб туриши ёки бирга яшаши лозим. Мен бундай баҳтдан маҳрум эдим. Ватанинга факат билим олибгина эмас, тенгдошларимнинг уйғонишларига ёрдам берадиган асарларни ёзиб келишим ҳам зарур эди. Мен ҳозир ҳам Туркияда «Мунозара», «Хинд сайёхи», «Сайха» каби асарларни ёзиб келганимдан ва бу асарлар ёш ватандошларимнинг мудрок кўзларини очганидан мағуруланиб яшаяпман...

— Устоз, наҳотки, турк ёшларидан бирортаси сизда ўзининг билими, ақл-заковати, маданияти билан ҳавас ёки ҳасад туйғуларини уйғотмаган бўлса? — сўради бир қиз.

— Ҳасад уйғотмаган, — дарҳол жавоб берди Фитрат, — ҳавас уйғотган. Ҳавас бўлганда ҳам жайдари ҳаваслардан эмас. Тунда осмонни мунаvvар килиб турадиган Кутб юлдузига интилиш ҳаваси! Лекин бу ҳавасни уйғотган турк йигити эмас, япон йигити уйғотган! Ҳозир ҳам худди кечагидек эсимда... Бир япон йигити, туркларнинг сўзи билан айтганда, «шайтон арава»да ер юзини айланиб чиқмоқчи бўлган экан. Ўша йилларда шунга ўхшаш жаҳонгашталик эндиғина бошланаётган эди. Шу йигит Хитой, Хинdistон, Эрон ва Афғонистонни икки филдиракли «арава»сида босиб ўтиб, бир куни Истанбулга етиб келди. Бу 1912 ёки 1913 йили рўй берган воқеа. Ўша даврда ёлғиз одамнинг дунё бўйлаб шундай ажабтовур сафарларга чиқиши ноёб ҳодиса эди. Шунинг учун ҳам япон йигитининг Истанбулга «шайтон арава»да етиб келиши катта шов-шув қозонди. Мен бу йигитнинг журъати ва жасоратига қойил қолдим. Бир

шахардан иккинчи бир шаҳарга эмас, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга «шайтон арава»да сафарга чиқкан одам – фиддиракнинг бузилиши, «арава»нинг ишдан чиқиши, ўзининг касал бўлиб, пулининг эса тугаб қолиши бор – ё эси паст, ёки ўз олдига катта мақсадни қўйган, кучли, иродали киши бўлади. Менда шу йигит билан, албатта, учрашиб, танишиб, у билан сухбатлашиш истаги туғилди. Унинг «Истанбул» меҳмонхонасига қўнганини эшитган эдим. Бир дўстим билан уни ахтариб бордим. Исми Но Камо экан. Балки исми бир оз бошқачароқdir, аммо у бизга ўзини шундай деб таништирган. 26 ёшлардаги бу йигит курсида ўтириб, кимгадир хат ёзаётган экан. Хонада, унинг ёнида, икки фиддиракли «шайтон арава»си туради. У шу аравада уч йил давомида бояги мамлакатларни айланиб чиқкан ва энди Фарангистонга кетишга шайланаётган экан. У бизни ҳурмат билан қарши олди... Ўтирдик... уч йил давомида Шарқ мамлакатларида кўрган-эшитган ажойиботларини сўзлаб берди. Сухбат чоғида дилим танг бўлиб, сўрадим: «Биродар, бепул, беаслаҳа, ёлғиз шу икки чархли араванг билан Арабистоннинг жонни куйдирувчи чўлларидан қандай ўтдинг? Фараз қилдикки, ўзингга таом топиб единг, ётар жой ҳам топдинг, лекин чумчукни ҳам соғ қўймайдиган Саҳройи Араб чангалидан қандай халос бўлдинг?»... Шу ерда айтиб қўяй: унинг «шайтон арава»сига япон давлатининг кафолати бўлган байроқча илинганди эди. Япон йигити менга қараб кулди-да, ўша байроқчани кўрсатиб:

– Шу байроқча мени сиз айтаётган хавф-хатардан, мушкулотлардан муҳофаза қилди! – деди.

Мен бу кучли жавобни эшитиб, титраб кетдим. Бир лахза сукут сакладим, лекин қатъий мағлубият менга оғир ботди. Қалбимда бир интиком туйиб, йигитни гапнинг зўри билан мағлуб қилиш мақсадида дедим:

— Биродар, аҳли ислом табиатан меҳмондўст ва мусофирипарвар бўлади, шунинг учун сени хурмат қилишган. Лекин сен Фарангистонга саёҳат қилмоқчисан. У ерда сенинг ҳолинг мушкул бўлади. Зеро, овруполиклар ҳеч бир мусофирининг ҳолига қараашмайди.

Но Камо хотиржамлигини бузмади.

— Бизнинг миллатимиз, — деди у, — ўзининг буюклиги ва шарафини бутун ер юзига таратган. Унинг бирор-бир вакили дунёнинг бирор нуқтасида мушкулотга дучор бўлмайди. Мен шундай қавм орасида ҳам бўлдимки, япон миллатидан бошка бирор миллатнинг номини билмайди. Кейин мен борган баъзи мамлакатларда одамлар япон мамлакатини, япон халқини ифтихор билан тилга олиб, мактабда ўз болаларига дарс берадилар. Улар бизни араблардан ҳам кўра кўпроқ эҳтиром қиласидилар...

Мен «шайтон арава»сига ўз давлатининг байроғини илган, уч йил давомида шу байроққа доғ туширмай, япон миллатининг бутун дунёда хурмат қозониб келган ва бундан кейин ҳам ҳурмат қозонажак миллат эканига ишонган, шу миллатнинг фарзанди бўлганлиги билан фахрланган ва бу шарафдан куч-кувват олган япон йигитига ҳавас қилдим.

Сизлар ҳам, азиз фарзандларим, ўқиб, ишлаб, камол топиб, ўзбек миллатининг шон-шавкатини дунё бўйлаб шундай кўтарингки, келажакда дунёга келадиган фарзандларингиз ўзбек миллатига мансуб бўлганлигидан, ўша япон йигитидек, мағурланиб яшашсин.

Оқ йўл сизларга, азиз жигарларим!..

Фитрат сўнгти сўзларини айтиётганида, унинг кўзларидан ҳам, Оврупо сафарига отланган йигит-қизларнинг кўзларидан ҳам билур томчилар тўкилмоқда эди...

Афсуслар бўлсинки, Фитратнинг бу улуғ орзуси ушалмай қолди. Мустабид давлат Германияга ўқишга юборилган талабаларнинг 1924 йилдаёк собиқ Иттифоқقا қайтишларини қатъий талаб қилди. Кимки шу йили ёки кейин, ўқишни битириб қайтиб келган бўлса, 1937 йилда Германиянинг жосуси сифатида отиб ташланди. Ўзларини шундай қонли келажак кутаётган ёшларнинг бир қисми Туркияда, қолган қисми эса Оврупо мамлакатларидан бошпана топишга мажбур бўлди.



Öüzap

Жанысса



1965 йил. Май кунларидан бири. Тошкент. Ишчилар шаҳарчасидаги Ойбек хонадони. Эрталаб.

Ойбек қизи Гулранг билан ховлида гуллар оралаб юрибди. Икки-уч дона атиргулни қайчи билан узиб, қизига узатади:

- Ма, ол, қиз-з-зим, – дейди у дудукланиб.
 - Адажон, мана бу гулни ҳам узинг. Бирам чиройли экан-а! – сўрайди қизи.
 - Йўқ, онаси йиф-ғ-лайди.
 - Гулни ҳам онаси бўладими?
 - Ҳамма нар-нарсани онаси бўлади, қиз-зим.
 - Унда нега бу гулларни уздиз?
 - Онаси-с-сидан сўр-р-р-адим. Онаси р-р-рухсат берди.
 - Яна сўранг, жон адажон, яна сўранг, шу гулни ҳам узайлик.
 - Йўқ. Онаси йиф-ғ-ғ-лаяпти. Эшиит.
- Булбулнинг сайраган овози эшитилади.
- Бу булбул-ку!
 - Булбул гул тил-лини билади. У бош-шқа гулни уз-зманг! Гул-лар онаси йиф-ғ-лайди, деяпти.
- Шу пайт Гулранг уйдаги телефоннинг жирингланган товушини эшитиб қолади.
- Ойижон, телефон! – қичқиради Гулранг.

Хона ичи. Телефон жиринглашда давом этади. Зарифаҳоним шошиб келиб, гўшакни кўтаради.

- Эшиитаман.., – дейди у. – Ҳа, Ойбек хонадони... Ҳа, менман... Ваалайкум ассалом... Қаерданман, деяпсиз? Телестудиядан?.. Ҳўп... Эртага... Намунча шошмасанглар... Майли, кутаман.

Гўшакни қўйиши билан телефон яна жиринглайди.

- Эшиитаман... Ҳа, Ойбек газетангиз учун шеър ёзиб қўйган. Олиб кетишингиз мумкин.

Зарифаҳоним телефондан узоқлаша бошлайди. Шу пайт телефон ўзгача оҳанг билан жиринглаб кетади. У яна қайтиб, гўшакни кўтаради:

— Эшитаман. О, Чингизжон, сизмисиз? Танијпман, Мухтор оға билан бирга келган эдингиз... Раҳмат... Мухтор оға ҳаёт бўлганида, албатта, табриклаган бўларди... Унинг учун ҳам қутлаб, яхши тилаклар билдирганингиз учун миннатдорман... Афсус, Ойбек ҳали ҳам бемалол гаплаша олмайди... Эзгу ниятларингизни, албатта, етказаман... Сизнинг ўрнингиз бўлак... Ўзингиз келиб, уни бағрингизга босинг... Раҳмат... Келинимизга ҳам бизнинг саломимизни етказинг...

Гўшак қўйилиши билан яна телефон қўнғироғи. Зарифаҳоним:

— Ҳулкар, телефонни олинг. Агар бошқа шаҳарлардан қўнғироқ қилиб қолишса, мени чақирасиз.

У қўшни хонага киради. Хонтахта ёнидаги оромкурсида ўтирган Ойбекка қараб:

— Чингиз Айтматов қўнғироқ қилди. Ўзининг, Мухтор Аvezovning ва яна қайсиdir қирғиз ёзувчишининг номидан табриклади. «Юбилейга бормоқчи эдим. Аммо Москвага чақириб қолиши. Москвадан қўнғироқ килаяпман, деди. Ойбек домлага самимиy табрик сўзларимни етказиб, менинг номимдан кучоқлаб, ўпиб қўйинг», — деди.

Ўпиш учун тараддулданади. Ойбек хижолатда. Зарифа опа унинг олдига келиб, қучоқлаб яноғидан ўпади.

Зарифа опа:

— Бу, Чингиз Айтматов номидан.

Сўнг билинар-билинмас лабидан ўпади.

— Буниси ўз номимдан.

Аста адаб оёқлари ёнига чўкиб, қўлларини силайди. Улар хаёлининг кўринмас кушлари олис-олисларга парвоз қиласди.

1924 йил кузи. Хазонрезгилик. Навоий номидаги билим юртининг ҳовлиси.

Зарифа билим юртининг эшигидан чиқиб, шошиб кетаяпти. Шу чор Муса (Ойбек) тенгдошлари даврасидан айрилиб, унга етиб олмоқчи бўлади.

– Зарифа!.. – чакиради у.

Зарифа «хўш» деган маъно билан ортига қараб қўяди-да, йўлида давом этади.

– Зарифа, тўхтанг! – дейди Муса унга етиб олиб.

– Менга гапингиз борми? Айтинг, шошиб турибман.

Муса гапни нимадан бошлишни билмай, тараддудланади. Ниҳоят:

– Сизни ҳамма рассом қиз, деяпти...

Зарифанинг чехрасида «нима қипти?» деган савол аломати пайдо бўлади.

Муса:

– Шу пайтгача ўзбек қизларидан рассом чикмаган. Биринчи ўзбек рассом қизи билан танишаётганимдан хурсандман.

Кулиб, қўлинини узатади. Зарифа ҳам қўл узатмоқчи бўлганида, қўлидаги жилд ерга тушиб, ичидаги дафтар-китоблар сочилиб кетади. Ҳар иккиси энгашиб, китоб ва дафтарларни олмоқчи бўлишади.

Ойбек энгашган ҳолда, кулиб:

– Кечирасиз, айб менда.

Зарифа уни нокулай вазиятдан қутқариш ниятида, чўккалаган ҳолда қўлинини узатади.

– Зарифа, ҳаваскор рассом!

Ойбек (қўлинин узатиб):

– Ойбек, ҳаваскор шоир.

Уларнинг бир-бирига узатилган ва жипслашган қўллари. Қўллар секин-аста қўтариilar экан, Муса-нинг олисдаги жўралари кўринади.

Мусанинг синфдошларидан бири:

– Тохир ўз Зухросини топди!

Иккинчиси:

– Аммо биз яхши дўстимиздан айрилдик!

Учинчиси (Тентак):

– Алвидо, дўстлик!..

Учаласи:

– Алвидо, содик дўстимиз!.. (Кулишади.)

Ойбек билан Зарифа тикланиб олишади.

Ойбек:

– Аслида исмим Муса. Муса Тошмуҳаммад ўғли.

«Ойбек» тахаллусини Кори амаким қўйиб берганлар..

– Кори амаким? Кори амакингиз ким бўладилар?

Эсон ака эмасми?

– Йўқ, катталар Мунаввар кори, дейишади. Отангизнинг жонажон дўстларидан.

– Эшитмаган эканман. Хай, майли. Шоир бўлсангиз қандай яхши-я! Шоирлар ойдан, юлдузлардан илҳом олишади, дейдилар дадам.

– Ха, шоирларнинг қўли нимага етмаса, ўшанга интилиб шеър ёзишади. Аммо менинг шоир бўлишимга ҳали анча ковун пишиғи бор. Шоирлик (осмонга ишора қилиб) у ёқдан, дейишади.

Зарифа сухбатни қандай давом эттиришни билмай, каловланади. Сўнг ёдига тушиб:

– Мен шошиб турувдим. Бошқа мактабга хам катнайман. Узр..., – дейди.

Муса худди Зарифа хозироқ учиб кетиб қоладигандек, шошиб:

– Мана бу – машқ дафтарим. Малол келмаса, шу шеърлар ёнига расм чизиб берсангиз.

Зарифа дафтарни олишга улгуар-улгурмас, Мусанинг бошқа синфдошлари югурга келиб, Зарифани шодон овозлар билан ўраб олишади.

Муса ёлғизланиб қолади.

Ўша кунлар. Сайдносирбойнинг уйи. Оқшом.

Зарифа дераза оша ҳовлидаги гулларга бокиб, бояги дафтардаги шеърлар тагига расм чизмоқда. Биз дафтар варагидаги қизил гулни, ундан юқорироқда эса, дараҳт навдасининг осилиб турганини кўрамиз. Рангли қалам ушлаган нозик қўл ҳаракат қилишда давом этиб, навда устига булбул расмини чизади.

Зарифа бу ишга шундай берилиб кетганки, ҳатто отасининг келиб, расмларни унинг елкаси оша кўраётганини ҳам сезмайди.

Отасининг овози:

– Кимнинг дафтари бу, қизим?

Зарифа жиноят устида қўлга тушган кишидек эсанкираб колади. Сўнгра майин овоз билан дейди:

– Ойбекнинг.

Сайдносирбой дафтарни қўлига олиб, вараклайди.

– Бармоғини тишлаб, хаёл бўлан юрадиган болани кўрардим, техникум ҳовлисида. Ўшани дафтарими?

– Ўшани.

– Исми Ойбекми?

– Тахаллуси. Кори амакиси қўйиб берган эмишлар.

Озгина сукутдан сўнг отасининг овози:

– Шунаقا дегин, қизим.

Куз фаслининг сўнгги кунлари. Кундуз. Шаҳар кўчаларидан бири.

Билим юртидан чиқкан ўқувчилар бир-бирлари билан гурунглашиб кетишмоқда. Улар орасида Зарифа ҳам бор.

Шу пайт Муса билим юрти эшигидан устози Эсон афанди билан бирга чиқиб, у билан хайрлашади-да, ўртоқларига этиб олади. Унинг имоси билан курс-

дошлар бир зумда тарқалиб, Муса билан Зарифани ёлғиз қолдиришади. Бу аён «фитна»дан хижолатга тушган Зарифа ўзини шошаётган қилиб күрсатади.

Муса:

– Қаерга шошаяпсиз?

Зарифа:

– Студияга.

Муса ё яхши эшитмайды, ёки талмовсираб сўрайди:

– Нима «...дия»га?

– Тасвирий санъат студиясига. Кечикяпман, Ойбек ака. Соат 2 да машғулотим бошланади.

– Мени кўрганингизда доим шошаётган бўласиз...

Шошган қиз... – Муса сўзини давом эттирмайды.

Зарифа Ойбекнинг сўзини давом эттиради:

– ...Эрга ёлчимайди.

Ойбек ўнғайсизланади:

– Шошган қиз – тошган денгиз, – демокчийдим.

Қайси бир шоирда шундай сатр бор.

– Аммо мен чиндан ҳам шошяпман, Ойбек ака.

Студияда интизом қаттиқ. Машғулотга кечикадиган ёунда-бунда келадиганларни ҳайдаб юборишади.

Ойбек:

– Сизни ҳайдашмайди. Студиядаги биттаю битта ўзбек қизи – сизсиз, ахир.

Зарифа:

– «Биттаю битта ўзбек қизиман», деб кечикадиган бўлсан, бир кунмас, бир кун «Иззатинг битди, тахта-ўқлорингни йиғишиштир!» дейишмайдими, Ойбек ака?!

Ойбек:

– Сизга гап уқтириб бўлмайди. Ади десам, бади деб турасиз.

Зарифа жавоб бермайди.

Синфдошлар Муса билан Зарифани кузатар эканлар, улардан бири (Тентак) бўйнида осилиб турган жилдини чалиб, аста хиргойи қиласди:

*Том бошида тогора,
Тогорада зогора...*

Бир оз сукутдан сўнг давом этади:

*Зогорани ёполнай,
Чолу кампир овора.*

Синфдошлар ярим овоз билан қўшиқни хор бўлиб такрорлашади:

*Том бошида тогора,
Тогорада зогора.
Зогорани ёполнай,
Чолу кампир овора.*

Ойбек Зарифага сездирмаган ҳолда синфдошлар турган тарафга кўлини мушт қилиб кўрсатади. Сўнгра гапни қисқа қилмоқчи бўлиб:

– Майли, агар чиндан-да шошаётган бўлсангиз, мана бу хатни олинг, – дейди Зарифага тўрт буқлоғлик қофозни узатар экан.

Зарифа:

– Кимдан?

– Бир одамдан. «Зарифага бериб қўй!», деганди. Кейин ўқиб, кимданлигини билиб оласиз.

– Кимлигини айтмасангиз, олмайман...

Дарахтларнинг заъфарон барглари теварак-атрофга тўкилиб турибди.

Зарифа хатнинг кимданлигини сезиб тургани учунми... энгалиб, ҳозиргина тўкилган бир тилларанг баргни олади.

Барг Зарифа қўлида чирпирак бўлмоқда.

Ойбекнинг овози:

– Ўзимдан. Факат мен кетгандан кейин... ўкинг.

Илтимос.

Зарифа баргни ўйнаб туриб, Ойбекка аста қарамоқчи бўлганида, у аллақачон узоқлашган эди...



Ойбек тенгдошлари ёнига яқинлашиб, улардан бири (Тентак)ни урмоқчи бўлади.

– Тентак! – дейди у жаҳл билан. – Ашулангни катта холангни уйида айт! Зоғорани ўша холанг бир кўзи йўқ чоли билан ёпади. Ҳозир сени ҳам бир кўзли қилиб қўяман!

Яна уришга шайланади. Тенгдошларидан бири:

– Кечир, Мусавой. У ҳам, биз ҳам ҳазиллашмоқчи бўлгандик. Оғир олма.

Кўшиқ айтган йигит (Тентак):

– Мен сени ҳазилни кўтарасан деб ўйлаган эдим.

Муса:

– Тентак! Ҳазилни ўрни-жойи бўлади. Ҳар қандай ҳазилинг бўлса, ёлғиз колганимизда айт. Зарифани олдида мен билан уни зоғорачи чолу кампирга ўхшатиб, ашула айтасанми?

Тенгдошларидан яна бири:

– Бу, ўзинг айтгандек, тентак-ку, Мусавой!.. Тентакнинг ҳазилига жаҳлинг чиқмасин, оғайни!

Кимнингдир овози:

– Тентак бўлса ҳам, кўнгли тоза уни...

Ойбек:

– Тоза тентак, дегин?

– Ҳа, топ-тоза тентак!

Кулишади.

Хат худди олов янглиғ Зарифанинг қўлини куйдиргандек бўлади. У кетиб борар экан, хатни дам жилдига солади, дам олиб ўқимоқчи бўлади. Нихоят, Ойбекнинг ҳам, синфдошларининг ҳам ғойиб бўлганига ишонч ҳосил қилгач, бир дараҳт панасига ўтиб, ўқий бошлайди.

Куз шабадаси дараҳтлар баргини аста қоқмоқда.

Зарифанинг хатни ўқиётган овози:

*Савдонинг итаги қалбим ўради,
Руҳимда булбуллар дард-ла йиглади,
Севгилим, хаёлинг мангу боғлади,
Шу ўксиз кўнглимга нега боқмадинг?*

Ойбекнинг овози:

*Хаёллар уфқида, гўзал юлдузим,
Кўрмасам дард сочар қонли кўзларим,
Энди боқ менга эй, оташин шеърим,
Шу ўксиз руҳимга нега кулмадинг?*

Биз дарахтларнинг учлари оша паға-паға оқ булутларнинг само денгизида аста сузиб юрганини кўрамиз. Ахён-ахёнда булутлар орасидан куёш чехраси кўриниб қолади ва шу пайт худди унинг кўзларидан тушаётгандек шода-шода нурлар чангли дарахтлар орасидан таралиб кетади. Илохий манзара...

Аммо бу, Зарифанинг хатни ўқиётган пайтидаги ҳолатими ёки тушибими, англаш мушкул.

Ойбек овози:

— Зарифа, мен сени севаман! Мен учун дунёдаги энг гўзал қиз сенсан! Биласанми, буюк итальян шоири Петрарка барча сонетларини Лаурага бағишилган. Мен барча шеърларимни фақат сенга бағишилайман, севгилим! Сен менинг шеърларимда менинг Лаурам бўлиб қоласан! Келгуси авлодлар сени менинг шеърларим орқали билиб, сени кўкларга кўтаради. Мана бу шеърларимни қабул э-э-э-эт!..

Шу пайт осмондан Ойбекнинг Зарифага бағишиланган шеърлари ёғила бошлайди. Сўнг улар капалакка айланиб, Зарифа атрофида парвона бўлади.

Бир маҳал оқ булутлар қорайиб, момагулдурак гулдурайди, чақмок чақади. Шиддат билан бошланган ёмғир симфонияси бир оздан сўнг секинлашади.

Қаердандир Ойбек пайдо бўлиб, Зарифаси билан бирга ёмғир қўшиғига ҳамоҳанг ўлароқ раксга тушади.

– Зарифа! Мен сени севаман! – дейди у.

Аммо бу реал ҳодисами, Зарифа ёки Ойбекнинг хаёлими, – буни билмаймиз. Балки билишимиз ҳам шарт эмасдир...

Ўша кунлар. Сайдносирбойнинг уйи. Оқшом.

– Зарифа!..

Зарифа аста кўзини очиб, ҳушёр тортмоқчи бўлади.

– Зарифа, сенга неча марта айтганман: оқшом пайти ухламагин, деб. Оқшом пайтида ухлаган одам боши оғриб, оғир бўлиб туради. Тунда ухлай олмай, кийналади, қизим. Тур, тура қол!

Зарифа ўрнидан туриб, ўзига оро беради.

– Шоир боланинг устозлари келадиган бўлишди. Туриб, ойингга қараш, оппоғим. Опа-сингилларинг аллақачон ишга тушиб кетишган, – дейди Сайдносирбой.

Зарифа дарҳол туриб, меҳмонхонани йиғиширишга тушади. Тахмондан янги кўрпачаларни олиб ёzádi. Ҳар ер-ҳар ерга болиш ташлаб, хонтахта устидаги дастурхонни янгилайди. Ликопчалар келтириб, уларга токчадаги сандикчадан ёнғоқ-майиз дегандек нознеъматларни олиб солади.

Кўп ўтмай, эшик томондан Сайдносирбойнинг товуши эшитилади:

– Қани, қани, келинглар! Қадамларингизга ҳасанот, азизлар!

– Ассалому алайкум, Сайдносирбой! Уринтириб қўймадикми? Эсон афанди нозик табиат киши эмасмилар, «Шу охир замонда ҳам меҳмонга борадими?» –



деб оёқ тираб олдилар, – қаҳ-қаҳ отиб кулади Мунаввар кори.

Мехмонлар кўринади.

Эсон афанди Мунаввар қорига қараб:

– Кори ака, кўриб турибсиз, ГПУ дегани икки кишининг орасига битта одамини қўйиб турипти. Бу одам кулоғига чалинганини қўшиб-чатиб етказиб турганида, биз ҳам огоҳ бўлайлик. Мехмондорчиликларга барҳам берайлик, ўзимиз ҳам бола-чақамиз билан тинч яшайлик, дейман-да! Бўлмаса...

– Хўш-хўш?..

– Бўлмаса, Сайдносирбойдек улуғ одамнинг уйида ҳам сиздек, – ёнидагиларга ишора қилиб, – азизларни кўраман, ҳам Сайдносирбойнинг замонавий таълим-тарбия олаётган қизларини кўриб, бошим кўкка етади. Қолаверса, таталаб турган қорним ҳам тансиқ таомларнинг дийдорига тўяди.

Кулишади.

Мунаввар кори:

– Сиз ҳам, Эсон афанди, Абдулҳамид шоир ҳам, худога шукур, ГПУнинг одамлари эмассиз. Камина-нинг ҳам ГПУдан уч-тўрт маҳалла нарида юришимни яхши биласиз. Агар бугун ҳам гап-сўзларимиз ГПУга етиб боргудек бўлса.., – бир оз сукут қилгач, – Сайдносирбайдан кўрамиз-да! Бизни бекорга уйига таклиф қилмагандир...

Мехмонлар маза қилиб кулишади.

Сайдносирбой:

– Қани энди ГПУ менга ишонса! Биринчи бўлиб орамиздан чиққан тулкиларни тутиб берган бўлардим, қаҳқаҳа отади. – Агар шундайлар бўлмаса, сиз, қори ака билан Эсон афанди, тинчгина дарсингизни бериб, Абдулҳамид шеърларини ёзиб, мен бўлсан, савдо-сотифимни қилиб юрган бўлардик.

– Майли, табаррук остоидан ҳатлаб ўтдик. Ҳамма майда-чуйда гаплар кавушимиз чангидек шу остоидан буёғига ўтмасин... Қани, Сайдносирбой, ўзингиз

бошланг, – дейди Мунаввар қори.

Зарифа уларни меҳмонхона эшиги олдида кутиб олиб, эшитилар-эшитилмас овоз билан салом беради. Сўнг қўлинини кўксига қўйган ҳолда таъзим қилиб чиқиб кетади.

У зиёфат давомида чой, суюқ ва қуюқ таомларни эшик олдига олиб келиб, секингина «Адажон!» деб қўяди. Сўнгра Сайдносирбой уларни меҳмонхонага олиб киради.

Зарифа яна нималарнидир кўтариб меҳмонхонага яқинлашаётган пайтида биз Чўлпоннинг дутор чертиб, «Галдир»ни майин ва ёқимли овози билан айтаетгани ва меҳмонларнинг ора-сира «Яшанг, шоир!», «Саломат бўлинг!», «Дард кўрманг!», «Зап овозингиз бор-да, Чўлпон!» деган хитобларини эшитиб қоламиз.

Зарифа онаси ва опа-сингиллари ўтирган хонага қайтиб:

– Чўлпон ака ашула айтаяптилар. Бирам овозлари ёқимли эканки... Мехмонлар мактаб-мақтаб эшитишяпти, – дейди.

– Вой, мен ҳам бориб эшитиб келай, – деб турмоқчи бўлади синглиси.

– Ўтири, Шарифахон! Уят бўлади, – дейди онаси катъий.

Шарифа:

– Эшитгим келяпти. Мен ҳали Чўлпон акани ўзини ҳам кўрмаганман. Мана бу бир коса қовунни олиб бориб, эшитиб келай, ойи, – деб ялинади.

– Отанг чақирса борасан, – дейди онаси ижозат бермай.

Шу пайт отасининг «Зарифа! Зарифахон!» деган майин овози қулоқقا чалинади. Зарифа билан бир-

га Шарифа ҳам «дик» этиб ўрнидан туради. Онаси Шарифага:

– Отанг сени эмас, Зарифани чақиряпти. Зарифа, сен югур, – дейди.

Зарифа югуриб боради.

– Сени Чўлпон амакинг сўраяпти, – дейди меҳмонхона эшиги олдида кутиб турган отаси. – Одоб билан, салом бериб кир. Амакингни саволлариға ўйлаб жавоб бер. Кимни фарзанди эканингни унутма, қизим.

Аввал отаси, кейин Зарифа меҳмонхонага киришади. Зарифа ҳаяжон оғушида. Икки кўлини кўксига қўйиб, титроқ овоз билан салом беради.

Отаси:

– Абдулхамид, Яссавий ҳазратларининг Туркистондаги мақбараси расмини мана шу қизим ишлаган. Исми Зарифаой.

– Зарифаой!.. Исми ҳам ўзидек гўзал экан кизингизни. Бахтли ота экансиз. Саломат бўлинг, Сайдносирбой ака, – дейди Чўлпон ўрнидан туриб. Сўнгра деворда осиғлик турган расмни кўрсатиб, давом этади. – Зарифаҳон, қизим! Шу расмни ўзингиз ишладингизми ёхуд устозларингиз кўмак беришдими?

– (Секингина) Ўзим.

– Баракалла, қизим! Худо сизни ноёб истеъоддод билан ёрлақаган экан. Шу вақтга қадар ўзбек кизларидан мойранг билан ишлайдиган бирорта рассом чиқмаган эди. Оврупода ҳам машҳур Леонардо да Винчию Рафаэлларининг ёнида бирорта рассом аёл бўлганидан бехабарман. Шояд миллатимиз ичидан чиқаётган сиздек ажойиб қиз маданиятимиз тарихига биринчи ўзбек рассом қизи бўлиб кирса!

– Яқинда шу расм Янги шаҳардаги бир кўргазмада намойиш қилинди. Иттифоқо Тошкентга келиб қолган

хорижий меценатлардан бири расмга ишқивоз бўлиб қолипти. Мунча марка бераман, сотинг, деб қизимга бир даста пул кўрсатипти.

Зарифа уялиб, ерга қарайди.

– Зарифа, – давом этади отаси, – оғзи қулоғида, хурсанд бўлиб келиб қолди. Мен рухсат бермадим. «Агар тақдирингга рассом бўлиш ёзилган бўлса, ўзбек тасвирий санъати равнақи йўлида хизмат қилгил. Асарларинг ҳам ўзбек музаларию ўзбек хонадонларини безатсин, – дедим.

– Кўп доно инсониз, азизим, – дейди Мунаввар кори. – Саломат бўлинг. Мен ҳам ҳазрат Ахмад Яссавий мақбарасининг расмини кўриб, ҳайратга тушаяпман. Шу ушоқкина қизингиз шундай муҳташам асарни яратган бўлса, сиз фақат кимсан Сайдносирбойдек машҳур маърифатчи ишбилармонгина эмас, биринчи ўзбек рассом қизининг отаси бўлиб ҳам тарихда қолғайсиз.

– Қани энди миллатимиз пешонасига офтоб тегиб, шундай истеъодли йигит ва қизларимиз Рим, Берлин, Фориж, Лондун сингари шаҳарлардаги машҳур музаларга борсалар. Улуғ итолиён ва ҳолланд расомларининг асарларини кўриб, улардан сабоқ олслар, – гапга аралашади Эсон афанди.

Чўлпон токчадан ниманидир ахтариб, ахийри, бир коғозни топиб олади ва унга нималарнидир ёзади.

Сайдносирбой:

– Қори ака, бир дуо қилсангиз. Шояд қизим сиз азизларнинг ёруғ орзуларингизни рўёбга чиқариб, яхши рассом бўлиб, эл-юртга хизмат қилса, – деб мурожаат қиласи Мунаввар корига.

Зарифа ҳайратда. Унинг бошида қандайдир тантанавор куй жаранглайди. У Мунаввар қорининг нима деяётгани, қандай дуо сўзларини айтаётганини мутлақо эшитмайди. У фақат Мунаввар қорининг

пичирлаётгани ю мөхмөнларнинг қўлларини фотихага очганларини, сўнгра Чўлпоннинг бояги қоғозни унинг қўлига тутганини кўради, холос.

Зарифа гаранг бир ҳолда опа-сингиллари кошига боради. Шарифа қизиксиниб сўрайди:

– Дадам нимага чақирган эканлар? Мөхмөнлар билан бирга ўтириб, ашула эшитдингми?

Зарифа нима дейишни билмайди. Шарифа унинг қўлидаги қоғозни кўриб қолиб, юлиб олади.

Чўлпоннинг овози:

*Азиз синглим, менинг кўнглим тентакдир,
Шунинг учун умрим бутун эртакдир.
Эртак эмас, бир ярамас хаёл, денг,
Маним учун, таним учун малол, денг...*

Шарифа қоғозни кўрсатиб, Зарифадан сўрайди:

– Чўлпон ака сенга бағишлиб шеър ёздими?

Зарифанинг бошида хамон ўша тантанавор куй жаранглаб турипти.

Ўша жой. Ярим кеча. Мөхмөнлар марқалишган.

Бехосдан эшик тақиллайди. Сўнгра эшик тамбалланмагани учунми, нотаниш кишилар ҳовлига такаллуфсиз кириб келишади.

– Мирджалилов! Ты дома? – қичқиради улардан бири.

Сайдносирбой уйдан чиқиб, ҳовлида кожанка кийган ГПУ ходими билан икки милтикли кишини кўради.

– Хизмат, – дейди у нотаниш кимсаларга яқинлашиб.
– Син Мирджалилов? – сўрайди кожанкали киши.

- Ха, мен Миржалилов бўламан.
- Биз синга килдик... За тобой пришли. Одевайся!
- Что я плохого сделал? Тихо работаю, торгую. Против советской власти ничего не имею. Наоборот, помогаю, как могу.
- Соловьем потом запоешь, в ГПУ. У нас нет времени твои песни слушать. Тебе пять минут на переодевание и... прощание.

Бегона тилдаги жовур-жукурни эшигдан қизлар деразадан қараб туришган экан, Сайдносирбой уйга кириши билан унинг бўйнига ташланиб, ташвиш билан сўрашади:

- Тинчликми, адажон?
- Нимага келишипти?
- Сизни опкетишгами?
- Юбормаймиз, адажон, юбормаймиз!..

Уйнинг бир чеккасида Сайдносирбойнинг хотини билан онаси нима дейишларини билмай, қизарган кўзларини артиб туришибди.

– Вахима қилманглар. Мана, беш-олти йил бўлди, мен ҳукумат билан, ҳукумат мен билан муросай мадорада яшаяпмиз. Бирор гапи бордир, ҳукуматнинг. Ҳукумат бўлганидан кейин кимнидир чақиради, ундей қил, мундай қил, дейди-да, – юпатмокчи бўлади Сайдносирбой.

– Ишқилиб, ҳукумат деганингнинг нияти яхши бўлсин. Оллоҳ ўз паноҳида асрасин сени, болам! – онанинг тили аранг калимага келади.

Сайдносирбой уйдан чиқар экан, болаларичуввос уриб «этаги»га ёпишади.

Ташқаридан кожанкали кимсанинг овози эшитилади:

– Что, спиши что ли? Выходи скорей. Нам до утра работы хватает.

Ўша кунлар. «Зарафшон» меҳмонхонасидағи номер. Қиём пайти.

Ойбек кўзи тўрт бўлиб деразадан кимнингдир ўтишини кутмокда.

Ниҳоят, изостудия томон кетаётган Зарифани кўриб, кўчага отилиб чиқади-да, унга етиб олади.

– Зарифа, сизни кутиб турган эдим. Туни билан ухламай чиқдим. Хатни ўқидингизми?

Зарифа жавоб бермайди. Ойбек унинг ташвишли холатини тушунмай, сўрайди:

– Нега хафасиз? Бирор ножӯя иш қилиб кўйдимми? Нега индамайсиз?

– Йўқ, Ойбек ака, – дейди Зарифа. – Ҳеч бир ножӯя иш қилмагансиз. Факат...

– Нима «факат»?

Зарифа жавоб бермайди. Ойбек тутақади:

– Нима «факат»? «Сиз менга муносиб эмассиз!» демоқчимисиз?

– Йўқ, Ойбек ака. Ундан демант..

– Нима дейишим керак бўлмаса? Қани, айтинг!

– Мен сизни... сизни жуда хурмат қиласман. Сиз яхши шоир бўлиб, эл-юрга таниласиз. Мен сиздек шоир билан таниш бўлганимдан сўнгги нафасимгача фахрланиб юраман.

Ойбек жаҳли чиқиб, сенсирай бошлайди:

– Бу нима деганинг? «Сенинг йўлинг бошқа, менинг йўлим бошқа», деганингми бу? Сени бир умрга севиб қолганимга, наҳотки, ишонмасанг?

– Эҳ, Ойбек ака, Ойбек ака!.. Ҳозир севгининг вақтими?! Балки сиз учун вақтидир, афсуски, мен учун...

Зарифа йиғлаб юборади.

Ойбек ҳайрон.

– Нега йиғлайсан? Бизнинг ёшимизда йиғлаш эмас, ёшлиқ ва муҳаббат нашъаси билан яшаш яратади. Тушунсанг-чи! Севгининг кўринимас кабутари



инсон қалбига бир марта келиб қўнади. Агар у келганда қалбнинг эшигу деразаларини тақа-так михлаб ташласанг, қолган умринг армонда ўтади. Севги – нондек азиз нарса. Уни оёқ ости қилган одам кўр бўлади, кўр...

– Ойбек ака, нималар деяпсиз ўзи? Юрак-бағримни каламушлар кемириб ётганини билсангиз эди... Балки ўзингиз... ўз ихтиёрингиз билан мени ташлаб кетган бўлармидингиз?..

Шу пайт кучли шамол бошланади. Дараҳтларнинг учларидаги қуёш нурлари сўниб, табиат қандайдир зулмат қўйнига киради. Шамолнинг увуллаган овози узок давом этади. Сўнгра секин-аста кун ёришиб, шамол тинади.

Хозирги Амир Темур хиёбони. Кундуз.

Ойбек ҳазин бир кайфиятда кетаётган Зарифага етиб олади ва унга хушнуд бир ҳолда китобча узатади.

Зарифа:

– Севдигингиз Таваллонинг шеърларими? Раҳмат. Аммо хозир шеър ўқийдиган кайфиятда эмасман.

Ойбек:

– Бу менинг илк китобчам. Ундаги шеърлар сенга аталган, Зарифа!

Зарифа китобчани олади.

– «Туйфулар»... Қандай жозибадор ном! Сизнинг туйфуларингиз...

– Менинг сенга бўлган туйфуларим, – қўшиб қўяди Ойбек.

– Муборак бўлсин, Ойбек ака!..

Ойбек сукут қиласди. Зарифа китобчани очиб, ўқийди:

– «Зарифага энг сўнгги армуғоним»...

Зарифа «сўнгги» сўзини талаффуз қилар экан, гўё чакмоқ чақиб, унинг оловли тиги Зарифанинг кўксига санчилгандек бўлади.

Икки ўт ўртасида қолган Зарифа китобчани Ойбекка қайтариб беришни ҳам, олиб кетишни ҳам билмайди. У лол ҳолатда...

Ўша кунлар. Кечки пайт. ГПУ идораси жойлашган кўча. Куёш ботаётган пайт.

Ойбек олдинрокда, Зарифа орқарокда келишмоқда. Ойбек ГПУ биноси олдида у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган посбонни чалғитиши ниятида унинг рўбарўсида тўхтаб, ботаётган шафаққа завқ билан тикилиб қолади. Ва ўзича шеър ўқийди:

– «Прости, небесное светило, Прости, веселая природа...»

Посбон:

– Что сказал? Иди своей дорогой, парень! Нашел где любоваться закатом.

Ойбек ўзини эшитмаганга олиб, шеър ўқишида давом этади:

– «Куда, зачем стремлюся я? Что мне сулит судьба моя?...»

Посбон:

– Вот деръмо. Сейчас покажу, что сулит тебе судьба...

Шу пайт Зарифа бинонинг ер ости қавати деразасидан отилган қоғозни чаққонлик билан илиб олади ва ҳеч нарса бўлмагандек йўлида давом этади.

Улар бир оз изма-из юриб, сўнг Анхор ёқасига келишади. Зарифа хатни очиб ўқийди: «Кизим, қоғозларимни ёқиб юбор. Ага ҳеч нарсани берманглар».

Зарифа:

— Тавба. «А» ким бўлди экан? Нимани бермас-лигимиз керак?

Ойбек:

— «А»нинг кимлигини ойинг билсалар керак. Эҳтиёт бўлинглар, Зарифа. Эсон афанди айтганидек, замон нозик.

1926 йил, май. Сайдносирбойнинг уйи. Эрта тонг.

Зарифа чўчиб уйғонади. Унинг хаёлида кечаги воқеалар бирма-бир жонлана бошлайди...

...Битирув кечасидан кейин Зарифа билим юртидан хуш кайфиятда чиқиб кетар экан, «Зарифа!» деган товушни эшитади.

— Иқбол, сенмисан?

— Билим юртини тугаттанинг билан чин қалдан кутлайман, Зарифа!

— Сени ҳам чин қалдан табриклайман, Иқбол!

— Агар қутловинг чин қалдан бўлса, ҳозир уйимизга кирасан. Дугоналарим келишади.

— Узр, Иқбол, уйга боришим керак. Ойим кутяптилар.

— Уйинг қочиб кетмайди. Сен «Наримонов»ни тугатдинг, мен «Зебинисо»ни. Бу, қувончли воқеа. Бугун байрам қилиб, дугоналар билан хурсандчилик қиласак, қачон хурсандчилик қиласиз! Кариб-чуриганимиздами?!

— Иложим йўқ, Иқбол...

— Яrim соат ҳам вактинг йўқми? Одам одамга ғанимат, Зарифа. Ёшлик ҳам фириллаб ўтади-кетади...

Зарифанинг хаёли коронfilaшади. Коронгиликдан:

— ўзининг шароб кўтариб, қадаҳ сўзини айтиётгани;



- дутор чалиб, куйлаётгани;
- бир-икки йигитнинг рўпарасига келиб қолгани;
- улар қистови билан раксга тушгани кўз олди-дан бир-бир ўтади...

Зарифанинг ички овози:

«Нима қилиб қўйдим? Қайси шайтон урди мени?
Нега онам ичмаган, опа-сингилларим ичмаган шароб-
ни мен ичдим?.. – деди ўзига-ўзи. – Уят эмасми,
Зарифа! Наҳотки, ўзингни идора қила билмасанг!
Энди Ойбекнинг юзига қандай қарайсан, Зарифа?..»

Зарифа руҳий изтироб гирдобида қийналади.

Одатда шундай вазиятга тушган одам ўз хатти-
харакатларини оқлаш учун асос ҳам топади.

Зарифанинг ички овози:

«Нима қилибман? Бирор ёмон иш қилдимми?!
Дадам қамалди, деб уйда кўмилиб ўтиришим керак-
миди?.. Ойбек олдида бирор гуноҳим йўқ-ку. Йў-ў-
ўқ!.. Йў-ў-ўқ!..»

Зарифа ўрнидан туриб, ҳовлига чиқади, ариқ
бўйида юз-кўлларини ювади.

Шу пайт эшик очилиб, бир бола кириб келади
ва «Сизга бериб юбориши», деб унинг қўлига хат
тутқазади.

Зарифа шу заҳоти хатни очади.

Ойбек овози:

«...Зарифа! Кет, кет, кет! Алдамчи кўзларинг
кўзларимга тушмасин! Кўнглим тонг чоғида шафак-
лардан нур, хаёт олган, тоза, соф чечакларни ти-
лайдир. Юришингда, туришингда, кулишингда сиёҳ
хаёлимни ойдинлаштирадиган бир нур каби кўрган
бўлардим. Афсуски, у нур бир саробдан бошқа нар-
са эмас экан, энди англадим. Май базмида бузук
хонимлар каби соқий бўлиб иштирок этишинг кўп
яхши нарса. Сенинг шу муҳитда кўрдигим, билдигим
«цивилизация» қизларидан фарқинг йўқ...»

Маъносиз севги занжирларини афсонавий қахра-
монлар сингари уздим.

Хайр энди!!!»

Зарифа боши айланиб, ҳушидан кетади.

Орадан ўн-ўн беш кун ўтган. Трамвай бекати. Оқшом.

Зарифа Шайхонтохурда трамвай келишини кутиб турибди. Нима учундир одамлар сийрак. Худди бутун олам Ойбексиз бўм-бўш қолгандек... Ҳатто унинг севимли ойи ҳам кўринмайди.

Шу пайт қарши томондан трамвай келади. У тўхтаб, кетаётган пайтда Зарифа трамвайдага Ойбекни кўриб қолади. У анча маъюс, ўзгарган, эркаклик сиёҳи ургандек эди. Ойбек хаёл билан кетаётган бўлса керак, Зарифани кўрмади. Кўрганида ҳам тушмасди, албатта. Трамвай юриб кетгач, Зарифа яна бир бор Ойбек ўтирган жойга қарамоқчи бўлди. Унинг назарида, Ойбекнинг ёнида бошқа бир қиз ўтиргандек эди. Зарифага келган шу хаёлнинг ўзиёқ унинг юрагига найза бўлиб санчилади.

Наҳотки, Ойбек уни кечирмайди? Наҳотки, энди у бошқа бир қизга кўнгил қўяди? У, Зарифа, бунга қандай чидайди? Қандай чидаши мумки-и-ин?..

1927 йил кузи. Шаҳар кўчаларидан бири. Кундуз.

Зарифа кўчада кета туриб, дафъатан Иқболни учратиб қолади.

– Зарифа, бормисан, азизим! – сўрашади Иқбол.
– Ўзинг яхшимисан, Иқбол? – жавоб беради Зарифа.

– Кўрганим яхши бўлди. Кеча Ленинграддан, Ойбекдан хат келди, Темучинга. «Дўст-ёрларга са-

лом айт», дебди. «Тошкентни сориняпман», дебди. Сени софинаётган бўлса керак.

— Қайдам.

— Биласанми, Плеханов номидаги Халқ хўжалиги институти — зўр институт. Ойбек шу институтни тугатганидан кейин зўр ишга жойлашади.

— ...

— Қўлдан чиқарма уни, Зарифа. Агар сенинг ўрнингда бўлганимда, мен аллақачон қанот чиқариб, унинг кетидан Ленинградга учган бўлардим.

Иқбол яна нималардир дерди. Аммо Зарифа унинг сўзларини эшитмасди. Унинг хаёлида Ойбекнинг Ленинградда, Нева соҳилларида, худди Пушкин сингари антиқа плашч кийиб, бошига цилиндр қўндириб, кўлида ҳасса ушлаб-ўйнатиб юргани жонланда бошлайди.

Ленинград. Куз. Нева бўйлари. Тун.

Ленинграднинг фусункор манзаралари. Нева дарёси. Ярим тун. Кўтарилган кўприклар.

Ойбек ана шу ажиб манзарани ётоқхона деразасидан кузатиб, турли-туман китоблар билан тўла стол ёнига келиб ўтиради ва ёза бошлайди.

Ойбекнинг овози:

*Кўзлари чўлпондек нозли севгилим!
Бир қараш ташладинг, мен севдим сени.
Хаёлинг эсларкан қонайди дилим,
Ёлборай, гўзалим, унумта мени!*

Зарифанинг шу шеърни ўқиётган овози:

*Бир тола сочингми бўйнимнинг боги?
Темир занжир каби, уза билмаймен.*

*Конларга бўялсин шоир ётоги,
Мен бир кун ханжар-ла қалбни тилгаймен.*

Тошкент. Сайдносирбойнинг ҳовлиси. Кундуз.

Ўрик навдалари хил-хил пишган мевалардан эгилиб, салом бериб турибди. Кимнингдир кўли баланроқ шохни эгиб, ундаги меваларни теради. Биз бу қўл орқали унинг эгасини дараҳт шохлари орасидан аранг кўрамиз. У бояги ғамнок сўзларни нечундир шодмон бир кайфиятда хиргойи қилиб, ўрик термоқда:

*Конларга бўялсин шоир ётоги,
Мен бир кун ханжар-ла қалбни тилгаймен.*

Шу пайт Зарифанинг кўзи дараҳт ёнида унга ҳавас ва меҳр билан қараб турган Ойбекка тушиб қолади.

– Сиз...

– Ха, мен... ханжар-ла қалбини тилка-пора қилган Ойбек.

Зарифа сакраб дараҳтдан тушади. У усти-боши чанг бўлгани учун қандай кўришишни билмай турганида, Ойбек уни оловли бағрига тортади.

– Кўйиб юборинг, аям кўриб қолади.

– Момагулдуракни гулдуратиб, чақмоқни чақнатиб дажжол келиб қолса ҳам, энди сени кўйиб юбормайман, Зарифа. «Ҳаёт курашдан иборат», – деган эди Чўлпон ака. Севги ҳам ҳаётнинг бир қисми. Гўзал қисми. Севги учун ҳам курашиш керак, – дейди у Зарифасини қучоклаб. Сўнгра:

– Юр, энди билим юртининг боғига борамиз, – дейди.

– Менимас, билим юртини соғинганман, денг, – нозланади Зарифа.



— Аввало сени, кейин биз ўқиганимиз билим юртни софинганман, Зарифа. Билим юрти ҳам мени-да софинган кўринади. Борганингда кўрасан.

Зарифа бир зумда юз-кўлини ювиб, кийиниб чиқади. Улар қўл ушлашиб билим юртининг қадрдон боғи сари йўл олишади.

— Мана, «лицей»имизга ҳам келдик, — дейди Ойбек.

Сўнг уни кутиб турган синфдоши Маҳмудни кўрсатиб, давом этади.

— Мана бу, биласан, менинг дўстим Пушчин.

— Пушкин билан Наталига саломлар! — дейди Маҳмуд ҳазилни давом эттириб.

— О, Ойбек ака келажакда ўзбек Пушкини бўлишлари мумкин-у, аммо мендан ҳеч қачон Наталья чиқмайди! — дейди Зарифа.

— Нега энди чиқмас экан? Сен ўз Пушкинингни кийнашда аллақачон Наталини доғда қолдиргансан! — кулиб сўзлайди Ойбек.

— Унақа деманг, Маҳмуд ака ишонишлари мумкин.

— Маҳмуд аканг ишониши мумкин. Аммо Пушчин эмас!

Кулишади.

Маҳмуд «мехмонлар»ни боғнинг ўртасида тайёрланган жойга бошлаб бориб, ҳазил аралаш дейди:

— Биз, оми ўзбекларни кечирасизлар, Александр Сергеевич билан Наталья Николаевна! Четан столстулларимиз йўқ, ерга жой солдик.

— Что ты, «мой первый друг, мой друг бесценный»! Так лучше. Мы в Царском селе любили полежать на земле и, очарованные красотой ночного неба, читали стихи, — ҳазилни ўзга бир оҳангда давом эттиради Ойбек.

— Возможно, мой Пушкин, очарованный красотой русских женщин, читал стихи, им посвященные, — дейди Зарифа.

— Твой Пушкин писал стихи, посвященные только тебе, моя Натали, — жавоб беради Ойбек.
Кулишади.

— Қани, ўтириңглар.

Махмуд Ойбекнинг Зарифани соғинганини сезиб:

— Мен чой дамлаб келаман. Сизлар гурунглашиб ўтириңглар, — дея уларни ёлғиз қолдириб кетади.

У хийла узоклашиши билан Ойбек Зарифани бағрига тортади.

Мовий осмон. Шўх қушлар парвози ва навоси.

СУХАНДОН овози: Ойбек Нева бўйларида ярим оч, ярим яланғоч ҳолда яшаб, сил қасаллигига йўлиққан эди. Шифокорлар: «Агар яшашдан умидинг бўлса, иссиқ ўлкангга қайт! Ўша ерда соғайиб кетасан», — дейишиди.

Ойбек шу куни Зарифани қанчалик соғинган, унинг гилос лабларидан бўса олишни қанчалик истаган бўлмасин, ўзига эрк бермади. У Кримдаги санаторийларнинг бирида бир неча ой ётиб даволанди... 1929 йилнинг айни ёз ойларида Ойбек билан Зарифанинг тўйи бўлиб ўтди.

Шоирнинг муҳаббат кемаси сувости тошлари орасидан омон-эсон чиқиб олди.

*1930 йилнинг ёз ойлари. Сайдносирбойнинг уйи.
Оқшом.*

Ойбек уйга кириб келиши билан хотинига юзланиб, «буюради»:

— Зарифа, кийин!

— Нима гап? Каерга?

— Бугун университетни тугатганлигим тўғрисида диплом олдим. Бу, бир. Мени университетнинг иқти-

сад кафедрасида асистент этиб олиб қолиши. Бу, икки. Университетнинг сен ўқиётган қишлоқ хўжалик факультети Пахтачилик институтига айлантирилди. Бу, уч... Аянг қандай пазанда бўлмасинлар, шу уч воқеани ювмасак, гуноҳ бўлади. Қани, ҳали ҳам ясанмай турибсанми? Кийин!

— Намунча шошмасангиз. Сабр қилинг, ҳозир кийиниб чиқаман.

Бир мунча фурсатдан сўнг Зарифа ясан-тусан килиб чиқади. «Тохир ва Зухралар» уч қувончили воқеани «ювиш» учун йўлга чиқишиади.

Улар Шайхонтохур кўчасига чиқканларида таниш аравакаш учраб қолади.

Аравакаш:

— Мусавой! Бормисан, оғайнини? Хайрият, сени ҳам кўрар қун бор экан! — қувониб кетади аравакаш йигит.

— Ия, ўзингмисан, Тентак? — дейди Ойбек ҳам қувониб. Кейин Зарифага тушунтиради. — Танидингми, билим юртида бирга ўқиганмиз. Раҳматли отаси вафот этганидан кейин ўқишни ташлаб, аравакашлик қилган. Лақаби Тентак эди.

Тентак хиргойи қила бошлайди:

*Том бошида тогора,
Тандир тўла зогора...*

Кулишади. Ойбек «Тентак»ка қараб.

— Ҳозир, қаердасан, Тентак? Нега кўринмай қолдинг?

— Туз-насибамни териб юрибман, Паркентда. Бугун бир келин-куёвни олиб келгандим, Тошкентни қўрсатгани. Кўкчада зўр ошхона бор экан. Овқатланишяпти ўша ерда. Ҳозир бориб, тағин олиб кетаман. Сизларга йўл бўлсин?

— Бизлар ҳам бирор дурустрок кафегами, ошхонагами...

— Ўша ошхонадан зўри йўқ, бу дунёда. Ўтирглар, бир зумда олиб бораман. — Зарифанинг хоҳламаётганини сезиб, давом этади. — Шу аравами ни денг бир ўриснинг машинасига алмаштирмадим. Қанча ялинди паркентлик бир ўрис. Устига бир қоп ун, бир қоп гуруч ҳам бераман, деди. «Йўқ», дедим. Аравани менга ўхшаган йигитнинг гулларига чиқарган, дедим. Ортимдан чанг қолдириб юришни ёмон кўраман, дедим. Қани, ўтирглар! Мана бундай атлас кўрпачалар қайси ўриснинг мошинасида бор, айтинг?

— Кел, Зарифа, шу Тентакнинг ҳам гапига кирайлик.

Улар аравага ўтириб, Кўкча томон йўл олишади.

Биз мусиқа фонида уларнинг нима ҳақида сухбатлашиб бораётгандарини билмаймиз. Ора-орада биз аравакашнинг:

*Чу, отим, учқур отим,
Ўзимга тенгқур отим.
Сен учмасанг шамолдай,
Менга йўқ ҳузур, отим.*

*Дўппимни кўкка отдим,
Эски дўстимни топдим.
Кўкка эмас, Кўкчага
Чу, отим, учқур отим –*

деган ашуласи эшитилиб туради.

Нихоят, арава Кўкча гузарига етиб келади.

Ойбек Зарифани аравадан кўтариб олиб, ерга туширади. Шу пайт Кўкча қабристони дарвозасидан чиқаётган муштипар бир аёлга кўзи тушиб қолади. У ҳамма нарсани унутиб, аёлга тикилади. Кўзларида ёш томчилари пайдо бўлади.

Аравакаш:

— Мусавой, қара, анави кампир Шаҳодат бибига жуда ўхшаб кетар экан-а! Худди раҳматли ойингнинг ўзи-я! — дейди.

— Ким, кимни айтяпсиз? — сўрайди Зарифа.

— Анави кампирни, — жавоб беради «Тентак».

Зарифа қарагунича кампир кўздан ғойиб бўлади.

Ойбек хаяжонда. У ҳеч нарсага қарамай, ҳатто «Тентак» билан ҳам хайрлашмай, қабристон сари йўлланади.

Бир оз юргач, орқада ҳайрон бўлиб турган Зарифага:

— Сен ошхонага кириб, жой олиб тур. Мен тезда қайтаман, — дейди-да, қабристон оралаб кетади.

У «Онажон! Онажон!!» деган сўзлар билан бир эски қабрга яқинлашади. Юзларидан оқаётган кўз ёшларини артиб, тиловат қилади. Сўнг ўрнидан туриб, қабрни ўт-ўланлардан тозалайди.

Онасини эслаётган Ойбекнинг овози:

*...Қаҳратон қиши... Совуқ... Титрап қўлларинг,
Тутолмас иғнани... Ўлик бир кеча...
Илиқ нафаслари сўнган танчага
Ётқизгач бизларни, олиб китобинг —*

*Ўқирдинг ичингда. Мендан-да уйқу —
Кочарди. Боқардим маъюс, жимгина
Болалик севгим-ла, олтин севгим-ла...
У онлар кўнглимдан ўчмайди мангуш...*

Ойбек она рухи билан хайрлашиб, кетиш учун чоғланиб турганида, қаршисида... унинг янгиланган жароҳатига малҳам бўлишни истаган Зарифа маъюс бир ҳолда турарди.

Ойбекнинг кўз олди қоронғилашади.

1932 йил. Ойбекнинг Аррапоя кўчасидаги уйи.
Ярим кечади.

Ойбек ним ёруғ хонадаги хонтахта ёнида ўтириб, нимадир ёзмокда.

Зарифа бешикка суюнган ҳолда пинакка кетган. Унинг оёқлари ёнида қандайдир китобча. Биз унда лотин ҳарфлари билан ёзилган «Ойбек» ва «Дилбар – давр кизи» сўзларини ўқишига улгурамиз.

Ойбек ёзишдан тўхтайди. Корнини бир-икки силаб, хона бўйлаб юради. Ниманидир ахтаради. Сўнгра Зарифани оҳиста уйғотади:

– Зарифа! Ҳой, Зарифа!

Зарифа чўчиб кўзини очади.

– Корним таталаб кетяпти. Бирор нарсанг борми? – сўрайди Ойбек.

– Қайдам. Ҳозир қараб кўраман.

Зарифа идиш-товоркларни қараб чиқади.

– Бир сиқим арпа қолган экан. Ёғ ҳам. Ҳозир қовуриб бераман, – дейди у.

Зарифа чаққон ҳаракат билан арпани ёғда қовуриб, бир ликопчада олиб келади. Ойбек «есаммикин-емасаммикин» деган хаёл билан аста тотина бошлади.

– Кеча адангиз келган эдилар. Бечора озиб, чўпдек бўлиб кетибдилар. Очарчилик курсин. Ҳамманинг тинкаси куриган, юриш у ёқда турсин, гапиришга ҳам мажоли йўқ. «Келин, бир бурда нон топиладими? Кечадан бери ичимга туз кирмади», – дедилар. Аксига олиб, бир бурда ҳам нон қолмаган экан. Қаердан ҳам қоларди, ҳаммаси ўлчоғлик бўлса... «Адажон, озиб-ёзиб бир келганингизда, бир бурда нон ҳам топиб беролмадим. Кечирасиз, адажон!» – дедим. «Кечирмай нима қиласдим, қизим, хўроз ҳамма жойда бир хил қичкиряпти», – деб чиқиб кетдилар, – деди Зарифа.

Ойбек Зарифанинг сўзларини дикқат билан эшитган бўлса-да, «чурқ» этмай, ликопчани суриб қўяди.

– Нега емадингиз? Бемаза эканми?

– Эрталаб ўзинг еб, Омонга хам берарсан, – дейди Ойбек.

Зарифа ликопчани олиш учун қараса, бир лаган ошни бир ўзи паққос туширадиган Ойбек очарчилик даврининг «арпапалов»идан бир-икки чўқим олган экан, холос.

Зарифа қачон бу кунлар ўтаркин, деган хаёл биланми девордаги йиртма тақвимни йирта бошлиди. Тақвимнинг 1, 2, 3, 4, 5... рақамлари ёзилган варакчалар тўкилиб тушади.

1936 йил. Ёз ойлари. Чимён. Чошгоҳ

Сой бўйи. Шабада дарахт барглари билан ўйнашади. Барглар 1, 2, 3, 4, 5... рақамлари ёзилган варакчалар янглиғ тўкилиб, сувда охиста оқиб кетади. Биз варакчаларнинг бирида «1936» рақамини кўриб қоламиз.

Ёзги чойхона. Чойхонага кираверишда тепарокқа: «Чимён чойхонасига хуш келибсиз!», пастрокда «Пушкинчи таржимонларга чой навбатсиз берилади» деган ёзувлар осиғлиқ. Унинг пастроғига эса кимдир «Кимиз билан қимрон – навбати билан!» деб ёзиб қўйган.

Faфур Фулом бу ёзувларни ўкиб, катта қизил қалам билан: «Ичиб қимизу қимрон, Шеър ёзинг хирмон-хирмон!» деб ёзиб қўяди. Сўнг ўчок бошига бориб:

– Кани, Абдулҳамид, Ойбекни кутамизми ё отабоболаримизнинг айтганларини киламизми? – дейди.

– Ота-боболаримиз нима дейишган экан? – сўрайди Ҳамид Олимжон.

— Шуни ҳам билмайсанми? Билмасанг, билиб кўй. (*Faфур Гуломнинг иссиқлангани сезилиб турди.*) Узок йўл босиб, дарёю тоғлар ошиб келган меҳмонлар энг азиз меҳмонлар хисобланади. (*Керрилиб.*) Улар орасида менга ўхшаган улуғлари ҳам бўлади. Шу улуғлар оёғи тагига бир бўрдоқини ташлаб, жиз-биз тайёрлангунча меҳмонлар бир чинни-бир чинни қимиз билан сийланади. Шундай оқлик билан кутиб олинади меҳмон, окоси жонидан.

Ҳамид Олимжон икки қўлининг бармоқларидан «О» ҳарфини ясаб, чиқиб кетади.

— Ота-боболаримиз хўп ақлли бўлишган-да, Faфур, — дейди Шайхзода. — Ҳар бир сўзларининг ҳам, урфу удумларининг ҳам тагида қанчадан-қанча маъно бор-а!

— Нимасини айтасан, Шайх! Улар бизлардан юз чандон ақлли бўлишган. (*Бир оз сукутдан сўнг.*) Биласанми, нима учун сенга ўхшаб соч қўйишмаган?

— Ҳалол бошдаги ҳаром туклар... ўрмонга айланаб кетмаслиги учун!

— Билмас экансан. Илҳомнинг қачон келишини биласан-а? Ўша пайтда илҳом эмас, сену менга арши аълодан йўл-йўриқ келади. Илмли одамлар буни ахборот, дейишади. Ана шу арши аълодан келадиган ахборот йўли топ-тоза бўлиб туриши учун соч қўйишмаган, мулла йигит! парвардигорнинг шабадаси ҳам, офтоби ҳам, кўкламу куз ойларидаги ёмғири ҳам инсон зотининг бошини янгилаб турди...

Биз F.Гуломнинг шу сўзларидан сўнг қўшни сўрида ўтирган Зарифа, ўғли Омон ва Зулфияни кўрамиз. Улар узок йўлдан келишлари биланоқ юз-қўлларини муздек сувда ювиб, энди дастурхон ёзишга шайланиб туришибди. Зарифа сўз қотади:

— Faфур ака, ўша ота-боболаримизнинг: «Аввал иқтисод, кейин сиёsat» деган пурҳикмат сўзлари ҳам бор. Омёнжон «Адамни соғиндим, тезроқ борайлик!» деб эрта билан чой ҳам ичмаган. Бу ёқда Зулфияхон... юкликлар...

Faфур Гулом Зарифанинг сўзини бўлиб:

– Шуни айтаяпман-да, келинжоним, узоқ йўлдан келган меҳмонларни одам деган чойхонадаги шиорлар билан кутиб олмайди, деб. Ҳамид бўлса, отабоболарнинг удумларини эшитиши билан Ойбекни қидириб кетди. Шоир одам шу паллада ўтовнинг ичидаги дам солиб ўтирадими!

Зарифа:

– Ойбек аканинг одатини яхши биласиз. Кечаси билан ишлаб, эрталабга яқин икки-уч соат ухласалар-ухлайдилар, бўлмаса йўқ. Тор этакларида гул териб юргандирлар. Ойим чалпак пишириб берган эдилар. Келинг, шундан татиб турайлик. Зулфияхон, олинг, тортимманг. Чақалоқقا ҳам озиқ бўлади. (*Бошқаларга.*) Қани, сизлар ҳам марҳамат қилинглар!

Faфур Гулом:

– Юр, Шайх, Зарифахоннинг аяси Туркистонда донғи кетган пазанда. Унинг чалпагини емабсан – дунёга келмабсан!

Шайхзода:

– Агар Зарифахоннинг аяси чалпакнинг донгдор пазандаси бўлса, мен донгдор шинавандасиман. Аммо мен товоққа қўл узатишм билан, нима учундир, чалпаклар қўлимга қўшоқлашиб илинади-да, товоқ бир зумда бўм-бўш бўлиб қолади. (*Кулишади. Омонжонга қараб.*) Омонбек, мен учун ҳам сен е. Тезроқ катта бўл. Худо хоҳласа, Зулфия холанг қиз туғса, уни сенга ўзим келин қилиб олиб бераман.

Faфур Гулом:

– Ҳай-ҳай, Шайх, бунақа башорат қила кўрма. Инсон зоти борки, биринчи фарзандининг ўғил бўлишини истайди.

Зулфия хижолатланади. Шайхзода жавоб беришга шайланиб турганида, Faфур Гулом Ҳамид Олимжон билан Ойбекнинг келаётганини қўриб, дейди:

– Пилдир-пис – ёпик оғизнинг расмини чиз!

Ҳамид Олимжон (келиб):

– Мана, суюнчи беринглар, Ойбекни топиб келдим.

Ойбек:

– Йўқ, мен ўзим Зарифанинг келганини сезгандек шу томонга келаётган эдим.

Ойбек дастлаб ўғли Омонни қучоқлаб, даст кўтари. Сўнgra уни кўтарган ҳолда Зарифахоннинг кошига бориб, уни ҳам бағрига босади. Ҳамид Олимжон билан Зулфия сухбатга киришади.

– Мана, Шайх, кўрдингми буларни? Сенга нима дегандим? Ойбек билан Ҳамидни кўргани ёлғиз ўзимиз борайлик, демаганмидим? – ҳазиллашадиFaфур Фулом. – Бу икки (*Зарифа билан Зулфияни кўрсатиб*) фариштани кимсан Навоий ҳазратларининг Faфур ал-Фулом Шоший-Қоратоший деган невараси опичиб келганини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмади. У ёқ-бу ёққа қараб қўйгин: биз икки бечорага ҳам бирорта қизми-хотинми топилиб колмасмикин?

Бу сўзларни эшитган Ойбек Faфур Фуломга яқинлашиб, унга қучоқ очади.

– Азизим, бормисан, омонмисан? – сўз бошлайди Ойбек.

– Сенинг ҳам, Ҳамиднинг ҳам хотинларингни соғинганларингни билиб, уларни олиб келдим, оғайнини. (*Кучоқлаб, кўз ёш қиласди.*)

– Раҳмат, дўстим. Чиндан ҳам, келининг Зарифаойни, айниқса, Омонжон тойчоғимни жуда-жуда соғинган эдим.

– Ҳа, мен шунаقا, девор бўлмаса, кўчани кўрадиган авлиёсифат одамларданман. Айниқса, «Евгений Онегин»ни таржима қилаётганингда, Пушкиннинг муҳаббат ҳақидаги жўшқин сатрларини ўқиб, иситманг чиқиб кетмасин дедим.

– Тўғри қилибсан. Татьянанинг Онегинга ёзган хотини таржима қилиш осон бўлмади. Таржима килаяпман-у, кўз олдимда Татьяна Зарифага айланиб қолгандек

бўлаверди. Ҳатто Татьяна билан Онегинни жуфтлаштириб қўйгим ҳам келди. Аҳмок Онегин!..

– Жуфтлаштирмай чакки қилибсан. Татьяна билан Онегин бир-бирини севиб, бу дунёдан муҳаббат кабутарлари бўлиб ўтишганида, китобхонлар маза қилиб ўқиган бўларди романни. Сен ёзган қисмни русчага ўзим таржима қилдириб берардим. «Евгений Онегин» Пушкин ва Ойбекнинг асари бўлиб қоларди.

Шайхзода:

– Мен бу икки улуғ шоирнинг асарини озар тилига таржима қилиб берардим.

Ойбек Faфур Fуломга юзланиб:

– Қўйсанг-чи ҳазилни! Ундан кўра ўзингдан гапир: нима қилдинг, нима ёздинг?

– Менинг ўтовим бўлмаса, сенга ўхшаб тонгга қадар ишлайман, деб яланг оёғим билан ерни кавламасам...

– Ҳай-ҳай-ҳай, яна менинг томорқамга тош отаяпсан.

– Кириб кўрдим. (Зарифага қараб.) Эрингиз ўтовнинг тагини оёқлари билан пармалаб ташлабди.

Зарифа қўлидаги чалпагини Омонга бериб, дейди:

– Дўстингизнинг одатлари шунаقا. Оёқяланг ўтириб ишлашни севадилар. Оқотадаги боғимизда «Бахтигул ва Соғиндиқ»ни ёзганларида, бутун кучларини оёқларига берармидилар, билмадим, эрталаб қараганимизда, оёқ излари Қор одамнинг изларидай ерни ўйиб кириб кетган бўларди.

Кулишади. Ойбек:

– Қари сўзидан, йигит изидан билинади, азизлар.

Ҳамма кулади.

Ҳамид Олимжон:

– Зарифахон, мен ҳам, Пушкин асарларини таржима қилиш учун бу ёрга келган бошқа шоирлар ҳам Ойбекнинг нафакат таланти, балки меҳнаткашлигига

ҳам қойил қолиб турибмиз. У девдек ишлар экан! Мен унинг олдида (*истаган сўзини тополмай*) ...девча бўлиб қолдим. Бу, адабиётимизнинг бахти.

Фафур Фулом:

— Зарифахондек исми жисмига мос қизга уйлангани — Ойбекнинг катта бахти! (*Ҳамид Олимжонга қараб.*) Сенинг Зулфияхонга уйланганинг ҳам — катта бахтинг, Ҳамид! Худо хоҳласа, яқин кунларда Ойбек билан Зарифахоннинг ўғли Омонтойдек ажойиб бир ўғилчанинг отаси бўласан.

Ҳамид Олимжон:

— Раҳмат, дўстим, айтганинг келсин. Лекин яқинда туш кўрдим. Раҳматли адам: «Абдулҳамид, ҳолва муборак бўлсин. Тағин «хотиним қиз туғди», деб ўпкаланиб юрма. Кизлар — бу дунёнинг фаришталари. Киз бола меҳрли бўлади. Уни оқ ювиб, оқ тара», — дедилар.

Шайхзодада қандайдир ўзгариш. У Fafur Fуломга қараб қўяди.

— Мана, Fafur, биз ҳам девор бўлмаса, кўчани кўрадиган йигитларданмиз, — дейди у.

Ҳамид Олимжон:

— Нима, сен ҳам туш кўрганмидинг?

Шайхзода:

— Йўқ, менда сезишми ёки бошқа бир туйғуми бор. Баъзи бир воқеаларни олдиндан сезгандек бўламан.

Фафур Фулом:

— Авлиё бўлиб кет-э!

Шайхзода:

— Авлиёликка йўл бўлсин. Лекин дадам, дадамнинг дадаси, дадамнинг дадасининг дадасида ҳам олдиндан айтиб бериш хислати бўлган. Мен нафақат Зулфияхоннинг қиз туғишини... — сўзлашда тўхтаб қолади.

Ҳамма хавотирда. Кимдир: — Айтинг, яна нимани сезаяпсиз, бирор хунук воқеа бўладими?

Шайхзода: – Йўқ, йўқ. Асло хавотирланманг.

– Айтинг бўлмаса!!

– Ҳамид... Ойбек билан қуда бўлади!

Ҳамид Олимжон:

– Ҳайтовур! Кўрқиб кетувдим. Агар сенинг башоратинг тўғри чиқса, мен дунёдаги энг баҳтли кишилардан бири бўламан, Шайх!

Зулфия ҳам ўзини тутолмай, дейди:

– Мен ҳам. Шояд башоратингиз тўғри чиқса, Шайх ака!

Зулфия шу сўзларни айтади-ю, дарров Зарифа-хонга қараб қўяди. Зарифахон:

– Агар Зулфияхон қиз кўрса, мен Омонжон вояга етган кунида Ҳамид аканинг хонадонига жон деб совчи бўлиб бораман!

Ойбек:

– Қани,Faфур, шу яхши ниятлар рўёбга чиқиши учун ўзинг чиройли қилиб бир дуо қил!

Faфур Фулом «Омин!» деб қўл кўтариши билан тантанавор куйлар чор атрофни тўлдириб боради...

Faфур Фулом (*куй тўхтагач, Ҳамид Олимжонга*): – Мана энди ота-боболарнинг яхши удумларини қилинглар.

Ҳамид Олимжон:

– Мен тайёрман. – Ўрнидан тура бошлайди.

Faфур Фулом:

– Сен тўхта. Сен келин тарафсан. Бунақа пайтда куёв тараф хизматда бўлади. Қолаверса, Ойбек учун яна бир хушхабар бор.

Ойбек:

– Хушхабар? Қандай хушхабар?

Faфур Фулом Зарифахонга маъноли қараб қўяди.

Зарифа:

– Ойбек ака, отам бадарғадан соғ-омон қайтиб келдилар!

Ойбек кучли ҳаяжонда.



Фафур Гулом:

— Адолат қиличи эгилади, букилади, лекин синмайди, Ойбек. Қайнотанг — ўзбек халқининг машхур маърифатпарвар ва тадбиркор фарзанди Саидносир Миржалил ўғли шўро давлатининг азобгоҳларидан омон қайтиб келди!

Ойбек азбаройи хурсанд бўлганидан довдираб колади.

Фафур Гулом (Ойбекка):

— Шу икки хушхабардан кейин белингга қамишдан белбоғ боғлаб хизматимизда бўласан, дўстим. Битта бўрдоки қўй, бир меш қимиз...

Тантанавор, кўтаринки ҳолат.

1937 йил. Май ойининг сўнгги кунлари. Ойбекнинг Оқотадаги бозиги. Ярим кеча.

Камера юлдузли осмондан секин-аста ой нурида чўмилаётган боқقا «назар ташлар» экан, Ойбекнинг овози эшитилади:

*...Шоир чиқди, қалбни ёқар гам,
Фикрларни қучар жаҳаннам.
Тун... Корага бурканиб шаҳар
Ухлар эди тингандек кадар.
Ўтар эди бир маҳалладан,
Эшилди у кичик кулбадан...*

Қайнотаси Саидносирбой билан сўрида сухбат қуриб ўтирган Ойбек куни кечада Москвада ёзиб туттагани «Навоий» достонини ўқишида давом этади:

*Бирор гўзал бир оҳанг ила
Шоир шеърин ўқир оҳиста.
Шеърларининг узоқ ва яқин
Ўлкаларда шуҳрат топганин...
Билар эди...*

Ойбек ўқиши тугатиб, Сайдносирбойнинг мазкур асарга бўлган муносабатини билиш истагида зимдан унга қарайди.

Сайдносирбой бир оз хаёл суриб, сўнгра дейди:

– Мен бирлан мудхиш камерада бир ўрис йигит ётган эрди. Тинёнов деган машҳур рус адабининг биродари эркан. У шу Тинёновнинг Пушкин ҳақиндаги рўмонини кўп мақтади. Иттифоқо қамоқхона кутубхонасида шул китоб бор эркан. Ҳалиги йигит илтимос қилиб, шу китобни камина учун олдирди. Мен бир ҳафтада ўқиб чиқдим. Дуруст рўмон эркан, тафаккурим кўп мунааввар бўлди. Алишер Навоий ҳазратлари ҳақинда ҳам шундай рўмон ёзиш лозим, ўғлим. Ҳозир ўқиган достонингдан шу нарса равшан бўлдиким, сен Навоий ҳазратларининг ҳаётини яхши ўрганибсен. Аммо Навоий бирлан Султон Ҳусайн Бойқаронинг қадрдон дўст бўлганини доимо ёдингда тут. Агар улар ўртасида бўлган дўстликни фирманинг синфиийлик ҳақиндаги таълимоти асосида тасвир этсанг, ҳақиқат озор чекур... Менинг кутубхонамда Навоийнинг бир қанча асарлари бор. Ўқиб, ўрган!

– Мен сиз айтган китобларни аллақачон мутолаа килганиман, ота. Аммо Навоий ҳазратлари ҳақида роман ёзиш осон эмас. Мен ҳали бундай асарни ёзишга тайёр эмасман. Аммо дилимда... – дея изҳори дил кила бошлайди Ойбек.

– Кўз қўркок, қўл ботир, деган гап бор, ўғлим. Чўлпон чарчаб қолди. Фитрат адабий ижоддан бадарга қилинди. Абдулла Кодирий эса, шўробоп асарлар ёзиш ниятидами, билмадим. Хуллас, Навоий ҳазратлари ҳақида рўмон ёза билгувчи сендан бошқа ёзувчини кўрмаяпман, азизим.

Сайдносирбой шу сўзларни айтиб, хонтахта устидаги Навоийнинг катта ҳажмдаги асарини Ойбекка беради.

- Мана бу асар мендан сенга совға.
Ойбек китобни қўлига олиб, ўпади.
Сайдносирбойнинг овози:
- Сенга Оллоҳ Навоий хақида рўман ёзишни,
менга эса ўқишини насиб айласин, омин!

*1937 иил. Сентябрь ойи бошлари. Ойбекнинг
Оқотадаги бояги. Ярим кеча.*

Яна хаво ўзгариб, осмон қора булут билан бурканмоқда. Яна осмонда қора қузғунлар жавлон урмоқда...

Ойбекнинг туши:

Нимкоронғи залда йиғилиш давом этмоқда. Чирок ўчгани учун уч-тўрт жойга шам қўйилган. Шовқин-сурон орасида овозлар эшитилади:

- Ойбек буржуа лирикасини тирилтиришга уринди.
- Ойбек – Чўлпоннинг «думи»!
- Ойбек Кўкон мухториятининг хазиначиси, шўро давлатининг ашаддий душмани Сайдносирбойни фош қилиш ўрнига у озод бўлиб қайтгандан кейин уйига киритиб, у билан опоқ-чапок бўлиб яшаяпти!
- Ойбек дўсти Миркарим Осим билан бирга Туркияга қочиб кетмоқчи бўлган!
- Ойбек қамоққа олинсин!..

Йиғилиш раиси қўнғироқ чалади. Зал бир оз тинчланади.

Йиғилиш раисининг овози:

- Ойбек Ўзбекистон шўро ёзувчилари сафидан ўчирилсин, деган таклифни ўртага қўяман... Раҳмат. Туширинг... Карши – йўқ. Бетараф – йўқ. Ойбек Ўзбекистон шўро ёзувчилари сафидан яқдиллик билан ўчирилади.

Овоз:

- Ойбек зални бўшатиб қўйсин энди!

— Ойбек ака...

Ойбек сўнгги овозни эшитиб, уйғониб кетади.

— Ойбек ака! Уйғонинг. Ёмон туш кўраётганга ўхшайсиз, — дейди Зарифа.

Ойбек ўрнидан туриб ўтиради. У аянчли холатда теварак-атрофга назар ташлайди. Шу пайт олисдан машина товуши эшитилади.

Ойбек:

— Келишяпти!

Зарифа:

— Ким? Ким келиши керак?

Ойбек бир оз сукутдан сўнг:

— Мени олиб кетгани. Союздан ўчирилган ёзувчиларни ўша куниёқ олиб кетишган!

Зарифа даҳшатда. Аммо Ойбекни юпатмоқчи бўлади:

— Бу ердан ҳовли-жой олганимизни ҳеч ким кўрмаган. Топишолмайди сизни. Дадамни яна олиб кетишганининг ўзи етади бизга. Ётинг, соат энди уч бўлипти.

Ойбек ётади. Зарифа уни ўраб-чирмаб, кўксига бошини кўяди. Бир оз мизғишади.

Яна қандайдир товуш эшитилиб, уйғониб кетишади:

Ойбек:

— Келишяпти!..

Зарифа диккат билан қулок солиб, сўнг дейди:

— Тракторни овози. Шудгорга эрта киришар экан, булар.

Ойбек:

— Зарифа! Шуни билиб қўй. Шўро давлати олдидаги ҳам, эл-юрга олдида ҳам заррача гуноҳим йўқ. Аммо кимларни ёстигини қурутмаяпти бу давлат... Мен қамашларидан ҳам, отиб ташлашларидан ҳам кўркмайман. Бир жонга бир ўлим бор. Азроилнинг қачон ва қандай келиши аҳамиятсиз. Аммо худодан тилаб олган бир-биридан ширин учта фарзандим

бор. Мушукдек ухлаб ётишларига қара. Мени «халқ душмани»га чиқаришса, сизларнинг аҳволингиз не кечади? Шундан қўрқаман, Зарифа!

Зарифа:

— Яхши ният қилинг, Ойбек ака! Зора давлатнинг ақли кириб, мамлакатта керакли одамларни асрараш лозимлигини тушунса... Бу кетишда ким тирик қолади?..

Камера секин-аста улардан узоклашади.

Ой булут орасига кирган тим коронғи кеча. Бундай кечада ҳатто мева дарахтлари ҳам ваҳимали бўлиб кўринади, тунги турли-туман товушлар эса қулоққа совуқ эшитилади.

1940 йил. Зарқайнар кўчаси. Тепаликдаги чойхона.

Ойбек Зарқайнар кўчасида бир неча дўст-ёрлари билан бирга гурунглашиб келмоқда.

Шу пайт газета сотувчи бола улар ёнига югурда келиб, қичкиради:

— Тўртта газетам қолди, акахонлар! Биттадан олсангиз, пулим уч сўм бўлади. Ойимга, укаларимга нон сотиб олиб бораман!

Ойбек:

- Ойинг ким бўлади, ўғлим? Отанг йўқми?
- Отам, — йиғлаб юборади бола. — Отам.
- Отангта нима бўлган?
- Отам... камоқда...

Ойбек боланинг бошини силаб:

— Хафа бўлма, ўғлим. Боши омон бўлса, отанг, албатта, қайтиб келади. Ма, буни ол, пулинг ўн сўм бўлсин, — дея болага пул беради.

Бола хурсанд. Ойбекка миннатдорчилик билдириб, югуриб кетар экан, даммадам ўгирилиб, орқасига — Ойбекка қараб қўяди.

Ойбек газеталарни дўстларига улашар экан, хаёлдан шу сўзлар ўтади: «Агар омон қолмаганимда, менинг болаларим ҳам, газета сотиб юрган ёки бирор болалар уйида яшаётган бўлишармиди...»

Faфур Фулом Ойбекка қараб дейди:

— Ҳа, хаёл суриб қолдинг?.. Мана шу тепаликдаги чойхонага чиқиб қўя қолайлик. Иссиқ чой ҳам, муздеккина ичимликлар ҳам бўлади, шу ерда. «Кутлуғ қон» романингни шундай ювайликки, бир умрга эсимизда қолсин.

— Яхши, яхши! — дейди Ойбек.

Дўстлар ҳазил-хузул ва кулги билан тепаликка кўтарилишади. Ойбек қатор турган бочкаларни кўриб, таниш пивофурушдан сўрайди:

— Faфур аканг билан Шайхнинг пивохўрлигини яхши биласан, ука. Манави икки аканг ҳам пакана бўлишига қарамай, яrim бочкангни ичиб кўйишади. Хуллас, бир бочкангни сотиб оламиз.

Пивофуруш:

— Э, бор бўлинг-е, Ойбек ака. Шунча йил пивофурушлик қилиб, бунака танти мижозни ҳали кўрмаган эдим. Бир бочка пиво сизлардан айлансин!

Дўстлар бир бочка пивони думалатиб, бир чеккага олиб боришади. Пивофуруш уларнинг бочкасига маҳсус ускуна ўрнатиб беради.

Ойбек дўстлари билан бир кружкадан пивони ичиб бўшатганларидан сўнг уларга қараб, дейди:

— Faфур, ёдингда бўлса, қайси бир достоним чоп этилганидан кейин, қалам хақига Оқотадан бир боғни сотиб олган эдим. Колхоз боғни тортиб олди. Бошка боғ қилиш ҳавасим ҳам колмаган. Кел, бугун «Кутлуғ қон»дан келган қалам хақига бир базми жамшид қилайлик...

— Тўғри ўйлабсан, ошнам! Бошимизга тушаётган савдоларни шундай йўллар билан унутиб турмасак, йигит ёшимизда жувонмарг бўлиб кетишимиз ҳеч гап эмас.

– Фақат битта илтимосим бор сизлардан. Бугун ҳаммангиз ҳам меҳмон, ҳам соқий бўласиз. Бало-оғатлардан омон чикқан, – теварак-атрофдаги фарибу ғураболарни кўрсатиб, – мана шу кора кўзларни би-и-ир меҳмон қилайлик.

– Хотамтойлик мана бундай бўлади. Яшасин хотамтойлик! – дейди Шайхзода.

– Қойил-е! Жамшид ҳам сизчалик Хотамтой бўлмаган! – дейди Миркарим Осим.

– Базми Жамшид деганлари шунаقا бўлади ўзи! – дейди Faфур Fулом.

У Ойбекнинг саховатидан таъсирланиб, жўшиб, теварак-атрофда ўтирган кишиларга қараб, дейди:

– Биродарлар! Эшитинг! Бугун Ойбек акангизнинг Хотамтой бўлган кунлари! Яхши одамлар учун мана шу ичимлиқдан текинга ўз кўллари билан куйиб бермоқчилар. Агар чарчаб қолгудек бўлсалар, ёнларида мана биз, аканг қарағайлар тайёр турибмиз. Кепқолинг, биродарлар, ўзим биринчи бўлиб бошлаб бераман!

Ёзги кинотеатрда намойиш этилаётган фильмнинг узук-юлук овози эшитилиб туради.

«Ҳамза» театридан чанқаб чикқан артистлар бўлса керак, икки киши рақсга тушиб, хиргойи қилиб келади:

Биринчи киши:

*Бугун кўрмай кинони,
Эслаб Хайём, Синони,
Ичинг муздек пивони,
Ҳай, ёр-ёр, айланай.*

Иккинчи киши:

*Бугун кўқдан тўлин ой
Атрофга сочар чирой,
Ойбегимиз – Хотамтой,
Ҳай, ёр-ёр, айланай.*

Иккаласи:

*Ойбегимиз Хотамтой
Хай, ёр-ёр, айланай.*

Кружка кўтариб келаётган кишиларнинг шодон кийқириқлари...

Урушнинг бошланишини акс эттирган кино кадрлари. Самолётларнинг бомба ташлаётган овозлари. Вайрон бўлаётган шаҳар ва қишлоқлар тасвири.

СУХАНДОН: Минглаб кишиларни ўз домига тортган 37-йилдан кейин халқ эндиғина эркин нафас ола бошлаган бир пайтда инсоният тарихидаги энг даҳшатли уруш – Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ юзлаб хонадонларга «кора хатлар» оқиб кела бошлади. Юз минглаб болалар етим, юз минглаб аёллар бева, минглаб шаҳар ва қишлоқлар эса кимсасиз вайрона бўлиб колди.

1942 йил. Эски шаҳар бозори.

Бозор олувчи ва сотувчилар билан тўла. Сотувчилар бир жойда турмай, ўз молларини мактаб, зич оломон орасидан ўтиб турибдилар. «Кеб қолинг, чиройли этик, пишиқ этик», «Калиш-маҳсининг яхшиси бор», «Гимнастёрка, кимга керак гимнастёрка?», «Пичок керакми, ханжар керакми?», «Примус бор, примус!», «Безгакнинг дориси! Безгакнинг дориси!», «Устара бор, устара!», «Писта чақинг, писта!» деган турли-туман овозлар.

Ойбек бир сотувчидан сўрайди:

– Ёғ бозори қаерда, онахон?

Онахон:

– Ёф бозори тепада.

Ойбек олувчилару сотувчиларнинг қалин қатори оша тепалик сари талпинар экан, бир бечораҳол аёлнинг қаршисидан чиқади.

Аёл:

– Мулла ака, гилам керак эмасми? Шу гиламчани олинг.

Ойбек:

– Синглим, кенойингиз ёф олиб келинг, деганди...

Аёл:

– Ёф олмоқчиман, денг, – йиғлаб юборади.

Ойбек:

– Йиғламанг, синглим, нега йиғлайсиз?

Аёл йифи аралаш:

– Болаларим ёғнинг нима эканлигини эсдан чиқарип юборишиди, мулла ака. Ҳали ҳам ёғда овқат килишадими?..

Ойбек:

– Нега қилишмасин, синглим?

Аёл йиғлаб:

– Болаларнинг адасидан «кора хат» келган. Бокишга ноним, сотиб олишга пулим йўқ. Уйда мана шу гиламча қолди, холос. Шуни сотсан, бир-икки кун болаларим очлик азобидан қутулган бўлармиди. Шу етим болаларим ҳурмати, «кора хат»и келган отаси ҳурмати, жон мулла ака, шу гиламчани сотиб ола қолинг.

Ойбек кўзларида пайдо бўлган ёшни аёлга билдирмай, тескари қараб артади. Кўлидаги бор пулни аёлнинг қўлига тутқазиб:

– Гиламча ҳали ўзингизга керак бўлади, синглим. Мана шу пул мендан сизга озгина ёрдам бўлсин. Олинг!

Аёл:

— Йўқ, пулингизни олмайман. Текин пул топишга одатланган эмасман, мулла ака! Гиламчани сотиб олинг, дуо қиласман. Бошингиз омон бўлсин, фарзандларингиз илохи етимлик азобини кўрмасин, мулла ака!

Ойбек гиламчани олиб, бозор ичидан урилиб-сурилиб чиқиб кетмоқда.

Аёл овози:

— Барака топинг, мулла ака! Илохи сизга ўхшаган саховатли одамларнинг боши тошдан бўлсин!

Ўша куз кунларидан бири. Ойбекнинг Ишчилар шаҳарчасидаги хонадони.

Эшик кўнғироғи чалинади. Аммо меҳмон эшик очиқлиги боис уч-тўрт қадам юриб келади. Кўнғироқ овозини эшилган Зарифахоним (энди бу ажойиб аёлни Зарифахоним деяйлик) меҳмонни узокдан кўриб:

— Кўнғироқ чалмай киравермайсизми, Миркарим ака? Келиб юрган уйингиз. Қачонгача тортинасиз? — дейди.

— Ойбек уйдами? — секин сўрайди меҳмон.

— Уйдалар. Кираверинг. Кечаси билан ухламай ишладилар. Ҳали ҳам ёзиб-чишиб ўтирган бўлсалар ажаб эмас.

Зарифахонимнинг шу сўзларидан кейин меҳмон хона эшигини ийманибгина очади. Папирос тутунидан бўлак ҳеч нарса кўринмайди. Сўнгра:

— Ойбек, шу ердамисиз? — деб сўрайди у аста.

Эшик очилиши билан хонага қуёш нури кириб келади. Буни кўрган Ойбек ҳайратланиб:

— Миркарим, сенмисан? Кун чиқдими? — сўрайди.

— Кун чиқиши ҳам гапми! Офтоб найзага келган!

— Буни қара-я, ишлаб ўтириб, тонг отганини ҳам билмай қолибман.

Дўстлар самимий кўришишади.

Бир оздан сўнг Зарифаҳоним дастурхон ёзиб, уларни меҳмонхонага таклиф этади.

— Ҳали ҳам тунни тонгга, тонгни тунга улаб ишляяпсизми, Ойбек? Бундай иш йўсинига темир ҳам чидамайди. Ўзингизни аянг, (*секингина*) Абдулла ака, Чўлпон акалар ёзиб улгурмаган асарларни ёзиш сизнинг гарданингизда. Шуни ёдда тутинг, дўстим!

— Шунинг учун ҳам қаттиқ ишлашимиз керак, Миркарим, бу омонат дунёда.

— Абдулла ака ёзда дехқончилик қилиб, факат қиши ойларида асарларини танчада ўтири-и-иб ёзарди.

— Ким билади дейсан. Агар Абдулла ака... — қандай ифодалаш лозимлигини ўйлаб, — бу дунёning бевафолигини билганида ёз ойларида ҳам қаламини кўлдан туширмай ишлаган бўлармиди.

Миркарим Осим елка қисиб қўяди.

Ойбек:

— Эрта-индин фронтга бораман. Ўзбек жангчиларига совға-салом олиб борадиган делегацияга қўшиб қўйиши мени. Кетгунимга қадар «Навоий»ни қўлдан чиқарсам, деган ниятим бор. Ким билади, ўт-олов ичига бораман...

— Чакки қиляпсиз, Ойбек. Одамлар фронтдан қочишни ўйласа, сиз фронтга талпинасиз. Худди фронтга борганингизни кўриб, Гитлер икки қўлини мана бундай қилиб кўтарадигандек.

Кулишади.

— Ёшсан-да, Миркарим, қисқа ўйлайсан. Биз шу уруш ҳакида Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романига ўхшаган асарларни ёзишимиз керак. Уруш майдонида жон бериб жон олаётган жангчиларимиз жасоратини авлодларга биз ёзиб қолдирмасак, ким ёзиб қолдиради?! Ҳали кўрасан, урушдан кейин рус ёзувчилари ўз миллатидан чиққан қаҳрамонларни кўкка

кўтариб, том-том романлар ёзади. Шунда тирик қолган жангчиларимиз биздан ўпкаланишмайдими? Халок бўлганлари-чи?..

— Сизга бас келиб бўлмайди, Ойбек. Аммо Зарифахон...

— Нима Зарифахон?

— «37-йилдан аранг омон қолганлар. Айтинг, урушга бормасинлар. Шу ерда туриб ҳам уруш ҳақида асар ёзишяпти-ку!» — деяпти. Бундай ўйлаб қараса, гапида жон бор.

— Биламан, Миркарим, Зарифа: «Эрим фронтда ўлиб кетиши мумкин», деб чўчияпти. Ўзим ҳам болаларимни етим қилишни хоҳламайман. Аммо ёзувчининг халқ ва адабиёт олдида бурчи бўлади. Бурч! Шу бурч менга тинчлик бермаяпти... Кел, қўй, яхши гаплардан гаплашиб ўтирайлик, — Чой қуйиб узатади. — Балки радиода яхши концерт бордир.

Радионинг мурватини бурайди.

РАДИО ОВОЗИ. ...Жангчиларимиз Москва осто-наларида душманинг кўп сонли ва яхши қуролланган қисмларига қарши қаҳрамонларча курашиб...

1943 йилнинг февраль ойи.

Ойбек Воронеж яқинидаги кичик бекатларнинг бирида ҳарбий ва ноҳарбий кишилар билан тўла поезддан тушади.

РАДИО ОВОЗИ. ...бир неча километрга чекинишга мажбур бўлдилар.

Ойбекнинг кўзи вокзалдаги устунлардан бирига ўрнатилган радио карнайига тушади.

РАДИО ОВОЗИ. ... Бошқа фронтларда айтарлик ўзгариш бўлмади.

Вайрон бўлган шаҳар ҳаробалари. Бузилган уйлардан бирининг омон қолган мўрконидан қора дуд буркиб турибди.

Аёзли ва дудлардан хиралашган кун. Дорга осил-
ган, ерда ўлиб ётган кишилар, мажақланган қурол-
яроғлар... Даҳшатли сукунатни олисдаги портлашлар
овози ўқтин-ўқтин бузиб туради.

Юриб кетаётган Ойбекнинг совукдан ва уруш
даҳшатларини кўриб титраган овози:

*...Қошлар, киприклар қирон –
Юраман ҳүшсиз, ҳайрон.
Корним оч, эсга келмас
Халтамдаги гиштдек нон.*

*Куйган уйларда увлар
Киши қуюни бетиним.
Танҳо кезаман. Йиглар
Юрагимда ватаним.*

Шу пайт Ойбекдан бир оз нарига снаряд ке-
либ портрайди, еру кўк олов ва тупрок гирдобида
колади.

Коронфилик.

Бир оздан кейин телефон овозлари эшитилади:

– Алло, алло! Зарифа, бу менман!
– Алло, алло! Эшитилмаяпти. Ойбек ака (*йиги
овози*), сизмисиз?

– Алло, Зарифа!
– Алло, алло! Ойбек ака (*яна йиглаб*), мен сиз-
ни эшитмаяпман. (*Йиги аралаш*.) Соғ-саломатмисиз?
Бизлар ўлиб бўлдик-ку! Артистлар келганига икки
ой бўлди. Сиз қаерда қолдингиз? (*Йиглаб*.) Тирик-
мисиз?

– Алло, алло, Зарифа, мен Москвадаман!
– Алло, нима дедингиз?
– Ваше время кончилось. Разъединяю...
– Алло...

Тин-тин-тин...

1945 йил, 9 май. Ойбек хонадони. Оқшом.

Олисдан Фалаба куни шарафига отилаётган мушаклар овози эшитилиб, радиодан тантанали мусика шалоласи шодон оқмокда.

Ойбек гулзор орасида юриб, бир дона қизил гулни узади-да, уни қизи Гулранг кўтариб келаётган гулдонга солади.

— Адажон, яна гул узамизми? Бугун байрам. Гулдон тўла бўлса, одамнинг баҳриди очилади, — дейди Гулранг.

— Йўқ, қизим. Бу гулни атаган жойим бор.

Ойбек, унинг ортидан қизи секин-аста ижодхонага кирадилар. Ойбек ёзув столининг чеккасида турган снайпер йигитнинг расми ёнига гулдонни қўяди.

— Ну, фронтда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўзбек йигити. 96 та душманни отиб ўлдирган. Мен фронтда унга бағишланган шеъримни ўқиб берганимда, раҳматли хурсанд бўлганидан шу расмни менга ҳадя килган эди.

Ойбекнинг кўзида бир-икки ёш томчилари пайдо бўлади.

— Адажон, йиғлаляпсизми?

— Йиғламай бўладими, қизим! Ўлик жангчиларимиздан пайдо бўлган тепаликлар эсимга тушиб кетди. Фалаба уларники! Биз бу Фалабага заррача ҳам хисса қўшмаганмиз!

Шу пайт Зарифахонимнинг чақирган овози эшитилади:

— Гулранг, адангни олиб чиқ! Ош сузяпман. Омонбек, укаларингни топиб кел. Ҳали ҳам кўчада ўйнаб юришганга ўхшайди.

Ойбек қизи билан етаклашиб меҳмонхонага киради. Дастурхон тўкин бўлмаса ҳам, яхшигина безатилган. Бир зумда оила жам бўлади. Ойбек гравиндаги мусалласдан ўзининг ва Зарифахонимнинг



биллур қадаҳларига қуяди. Зарифаҳоним болаларнинг биллур жомларига лимон ичимлигини қуя туриб, Ойбекка қарайди. Ойбек қадаҳ кўтариб, дейди:

– Голиблар учун! Ҳалок бўлган ва жанг майдонларидан тирик қайтган ғолибларимиз учун!

Зарифаҳоним адибнинг сўзини давом эттириб:

– Фалаба учун! Бундан кейин уруш деган балони кўрмаслик учун! – дейди.

Шу пайт эшик қўнфироғи жиринглайди.

Зарифаҳоним:

– Омонбек, чик, хат-пат келганга ўхшайди.

Омон чиқади. Ойбек ва Зарифаҳоним биллур косаларни яримлатиб, энди қошиқни ошга ботиргандарида, Омон қайтиб келиб, дейди:

– Адажон, сизни бир ҳарбий киши чақиряпти.

– Уйга таклиф қилмадингми? Яхши одам ош устига келади.

– Рус киши.

Ойбек билан изма-из Зарифаҳоним ҳам ҳовлига чиқади.

Ойбек ҳарбий кишини кўриб, ранги оқариб кетади.

– Что случилось?.. В такой час..., – дейди у ҳарбийга.

– Извините, Муса Ташмухамедович. Понимаю, в такой день... Но... велели привести вас.

Ойбек ранги оқарган ҳолда:

– С вещами?.. – деб сўрайди.

– Не думаю. Все-таки праздник.

Зарифа Ойбекни кучоқлаб олади:

– Юбормайман! Кимнинг сизда иши бўлса, ўзи келсин! (*Офицерга қараб.*) Что вы себе позволяете!.. В такой день...

– Успокойтесь, Зарифа Сайднасыровна! Возможно, нарком хочет с ним поговорить о литературных делах. Айбек ведь руководитель Союза советских писателей Узбекистана.

Ойбек бир оз ўзига келади.

- Майли, Зарифа, байрамни давом эттириб туринглар. Мен бирор соатда қайтиб келаман. Хавотир олма.

Ойбек офицер билан чикиб, «ЭМКА» русумли машинага ўтиради.

Тошкент кўчаларининг машина деразасидан кўринишлари.

Машина ички ишлар идораси олдига келиб тўхтайди.

НКВД боилирининг қабулхонаси. Ойбекни олиб келган офицер қабулхона котибига:

- Доложите наркому: задание выполнил.

Котиб комиссарнинг олдига кириб кетади. Сўнг чикиб, офицерга:

- Вы можете идти. А вы (Ойбекка) посидите. Вот вам газеты, почитайте.

Ойбек девордаги соатга қарайди: кечки 7:05.

Соат «чик-чик»лари.

Девордаги соат: 8:05.

Ойбек безовталанади.

Зарифахоним соатга қарайди: 8:05. Безовта бўлиб у ёқ-бу ёкка юради. Болалар ҳам, ўзи ҳам овкатга яқинлашмайди.

Девордаги соат: 9:05.

Ойбек ўрнидан туриб, хонанинг бир чеккасида юра бошлади. Соат «чик-чик»лари. Ойбек қўлларининг бармоқлари асабий титрайди.

Зарифахоним соатга қарайди: 9:05. Шу пайт каердандир пашша пайдо бўлиб, финшиган товуш



чиқариб учади. Зарифахоним четроқдаги стул устида ётган газетани ғижимлаб, пашшани тутиб ўлдирмоқчи бўлади. Пашша учиб кетади.

Девордаги соат: 10:05.

Ойбек котибга жаҳл билан:

– Разрешите, я позвоню Усману Юсупову. Скажу ему, что в НКВД Узбекистана работают...

Котиб:

– Вы не забывайте где находитесь!

Ойбек ғазаб билан бақиради:

– Это вы не забывайте ГДЕ находитесь!

Зарифахоним соатга қарайди: 10:05. У қўлидаги газетани ғазаб билан стол-стулларга уради. Газета йиртилиб, парча-парча бўлиб сочилади. Бу парчаларнинг биридан Сталиннинг кўзи, бошқасидан мўйлови, бошқасидан Фалаба ордени... кўзга ташланади. Зарифахоним жаҳл устида ўзи сезмаган ҳолда бу парчаларни оёғи билан ғижимлаб ташлайди.

Шовқин-суронни эшигтан НКВД бошлиги эшикни кия очиб, ғазабланган Ойбекни кўради ва номига котибни койийди:

– Как ты обращаешься, дурак, с членом ЦК, с руководителем писательской организации. (Ойбекка.) Заходите.

Ойбек халқ комиссари орқасидан унинг хонасига киради.

Комиссар стул елкасига илиғлиқ ички кийимга ўхшаш латтани олиб, хосхона сари йўл олади. Хосхона эшигини очиб, уни кимгадир узатиб қайтади. Сўнг Бухоронинг банорас тўнига ўралган ҳолда юмшоқ курсига ўтириб, Ойбекка жой кўрсатади.

Папирос тутатиб, дудини Ойбек томонга пулаб, сўзлай бошлайди:

– Как дела, председатель? Как настроение у ваших писателей?

Ойбек сўзламоқчи бўлади, аммо нарком эшишини хоҳламагандек ўрнидан туриб, дераза олдига боради.

Тунги Тошкент.

Бошлиқ деразадан шаҳарга қараган ҳолда сўзлайди:

– Пришла долгожданная Победа! В эту Победу мы, чекисты, внесли большой вклад, большо-ой вклад. Победили врага! Внешнего врага, конечно. Но внутренние враги все еще живут (*Ойбекка яқинлашиб.*) Таких немало и среди писателей, которыми ВЫ руководите. А вы сидите спокойно, пока они, как ползучие змеи, не поднимут голову. Вам не хватает политического чутья, товарищ Айбек! (*Бир оз сукут қилиб.*) Вот я вас вызвал для того, чтобы вы, как советский писатель, как руководитель Союза советских писателей Узбекистана, помогли нам, доблестным чекистам.

Жавоб кутаётган кишининг назари билан Ойбек-ка қарайди.

Ойбек:

– Что вы хотите от меня?

– Чтобы вы совместно с партийной организацией составили список врагов Советской власти, (*Ойбекнинг хавотирланганини кўриб*) вернее, недоброжелателей.

– Я таких не знаю. Война показала, что писательская организация Узбекистана состоит только из писателей-патриотов.

– Перестаньте кривляться! Писать стихи о Родине – это одно, а думать о буржуазном рае – другое.

– Я верю в искренность любви и верности наших писателей к Родине, к Сталину.

Бошлиқ столни уриб, бакиради:

– Слушай, писака! Чтобы к завтрашнему утру у меня на столе был список врагов-писателей! Солидный список!! Понял?

Ойбек:

– Вы можете меня посадить, но я задание ваше не могу выполнить!

Бошлиқ урмокчи бўлиб Ойбекка яқинлашиб келади.

1947 йил баҳори. Кенг лолазор дала.

Машина бепоён лолазор дала яқинига келиб тўхтайди. Машина ичидан адибнинг кенжаси фарзандлари Бекжон, Гулранг ва Суюн қийқириб тушиб, ўша заҳоти лолазор бағрига ошиқадилар. Олисдан лола тераётган болаларнинг:

*Лолалар, гул-лолалар,
Кип-қизил шалолалар,
Ойижонимга сизни
Терамиз биз, болалар.*

*Лолалар, гул-лолалар
Олов бўлиб ёналар.
Дадажонимга сизни
Терамиз биз, болалар,*

деб ашула айтиётгани эшитилади.

Хайдовчи билан Омон машина юкхонасидан шолчаю кўрпачаларни тушириб, жой ҳозирлашида. Ойбек бир қўлида термос, бир қўлида болалар коптогини кўтарган ҳолда гўзал манзарани томоша қиласди. Сўнг кўрпача устида ёнбошлаб, теварак-атрофга сук

билан қарайди. Зарифахоним бир кўлида дутор, бир кўлида қандайдир тугун кўтариб, Ойбек қошига келади.

Зарифахоним:

– Кўклам кунлари Туркистонга бораётганимда шу лолазор далани кўриб, ҳар сафар ҳавас қилардим. Қани энди севимли ёrim, бир-биридан ширин фарзандларим бўлса-ю, шу ерларга келиб, лола сайли қилсак, ором олсак, деб орзу қилардим.

– Чиндан-да гўзал жой, Зарифа! Бундай ором-бахш жойларимиз кўп. Уларни кўриб, жаннатмонанд юртда яшаётганингдан фурурланиб кетасан, киши. Қани энди сенинг ҳам, менинг ҳам ишимиз озайиб, болаларни шундай жойларга тез-тез олиб келсак...

Зарифахоним бирор юмушни мўлжаллаб кетмоқчи бўлади.

– Ўтири, дам ол! Қолган ишни болалар қилишади. Роса чарчадинг. Сен бечоранинг бошингга не кунлар тушмади. Ҳеч нарсага парво қилмай, бир институтдан иккинчисига елиб-югуриб ишладинг. Минглаб шогирдларинг бор. Биринчи ўзбек аёл рассоми ва кимёгар олимаси сифатида тарихда қоласан. Бу, катта гап.

– Академик-адибнинг рафиқаси бор-йўғи фан номзоди бўлганига ор қилмасангиз бўлди.

– Нега ор қиларканман. Мен сен билан бир умр ифтихор қиласман. Сен бўлмаганингда, «Қутлуг кон»ни ҳам, «Навоий»ни ҳам ёзмаган бўлармидим. «Ёзинг», деб қистаб-никтаб турдинг.

– Фадеев: «Зарифани Москвага, докторантурага юборинг», деганди. «Хўп», деганингизда, фан доктори бўлиб келган бўлармидим.

– Ҳозир ҳам унча-мунча фан докторидан кам эмассан. Академикнинг хотинисан. Мени ака-демик дейишса, сени ҳамма опа-демик, дейди.

Зарифахоним кулади, унга кўшилиб Ойбек ҳам кулади.

Ойбек:

- Кел, яххиси, дутор чертиб, бирор ашулангни айт.

Шу пайт даста-даста лола кўтариб, болалар келишади. Улар қўлларидағи гулдасталарни ота-оналарига бериб, уларни қучоклаб ўпишади.

Ойбек:

- Раҳмат, юлдузчаларим. Биз чол-кампирларни кўп хурсанд килдинглар.

Зарифа опа:

- Нега энди чол-кампир бўларканмиз? Айни кучга, ақл-заковатга тўлган пайтимиз.

Болаларчувурлашиб:

- Ойижоним кампирмаслар! Сиз ҳам, дадажон, чолмассиз. Чолларнинг оппоқ соқоли бўлади.

Ойбек:

- Ҳазиллашдим, қақилдоклар. Ойижонинглар ҳали ҳам 18 ёшли, орзу-ҳавасли қиз. (Зарифаҳонимга.) Қани, болаларнинг ойижониси, ашулангизни бошланг.

- Нимани айтай?

- Яххисини.

Зарифаҳоним дутор чертиб, ашула айтади.

Ойбек хаёлида ёшлик йиллари жонланади.

Хиёбон. Оқшом. Ойбек ва Зарифа қуюқ дарахтлар тагидаги таниш «скамейка»га бориб ўтиromoқчи бўладилар. Шу пайт кўзлари ўтиргич суюнчиғига ўйиб ёзилган сўзларга тушади: «ОЙБЕК+ЗАРИФА». Бу сўзлар тагида уларнинг қисқартмаси ҳам бор: «ОЙЗАР», деган.

Ойбек:

- Ха, шайтонлар, ҳали тўхтаб туринглар! – дейди.

Сўнгра бунга эътибор бермай ўтириб, Зарифани энди бағрига босмоқчи бўлганида теварак-атрофдан тенгдошларининг «Оизар», «Оизар», «Оиза-а-ар» де-

ган сўзлари худди ашуладек жаранглаб кетади. Зарифа уялиб, кочади. Ойбек унинг ортидан «Зарифа, тўхта!» деб югуради.

Зарифаҳоним:

— Нимани ўйлаб қолдингиз?

Хаёл оғушидаги Ойбек сесканиб тушади.

— Ёшлигимизни эсладим. Ўша хиёбонни, ўша ўтиргични, синфдошларнинг ўша ҳазилларини.

— Ўшанда бирдан ёмғир ёғиб қолган эди. Роса увиганман.

— Хозир ҳам ёғадиган кўринади. Осмонда қора булутлар тўпланаяпти.

Ойбек шу сўзларни айтиб улгурмасидан, чақмоқ чақиб, момагулдурак гулдурайди. Кўклам жаласи бошланади. Болалар шодлиги чексиз. Ойбек билан Зарифаҳоним пана жой ахтаришга тушишади.

1949 йил. Ёз ойларидан бири. Ойбек хонадони.

Зарифаҳоним икки-уч хафтадан бери тўшакбанд бўлиб ётибди.

Рус врачи беморнинг қўлини ушлаб, қон томирига узок қулоқ солади. Бемор оғзини қошиқча билан очиб кўради. Ўпкасини эшитади. Берилган дориларга, хасталик варақасига кўз югуртириб чиқади-да, Ойбек-ка дейди:

— Большой нужен полный покой. Никаких таблеток. Накачали ее таблетками. Дайте на ужин кусок хлеба и пиялушки куриного бульона. А на утро тоже — кусок хлеба и пиялушки кислого молока. Попозже — яблоко и свежие фрукты. Только немного. Утром на венчу.

Врач портфелини олиб, bemor билан хайрлашади ва йўлакка чиқади.

– Дорогой Айбек, – дейди у шифокорга нажотталаб кўзлари билан қараб турган Ойбекка, – диагноз, поставленный Азизом Максудовичем, верный. Методика лечения тоже... верная. Но... как видите, больная день ото дня, как свеча, угасает.

– Доктор, скажите правду, есть надежда на выздоровление? Уже три недели, как она...

– Надежда умирает последним. Будем надеяться на чудо, дорогой Айбек, на чудо.

Ойбек боши айланиб, деворга суюниб қолади.

Врач:

– Что вы, что вы! Будьте мужчиной. Ваше такое состояние перейдет и в вашу супругу. А это очень не желательно. Ох, как не желательно.

Врач сомон шляпасини бошидан олиб, хайрлашиб кетади. Ойбек ўзини ушлаб олиб, бир неча дақиқадан сўнг Зарифахонимнинг олдига киради.

Зарифахоним:

– Дўхтири нима деди? Узоқ гаплашиб қолдингиз.

Ойбек:

– Хавотир олманг, хотинингиз отдай бўлиб кетади, – деди.

– Ишонмайман.

– Ишон, Зарифа, ишон! Сен тезда соғайиб кетасан!

– Айтганингиз келсин, илоҳим.

– Биласанми, Зарифа, аввалги табиблар хастанинг тезроқ соғайиши учун «Наво» куйини тавсия этишган. Созандалар хаста ётган хонага кириб, шу куйни чин кўнгилларидан ижро этганларида, ундан хаста рухига малҳам бўлувчи садолар таралар экан. (*Бир оз сукут қилиб.*) Мен бир пайтлар сенга Ҳумоюн Мирзонинг бедаво хасталикка чалинганини айтиб берган эдим. Бобур Мирзо севикли ўғлини қандай машҳур табибларга кўрсатмасин, хастанинг аҳволи кундан-кунга оғирлашган. Шунда у ўғлининг атрофида уч бора ай-

ланиб: «Эй, қудратли парвардигор! Бу дунёдаги хар бир жонзотга жон бағишлайдиган ҳам, жон оладиган ҳам ёлғиз ўзингсан! Ҳумоюн Мирзо – менинг бу дунёдаги бирдан-бир умидим. Мендан кейин ишларимни давом эттирадиган ҳам шу фарзандим бўлади. Шунинг учун унинг хасталигини менга бергин-у, менинг саломатлигимни унга ато эт!» – деган-да, сўнг тиловат қилган. Шундан кейин Ҳумоюн Мирзо ҳеч нарса кўрмагандек соғайиб кетган.

Ойбек қўшни хонага чиқиб, патефон олиб киради. Патефонга «Наво» куйи ёзилган лаппакни қўяди. Хонага мумтоз халқ куйининг латиф садолари оқа бошлайди.

Ойбек хаста хотини атрофида уч маротаба айланаб, кўкка қараб муножот қилади: «Эй, қудратли парвардигор! Бу дунёдаги хар бир жонзотга жон ато қиладиган ҳам, жон оладиган ҳам ёлғиз ўзингсан! Зарифа турмуш ўртоғимтина эмас, суюнган тоғим азиз фарзандларимнинг меҳрибон онаси, хонадонимнинг фариштаси бўлади. Шунинг учун ҳам сендан унинг хасталигини менга бериб, менинг саломатлигимни унга бағишлиашингни сўрайман!»

Шундан кейин Ойбек пицирлаб тиловат қилади.

Нима учундир ёз ойи бўлишига қарамай, оний чақмоқ чақиб, кутилмаганда шиддат билан ёмғир ёға бошлайди.

Биз чақмоқ ва ёмғир товушлари оша Зарифахонимнинг ётган жойида, «Йўқ, йўқ, нималар деяпсиз! Бас қилинг!» – деган сўзларини эшитамиз.

1951 ийл, апрель.

Ойбек билан Зарифахоним шахар кўчалари бўйлаб машинада кетишимоқда.

Бир маҳал Зарифаҳоним йўлкада кетаётган бир кишини кўриб қолиб, ҳорғин ҳолда кетаётган адибдан сўрайди:

- Анави киши ким эди, танийсизми?
- Қайси?
- Ҳув, йўлкада кетаётган. Ориққина киши.
- Танимайман.

— Уюшмаданман деб келганди кеча. Киритмай, тўғри қилган эканман. Газетага ўраб олиб келган ги-
лосини бўшатсан, шу газетада «Навоий» романи «Оқ
калтак-қўқ калтак» қилинган экан. Бу ифлоснинг
мақсади шу тухматномани сизга кўрсатиш бўлган.

— Кўявер, эътибор берма. Буни унга бошқалар
ўргатган.

- Кимлар?

Ойбек жавоб бермайди. Унинг кўз олди қорон-
филашиб, хаёлида сўнгги ойларда кечётган воқеалар
жонлана бошлайди:

Мажлисда масъул лавозимдаги рус аёлларидан
бири қўлини пахса қилиб гапирмоқда:

— Известный писатель Айбек дошел до того, что
даже не уплачивает профсоюзные взносы. Посмотрите
его профсоюзную карточку. Во дворе февраль, а
он даже за январь месяц не платил взносы!..

Коронфиликдан Марказком минбаридан сўзлаётган
котибининг овози эшитилади.

— Ёзувчилар уюшмаси раиси Ойбек сиёсий
хушёрлигини мутлақо йўқотди. Унинг таҳрири ости-
да нашр этилган «Ўзбек поэзияси антологияси» ҳам,
«Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги ҳам сиёсий хато-
лар билан тўла...

Яна коронфиликдан овозлар:

— Ойбек – миллатчи! Ойбек «Навоий» романида
тожик ва қозоқ халқлари вакилларини камситиб,
уларнинг салбий образларини яратган!

- Ойбек Покистонга борганида Афғонистондаги ватангадолар билан бирга ўша ерда қолмоқчи бўлган!..
- Ойбек Ёзувчилар уюшмаси раислигидан бўшатилсин!..

Машина Ҳукумат боғига етиб келади.

- Ойбек ака, келдик, – дейди Зарифаҳоним.
- А, дарров-а, – хайрон бўлади адиб.
- Сиз хаёл денгизига ғарқ бўлганингизда Ҳукумат боғи ҳам гапми, божангиз яшаётган Каршига ҳам етиб борган бўлардик.

Кулишади.

Ойбек билан Зарифаҳоним машинадан тушишади.

Қўркам боғ. Дараҳтзор.

Улар аста юриб, муҳташам бино сари йўл олишади. Шинам йўлакдан ўтиб, люкс-хонага киришади. Сергей Бородин хотини Роза опа билан бирга Ойбек ва Зарифаҳонимни хуш кайфиятда кутиб олади.

Бородин Ойбек билан қучоқлашиб кўришар экан, дейди:

– Ассалом алайкум, Айбек Ташмуҳамедович! Я рад вас видеть живым и здоровым... (*Зарифа опага қараб.*) О, здравствуйте, Зарифаҳанум. Вы все цветете. Тъфу, тъфу, тъфу!

– Как приехали, Сергей Петрович! Я тоже очень рад нашей встрече. Как наши московские друзья? – сўрайди Ойбек.

– От имени ваших московских друзей я еще раз обнимаю вас, дорогой Айбек.

Ойбекни қулоч ёзиб бағрига босади.

Ойбек билан Бородин қўлёзмалар ёйилган катта стол ёнига бориб жойлашишади. Зарифаҳоним билан Роза опа хонанинг бошқа чеккасидаги креслода ўтириб сухбат қуришади.

Қўлёзма варакланда бошлаганда кўзимиз «Ветер золотой долины» сўзларига тушади. Бородин билан Ой-

бек мазкур романни рус тилига таржима килиш жараёнида туғилган савол ва масалалар атрофида узок сұхбатлашиб, нималарни дір қайд этиб борадилар.

Нихоят, Бородин қўлёзма солинган папкани ёпиб, дейди:

— Вот всё, дорогой Айбек! Теперь мы можем позволить себе отдохнуть. Тем более наши молодые друзья давно ждут нас в столовой.

Бородин Ойбекни, Роза опа эса Зарифаҳонимни қўлтиқлаб, ошхона сари йўл олишади.

Ошхонада бир оз қизиб олган Ҳамид Фулом, Шуҳрат, Туроб Тўла устозлар сари пешвоз чиқадилар. Телевизордан мусиқа садолари янграб тургани учун биз уларнинг сўзларини эшитмаймиз. Мехмонлар дастурхон атрофидан жой олишлари билан Ҳамид Фулом ўрнидан туриб, қўлда қадаҳ кўтарган ҳолда дейди:

— Азиз дўстлар, Сергей Петровичнинг Тошкентга келишлари биз учун катта байрам. Мен Сергей Петровични москвалик ёзувчилар орасида ҳам, Тошкентда ҳам кўп кўрганман. Бу улуғ зот қаерда хозир бўлсалар, ўша ерда яхши кайфият, яхши давра бўлади...

— Давай, Ҳамид, поднимем первый тост за Айбека, за гордость узбекской культуры! — Ҳамид Фуломнинг сўзини бўлади Бородин.

Ҳамма мамнун бир ҳолатда, ўрнидан туриб, қадаҳ кўтаради.

Ойбекда қандайdir ўзгариш. У қўлини қадаҳга олиб боради-ю, уни ушлай олмайди. Зарифаҳоним бу ҳолнинг боисини тушунмай, Ойбекка аста дейди:

— Сергей Петровичнинг хурмати, озгина ичинг.

Ойбек жавоб бермайди.

— Нега индамайсиз? — сўрайди Зарифаҳоним.

Ойбек бошқа кўли билан оғзини кўрсатади.

– Нима килди? Нега гапирмаяпсиз?

– Ттт...лим.

Ойбек ишламай қўйган ўнг қўлини ушлаб уқаламоқчи бўлади. Тили калимага келмайди. Зарифахоним даҳшат ичидаги қичқириб юборади.

– Тез машина чакиринг! Ойбек хаста бўлиб қолди. Тили ишламаяпти! Эй, худо!!!

Хамма саросимада. Зарифахонимнинг сўнгги сўзлари худди момақалдироқ янглиғ акс садо беради.

Касалхона.

Ойбек каттагина палатада бир ўзи ётибди. Кошида Зарифахоним.

Зарифахоним:

– Дўхтирлар «Ойбек ака ором олсинлар», деб чиқиб кетинди. Энди ухланг. Ҳеч нарсани ўйламанг. Худо хоҳласа, (*кулиб*) отдай бўлиб кетасиз.

Зарифахоним ўрнидан турмокчи бўлади. Ойбек кўзи билан «ўтири», дегандек ишора қиласди. Зарифахоним ўтириб, Ойбекка қарайди. Ойбек: «Гапириб ўтири, мен ухламайман», демокчи бўлади.

Зарифахоним:

– Нимани гапирай?

Ойбек:

– Унн..

Зарифахоним:

– Тушунмадим.

Ойбек:

– Унн...

Зарифахоним бир оз ўйлаб, англағандек:

– Унсин холамними?

Ойбек «ха» дегандек ишора қиласди.

Зарифахонимнинг ички овози:



– Ухлашдан кўркяптилар... уйғонмаслигим мумкин, деб.

Зарифаҳоним ҳикоя қила бошлайди:

– Кунларнинг бирида Унсин холамнинг юраги уришдан тўхтаб, вафот этган. Қариндош-уруғлар чор атрофдан етиб келишган. Қий-чув. Маҳалла аҳли холамни тобутга солиб, кўтарай деб турибди...

...Унсин ўз тўшагида ухлаб ётиди. Шу пайт бир нуроний киши келиб, уни уйғотади:

– Қизим, туриңг. Сизни Ҳазрат чақиряптилар.

Унсин нотаниш чолни кўриб, ўрнидан туради-да, зудлик билан кийиниб олади. У чолдан кимлигини, қаерга олиб бормокчи бўлганини сўрамоқчи бўлади. Аммо тили калимага келмайди. Чол Унсиннинг қўлидан ушлаб, коронги кўчалару уйларнинг бузилган деворлари орасидан узоқ олиб ўтиб, ниҳоят, бир уйга етиб келади. Тўрда ўтирган ғоят салобатли Ҳазратга Унсинни кўрсатиб, дейди:

– Ҳазрат, мана, айтган қизингизни олиб келдим.

Ҳазрат Унсинга тикилиб қарайди. Сўнgra бошини чайқаб, чолга дейди:

– Хато қилибсиз, азизим. Тонг ёришмасидан дарҳол уйига элтиб қўйинг. Бу бечора қизнинг увлига қолманг тағин.

Чол Ҳазратга таъзим қилиб, яна Унсиннинг қўлидан етаклаб, бояги коронги йўллар билан уйига олиб келади.

Унсин ётиб ухлашда давом этади.

Зарифаҳоним:

– Унсин холам ташқаридан келган йифи-сифи овозидан уйғониб кетади... Орадан анча вақт ўтгандан кейингина холам ўзининг ўлиш ва тирилиш тарихини сўйлаб берган.

Орадан бир-икки йил ўтган. Касалхонами ё адибнинг уйими – номаълум.

Деразага баҳор ёмфири урилиб, ҳовлида ўсиб турган гуллар ва дарахтларни гоҳ кўрсатиб, гоҳ кўрсатмай туради. Хаста Ойбек деразадан ҳовлига қараган ҳолда қўлидаги копток билан ўнг қўлининг мускулларини ҳаракатта келтирмоқчи бўлади.

Хонага Зарифахоним киради. Ойбек ёзган шеърни олиб ўқииди:

*Хастамен... Фикрга, туйгуга тўлиб,
Ой менга ҳамқадам – сокин юрамен.
Согайсам бир куни ёзамен тўйиб,
Хисларга қалбимни қўшиб ёзамен.*

Орадан яна бир неча йил ўтган.

Ойбек тунги кўчалар бўйлаб секин-аста қадам ташлаб бормоқда.

Унинг ҳазин овози:

*Кечалар юурмэн телбадай ҳориб,
Бошимда ой борур – менга ҳамқадам.
Хаёллар учади машъалдай ёниб,
Тўйиб ёзажакмен бир кун согайсам...*

Кора денгиз бўйлари.

Денгиз тўлқинлари асовланиб, соҳил сари ҳамла килмоқда. Бутун дунё худди шу денгиздан иборат-дек гўё. Тўлқин устига тўлқин миниб, денгиз ўз кудратини намойиш этмоқда.

«Аве Мария»ни ёдга солувчи майин мусиқа оҳанглари таралиб, тўлқинлар қўшиғи тинади. Бизнинг

назаримиз соҳилда пайдо бўлиб бораётган қандайдир кўринмас кишининг изларига тушади. Биз шу излар ортидан денгиз ёқалаб юрамиз.

Зарифаҳонимнинг овози:

— Ёдингда борми, Ойбек ёшлик йилларида сенга мурожаат этиб: «Эй, парвардигор, мен нима қилсам, хаётимни қандай курсам, сенга манзур бўламан ва сен мункул кунларимда мендан ўз марҳаматингни аямайсан?» деб сўраган эди. Шунда сен: «Эл-юрт учун куйиб-ёниб хизмат қилсанг, мен доим бошингни силаб юраман», — деган эдинг? Ойбек худди сен айтгандек яшади. Аммо сен унинг тили сўзлашдан, кўли ёзишдан қолганини кўриб туриб, уни аро йўлда ташлаб кўйдинг. Мана, ҳозир ҳам шу соҳилда унинг ёлғиз ўзи кетиб боряпти».

Шу пайт Фойибдан садо келади: «Йўқ, Зарифаой! Мен Ойбекни ташлаб қўйганим йўқ. Ҳозир ҳам мен у билан биргаман. Сен кўраётган бу излар унинг излари эмас. Булар, менинг изларим. Мен Ойбекни кўтариб кетаяпман, Зарифа!...»

1965 йил. Май ойининг сурурли кунлари. Ойбек хонадони.

Телестудия ходимлари камераларини кўтариб кириб келишади. Улар билан бирга Фотограф ҳам келган. Телережиссер «хе» йўқ, «бе» йўқ операторга буйруқ беради:

— Камерани бу ерга ўрнатинг. Ойбек домланинг фарзандлари билан хонадан чиқиб келишларини оласиз. Бу, сюжетнинг энг охирги кадри бўлади.

Сўнг хона эшигини очади. Унинг овози:

— Зарифа опа, биз келдик!

Бирор жавобни кутмай, хонага кириб боради.

Мехмонхона. Оромкурсида ўтириб, араб ёзуви-даги қандайдир китобни ўқиётган Ойбек ўрнидан



туриб, телестудия ходимлари томон юра бошлайди. Бир гала неваралари қий-чув билан унинг кетидан эргашиб боришади. Адибнинг фарзандлари эса, қандайдир иш билан у ёқдан-бу ёққа югуриб юришибди.

Мўъжазгина столчага альбом ва фотосуратларни кўяётган Зарифахоним:

– Келдингларми? – дейди. – Биз ҳали тайёр эмасмиз. Бир оз сабр қиласизлар.

У қаёққадир чиқиб кетади.

Фотограф расмларни кўриб, манзур бўлганларини суратга олади. Ора-орада «Один момент!» деб хонада у ёқдан-бу ёққа юраётган фарзанд ва невараларни, Зарифахонимни, Ойбекни суратга олади.

Шу пайт ҳовлига нотаниш бир Киз кириб келади. Кимнингдир шарпаси кўринаётган бўлса хам, ҳовли кимсасиз эди. У майин овоз билан чақиради:

– Ким бо-о-ор?

Хеч ким садо бермагач, яқин эшиклардан бирини очади...

– Мен Тошкент обсерваториясидан келдим, – дейди у адибнинг фарзандларидан бирига.

– Келинг, келинг! – таклиф қилади у меҳмонни, сўнг кичкиради: – Ойи, сизга келишипти!

Гулранг пайдо бўлади. У:

– Ойим бандлар. Келинг. Нима ишингиз бор эди?

Бояги Киз:

– Мен Тошкент обсерваториясидан келдим! – портфелидан бир сурат чиқариб, дейди. – Биз но маълум самовий жисмни кашф этдик...

Шу пайт Зарифахоним пайдо бўлади. Гулранг:

– Ойи, булар Обсерваториядан келиптилар. Но маълум самовий жисмни топишипти, – дейди у, кейин Киздан сўрайди. – Шундайми?

– Худди шундай! (*Зарифа опага.*) Зарифа опа, мана, сурати!



Зарифахоним суратни кўлига олиб, ҳаяжон билан кўради.

Қизнинг овози:

– Биз бу номаълум юлдузни Ойзар деб атамоқчимиз.
Шунга сиз билан Ойбек акадан рухсат олгани келдим.

Зарифахоним хурсанд бўлиб кетиб, қичкиради:

– Ойбек aka!

Сўнг Қизни бошлаб Ойбекнинг хузурига олиб киради.

Зарифахоним:

– Мана бу қизимиз хушхабар олиб келди. Улар янги юлдуз топишипти. «Ойзар» деб аташмоқчи.

– Ой-ззар?! – ҳайрон бўлади Ойбек. – Сс-сиз ббу ссўзни...

– Ҳа, айтгандек, бу сўзни қаердан эшитгансиз?
Бу сўзни факат билим юртининг талабалари билишган, – сўрайди Зарифахоним.

Ойбек «ҳа, ҳа» деб тасдиқлайди.

– Менинг адам Ойбек aka билан билим юртда бирга ўқиган эканлар.

Ойбек ҳайратда.

– Ким? Ким сизнинг адангиз? – у каттиқ ҳаяжонланганиданми ё тезроқ билишни истаганиданми равон сўзлаб юборади.

– Ойбекни кўрсанг; «Тентак»нинг қизиман, дегин, дердилар!

– Вой, «Тентак»нинг қизиман, де! «Тентак»ни-я! – уни бориб бағрига босади. Кўзига ёш олиб. – Ажаб, «Тентак»нинг қизи!!

– Исмлари нима эди? – сўрайди Зарифахоним Ойбек акадан.

Ойбек эслолмай, елка қисади. Қиз жавоб беради:

– Исмлари Танти бўлган. Тантибойвачча.

Зарифахоним:

– Тантибойвачча! «Қутлуғ қон»даги Тантибойвачча! – дейди қувониб. – Ҳозир ҳаётмилар?

— Яқинда оламдан ўтдилар, — кўзига ёш олади
Қиз.

Ойбек ғамгин ҳолда юзига фотиха тортади.

— Айтгандек, сизнинг исмингиз нима, синглим?

Қиз тортиниб:

— Зарифа! — дейди, бир оз сукутдан кейин қўшиб
кўяди.. — Акамнинг исми эса... Ойбек.

— Вой, «Тентак»-ей! — ажабланади Ойбек.

— Сиз болалигингизда ойни яхши кўрган экансиз,
Ойбек ака! Адамнинг ҳикояларини эшлиб, сизнинг
асарларингизни ўқиб, мен астроном бўлишни, ою
юлдузлар илмини ўрганишни орзу қилгандим. Агар
мен ҳам фанга номаълум бирор юлдузни топадиган
бўлсам, уни «Ойзар» деб атайман деб юрадим.
Мана, орзуимга ҳам эришиш олдида турибман!..

Телережиссер улар сухбатига қўшилиб:

— Ойбек ака! Сизга бағишлиган телекўрсатувнинг
муқаддимасини кўринг!

Телевизор экранни ёниб, Ойбек сурати пайдо
бўлади. Сўнг бу сурат митти юлдузга айланиб, сер-
юлдуз осмон бағрига кириб боради.

Бутун экранни юлдузлар билан мунаvvар бўлган
осмон эгаллаб олади. Сеҳрли мусиқа. Олис-олислар-
даги митти юлдузлардан бири живирлай бошлайди.
У секин-аста катталашади.

Бояги Қизнинг овози:


— Ана Ойзар!

— Ассалом, Ойзар! Ассалом, муҳаббат ва саодат
юлдузи!

Т а м о м



Түрк са
Хабарий
Мусихий զբան



Халқ әртаги асосида З парда 11 кўринишли мусиқали драма

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Алишер Навоий – улуг ўзбек шоири
Гули – Навоийнинг севгилиси
Хусайн Бойқаро – Хурросон подшоси
Жомий – Навоийнинг устози
Бехзод – машҳур рассом
Дарвешали – Навоийнинг иниси
Солиҳ боғбон – Гулининг отаси
Бобо
Мажидиддин – вазир
Ҳарамоға
Сарвиноз
Гулноз
Шахноза
Феруза
Ситора
Анора

Гулининг дугоналари

Сайилга чиққан чол ва аёллар, йигит ва қизлар, мулоғимлар, аслзодалар.

Муқаддима

Алишер Навоийнинг ижодхонаси. Куз. Ҳона дебразаларидан Ҳирот атрофидаги заъфарон боғлар кўриниб турди. Алишер Навоий ижод оғушида. У бир зум ёзишдан тўхтаб, ўрнидан турди ва қуёшнинг секин-аста ботаётганини маъюсона бир холатда кузатади.

Асарда Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайнин) разаллари ҳамда ҳалқ қўшикларидан фойдаланилган. (*Муаллиф.*)



Навоий

Аста ўтиб йиллар карвони,
Етиб келди умр поёни.
Йиғишириб зарҳал этагин,
Куз ўтмокда куйлаб эртагин.
Дарахтлардан тўкилар барглар –
Ҳали Беҳзод кўрмаган ранглар.
Тилла рангнинг минг хил жилоси,
Хар бирининг ўзга ибоси...
Куз – рангларнинг ўзар ўйини,
Ўраб кетар бизни қуюни...

(Сукут.)

Дарахтларга оқ исирғалар
Тақиб, қиш ҳам ҳадемай келар.
«Қағ-қағ» дея келар қарғалар,
Аммо кетар не-не дарғалар.
Кетар оқиб боғлар қурган ҳам,
Мехнат қилмай даврон сурган ҳам.
Кетар шоҳ ҳам, гадо ҳам кетар,
Дунё чархи шундай ракс этар.
Умр оқар бир дарё экан,
Дунёй дун бевафо экан...

(Сукут.)

Мана буқун соч-соқолим оқ,
Ҳасса сўрар куч кетган оёқ.
Кетса ҳамки белимдан дармон,
Кўнгил тўла бир олам армон.
Шунча яшаб, кечроқ илғадим:
Қалам – дўсту, амал-чи – ғаним.
Ғаним-амал бўлмаганида
Ёзар эдим, эвоҳ, камида –
Эрта тонгдан то тунга қадар
Яна шунча дурдона асар...
Йиллар ўтар, ўтар асрлар,
Келар янги-янги насллар.

Яшасам-да Жомий асрида,
Мен улар-чун ёздим аслида.
Асарларим уларга манзур
Бўлса, мен ҳам бўлардим масур...

(Уфқ қизара бошлийди.)

Мен сингари кўзи тўла ёш
Тарк этмокда ер юзин қуёш.
Чаман бўлиб очилсалар ҳам,
Само бўйлаб сочилсалар ҳам,
Болалари – минглаб юлдузлар
«Бобом қани?» – дейдилар бўзлаб...
Қуёш бобо бокийдир, ўлмас,
Нур сочишдан бир лаҳза толмас.
Толмас ерга ёғду сочишдан,
Мехр билан бизга бокишдан.
Аммо биз-чи? Ундан нур олиб,
Наинки нур, ҳатто қўр олиб,
Ҳаёт олиб, чароғон бўлиб,
Дон-дун экиб, фаровон бўлиб,
Яшасак-да, уруш ва жанжал,
Чоҳ қазишлар кутмаган маҳал,
Ҳасад, ифво каби иллатдан
Бўлсак ҳамки ҳатто пўлатдан
Ажал келмай адo бўламиз,
Ширин жондан жудо бўламиз...

(Хаёлчан ҳолатда.)

Бўлмаганда ҳасад ва ифво,
Яшар эди у гўзал сиймо.
Гули билан саодат майин
Ичар эдик асло қонмайин.
Аллоҳга у айтиб шукронга,
Фарзандларга бўларди она.
Мен ҳам билмай на ғам, на кадар,
Бўлар эдим меҳрибон падар.
Бири булбул, бири гул бўлиб,
Бири жамбил ё сунбул бўлиб

Пайдо килур эдилар чаман,
Бизни этиб ўзига каманд...
Кани ўша мукадлас рүё,
Үлмоқдамен... уларсиз... гүё...

Шу пайт сахнанинг хар икки тарафидан
Навоий достонларининг қаҳрамонлари
хүннүд мусика фонида навбатма-навбат чикиб ке-
ладилар.

Ширин

Мен Ширинман, сиз куйлаган киз,
Гулидан инк дарсин олган киз.
Сиз туфайли севдим Фарходни,
Фарҳоддайин өлий бир зотни.

Фарҳод

Мен – Фарҳодни сиз яратгансиз,
Ширинни деб кўл бўзлатгансиз.
Етмасам хам Ширин васлига,
Мангу қолдим севги фаслида.

Ширин ва Фарҳод

Сизнинг тўнрич фарзандларингиз,
Улуғ шоир, бизлар бўламиш.
Яшарканмиз биз китоб бўлиб,
Нур сочурсиз сиз офтоб бўлиб.

Лайли

Мен Лайлиман, сизнинг қизингиз,
Мени ижод қилган ўзингиз.
Бу дунёга Мажнун-ла мени
Таништирган сизнинг сўзингиз.



Мажнун

Мен Мажнунман, Лайли ишқида
Адо бўлган, ўртанган жуда.
Лайли – менинг бахтим юлдузи,
Лайлисиз – мен мажнуннинг ўзи.

Лайли ва Мажнун

Сиз бизларга ато этиб жон,
Яратдингиз ўлмас бир достон.
Беш достондан иборат «Хамса»
Бамисоли гўзал бир бўстон.

Дилором

Мен Дилором...

Бахром

Мен эса Бахром...

Дилором

Мен муҳаббат боғида гулман....

Бахром

Мен шу гулга ошиқ булбулман...

Мехр

Мен «Сабъаи сайёр»дан... Мехр.

Суҳайл

Мен Мехрга ошиқ Суҳайл...

Мехр

Мен бахтлиман Сиз берган номдан...

Суҳайл

Мен ичаман у тутган жомдан.

Дилором ва Бахром

Бизга ҳаёт бағишилаган Сиз,
Ишқ ўтига ташлаган ҳам Сиз..

Меҳр ва Суҳайл

Таъзим қилиб айтамиз: Устоз,
Сиз туфайли яшаш қандай соз!

Бир гурӯҳ қизлар

Биз Гулининг дугоналари,
Гулпораю дилпоралари.
Биз яшаймиз ғазаллар бўлиб,
Ғазал ичра гўзаллар бўлиб.

Ҳаммаси

(*куйлашади*)

Дуру гавхар бўлсак агар, Навоий – уммон,
Ситоралар бўлсак агар, Навоий – осмон.
Осмондан ёғду сочсак биз, ситоралар,
Гулипоралар,
Навоий ва Гули яшар дунёлар қадар.

Фарзанд бўлсак Навоийга, у эрур падар,
Падарда йўқ, бизда ҳам йўқ ғам-ғусса, қадар.
Осмондан ёғду сочсак биз, ситоралар,
Гулипоралар,
Навоий ва Гули яшар дунёлар қадар.

Бўлсак агар ишқ-муҳаббат, меҳр тимсоли,
Юракларга олов сочган сехр тимсоли,
Осмондан ёғду сочсак биз, ситоралар,
Гулипоралар,
Навоий ва Гули яшар дунёлар қадар.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Наврўз айёми. Хиротнинг сайилгоҳ майдонларидан бири. Майдоннинг бир чеккаси – қабристон. Алишер иниси Дарвешали билан кириб келганида, ота-оналари қабрини зиёрат қилаётган йигит ва кизларнинг йифи-йўқловлари янграб турган бўлади.

Аёл (қабр олдида)

Олмадан отлар қилай,
Баргидан хатлар қилай.
Наврўз куни онажонимни
Ўлтириб ёдлар қилай.

Унинг йўқловига бошқа аёллар ҳам қўшилишади.

Ўйилсин ерлар, ўйилсин-о,
Ўртасидан бўлинсин-о,
Наврўз чоғи онажонгинам
Бойчечак бўлиб кўринсин-о.

Ўスマлар экким келоди-ё,
Баргини тергим келоди-ё,
Наврўз куни меҳрибонимни
Биргина кўргим келоди-ё.

Алишер Дарвешали билан онаси ётган мозор кошига келиб, икки қўлини кўксига қўйиб: «Ассалому алайкум, онажон», дейди, сўнг мозор атрофини хас-хашакдан тозалаб, тиловат қиласди. Шу пайт мозорданми, осмонданми онасининг овози эшитилади.

Овоз. Мендан тез-тез хабар олиб турганинг лардан миннатдорман, болаларим. Берган сутимдан

минг-минг розиман, Шерим. Умринг узок бўлиб, эл-юртнинг дуосини олиб яша. Аммо мени жаннат боғларида тинч яшасин, озор чекмасин, десанг, тезроқ уйлан, қўзим. Шу истагим сенга ҳам тегишли, Дарвешим. Бўйдоқлик аслзода йигитларга ярашмайдур. Фарзанд кўриб ота бўлмаган инсон бу дунёдан тоқ ўтур, изсиз-исмсиз ўтур. Ундейлардан ному нишон ҳам қолмайдур. Сиз, болаларимнинг каттасидан, илтимосим шул: жуфту ҳалолингни тезроқ топиб уйлан. Уйлан! Отангни куйдирма!..

Онанинг «Уйлан! Отангни куйдирма!» сўzlари акс садо бўлиб қайтади.

Бобо (ўтаётib). Марҳумларни зиёрат қилиб, улар рухини обод қилган киши кам бўлмайдур. (Алишерга.) Боракалло, мулла йигит.

Алишер. Ташаккур, бобо. Бу кутлуг ниятингиз ўзингизга ҳам ҳамроҳ бўлсин. Кўп яшанг, саломат бўлинг, бобо!

Бобо. Зийрак экансан, бўтам. Мен ҳам раҳматли отам билан онами зиёрат қилиб, уларнинг дуолари-ни олишга умидвордурман.

Дарвешали. Айбга буюрмайсиз, бобо. Биз акам билан бу ерга тез-тез келиб турамиз. Аммо сизни бу сукунат оламида кўрмаган эрканмиз.

Бобо. Сен ҳам зийракликда акангдан қолишмайдурган кўринасан, бўтам... Мен ёшлигимда бир мудхиш воқеа содур бўлиб, ота юртимни тарк этишга мажбур бўлганман. Яқинда қайтиб келиб, ота-онамнинг муборак қабрларини зиёрат этиш шарифига мусассар бўлдим, жигарларим.

Алишер (қизиқсиниб). Сўрасам, айбга буюрмагайсиз, бобо. Кандай мудхиш воқеа рўй берган эрди? Сизни ота юртини ташлаб кетишингизга сабаб бўлган золим ким эркан, билсак бўладурми?

Бобо. Сени зийрак десам, ҳамма нарсаннинг тагига етишни истовчи йигит ҳам эркансан. Қиссаҳонлар, ғазалхонлар қавмидан бўлсанг керак, жигарим. Нима десам эркан, сенга? Айтай десам, достоним узун. Бир кечаю бир кундуз ҳам етмайдур. Гапнинг лўндаси шулки, ёшлиқда бўладурган савдо. Аммо ўша золим... (*пауза*) Ойбалдоқни дўқ-пўписа бирлан никоҳ куни олиб қочмаганида, ота юртими ни тарқ этмаган бўлурдим. Бечора Ойбалдоқ... Бир томони, золимнинг зулми, иккинчи томони, виждан азоби... Хуллас, ўзини ўзи осиб қўйипти. (*Эзилади.*) Золим бўлса, мени айбдор қилиб, орқамдан одам қўйган... Дунё борки, макр бор. Макр борки, маккор бор, жигарларим. Сизларни шундай маккорлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин.

Алишер. Ташаккур, бобо. Сизни кўриб, мавлоно Лутфийни кўргандек бўлдим. Шу улур зот ҳам бизга эзгу истак билдирган эрдилар.

Дарвешали. Шояд сизнинг дуоингиз бирлан шундай золимлар бизнинг йўлимиизда учрамаса ва бизнинг ҳаётимизни заҳарламаса.

Бобо (ўзича). Ох, Ойбалдоқ! Ойбалдоқ!..
(*Кетади.*)

Иккинчи кўриниш

Сайилгоҳ. Ўйин-кулги авжида. Бир гурӯҳ йигит ва қизлар ашула айтиб, ўйнамокдалар.

Қизлар

Дойрани чалинг, жон момо,
Ўйинга тушсин қиз бола.
Қиз боланинг сочига
Ярашибди чучмома.

Йигитлар

Сомса ёпдик ялпиздан,
Омонлиғу сомонлиғ.
Юз наврӯзни ўтказган
Момоларга берайлик.

Қизлар

Наврӯз куни, қизларжон,
Ўсма баргин терайлик.
Сочга тақиб гулмаржон,
Кошга ўсма қўяйлик.

Йигитлар

Наврӯз келди, ёз келди,
Турна келди, ғоз келди.
Ям-яшил чорбоғлардан
Булбулдай овоз келди.

Йигитлар ва қизлар

Наврӯз келди, бу кеча
Пиширинг наврӯз-гўжа.
Гўжаси ширин момоларга
Берайлик бир жуфт жўжа.

Сайилгоҳга қиёфасини бир оз ўзгартирган Алишер билан Дарвешали кириб келишади.

Йигитлардан бири Гулинин даврага тортади.

1 - йигит

Гулгун эканми кўйлагинг,
Гулдай нозикми билагинг.
Наврӯз келди, лайлак келди,
Айтгил бизларга тилагинг.

Кизлар: «Айт! Айт!» деб шодон кичкиришади.

Гули

Гулгун бўлса ҳам кўйлагим,
Нозик бўлса ҳам билагим,
Наврўзу лайлак келса ҳам,
Хеч айтмайман мен тилагим.

2-йигит

Сирлими шунча тилагинг?
Гулдай нозикми билагинг?
Наҳот бир кафт ун тўкмайди
Минг битта кўзли элагинг?

Гули

Гулдай нозикдир билагим,
Минг кўзли бўлса ҳам элагим,
Дилимдаги дилимдадир,
Тилимга келмас тилагим.

3-йигит

Ширинми шунча тилагинг,
Биздан яширма билагинг.
Наҳот бизга сир тўкмайди
Минг битта кўзли элагинг?

Кизлар ва йигитлар яна «Айт! Айт!» деб кичкиришади.

Гули

Гулдай нозикдир билагим,
Кизларга хос бор тилагим.
Аммо бир кафт ун тўкмайди
Минг битта кўзли элагим.

1-қиз. Гулининг тилаги...

Гули. Жим бўл, Сарвиноз!

2-қиз. Гулининг тилаги...

Гули. Жим бўл, Гулноз!

3-қиз. Гулининг тилаги...

Гули (*илтимос оҳангида*). Айланай, Феруза!

4-қиз. Гулининг тилаги...

Гули (*илтимос оҳангида*). Ўргулай, Шахноза!

5-қиз. Гулининг тилаги...

Гули. Тилингни тий, Анора!

6-қиз. Гулининг тилаги...

Гули. Тилингни тий, Ситора!

Қизлар

Гул-наврўз чечагида

Бир ГУЛ бор-е, ёр-ёр.

Бу гулдан баландрокда

Булбул бор-е, ёр-ёр.

Гул булбулга интизор,

Интизор-е, ёр-ёр.

Шояд БУЛБУЛ ҳам бўлса,

ГУЛга зор-е, ёр-ёр.

Гули (*чалгитмоқчи бўлиб*). Келинглар, қизлар, яхшиси, баҳрибайт ўйнайлик.

Қизлар

Гул-наврўз айёмида

Тўйлар бўлсин, ёр-ёр.

Гулимизнинг уйига

Кўйлар келсин, ёр-ёр.

Гули дугоналарига аччиқ қилиб кетмоқчи бўлади.
Унинг шахдини кўрган қизлар Гулини қайтариб,
баҳрибайт ўйнашга тушадилар.

Сарвиноз (куйлаб)

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум¹ шаккаристондин жудО.

Гули (куйлаб)

Оташин гул гарчи зийнатдур жаҳон бўстонига,
Барқ уур ҳар ел учурғон барги булбул жониғА.

Гулноз ва Сарвиноз (куйлаб)

Анбари тар истамон юз узра холинг борида,
Кам кўринур янги ой мушкин ҳилолинг борида.

Феруза ва Шахноза (куйлаб)

Англа жоноким, жафо қилмоққа топқунг йўқ
киши,
Мен жафокашга нединким ўтди имкондин жафО.

Анора ва Ситора (куйлаб)

Онча даврон бирла кўрдим ахли даврондин жафо,
Ким кўзимга тўтиёдек бўлди жонондин жафО.

Гули (куйлаб)

Оразин ёпроч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, нихон бўлғоч
куёШ.

¹ Такаллум – сўз айтмоқ.

Сарвиноз «Ш» ҳарфи билан бошланувчи байтни тополмай, хаёллаб қолади. Кизлар ўйинини четдан завқ билан кузатиб турган Алишер Сарвинозни хижолатдан қутқариш ниятида баҳрибайт ўйинига қўшилади.

Алишер
(куйлаб)

Шоҳлар дарвени-ю дарвешлар шоҳики бор,
Шоҳлиғ сурат анга, дарвешлиғ сийрат ангА.

Ҳамма

Шоҳлар дарвени-ю дарвешлар шоҳики бор,
Шоҳлиғ сурат анга, дарвешлиғ сийрат ангА.

Бегона йигитнинг баҳрибайтга аралашганини кўрган қизлар ўйинни давом эттиришни ҳам, эттирмасликни ҳам билмай, тараддулданиб қолишади. Пайдо бўлган ноқулай вазиятни Гули биринчи бўлиб барта-раф этмоқчи бўлади.

Гули
(куйлаб)

Ашқ этиб сабрин уйин вайрону ҳар дам ох ила
Ул бузургнинг туфроғин барбод қилмоғдур ишиМ.

Кизлар бир-бирларига қараб, ҳамон хаёлланиб турганида Алишер улоқни олиб кетади.

Алишер
(куйлаб)

Минг жафо ҳар лахза кўрсам мен бир тараф,
ул бир тараф,
Ким кетар жонон учун жонимға хижрондин
жафО.

Ҳамма

Минг жафо ҳар лаҳза кўрсам мен бир тараф,
ул бир тараф,
Ким кетар жонон учун жонимға хижрондин
жафО.

Гули (куйлаб)

Одамийлик туфроғин берса фано елига чарх,
Оҳқим, йўқдур киши ахли вафодин хокроК.

Алишер (куйлаб)

Кўкрагимдур субҳнинг пироҳон¹идин чокрок,
Киприким шабнам тўкилғон сабзадин намнокроК.

Ҳамма

Кўкрагимдур субҳнинг пироҳонидин чокрок,
Киприким шабнам тўкилғон сабзадин намнокроК.

Ўйин айни қизиб турган пайтда бир гуруҳ лола
кўтарган йигит ва қизлар ашула айтиб, ракс ту-
шиб кириб келадилар.

1 - қиз

Томларда ёна-ёна
Очилди гули лола.

1 - йигит

Гули лоламас у,
Кўз ёш тўла пиёла.

¹ Пироҳон – кўйлак, ёқа.

2-қиз

Очилди гули лола
Томларда ёна-ёна.

2-йигит

Рақсга түшинг, ой қизлар,
Биз айтайлик тарона.

Йигитлар

Том устида пиёла,
Хей, лола,
Пиёламас, хей, лола,
Хей, лола.

Қизлар

Нари туриңг, бүз бола,
Хей, лола,
Үёлади қиз бола,
Хей, лола.

Йигитлар

Том устида нелар бор,
Хей, лола?
Үрдак билан ғозлар бор,
Хей, лола.

Қизлар

Үрдак билан ғоз қолсин,
Хей, лола,
Душман кетиб, дүст қолсин,
Хей, лола.

Йигитлар

Югур-югур, мен турай,

Хей, лола.

Бошингни гулга ўрай,

Хей, лола.

Кизлар

Сенга келган балога,

Хей, лола.

Ўзим кўндаланг бўлай,

Хей, лола.

Дарвешали йигитлар сардорига яқинлашиб, унинг қулоғига шивирлайди. Сардор, ўз навбатида, қизлар онахонининг олдига бориб, унинг қулоғига нимадир дейди. Улар имоси билан йигит ва қизлар сахнани бўшатиб, Алишер билан Гулини ёлғиз қолдирадилар.

Учинчи кўриниш

Аввалги сахна. Гул-лолалар сочилиб ётган майдоннинг бир тарафида Алишер, иккинчи тарафида эса Гули туришиби.

Алишер. Бахрибайтга моҳира эркансиз. Офарин! Лекин кўпроқ Навоийнинг ғазалларини ўқиган кўринурсиз. Мавлоно Лутфий, Атойи, Саккокий янглиғ устоз шоирларнинг девонларига ҳам назар ташлагандурмисиз?

Гули. Отам боғон бўлсалар ҳам, ғазалхонликни кўп хуш кўрадурлар. Сиз айтган улуғ шоирларнинг девонлари ҳам бор, уйимизда. Лекин отамнинг Навоий ғазалларига бўлган меҳрлари бўлакча. Ана шу меҳр отамдан фақирага ҳам ўтган бўлса ажаб эрмас.



Алишер. Мен кўпроқ мавлоно Лутфийнинг дарё тўлқинлариdek тошқин ғазалларига ошиқмен...

Гули (*унинг сўзини бўлиб*). Аммо сиз ҳам фақат Навоий ғазалларидан байтлар айтдингиз. Бунинг сабабини билсак бўладурми, доно йигит?

Алишер. Навоий ғазалларини зўр шавқ билан ўқиган санам олдида мендек ҳавасманд туфайли мавлоно Лутфийнинг шоҳ байтлари хижолатда колмаслиги учун.

Гули (*айёrona*). Мен, бир фақира, бунинг боисини бошқа нарсага йўйибмен, узр...

Алишер. Сир бўлмаса айтинг, нимага?

Гули. Бундан икки-уч йил илгари отам Бори шамолдаги сайилга олиб борганларида бир гурух шоирларнинг ғазалхонлик қилганларини кўрган эрдим. Шунда отам ғазалхонларнинг сарвари бўлган навқирон йигитни кўрсатиб: «Ўша хушсурат йигит Алишер Навоий ҳазратлари бўладурлар!» – деган эрдилар. Сиз баҳрибайтга қўшилиб, дугоналаримни лол қолдирганингизда, ўшал кунни ва ўшал йигитни эсладим.

Алишер. Одам одамга ўхшайдур, гўзалим.

Гули. Кишининг, ҳатто машҳур шоир бўлса ҳам, ўз исмини яшириши камтарлик бўлмаса керак. Отам: «Камтар одам самимий бўлади», дейдурлар. Инсон қанчалик самимий бўлса, шунчалик камтар ҳам бўларкан... Биз, фақираларга эътибор берганингиз учун миннатдормен. Хайр, улуғ шоир. (*Кетмоқчи бўлади.*)

Алишер (*тўхтатиб*). Агар Навоий эрканлигими ни яшириб, сизни ранжитган бўлсан, минг бора узр сўраймен. Камина хизмат тақозоси бирлан кўпроқ сарой аъёнлари орасинда юрсам-да, дилим, кўнглим, фикрим ҳамиша сизнинг отангизга ўхшаган фақиру фуқаролар билан доим биргадур. Зотан, аминманки, инсоният бойлар ва фақирларга эмас, яхшилар ва

ёмонларга ажралур. Бой ва бадавлат кишилар орасинда ёмонлар ҳам бўлганидек, факиру фуқаролар орасида ҳам шундайлари оз эрмас. Камина яхшиларнинг қулимен. Отангиз сизни шундай оқила ва орифа қиз айлаб тарбиялаган эрканлар, демак, у зот ҳар қандай ҳурмат ва иззатга муносибурлар. Шундай табаррук кишига фарзанд бўлмиш сиз санамни ҳаёт йўлимда учратгани учун Оллоҳга минг бора шукроналар айтгум.

Гули. Бундай шоирона латиф сўзларингизни ўз оғзингиздан тинглаш мен учун катта баҳт. Мен ҳам, менинг дугоналарим ҳам қалдирғоч янглиғ само сийин парвоз этгувчи бундай сўзларга кўникмаганмиз. Сиз бой ва бадавлат деганингиз кишилар ва уларнинг фарзандлари бизни «йиртиқ кўйлаклар», деб аташадур.

Алишер. Яхши инсон – йиртиқ тўни, йиртиқ кўйлаги бирлан ҳам гўзал. Гулнинг тўни қирқ ямок бўлса ҳам, ҳусну уфори инсон зотини мафтун этмасми? Зухал баланд осмонда тургани бирлан Шарқ қуёши бўлолмас, дев жаннат либосларини кийгани бирлан пари бўла олмас.

Гули. Сўзларингиз тилла кўзадан тўкилаётган дурларга ўхшайдур. Қандай фасоҳат ва саховат соҳибисиз-а, азизим!

Алишер. Инсоният бофининг энг гўзал дараҳтларидан бири саховатдур. Мевасиз дараҳт ҳам бир-у, ўтин ҳам бир. Ёғинсиз булут ҳам бир-у, тутун ҳам бир. Саховатсиз одамдан ичинда гавҳари бўлмаган садафнинг фарки йўқдур. Бу улур сифат бобонгиз янглиғ покиза кишиларгагина мансубдур, азизам.

Гули. Бобом: «Саховат – ҳиммат ахлининг ихтисоси», – дейдурлар. Факир кишилар ҳимматли бўлсалар ҳам, қўллари калта бўлур. Алалхусус, уларни саховат дараҳтининг посбонлари, дейиш маҳолдур. Шундай эркан, саховат водийсида фақат

бадавлат кишиларгина жавлон урадурларми, ширинзабон шоирим?

Алишер. Фикрингиз асоссиз эрмас, (*ўйлаб*) Гуллим. (*Гулида ўзгариш*.) Ақл-идрокингизга тасаннолар бўлсин. (*Ўйлаб*.) Арслоннинг мақсади ов қилиб, оч йиртқиччаларни тўйғазмоқ.

Гули (*оҳиста*). Сичқоннинг ҳаракати дон ўғирлаб, тугун ахтармоқ.

Алишер. Боракалло. Ҳиммат эгаси қашшоқ бўлса ҳам, тубанлик қилмас. Чинор дараҳти мева бермаса-да, унинг улуғворлиги шубҳа уйғотмайдур. Ер тагида яшириниб ётган хазинанинг туфроққа фойдаси йўқ. Ҳимматли кишиларнинг даражаси юксакдур. Аммо сахийликнинг даражаси ундан ҳам баланд эрур.

Гули. Сизнинг бу пурҳикмат сўзларингизни шомга қадар тингласам ҳам асло тўймаймен. Лекин дугоналаримдан ажралиб қолганим яхши бўлмас. Мабодо улардан бири ҳозир бизни холи кўриб қолсалар борми, қандай бўлмағур гапларни тўқиб ташлашлари мумкинлигини ёлғиз Оллоҳгина билур. Шунинг учун менга ижозат бергайсиз, (*тараддуудланиб*) шоирим. (*Навоийда ўзгариш*. У нимадир демоқчи бўлади.) Яширмаймен, сиз билан кўришиш, сизнинг доно сўзларингизни тинглаш яна бир бора насиб этса, бу дунёдан армонсиз кетган бўлур эрдим.

Алишер. Худди шундай юксак хоҳиш камининг ҳам дилимни мунавар этиб турибдур. Гули, кетманг. Яна бир оз сабр айланг. Шояд фаришталар иккимизнинг бир-биримизга муносиб қумрилар эканлигимизни кўриб, бизларга баҳт ва саодат тиласалар. Ва арши аълога чиқиб, Оллоҳдан фотиха олиб тушсалар.

Гули. Нималар деяпсиз, шоирим? (*Ўзича*.) Ё раббим, тушимми бу ё ўнгим? (*Кўкка қараб*.)

Фаришталар, агар кўриб турган бўлсангиз, айтинг:
бу тушми ё ўнг?! Агар мен ширин туш кўраётган
бўлсам, тезрок уйғотиб юборинг! Уйғотиб юборинг!!

Алишер. Агар ўнг бўлса, ҳозир айтганимдек,
арши аълога чиқиб, парвардигордан...

Гули. Ҳа, парвардигордан...

Алишер. Парвардигордан бизнинг бир жуфт
кумрилардек бир умрга ковушишимизга фотиха бе-
ришини сўранг.

Гули. Сиз ҳам, албатта, сўранг.

Алишер

Кон ютуб умре жаҳон ахлида бир ёр истадим,
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Кимгаким жоним фидо айлаб соғиндим, ёр эзур,
Эрмас эрди ёрлиғида чун вафодор истадим.

Гули

Билмадим олам элида йўқ турур мутлақ вафо,
Воҳки, умри улча йўқтур соғиниб бор истадим.

Алишер

Улки топилмас башар жинсида, воҳ, ғафлат
кўрунг,
Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим.

Гули

Сирри ишқимни кўнгул сўз бирла фош этмак
не тонг,
Қалби тардоман¹ни чун мен соҳиб асрор² истадим.

¹ Тардоман – гуноҳкор.

² Соҳиб асрор – сир эгаси.

Алишер

Шайх бирла хонақоҳдин чун ёруғлик топмадим,
Давр пири хизматида кўйи хаммор¹ истадим.

Гули ва Алишер

Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим,
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Кимгаким жоним фидо айлаб соғиндим, ёр эрур,
Эрмас эрди ёрлиғида чун вафодор истадим.

Шу пайт Гулининг дугоналари йигит ва
қизлар даврасида қий-чув билан саҳнага кириб
келишади. Улар саҳнанинг бир чеккасида тизилиша-
ди. Саҳнанинг бошқа томонида араб сайёҳлари ли-
босидаги Мажидиддин мулозими билан пайдо
бўлади.

Алишер (*ҳайрон, ўзича*). Мажидиддин? (*Овоз
чиқарib*.) Бойўғли бу ерда не қилиб юрибдур?

Гули. Не дедингиз? Нега чехрангиз ўзгарди,
шоирим?

Алишер. Йўқ, йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ.
Ташвишланманг, Гулим!

Шодон овозлар ва ўйин-кулги.

ИККИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Сарой. Вазир Алишер Навоийнинг токчаларига
китоблар терилган шинамгина хонаси. Тўрда Али-
шер, куйироқда Ҳиротнинг турли мартабали амал-
дорлари ўтиришибди.

¹ Хаммор – ичкилик ясовчи.

Алишер. Сизларга яна бир бор айтгум: подшохи оламдан бошлаб маҳалла оқсоқоллариға қадар ҳаммамиз улуснинг тинчлиги ва фаровонлиги йўлинда хизмат қилғувчи кишилар эрмиз. Улус тинч бўлса, салтанат тинч бўлур. Улус фаровон яшаса, салтанат равнақ топур. Сиз, азизим Шарафиддин, дехқонлар ҳолидин боҳабар бўлуб туринг. Ҳирот боғларинда чаман бўлиб очилган дарахтларнинг эртапишар мевалари исроф бўлмасун. Уларни савдо карвонлари Машриқ ва Мағрибдаги дўст салтанатларнинг бозорларига элтиб сотсунлар. Бундан, айниқса, Мағриб фуқароси баҳраманд бўлуб, Ҳирот дехқонларини дуо килур. Дехқонларимиз ҳам сармояли бўлуб қолурлар. Ахир уларнинг ҳам фарзандлари бор. Улар ҳам фарзандлари учун уй-жой бино қилишни, ўғлонларини уйлантириб, ожизаларини турмушга беришни орзу қилурлар. Булар хусусида сиздек оқил ва тадбирли беклар ўйламаса, ким ўйлайдур?..

Шу пайт эшик олдида Жомий билан Беҳзод пайдо бўладилар.

Жомий. Вазири аъзамнинг хузурларига бевақт келиб қолибмизми? (*Қайтиб чиқмоқчи бўлади.*)

Алишер (*уни тўхтатиб*). Мавлоно Жомий, сиз вазири аъзамни эмас, устоздан тез-тез хабар олиб туролмайдурган ношуд шогирдни йўқлаб келгансиз.

Алишер Жомийга пешвоз чиқиб, у ва Беҳзод билан қучоқ очиб кўришади.

Алишер. Марҳабо, устоз. Марҳабо, иним Беҳзод. Сизларни кўриб, бошим кўкка етди.

Йиғилиш аҳли нима қилишни билмай тараддуудланади.

Алишер. Мұхтарам мажлис ахли, мен айтмоқчи бўлган мұхим гаплар шулардур. Агар сизларда бирор жиддий масала ёхуд илтимос бўлмаса, сизларга ижозат. Бугун тузилган режа ва вазифаларнинг бажарилиши хусусинда келгуси хафта, худди шу кун ва шу соатда кўришуб, хабар топурмиз.

Ахли йиғилиш тарқала бошлайди.

Жомий. Сиз яхши билурсиз, шоир зоти сабрқаноатсиз бўлур. Айниқса, бирор асарга сўнгги нукта қўйса борми, бирор ориф зотни топиб, ўқиб бермаса, кўнгли жойига тушмайдур. Шу тун тонг отиши бағоят қийин кечди. Қачон тонг отади-ю, қачон сиз, азиз фарзандимнинг ҳузурингизга бориб ўқиб берурмен, деб ҳаловатим бузилди. Тонг аzonда от миниб, хонадонингизга етиб борсам, саройга кетиб улгурган эркансиз. Йўлда, мусаввир Бехзодни учратиб қолиб, уни ҳам мингаштириб олдим. (*Кулишади.*)

Бехзод. Пирим рост айтаяптилар. Аммо мен ҳам сиз, азиз устознинг ҳузурингизга келиш учун йўлга чиққан эрдим.

Алишер. Яхши ният – ёрти мол, дейдурлар. Хуш келибсизлар, азизларим. Сизларни қўриш, сизларнинг ноёб истеъдодингиз меваларидан баҳраманд бўлишдан ортиқ саодат борму?!

Алишер эшик дарпардаси ёнида осиғлиқ шоҳи арқонни тортади. Қўшни хонадан қўнфироқнинг жаранглаган овози эшитилади. Мулозим тавозе билан киради.

Алишер. Шарбат бирлан гулоб келтиринг. Аммо дастурхон безашга ошиқманг. Биз шеърхонлик килурмиз. Яна огоҳ бўлинг: бирор хира пашша хонага кириб қолмасун.

Жомий ва Бехзод кулишади. Мулозим чиқади.

Жомий. Мана, ёлғиз ўзимиз қолдук. Энди сиз вазир эрмас, шоирсиз. Ва, ўзингиз айтмоқчи, бизга шогирдсиз. Аммо аслини олганда, бу дунёда ким шогирд-у, ким устоз эрканлигини билиш осон юмушлардан эрмас. Сиз шеър илмини бир замонлар мендин ўрганган бўлсангиз, ҳозир мен сиздин ўрганаётурмен. Каминанинг шу тун ёзиб тугаллаган асарим ҳам сизнинг маслаҳатингиз бирлан битилган. Алалхусус, «Нафаҳот ул-унс» деган янги асаримни илк бор ўқуб, фикрингизни билиш учун сизнинг ҳукмингизга олиб келдим.

Мулозим кумуш патнисда шарбат билан гулоб олиб киради.

Алишер. «Нафаҳот ул-унс» – туркийча «Азизлар нафаси» дегани. Накадар нафис ва муборак ном! Аслида камина шундай асарни ўзим ёзмоқ нијтида эрдим. Аммо бунга қурбим ва маънавий ҳаддим етмаслигини сезиб, бу асарни ёзишни сиз, азиз устоздан илтимос қилиб эрдим. Бугун бу асарнинг устоз ҳиммати ва Оллоҳ инояти бирлан юзага келганини кўруб, уни худди ўзим ёзгандек, ғоят хушнуд бўлиб турубмен. Ташаккур, устоз! Бу асарни ёзиб, ниҳоялаганингиз муборак бўлғай!

Жомий хурсанд бир холда китобни Навоийга тақдим этади. Навоий китобни қўлига олиб, қўзига суртади.

Алишер. Яна бир бор ташаккур, устоз. Сизни муборак номлари шу асарда зикр этилган азизавлиёларнинг рухи поклари қўлласин. (*Китобни варақлаиди. Сўнгра китобда ёзилган байтни ёд олибми ёки олган таассуротини ифодалабми, ўқийди.*)

*Билимдоңлар сүзи бордур бу бобда,
Билимдон гүрдаю илми китобда.
Агар ёлғиз эрсанг, ҳамдам китобдур,
Билим субҳидаги нур ҳам китобдур.*

Бу сатрлар билан бирга нафис мусиқа таралади. Алишер китобни ўқишида давом этаётгандек бўлади.

Жомий (*сархуш бир ҳолатда*). Алишер, навқирон дўстим. Сизнинг тилингиз бирлан ўқилган байтлар ўзгача латофат касб этур. Ҳар бир сўзнинг камалак рангларини юзага чиқарурсиз. Шояд бу асарим подшоҳга ҳам, гумроҳга ҳам манзур бўлса. Шунда азизларнинг нафаси бу улуғ салтанатда қумри ва булбулларнинг навосидек сўнмаган бўлур. (*Ёдига тушиб.*) Ўғлим Бехзод, сиз ҳам Алишерга ҳадя билан келаётганингизни йўлда айтган эрдингиз. Қани, қўрайлик.

Алишер. Қани, тахта қоғозларингизни очинг, Хуросон Рафойили! Қандай янги санъат асарлари бирлан бизни хушнуд этурсиз?

Бехзод (*тахта қоғозларини очиб, бирма-бир кўрсатар экан*). Наврўз манзаралари...

Жомий ва Навоий расмларни қўлларига олиб, ҳайрат билан томоша қиласилар.

Алишер. Бағоят гўзал! Бўёқларнинг рангин оламида наврўз манзаралари камалак ранглариdek товланиб турибдур. Мана бу расмда – тонг чоғи, зангори уфқлардан тарам-тарам оқиб келаётган қуёш нурлари, сайилгоҳ сари ўйнаб-кулиб келаётган йигит ва қизлар.

Жомий. Мана бу расмда – хушбичим йигит бирлан соҳибжамол қиз. Мана бу расмда – яна ўша соҳибжамол. Фақат ёлғиз ўзи. Фаришта! (*Кутимаганда.*) Алишер, дарвоҷе, бу хушбичим йигит сиз эрмасмусиз?

Алишер расмларда тасвирланган йигит билан қизнинг ўзи ва Гули эканлигини кўриб, қизариб кетади.

Жомий (*Алишердаги ўзгариши сезиб*). Бу соҳибжамол – қиз эрмас, нақ фаришта қўринадур. Алишер, ўғлим, агар шу қизнинг этагини ушласангиз, бу дунёдан бўйдоқ ўтурсиз. Истасангиз, мен эртагаёқ унинг хонадонига кул бўлиб борурмен. Дарвоқе, исми недур, билдингизми?

Навоий гўё қизнинг исмини билмагандек Бехзодга карайди.

Бехзод. Унинг исми Гули! Мен танийдурмен.
Бебаҳо қиз!

Иккинчи қўриниш

Саройнинг ҳашаматли хонаси. Султон Ҳусайн Бойқаро тўрдаги тилла курсида савлат тўкиб ўтирибди. Куйирокда сарой аёнлари, хонанда, созанда ва раккосалар. Мумтоз халқ ашулалари жўрлигида раккосалар хиром айламокдалар.

Алишер таъзим билан кириб келади.

Ҳусайн Бойқаро. Марҳабо, дўстим Алишер. Чакирмасам, сиз ўз ихтиёргиз бирлан келмайсиз, бизни йўқламайсиз. (*Қучоқ очиб кўришади.*) Оллоҳ инъом этган азиз умрни факат эл-юрт ташвиши бирлан ўтказиш яхши эрмас. Раҳматли бобом Амир Темурнинг саройида ҳам базми жамшиидлар бўлган. Майлар ичилган. Хонандалар хиргойи килиб, раккосалар хиром айлаганлар. Бундай мажлислар инсон дилини турмуш ғуборларидан фориғ этуб, унга янги кучкуват ва ғайрат-шижоат берур. Умрни бу дунёning ноз-неъматларидан узлатда ўтказиш ношукурликдур.

Алишер. Шохим, каминани бу нафис мажлисга таклиф қилганингиз учун ғоят миннатдормен. Умрнинг Оллоҳ инъоми эрканлигига келсак, бу илоҳий инъомга муносиб яшашга бешак ҳаракат қилурмен.

Хусайн Бойқаро. Азизим, умр дарё эрмас. Унинг ибтидоси бўлганидек, интиҳоси ҳам бўлур. Ёшимиз кундан-кунга улғайиб, соч-соқолимизга қиров ҳам қўнмоқда. Ҳозир сиз тенгиларнинг фарзандлари Куръони Шарифни хатм қилмоқдалар. Ота-онангизнинг бирдан-бир орзуси сизни уйлантириш ва бирбиридан ширин набираларни кўрмак эрди... Мана бу оғатижон қизлардан бирини танланг. Улар ёқмаса, дилингизга ёққан бошқа бирини топинг. Мен бош бўлай, тезроқ тўй-томоша қилайлик, азизим.

Алишер. Мен ҳам шу ниятдадурмен, шоҳим. Каминанинг умр савдоси хусусинда қайфураётганингиздан ғоят миннатдор эрурмен.

Хусайн Бойқаро. Бу дунё – орзу-ҳавасли дунё. Мана мен ҳам ёшлиқдаги эҳтиросларим қайта жўш уриб, муҳаббат домига тушиб турибмен. Агар бирор тўхтамга келсангиз, балки иккимизнинг тўйимиз баравар ўтур.

Алишер (*ҳайратга тушиб*). Сизнинг меҳрингизни қозонган бахтиёр қиз ким бўлди эркан? Қайси подшоҳнинг қизи?

Хусайн Бойқаро. Ҳаммасига вазиримиз Мажидиддин сабабкор. Агар у мана бу фариштанинг мусаввир Бехзод қаламига мансуб расмини олиб келиб кўрсатмаганида, бу қадар ҳузур-ҳаловатимни йўқотмаган бўлурдим.

Алишер Гулининг расмини кўриб, ҳайратга тушади ва Мажидиддинга ғазаб билан қарайди. Мажидиддин ундан кўзини олиб қочади.

Хусайн Бойқаро. Мажидиддин келтирган маълумотга кўра, бу расмда тасвири муҳрланган соҳибжамол Кобул даҳалик боғоннинг фарзанди эркан. Қаранг, боғон қизи бўлса ҳам, фариштанинг

худди ўзидур. Гўзаллар гўзали! Дурдоналар дурдонаси! Онаси ўпмаган бу қизнинг дудоқларидан бол томиб туур. Қош эрмас, икки нозик ёй! Ҳозир отиласман-у, тўппа-тўғри Хуросон подшоҳининг юрагига бориб тегаман, деб турибдур. Кўзларида яши-ринган иффат ва малоҳатта жон берсам арзир... (*Алишерга*.) Алишер, дўстим, Хуросоннинг қанча оғатижон қизларини бағримга босган бўлсан ҳам, бирортасига шунчалик ошиқу бекарор бўлмаган эрдим. Илк бор қалбимда муҳаббат оташи гурлаб юборди. Бу оташни факат шу санамнинг ўзи дудоқларининг боли билан ўчириши мумкин, холос. (*Созандаларга*.) Кани, бисотингиздаги энг сўлим куйларни чалиб, ракқосаларнинг қитиқ патига шундай тегингки, улар раксини кўриб, дўстим Алишер ҳам улардан бирортасини танласун. Сўнгра улуғ шоири олам боғбон чолнинг розилигини олиб келмагунича интизор кўзларимдан ёш тўкилмай турсун.

Алишер ноилож икки қўлини кўксига қўяди. Созанда ва хонандалар ишга тушиб кетадилар. Раққосалар хиром эта бошлайдилар.

Учинчи кўриниш

Зулматли кеча. Фира-шира нур сахна ўртасида турган Алишернинг қайфу ва алам қиличи садпора қилган чехрасини ёритиб юборади.

Овоз. Мендан тез-тез хабар олиб турганинг-лардан миннатдорман, болаларим. Берган сутимдан минг-минг розиман, Шерим. Умринг узок бўлиб, эл-юртнинг дуосини олиб яша. Аммо мени жаннат боғларида тинч яшасин, озор чекмасин, десанг, тезроқ уйлан, қўзим. Шу истагим сенга ҳам тегишли, Дарвешали. Бўйдоқлик аслзода йигитларга ярашмай-

ди. Фарзанд кўриб ота бўлмаган инсон бу дунёдан изсиз-исмсиз ўтади. Ундейлардан ному нишон ҳам қолмайди. Сендан, болаларимнинг каттасидан илти-мосим шул: жуфту ҳалолингни тезроқ топиб уйлан! Уйлан! Отангни куйдирма!

Алишер. Онажон, бошимга тушган бало тошлари сизни ҳам безовта қилдими? Безовта бўлманг, онажон! Ҳар бир инсон Оллоҳ юборган тақдир китоби бўйинча умр кечиур. Тинч ётинг, онажоним!..

Овоз. Сени зийрак десам, ҳамма нарсанинг тагига етишни истовчи йигит ҳам эркансан. Киссаҳонлар, ғазалхонлар қавмидан бўлсанг керак, жигарим. Нима десам эркан, сенга? Айтай десам, дostonим узун. Бир кечаю бир кундуз ҳам етмайдур. Гапнинг лўндаси шулки, ёшлиқда бўладиган савдо. Аммо ўша золим... Ойбалдокни дўқ-пўписа билан никоҳ куни олиб қочмаганида, ота юртимни тарк этмаган бўлар эрдим. Бечора Ойбалдок... Бир томони, золимнинг зулми, иккинчи томони, виждон азоби... Хуллас, ўзини ўзи осиб қўйипти. Золим бўлса, мени айбдор қилиб, орқамдан одам қўйган... Дунё борки, макр бор. Макр борки, маккор бор, жигарларим. Сизларни шундай маккорлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Алишер. Бобо, сизнинг бошингизга тушган савдо менинг ҳам бошимга тушиб турипти. Кошкиди мен ҳам сизга ўхшаб тарки макон айлаб, бошқа юртларга бош олиб кетиш имконига эга бўлсам. Аммо менинг зиммамга ўз гуландоним қошига совчи бўлиб бориш вазифаси юклатилган. Ошиқни маъшуқага совчи қилиб юбориб, унинг маъшуқа қархисида мунофиқлик қилишдан ҳам ортиқ жазо бўладими, бу дунёда?! (Ҳайқиради.) Айтинг!!!

Овоз. Дунё борки, макр бор. Макр борки, маккор бор, жигарларим. Сизларни шундай маккорлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин!

Алишер (*ҳақиқириб*). Эй, парвардигор! Кандай гунохи азим қилган эрдимки, бошимга қўнган баҳт қушини юлиб олиб, мендек ожиз бандангни дўзах азобларига гирифтор қилган бўлсанг! Нахотки, сен ер юзиндаги макр дараҳтининг гуллаб, осмон кадар бўй чўзиб, ўз мевалари билан Ширину Фарҳодларнинг, Лайлию Мажнунларнинг ҳаётини заҳарлашига то-мошабин янглиғ қараб тураверсанг? Мен-ку бу бир кам дунёдан ток ўтиб, шунда ҳам сенга минг бора шукроналар айтиб кетишим мумкин. Аммо Гулининг кошига қайси юз билан совчи бўлиб борурмен?! Мени бундай тубанлик қаърига отғандан кўра, бўвиб ўлдирсанг бўлмайдирми, парвардигор?!

Тўртичи қўриниш

Хиротнинг Кобул даҳасидаги Солих боғоннинг бори. Эрта тонг. Алишер отда келиб, секин-аста боғ-ховли дарвозасини чертади. Ҳовли супураётган Гули чикиб, Алишерни кўради-ю, қувонганидан довдираб колади. Сўнг бошини кўтариб, ундан садо кутади. Аммо Алишернинг нима дейишни билмай, қийналиб турганини сезади.

Гули. Совчи бўлиб келган бўлсангиз ҳам, йўлчи бўлиб кирган бўлсангиз ҳам, қадамингизга хасанот. Хуш келибсиз, шоирим.

Алишер ҳамон сукут ва руҳий зилзила оғушида. Гули унинг мудҳини хабар билан келганини сезиб, уйига йиғлаб кириб кетади. Кўп ўтмай, уйдан Солих боғон чикиб, Алишер билан қуюқ сўрашади ва уни сўрига таклиф этади.

Солих боғон. Хуш келибсиз, таксир. Кандай шамоллар учириб келди сизни, бу ғариб кулбамизыва?



Алишер (қийналиб). Бу жаннатмонанд боғингизнинг ва унда ўсмиш жаннат гулининг овозаси саройга ҳам етиб бормиш, тақсир. Камина Султон Ҳусайн Бойқаронинг шахсий илтимоси ва топшириғи бирлан сизнинг ҳузурингизга элчи бўлиб келмишмен. Подшоҳи олам (*изтироб билан*) сизга содик ва меҳрибон ўғил бўлиш хусусидаги орзуларини етказишни менга топширмуш. Мен факирнинг елкамга тушган машаққатли юк ана шу хуш хабарни сизга етказиш ва сизнинг шу борадаги дуойи фотиҳангизни олишдур.

Солиҳ боғбон (узоқ сукутдан сўнг). Шоир жаноблари, биз учун бу кутилмаган ташрифингиз ва ундан ҳам кутилмаган хабарингиз бирлан каминани оғир аҳволга солиб қўйдингиз. Бир факир ва ҳақир боғбоннинг подшоҳи оламга қариндош, ҳатто ота-бала бўлиши инсон ақлиға сиғмайдур. Биз қаерда-ю, подшоҳи олам қаерда? Бизнинг давлатимиз ҳам ер, савлатимиз ҳам ер. Ердан бошқа нарсага ақлимиз етмайдур. Султон Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари бўлсалар, осмонда демасам ҳам, ҳар қалай ердан узокдадурлар.

Алишер (қийналиб). Агар сиз Султон Ҳусайн Бойқарони Оллохнинг ердаги сояси деб билсангиз, демак, бу подшоҳи оламнинг хоҳиш-иродаси ҳаммамиз, шу жумладан, сиз, мухтарам зот учун ҳам амри вожибдур.

Солиҳ боғбон. Афсуслар бўлсинким, сиз ҳақсиз. Подшоҳнинг илтимоси ҳам, хоҳиш-иродаси ҳам фармон мақомига эгадур. Бинобарин, мендек факир бир боғбоннинг подшоҳга «йўқ» деган жавобни бериши ақлдан эрмас. Аммо-лекин подшоҳи олам мени эрмас, қизимни сўрабдур. Алалхусус, қизимнинг олдидан ўтмай, бирор тайинли жавоб беришим маҳолдур.

Боғбон туриб, каловланган ҳолда уйига, қизининг олдига кириб кетади.

Алишер (*ўзича*). Эй, қудратли парвардигор, мени қандай савдоларга гирифтор қилдинг? Ўзим меҳр қўйиб, ўзим қўлини сўрамакчи бўлган парига сultonнинг совчиси бўлиб келишдан бошқа азобни топа олмадингми, менга?! Ҳозир Солих боғбон эрмас, Гули чиқиб келса, унинг бундай хиёнатни кўрмаган маъсума кўзларига қайси юз билан қараймен?! Унга нима дейман? «Подшоҳ Ҳусайн Бойқаро турганида, сенга уйланишни менга ким қўйипти», азизим, дейманми?! Ё раббим, мени шундай шармандали ахволга солгандан кўра, бошимга бало тошларини ёғдирсанг бўлмасдими?!

Алишер Гулининг келаётган шарпасини сезиб, ўзини идора қилишга уринади. Гули келади. У ҳам изтироб оғушида.

Гули (*кесатиб*). Совчилик мартабангиз қуллук бўлсин, улуғ шоир!

Алишер. Каминанинг такдир болтаси билан қийма-қийма қилинган юрагига туз сепманг, азизим. Не қилайки, парвардигор менга сизни факат бир марта кўриш ва шу аснода бутун умрга меҳр-муҳаббат ришталари билан боғлаш баҳтинигина раво кўрган эркан. Не қилайки, парвардигор ўзининг меҳр-шафқатини шоирларга эрмас, шоҳларга бағишлиб, уларга тириклик пайтидаёқ жаннатда яшаш ва барча хою ҳавасларига эришиш имкониятини муҳайё қиласр эркан. Оллоҳнинг эрк-иродаси шу бўлганидан кейин мендек фақир арзи додимни кимга айтай?! (*Куйлади.*)

Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлғондек хазон фасли гулзуорсиз.

Гоҳ сарв узра, гоҳи гул узра булбул нағмасоз,
Ваҳки, менмен гунгу лол ул сарви гулрухсорсиз.

Тонг эмастур, гар диёру ёрсиз озурдамен,
Ким эмас булбул гулу гулзорсиз, озорсиз.

Равза ашжори¹ ўтундур, гуллари жонимға ўт,
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиғ даме дилдорсиз.

Топмадук гулранг жоме бехумор, эй боғбон,
Ваҳки, бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз.

Гули. Ёдингиздами, сиз саховатли ва саховатсиз инсонлар тўғрисинда сўзлаб: «Арслоннинг максади ов қилиб, оч йиртқиччаларни тўйғизмак. Химмат эгаси қашшоқ бўлса ҳам тубанлик қилмас», – деган эдингиз. Мен сизнинг шу сўзларингизга ишонган, уларда ҳақиқатнинг тилла жилвалари товланиб турганини кўрган эрдим. Энди арслон ким-у, сичқон ким эканлигини билмай, ҳайрон бўлуб турибдумен. Сиз арслон деб ўйлаган зот ов қилиб, оч йиртқиччаларни тўйғазиш ўрнига улар насибасига ҳам чанг солаётгани йўқми? Сичқон дон ўғирлаб, тугун ахтариш ўрнига, ҳар қалай, меҳнат билан топган лукмасини арслонга олдириб қўймаябдурми, шоирим? Сиз айтган инсоният боғининг Саховат аталмиш ҳосилдор дарахти шу қадар мўрт эрканми?

Алишер. Азизам, инсоният дунёга келганидан бери жабру жафо унинг йўлдошидур. Аммо биринчи кишининг жабру жафо чеккани бирлан Саховат дарахти қуриб кетмас. Сиз Хуросоннинг энг олийжаноб ва маърифатли подшоҳларидан бирини оч йиртқичларнинг насибаларига чанг солаётган арслонга қиёс қилдингиз. Не қилайликки, подшоҳ ҳам инсон. У сизни севиб, ҳузур-ҳаловатию, акл-

¹ Равза ашжори – жаннат боғининг дарахтлари.

хушини йўқотиб қўйган эрса, бу ҳам унинг қусури эрмас, зийнатидур. Нечунки, унинг ҳам юраги ишқ дардидан холи эрмас эркан. Бу ишқнинг бизнинг орзу-ҳавасларимизга болта бўлиб урилгани эрса, Оллоҳнинг иродасидур. Бизнинг қон йиғлаб бўлса ҳам, бу ишларга бўйсунишдан ўзга чорамиз йўқ.

Гули. Йўқ, шоирим, сиз янгишурсиз. Бу, Оллоҳнинг иродаси эрмас, балки ов қилиб ўргангандан, ов қилиш бирдан-бир хунари бўлган арслоннинг хохишидур. Мен унинг ишқига ишонмаймен. Мен арслонга турмушга чиқишдан кўра, ўлимни афзал деб билурмен. (*Куйлайди.*)

Гар жафо қил, гар вафоким, дилситон¹им сен
менинг,
Гар мени ўлтур, агар тиргузки, жоним сен
менинг.

Хоҳ раъно қад била боргил ёнимдин, жилвагар,
Хоҳ кел қошимгаким, сарви равоним сен менинг.

Кўнглум ичра сенсену ишқинг, не дей ҳолим
сенга?

Чун бу янглиғ маҳрами рози ниҳоним сен менинг.

Жилва айлаб ҳар замон, афону оҳим қилма айб,
Ҳам сен-ўқ чун боиси оху фифоним сен менинг.
Лаълидин бир-икки сўз мазкур қил, эй хаста
жон,

Бори бир-икки дамким, меҳмоним сен менинг.

Телбалардин гарчи рад қилдинг мени, лек
англагил

Ким, пари рухсорлардин танлаганим сен менинг.

¹ Дилситон – кўнгилни олган.

Гули ва Алишер

Кўнглум ичра сенсену ишқингни дей ҳолим
сенга?

Чун бу янглиғ маҳрами рози ниҳоним сен менинг.

Телбалардин гарчи рад қилдинг мени, лек
англағил

Ким, пари рухсорлардин танлаганим сен менинг.

УЧИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Сарой. Ошиқлик дардига мубтало бўлган Султон Ҳусайн Бойқаро Гулинин олиб келишларини интизорлик билан кутмоқда.

Ҳусайн Бойқаро. Ҳарамни Хурсоннинг соҳибжамол қизлари билан тўлдириб, уларнинг барча нозу карашмаларини кўрдим, дийдорларига тўйдим, деб юрган эрдим. Бир-биридан гўзал қанчадан-қанча қизлар каро тунларда бағримни олов янглиғ ёндуруб, кўнглумни чароғон этган эрдилар. Шундай бўлса ҳам, уларнинг бирортаси дилимни бунчалик ром этмаган эрди. Фарҳод Шириннинг аксини кўзгуда кўриб, муҳаббат домига тушиб қолгани янглиғ, мен ҳам Беҳзод расмидаги Гулининг парисимон чехрасини кўриб, ошику бекарор бўлиб қолдим. Ишқ шу дамга қадар мен учун бамисоли бир ўйун эрди. Энди ўзим ишқнинг қўлида ўйунчок бўлиб қолганга ўхшайдурмен. (*Сукут.*) Гулим, паривашим, мени кўп интизор этма. Тезроқ кел, аланга бўлиб ёнаётган юрагимга сув сеп!..

Шу пайт Мажидиддин ва Ҳарамоға канизалар ҳамроҳлигида шохона либослар кийиб, янада кўркамлашган Гулини олиб кирадилар.

Мажидиддин. Олий ҳазратлари, буйруғингиз адо этилди. Раънолар раъноси, барнолар барноси Гули сизнинг ихтиёриңгизга келтирилди. (*Гулига. Секингина.*) Таъзим қил. Яна ҳам эгилиброк.

Гули таъзим қилади.

Хусайн Бойқаро (*ичида*). Беҳзод расмида тасвир этилганидан ҳам гўзал! Бунақа соҳибжамол дунёга бир марта келади. Бу қадар оғатижон қизни раҳматли бобом ҳам кўрмаган бўлса ажаб эрмас. (*Мажидиддинга дўқ уриб.*) Нега Гулини ҳузуримга худди асирадек олиб кирдинг? (*Ҳарамогага чиқади. Тантанавор оҳангда.*) Гули саройга чўри эрмас, канизак ҳам эрмас, малика бўлиб келмакда. (*Гулига.*) Сен кимнинг ҳузурига келганингни билурсеними? Мен Хурросон ўлкасининг қудратли подшоҳи темурийзода Султон Хусайн Бойқаро бўлурмен. Кўз ёшларингни арт, оромижоним...

Мажидиддин (*Гулига секингина*). Кўзингни арт, кулиб-жилмайиб тур, бошингга ҳумо қуши қўнган, худонинг ношукур бандаси!

Хусайн Бойқаро (*майинроқ*). Саройга келган кизлар чехрасига кўз ёшлари эмас, табассум чечаклари ярашур. Мен дўстим Алишерга қадар сенга совчилар юбориб эрдим. Ҳар иккала совчимга ҳам рад жавобини берибсен. Подшоҳнинг хоҳишига қарши чиқиш Оллоҳнинг иродасига қарши чиқиш билан баравардур. Ақл-заковатли қиз бўла туриб, наҳотки, шуни билмасанг. Подшоҳ эътиборига, меҳршафқатига мұяссар бўлиш ҳар қандай қиз учун мукофоти илохийдур.

Мажидиддин (Гулига. Секин ва қатый). Таъзим қилиб, «Ташаккур!» – дегин, боғбоннинг тентак кизи!

Гули эшитилар-эшитилмас «Ташаккур!» дейди.

Хусайн Бойқаро (Мажидиддин ва канизакларга). Сизларга ижозат. (*Мажидиддин ва канизаклар чиқишиади. Бир оз сукутдан сўнг қутидан Беҳзод чизган расмни олиб.*) Мана бу қизни танийсенму? (*Гули ўзининг расмини кўриб, ҳайрон қолади.*) Менким, Хурросон ўлкасини тебратиб турган подшох, шу расмни кўрдим-у, аклу хушимни йўқотдим. Ишқ дардига мубтало бўлиб қолдим. Хузур-ҳаловат мени тарк этиб, бутун вужудимни сенинг хаёлинг банд этди. Сенга етиш, тўй-ҳашам ўтказиб, сен бирлан бирга эр-хотин бўлиб яшаш бирдан-бир орзуим бўлиб қолди, бу беш кунлик дунёда. Сенга айтмоқчи бўлган дил асрорим – мана шу. (*Гулидан жавоб кутади.*)

Гули (секин овоз билан). Сиздек подшоҳи оламдан шундай сўзларни эшитурмен, деб хеч ўйламаган эрдим. Хурсонда сизнинг бир оғиз сўзингизга «лаббай», деб учиб келадурган соҳибжамоллар ҳадсиз-ҳисобсиз, шоҳим. Мен оддий ва фақир бир боғбоннинг қизидурмен, холос. Менда сиз ўйлагандек хусн-жамол ҳам, ақл-заковат ҳам йўқ. Ижозат берсангиз, уйимга, ота-онамнинг бағрига қайтай. Насиб этса, сизнинг ҳам, менинг ҳам ўз тенгимиз топилур.

Хусайн Бойқаро. Мен сенга подшоҳ бўла туриб дилим ярасини очдим. Сенга ишқим риштлари боғланиб қолганини яшира олмадим. Сенинг бу сўзларинг подшоҳнинг раъйини қайташ билан баравардур.

Гули. Афсус ва надоматлар бўлсинким, сиздек улуғ подшоҳнинг кўнглини кўтариш учун бошқа би-

рор сўзни айтишга ожизмен. Менга ижозат беринг.
Умрим бўйи, ўла-ўлгунимча сизни дуо килиб яшай.

Хусайн Бойқаро. Раҳматли бобомнинг энг севимли хотини, худди сенга ўхшаб, боғбоннинг қизи бўлган эркан. Бобом шу қизни саройга келтириб, унга малика бўлишни таклиф этганида, раҳматли мом сенга ўхшаб аввал оёқ тираб олипти. Кейин бобомнинг қаҳрини кўриб, унга хотин бўлишга мажбур бўлипти. Аммо бобом боғбон қизининг қайсалик килганини бирор марта ҳам юзига солмай, уни бошига кўтариб, муҳим давлат ишларида ундан маслаҳат сўраб яшаган эркан. Бобом Оллоҳ иродаси бирлан фоний дунёни тарк этганида, момом бу мусибатга чидай олмай, бобом вафотининг учинчи куни қазо килган эркан. (*Сукут.*) Дунё мана шунака... чарх-палак...

Гули. Жуда ғаройиб воқеа эркан. Мен бу хикоянгизнинг чинлигига ишонурмен. Аммо момонгиз бобонгиз бирлан турмуш қуришидан аввал бирор кимсага кўнгил қўймаган, ваъда бермаган бўлсалар керак...

Хусайн Бойқаро. Бу сўзларинг бирлан нима демакчисен? Хўш, бирор кимсага кўнгил қўйганмусен? Ваъда берганмусен?

Гули жавоб бермай, сукут сақлайди.

Хусайн Бойқаро. Ваъда берган, кўнгил қўйган кўринадурсен... (*Сукут. Жаҳл билан.*) Шуни билким, Хуросон подшоҳининг ишқ оташидан бир чўғи дарёга тушса, дарёни ёндириб юборур. Бу ишқ оташи, зарур бўлса, сени ҳам, кўнглингдагини ҳам, боғу боғбон отангни ҳам ёндириб-куйдириб ташлайди. (*Куйлади.*)

Вахки, хижрон барқидин тушди шабистон¹имга
үт,

Учқуни бирла туташди байт ул-аҳзон²имга ўт.

Рўзгор³имниму ишқ этти қаро ё бўлди дуд,
Ҳажр чун ғам дўзахидин солди вайронимга ўт.

Ишқ ўтининг шуъласидин куйди кўнглум ё магар
Тушди сўзон охидин мажнуни учқунимга ўт.

Гули

Лолазор эрмаски, охимдин жаҳонга тушди ўт,
Йўқ шафақким, бир қироқ⁴дин осмонга тушди ўт.

Хор (саҳна ортида)

Лолазор эрмаски, охимдин жаҳонга тушди ўт,
Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонга тушди ўт.

Шу пайт боғ тарафдан Алишернинг овози эши-
тилади.

Овоз

Ўқларинг кўнглумга тушгач, куйди ҳам кўз,
ҳам бадан,
Ким куяр ҳўлу қуруғ чун найистон⁵та тушди ўт.

Гули

Совуруб гул хонимониму қуюн рангин экин,
Ё фалак бедодидин сарви равонга тушди ўт.

¹ Шабистон – тунги ётоқхона.

² Байт ул-аҳзон – ғам уйи, ғамхона, кулба.

³ Рўзгор – турмуш.

⁴ Қироқ – қирроқ.

⁵ Найистон – қамишзор.

Хор

Совуруб гул хонимониму қуюн рангин экин,
Ё фалак бедодидин сарви равонга тушди ўт.

Хусайн Бойқаро

Гар Хусайнний охидин ўт тушса ҳар ён, айб эмас,
Ишқ мундок ҳамроҳ этти оху афғонимга ўт.

Гули

Куйдум ул дамким, юз очдинг халқни
куйдиргали,
Элга ўт солдинг vale, мен нотавонга тушди ўт.

Хор

Куйдум ул дамким, юз очдинг халқни
куйдиргали,
Элга ўт солдинг vale, мен нотавонга тушди ўт.

Ночор ахволда қолган султон чапак чалиб, му-
лозимни чақиради. Мажидиддин ва канизаклар
югуриб киришади.

Хусайн Бойқаро

Эй кўнгул, ул дилрабонинг ўзга ёри бор эмиш,
Вах, санга душман бўлуб, ул ўзгаларга ёр эмиш.

Хор

Эй кўнгул, ул дилрабонинг ўзга ёри бор эмиш,
Вах, санга душман бўлуб, ул ўзгаларга ёр эмиш.

Хусайн Бойқаро

Юз очиб ўртар мени, вах, ишқ ўтидин не гила,
Ким манга ўт солғучи ул оташин рухсор эмиш.

Хор

Эй кўнгул, ул дилрабонинг ўзга ёри бор эмиш,
Вах, санга душман бўлуб, ул ўзгаларга ёр эмиш.

Хусайн Бойқаро

Ҳажрида бечоралиғдин оҳ-вовайло не суд?
Ким манга бўйн эгмаса, унга насиб озор эмиш.

Хор

Эй кўнгул, ул дилрабонинг ўзга ёри бор эмиш,
Вах, санга душман бўлуб, ул ўзгаларга ёр эмиш.

Хусайн Бойқаро (жаҳл билан). Вазири аъзам Мажидиддин! Менким, Абулғози Султон Хусайн Баҳодирхон фармони олий берурманким, жарчилар уч кундан кейин бошланажак тўй ҳақинда эл-юрга жар солсунлар, токим бизнинг оддий боғон қизини ўз никоҳимизга олиб, факиру фуқароларга меҳр-муҳаббат кўрсатаётганимиздан Хуросон юртнинг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ахли бехабар колмасун.

Хор

Ҳажрида бечоралиғдин оҳ-вовайло не суд?
Ким манга бўйн эгмаса, унга насиб озор эмиш.

(Икки марта.)

Мажидиддин ва бошқалар секин-аста чиқа бошлайдилар. Гули канизаклардан бирининг қулоғига нимадир шивирлашга улгуриб қолади.

Иккинчи кўриниш

Сарой. *Хусайн Бойқаро* паришон бир аҳволда. *Навоий* тавозе билан киради.

Хусайн Бойқаро. Марҳабо, дўстим. Нечун кўринмайсиз? Менинг озурда ҳолимга малҳам бўлурсиз, деб ўйлаган эрдим.

Алишер. Минг бор узр сўраймен, подшоҳим. Нечуқдир белдин қувват, оёқдин дармон, кўздин нур кетиб, ётиб эрдим. Умр поёни етди, деб Тангри таолонинг ҳузурига тайёрланиб турган эрдим. Аммо Оллоҳнинг раҳми келдими, қирқ кун деганда, сиз юборган мулозимнинг овозини эшишиб, кўзимни очдим. Подшоҳимга бирор хизматим даркор бўлиб қолдими, деган ўй билан ҳузурингизга келиб туурмен.

Хусайн Бойқаро. Алишер, дўстим, қани, яқинрок ўлтуринг. Сизга не бўлди? Қайси нокаснинг бад кўзи тегди? Майли, биз ҳаммамиз Оллоҳнинг бандасимиз, хасталик юборган Оллоҳ дори-дармонни ҳам юборур. Иншоолло, отдай бўлиб кетурсиз. (*Навоийдан жавоб кутади. Аммо Навоий ерга қараганча бошини кўтармай ўтиради.*) Сизни йўқлаганимнинг боиси шулким, бугун Гулини никоҳимизга олиб, эл-юртга ош берганимизга роса қирқ кун бўлди. Мен келинпошшанинг илтимоси бирлан никоҳ кечасини қирқ кун кейинга сурган эрдим. Бугун Гули, ваъдага биноан, менинг вайрон бўлиб юрган кўнглумни чароғон қилмоғи лозим. Аммо унинг хол-аҳволидан хабар олиб турган канизакларнинг айтишлари-га кўра, Гули кундан-кунга очилиб, яйраб-яшнаш ўрнига сўниб бораётган, ҳатто олиб кирилаётган ноз-неъматларга қиё ҳам ташламаётган эрмиш. Сиз, улур шоир, инсон дилини яхши билурсиз. Сизнинг бисотингизда соғга ҳам, хастага ҳам малҳам бўла

олғувчи сўз дурлари топилур. Шояд сизнинг кароматингиз бирлан бугун Гули тўшакдан туриб, висол тунини обод қилса.

Алишер (*мушкул бир аҳволда*): Шоҳим, изн бергайсиз, қулингиз шу фурсатга қадар шоҳ бирлан малика ўртасига тушган эрмасмен.

Хусайн Бойқаро. Биламен, дўстим, биламен. Аммо дўстлик ҳурмати, бугун шу қоидангизни бузинг. Менда бошқа илож қолмаганидек, сизнинг ҳам иложингиз қанча?

Алишер. Мен ҳам, дўстлик ҳурмати, шу фурсатга қадар Гулига бўлган меҳримни сизга ошкор айламаган эрдим... (*Султонда ўзгариш.*) Аммо сиз айтгандек, иложим қанча? Подшоҳнинг илтимоси камина учун фармони олийдур. (*Тавозе билан чиқади.*)

Учинчи кўриниш

Саройдаги Гулининг хонаси. Баҳор шабадаси дебраза пардаси ила ўйнашмоқда.

Гули шоҳона кат устида ёнбошлаб ётган ҳолда юрак дардини ифодаламоқда.

Гули

Эй сабо, шарҳ айла аввал дилситонимдин хабар,
Сўнгра дегил кўнгул отлиғ нотавонимдин хабар.

Чун манга бердинг хабар, лутф айлаб ул ён
доғи элт,
Хотири мажрух ила озурда жонимдин хабар.

Алишер ҳаяжон билан кириб келади.

Алишер. Гулим!

Гули. Алишер!

Алишер. Умр бօғим, ҳаёт чօғимнинг сўлмас гули!

Гули. «Сўлиб, адойи тамом бўлган Гули!» Шундай дессангиз, кўпроқ ярашурди, бевафо шоирим.

Алишер. Сизга не бўлди? Нечун сўлғунсиз?

Гули. Ҳали баҳор чечаклари сарғаймай туриб, ҳаётим бўстони хазон бўлди. Умримнинг сўнгти дақиқаларигина қолган, Алишер. Шунинг учун сиз, улуғ шоиримдан гина-кудурат қилмай, бор гапни айтай. Мен... заҳар ичганмен.

Алишер. Заҳар?

Гули. Бутун аъзойи баданимга аста оқиб киргувчи заҳар.

Алишер. Эвоҳ, нималар деяпсиз? Нега? Нечун? Шу заҳарни ўзингиз ичмай, менга берсангиз бўлмасмиди?

Гули. Шуни яхши билингизким, мен сизга асло хиёнат қилмадим. Хиёнат қилмасликнинг бирдан-бир йўли заҳар ичиш эрди. Сизга бўлган муҳаббатим кўклам майсаларига қўнган шабнамдек бир умрга тоза бўлиб қолади, Алишер.

Алишер хонтахта устида турган нарсаларни тимирскилаб, кичик бир шишаҷани топиб олади ва заҳар деб ўйлаб, шошиб ичади.

Гули (*қичқириб*). Нима қилиб қўйдингиз, Алишер!

Алишер. Мен ҳам бу дунёдан сиз билан бирга кетурмен, Гулим!

Гули. Аввал мен ҳам шу идишчадаги дорини сизга бермакчи бўлган эрдим. Лекин бу – ёвуз ният эканлигини тушундим. Бу, заҳар эрмас, дунёдан

бефарзанд ўтишнинг давоси эрди. Нималар килиб қўйдингиз, азизим! (*Ўрнидан туриб, сўнгги кучи билан ўзини Алишернинг бағрига ташлайди.*)

Гули

Кимса ҳаргиз кўрмади чун ахли даврондин вафо,
Улки даврон оғатидур, не тамаъ андин вафо?

Жониму умрумдур ул ой, бевафо бўлса, не тонг,
Қайда кўрмиш кимса ҳаргиз умр ила жондин
вафо.

Алишер

Гар вафо қилсанг эрур, андинки, бордурсен, пари,
Йўқса, ким оламда кўрмиш навъи инсондин вафо.

Гули ва Алишер

Чун вафо гулбарги даврон боғида очилмади,
Бежиҳатдур кимки истар бу гулистондин вафо.

Хор

Чун вафо гулбарги даврон боғида очилмади,
Бежиҳатдур кимки истар бу гулистондин вафо.

Гули Алишер қўлида жон беради.

Тўртинчи қўриниш

Яна Ҳусайн Бойқаро саройидаги ҳашаматли хона.
Ҳусайн Бойқаро тахтда хомуш ҳолда
ўтириби.

Ҳусайн Бойқаро. Минг афсуслар бўлсинким,
аблаҳ Мажидиддиннинг хийлаи найранги кеч фош

этилди. У бир ўк билан ҳам Алишернинг бағрига ханжар урмоқчи, ҳам дўстлигимиз боғини разил бойқушларга макон қилмокчи бўлган эркан. Мен уни эшакка тескари ўтқазиб, Ҳирот кўчаларида бир хафта сазойи қилдим. Сўнг тириклайин терини шилиб, очоқ итларга талатдим. Ва итлар мозорига дағн этдим. (*Ўзича.*) Иншооллоҳ, иблислар тақдири бундан кейин ҳам шундай бўлур.

Овоз. Аммо энди на Гулининг азиз хаётини сақлаб қоласан, на Алишернинг улуғ дўстлигини, султон Ҳусайн Бойқаро!

Ҳусайн Бойқаро.. Нима қиласай? Подшоҳлар ҳам худонинг бандаси. Вазирингга ишонмасанг – кимга ишонасан бу дунёда, кимга? Оллоҳ подшоларга шундай кўз бермаганки, улар шу ўткир, баданешар кўзлар билан инсон ичида ётган иблисни кўра олсалар! (*Жазавага тушади.*)

Мунгли мусиқа.

Алишер Навоий таъзим билан киради.

Алишер

(*машъум хабарни қандай етказишни билмай,
мушкул бир аҳволда*)

Сарв гулнинг соясинда сўлди гул, нетмак керак?

Ҳусайн Бойқаро

(*даҳшат оғушида, аммо ўзини тутиб
сукутдан сўнг*)

Сарвдин тобут ясаб, гулдин кафан этмак керак.

Хор

Сарв гулнинг соясинда сўлди гул, нетмак керак?
Сарвдин тобут ясаб, гулдин кафан этмак керак.

(*Икки марта*)

Алишер ва Ҳусайн Бойқаро ўкириб йиглайдилар. Улар қалбида кўтарилиган бўрондан сарой деворлари ағдарилиб кетади.

Халойик секин-аста сахнани тўлдиради. Хорнинг мотамсаро садолари оша «Не наво соз айлагай» ашуласи оҳиста жаранглаб, оламни ларзага келтиради.

Мунгли куй секин-аста ҳаётбахш оҳанглар билан бойиб боради.

Овоз (майин куй фонида)

Бизга шундай етиб келган ўзбек эртаги,
Жилға каби асрларнинг бағридан оқиб.
Уйланмасдан танҳо ўтган Алишердаги
Сир-асрордан эртак боис бўлганмиз воқиф.

Алишерда Гули ёққан ишқ шарораси
Шоирини севган халқнинг бир эртагидир.
Бир эртакки, ундан эсар ўтмиш нафаси,
Бир эртакки, ишонмайсан... унга негадир.

Хор

Шон-шарафлар ишқ аҳлининг садоқату малоҳатига,
Шон-шарафлар Гули билан Алишернинг
мухаббатига.

Овоз

Не бўлса ҳам, мужассамдир бу афсонада
Гули билан Навоийнинг азиз сиймоси.
Балки Гули қалби яшар Ширин, Лайлода
Ва улардан оқар севги, ишқ шалоласи.

Х о р

Шон-шарафлар ишқ аҳлининг садоқату малоҳатига,
Шон-шарафлар Гули билан Алишернинг
муҳаббатига.

О в о з

Эртак тинглаб эришамиз биз камолотга,
Зеро, унда мужассамдир халқнинг дахоси.
Яшай берсин авлодлардан ўтиб авлодга
Гули билан Алишернинг тирик сиймоси.

Х о р

Шон-шарафлар ишқ аҳлининг садоқату малоҳатига.
Шон-шарафлар Гули билан Алишернинг
муҳаббатига,

П а р д а



Діңгектік жанрамалары

(комедия)



Иштирок этувчиilar

Фафур Фулом – 59–60 ёшларда.

Собир Абдулла – 57–58 ёшларда.

Хабибий – 72–73 ёшларда.

Юнус Ражабий – 65–66 ёшларда.

Файратий – 59–60 ёшларда.

Махмудхон – Faфур Fуломнинг болалик дўсти, аптекачи, 59–60 ёшларда.

Номаълум йигит – 20–22 ёшларда.

Саодатхон – Собир Абдулланинг рафиқаси.

Мустафо – Faфур Fуломнинг шофёри, 44–45 ёшларда.

Ёзувчиilar, созандалар ва бошқалар.

Пролог

Коронфилик. Кўчадан ўтаётган енгил машина ва автобуслар шовкини. Лазерь нурлари оша бир неча йигит кўчанинг у бурчидан-бу бурчига қараб ҳовлиқканча югуриб кетади. Овозлар: «Қаёқка кетди? Нега кўэз-қулоқ бўлиб турмадинг?», «Ким? Ким кетди?», «Тагин ўзини мошина-пошинанинг тагига ташлаган бўлмасин!», «Югуринглар! Қидиринглар!», «Ким, деяпман, сизларга? Ким кетди?», «Бошимни қотирма, югар!», «Қаёқка? Қаёқка югурай!», «Биттанг вокзалга югар! Балки Кўконга чипта олаётгандир?», «Сен Анхор бўйлаб югар!», «Мен... мен, танишим бор, ўликхонадан хабар оламан»...

Шовкин тинади. Тепадан тушган нур сахна ўртасида турган кишини ёритади.

Номаълум йигит (*ўзини босиб олиб*). Беш кунлик дунё ҳам, талабалик тузини бирга totаётган ёр-дўстларим ҳам кўзимга кўринмай қолди. Ўзимни

Анҳорга ташлаб, Островскийнинг Катеринасидек бу дунёдан бош олиб кетмоқчи эдим. Пешонамнинг шўрлигини қарангки, ўша атрофда бир милиционер юрган экан, ниятимнинг шумлигини сезиб қолдими, югурға келиб, белимдан шартта ушлаб қолди. Қани энди унинг темир чангалидан чиқолсам... Хуллас, мени алдаб-сулдаб қирғоқдан олиб чикди. «Юр, бу дунё билан хайрлашишдан аввал рўпарадаги «Жоннинг роҳати» деган таомхонага кирайлик. Бир-икки пиёла аччик фамил чой ичайлик. Ярим коса-ярим косадан иссиқ маставани тановул қилайлик. Ахир сен ҳам ҳали нонушта қилмагандирсан... менга ўхшаб?» – деди. «Ака, акажон, шу тобда томофимдан қил ҳам ўтмайди. Менга рухсат беринг, борадиган зарур жойим бор. Анҳорни сузиб, нариги бетига ўтиб олай!» – дедим. Йўқ, қўйиб юбормади номард... Кейин билсам, бошига катта ташвиш тушганида, у ҳам менга ўхшаб анҳорлашмоқчи бўлган экан. Пес пес билан коронфида топишади, деганларидек, ўша милиционер акахон билан юлдузимиз юлдузимизга тўғри келиб қолди.

Энди унинг ҳам ўлиш нияти йўқ, менинг ҳам!

Шу акахоним айтганидек, дунёда яхши инсонлар оз эмас. Улар кў-ў-ўп. Шояд шундай кишилардан бири мендек ғариб ва ночор бир йигитга ёрдам қўлинни узатса!

Чироқ ўчади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Шоир Собир Абдулланинг боғи. Куз кунларининг бири. Эрта тонг. Гулзор орасида атлас кўрпача ва болишлар қўйилган сўри. Ўнг томонда – данфиллама уй эшиги. Эшик яқинида четан стол ва 3–4 та стул. Этакдаги турли-туман мевали дарахтлар ва анвойи гулларнинг заъфарон чехраси ҳовлига ўзгача кўрк бағишлиб турибди. Уй ичидан радионинг тонгти овози эшитилади: Бир оздан сўнг кимdir бу овозни баландлатиб юборади: «Ассалому алайкум, ҳурматли юртдошлар! Тонгти куёшнинг ilk нурлари билан бошланган янги кунингиз муборак бўлсин, азизлар!» Нафис чолғу куйи бошланади.

Ташкаридан «Победа» машинасининг келиб тўхтаган овози эшитилади. Уй эшигидан устига енгил тўн ташлаган Собир Абдулла чиқиб, кўча томон йўналади. Кўп ўтмай, шовқин-сурон билан Собир Абдулла ваFaфур Фулом кириб келишади.

Fафур Фулом (*эшикдан кираётуб*). Душанбеда икки-уч кун дўстлар дийдорига тўйиб, ўтган азизлар руҳини обод айлаб келдим. Сайр ҳам сайр, саргардон ҳам сайр, деганларидек сайру саёҳат фароғатини тотдим. Аммо ўзимизнинг кўхна Шошимиздан қўймасин, дўстим. Ҳиротга борсам ҳам, икки кун ўтмай, Тошканни соғинаман...

Собир Абдулла. Мени айтмайсизми, Faфур ака! Бир кун-ярим кун ойдек қизларимнинг чехрасини кўриб, қўнфироқдек овозларини эшитмасам, жинни бўлиб қолгандек бўламан.

Fафур Фулом. Бўлиб қолгандек эмас, худди ўзи бўласиз, мулла Собир. (*Кулади.*)

Собир Абдулла (*ўзига оғир олиб*). Фарзанд ширин бўлади,Faфур ака. Шу ҳолат ўзингизга ҳам бегона эмас. Қизингиз...

Faфур Fулом (*унинг сўзини бўлиб*). Ҳазилни кўтармайдиган бўлиб қолибсизми, Ҳўконди Латифнинг эркатойи? Менга сапчийдиган одатингиз йўқ эди-ку.

Собир Абдулла. Сизга сапчийдиганинг тили кесилсин. Олмосхонни соғинганингизни бир-икки кўргандим. Шуни айтаяпман, холос.

Faфур Fулом. Соғинган бўлсам соғинибманда. «Соғиниш – меҳр-оқибатнинг онаси», деган экан машойихлардан бири. Бу дунё – одамнинг бир-бирини соғиниши билан дунё. Икки кунга бўлса ҳам сафарга чиккан одам, агар киндик кони тўкилган тупроқни соғинмаса, онасини соғинмаса, хотин-бала-чақасини соғинмаса, дўст-ёрларини соғинмаса, ҳайвондан фарқи қолмайди, окоси.

Собир Абдулла. Ҳаттоки ҳайвонлар ҳам соғиниш туйғусидан маҳрум эмас, Faфур ака...

Faфур Fулом (*унинг сўзини бўлиб*). Олимлар буни инстинкт, дейишади, мулла Собиржон. Ҳайвонларда туйғу бўлмайди. Академик Павловни эшитганимисиз?..

Собир Абдулла. Академик Палов, дедингизми? Шунақа академик ҳам бўлганми?

Faфур Fулом. Бўлганда қандок! Фақат Палов эмас, Павлов.

Собир Абдулла. Шундай демайсизми? Паловни ҳам биламан, Павловни ҳам. (*Ҳазиллашиб*.) Бу иккала академик менинг якин дўстим бўлади. Тез-тез кўришиб турамиз. Сабр қилсангиз, аввал сизга академик Паловни кўрсатаман.

Faфур Fулом (*ҳазилни илиб олиб*). Сиз айтотган академик Палов менинг жигарим бўлади. Муҳаррама опангиз бу қариндошимизни азбаройи

хурмат қилганидан ҳар куни лаганга солиб олдингизга қўйиб кетар эди, «олишиб-олишиб ўтиринглар», деб. Ёдингиздан чиқдими бу дўстингизнинг Арпапоядаги уйимда сизни кутиб олишлари?

Собир Абдулла (*бўш келмасликка уриниб*). Кайси академик Паловни айтаяпсиз,Faфур aka?

Faфур Fулом. Кайси бўларди, Собиржон. (*Керилиб.*) Мен, академик Faфур Fулом, бунақа академикларни кунора тайёрлаб турадиган устози бўлганимдан кейин уларнинг бири Паловхонтўра, иккинчиси Мирзапалов, учинчиси Жаннатпалов...

Собир Абдулла (*унинг сўзини бўлиб*). Хов 44-йилда Ҳамид Олимжоннинг «Композиторлар» кўчасидаги уйида тайёрлаганингиз академикнинг оти нимайди? (*Faфур Fуломда ўзгариш.*) Унинг академик Палов эмас, доцент Куйдирмаев бўлиб қолганини кўриб, шаталоқ отиб қочганмидингиз? Шундай гапни эшигандек эдим. (*Ўзича.*) Бечора Ҳамид Олимжон...

Faфур Fулом (*сўзини бўлиб*). Ўтган ишга саловот, деган машойихлар. Хотира яхши воқеаларни саклаб юриш учун берилган одамзодга. Агар инсон бутун умри давомида кўрган ёмонликларни эслаб юраверса, у одам хисобидан чиқиб кетади... Гитлеру Сталинларнинг нега минглаб-миллионлаб кишиларни қириб ташлаганинг боисини биласизми? (*Собир Абдулла унга «бilmайман», деган маънода қарайди.*) Чунки уларнинг мия бурамаларида отабоболарининг, олис аждодларининг ёмон воқеалар, хунрезликлар билан тўла хотираси жойлашиб қолган эди. Уларнинг ёмон хотиралар билан заҳарланган мия ҳужайралари ота-онага хурмат, бева-бечораларга раҳм-шафқат, қариндош-уруғларга меҳр-оқибат сингари эзгу инсоний фазилатларни ситиб чиқарган. Шунинг учун улар XX асрнинг Захҳоки Моронлари бўлишди. (*Бир оз сукутдан сўнг.*) Мана шунақа,



ўртотк Абдуллаев. Хотира сандиғини тез-тез очиб, шамоллатиб туриш лозим. Акс ҳолда одам мөөорлаб кетади.

Собир Абдулла. Келинг, ўтириб сұхбатлашайлик. Тик турғанингизда, хаёлингизга нуқул жиддий фикрлар келади. Қани (*стол ва стулларни күрсатыб*), мархамат қилинг. (*Ўтиришади. Собир Абдулла уйга кириб, бир чойнакда чой дамлаб чиқади.*) Бугун шанба. Сиз айтганингиздек, озгина миямизни шамоллатиб, шанбалик қилайлик.

Faфур Фулом. Нима, томсувоқ бормиди?

Собир Абдулла. Томсувоқ қилмай қўйганимизга анча бўлди, Faфур ака...

Faфур Фулом (*унинг сўзини бўлиб*). Афсус. Мен ёшлиқ йилларимда лолақизғалдоқлар чаман бўлиб очилган, кўм-кўк ўт-ўлан билан қопланган томларда варрак учиришни яхши кўрардим. Қани энди ўша ёшлигимга, ўша лолазор томларга бир кун бўлса ҳам қайтсан. (*Ачиниб.*) Хозирги болалар бунинг гаштини билишмайди.

Собир Абдулла. Мен ўтмишни эсласам, кек-салик қўнғироғи чалинаётгандек бўлади.

Faфур Фулом. Яхши хотира ниҳолига яна қуриган шохни пайванд қилмоқчисиз, мулла Абдуллаев?

Собир Абдулла (*қўл кўтаради*). Мана, қўл кўтардим. Ҳа, айтгандек, сафар яхши ўтдими? Тожик биродарлар соғ-саломатми? Кимларни кўрдингиз?

Faфур Фулом (*уйчан*). Сафар кўнгилдагидек ўтди. Тожик дўстларингиз сизни кўп йўқлашди. Турсунзода ҳам, Миршакар ҳам, Боки Раҳимзода ҳам... Ҳаммаси... Собир Абдулла чакки қилди бизга кўчиб келмасдан, дейищди. Мен: Ўзбекистон ҳукумати Собир Абдуллага ёш, ҳурилиқо хотин олиб берган. Бунинг устига унинг бир-биридан гўзал канизакларини айтмайсизми яна, дедим. Шаҳарли уйию боғ ҳовлиси

бор, дедим. (*Иккаласи хаҳолаб кулишади.*) Рост айтибманми? Саодатхонни сизга ким олиб берган? Тўйингизда хукумат бошлиқлари қатнашганмиди? Қатнашган. Ўшалар олиб беришган-да, ё нотўғрими?

Собир Абдулла (*ўйланиб*). Тўғри.

Faфур Fулом. Onасининг атрофида парвона бўлиб юрган қизларингиз канизак бўлмай, ким бўлсин!.. Xуллас, тожик дўстларингиз сизнинг жаннатда яшаётганингизни эшишиб, кўп хурсанд бўлишди.

Собир Абдулла. Сиз ҳам икки-уч кун жаннатда яшаб, (*маънодор*) обизамзамлардан баҳраманд бўлган бўлсангиз керак?

Faфур Fулом. Жаннат қайда? Мажлис бошланган кундан тугагунича эшитганим «зиндабод» бўлди.

Собир Абдулла. Нима, «зиндабод» ёмон сўзми, яшасин, дегани. «Зиндабод Faфур Fулом!» дегани – «Яшасин Faфур Fулом!» дегани. Буни сиз мендан ҳам яхши биласиз.

Faфур Fулом. Ha, сиздан яхши биламан. Amмо тилда «зиндабод»-ку, amмо (*секин товуш билан, теварақ-атрофга қараб олиб*) Lenin эккан дарахт чириётганга ўхшайди. Залдагиларнинг «зиндабод» деб қичқиришлари қулоғимга бошқача эшитилаверди.

Собир Абдулла (*қўрқиб*). Ҳай-ҳай, нималар деяпсиз? Мени синамокчи бўляяпсиз шекилли?

Faфур Fулом (*ўзи ҳам хавотирланиб*). Ha, синамокчийдим. (*Aшула айтиб ўйнайди.*)

*Югурап ўрдак боласи,
Орқасида онаси.
Бизга ҳеч ким тош отмас,
Биз коммунист боласи,
Биз коммунист боласи.*

(*Aшуланинг сўнгги сатрларини айтиётганда, кутмилмаганда, ииглаб юборади.*)

Фафур Фулом (*ўзига келиб*). Мен икки-уч кун душанбелалиб, дастурхон устидаги сўзларидан ҳам «Правда» газетасининг ҳиди анқийдиган кишилардан чарчадим. Жуда чарчадим. Би-и-ир Собирвойнинг уйига бориб, Маҳмудхонга ўхшаган содда, беғубор, ҳазилни кўтарадиган дўст-ёрлар билан отамлашиб ўтирсам, дедим. Ўйлаб қарасам, хозирги замонда аптека дорисини ичишдан кўра, Маҳмудхон аптекачига ўхшаш ёр-дўстлар билан дийдорлашиш кони фойда экан.

Собир Абдулла. Маҳмудхон ака билан ўтган бозор куни кўришиб, роса битингиз тўкилган эдику!

Фафур Фулом. Теварак-атрофга қарасанг, девдай-девдай пихини ёрган одамларни кўрасан, киши. Маҳмудхон – соддаларнинг соддаси. Гўлларнинг гўли. Бунақа содда одамни жаннатга кириб ҳам то-полмаслик аниқ. Содда одамнинг дили пок бўлади. Мен покликни, мусаффоликни соғиндим, Собиржон. Худди шу нарса Маҳмудхоннинг чехрасида, тилию дилида мана мен, деб туради.

Собир Абдулла. Хўш, нима демоқчисиз? Уни бориб олиб келайми? Ёки унинг уйигами, аптекасигами борамизми?

Фафур Фулом. Йўқ, уни олиб келиш учун яхши баҳона топиш керак. Биласиз, аптекасини бирорвга ишонмайди. Шундай баҳона топайликки, аптекаси кўзига кўринмай қолсин.

Собир Абдулла. Баҳонанинг кони ўзингиз-да, Faфур ака. Кўрсаткич бармоғингизни чаккангизга тирашингиз билан шеър ҳам оқиб келади, баҳона ҳам.

Фафур Фулом (*кулади, сўнгра кўрсаткич бармоғини чаккасига қўйиб, бир зум хаёл суради; сўнгра*). Ёзинг!

Собир Абдулла. Мана, баҳонани ҳам топдингиз. Агар сизга ҳайкал қўядиган бўлишса, сизга эмас, шу кўрсаткич бармоғингизга ҳайкал қўйиш керак!

Faфур Fулом. Гапни чўзманг. Довот, қалам, қоғоз олиб чиқинг.

Собир Абдулла уйига кириб, қоғоз-қалам олиб чиқиб, ёзишга чөғланади.

Faфур Fулом (*айтиб туради*). «Хурматли Маҳмудхон ака! Ҳамма заруру нозарур ишларингизни бир чеккага қўйиб, бизниги марҳамат қилишингизни табиатнинг нозик жойларидан сўрайман. Мен ва дўстингиз Faфур Fулом учун табаррук бўлган, яъниким жаннатмакон шоир Муқимиининг муҳтарам устозлари бўлмиш Муташариф домла бугун тонг бирлан Кўқондан келиб, аввал сиз азизу мукаррамни, кейин Faфур Fуломни йўқламоқдалар. Шунинг учун аввал машинани сиз жанобларига юбораяпман. Сиздан сўнг машина шоири замонни олиб келажакдур. Устоз Муташариф домлани узок кутдирмагайсиз. Камоли эҳтиром билан Собир Абдулло Хўқандий».

Собир Абдулла (*ёзишни тугатиб*). Баҳонани ҳам, хатни ҳам бопладингиз. Маҳмудхон ака бу хатни олиши билан учи-и-иб келади.

Faфур Fулом. Қани энди шу хат ҳам учи-и-иб борса. (*Чақиради*.) Мустафо! Ҳой, Мустафо!!

Собир Абдулла. Мен ўзим чиқиб, бериб келаман. (*Чиқади*.)

Faфур Fулом ҳовлининг маккажўхорилар бўй чўзиб турган жойига бориб, улар попугини юлиб, сокол-мўйлов ясади. Қошига ҳам попук ёпиштиради.

Собир Абдулла (*ҳовлига қайтиб кириб, дастлаб Faфур Fуломни топа олмай, у ёқ-бу ёққа аланглайди, сўнг кўриб*). И-е, Faфур ака! Тинчликми?

Фафур Фулом. Тинчлик. Сандиғингизда Худо-ёрхондан сизга мерос бўлиб қолган банорас тўн борми? Муқимийнинг устози киядиган бошқа бош-оёқ сарполар топилса керак? Тезроқ олиб чиқинг.

Собир Абдулла. Тушундим. Аммо эҳтиёт бўлинг. Тағин Маҳмудхон ака Муқимийнинг устозини кўрдим, деб ҳушидан кетиб юрмасин. Бу, иккинчими-учинчими ҳушидан кетиши бўлади. Худо сақласин, бир кунмас, бир кун...

Фафур Фулом. Бофингизга булбул ҳам керак эмас, чоғи. Жуда яхши сайраяпсиз, Собиржон. Faқат ниятингизни яхши қилинг.

Собир Абдулла уйга кириб, бир мунча вақтдан сўнг бир қучок кийим-кечак, китоб-дафтар олиб чиқади. Faфур Фулом уларни танлаб, кийинади ва 100 ёшдан ошган чолнинг қиёфасига кириб, сўрига кўтарилади. Собир Абдулла савлат тўкиб ўтирган «Муташариф»нинг орқа тарафига икки-уч ёстиқ кўяди. «Муташариф» Дақки Юнусдан қолган кўзойнакни тақиб, бир қўлида тасбех ўгириб, олдидаги катта арабий китобни ўқиётган киши бўлиб ўтиради.

Шу пайт машина товуши келади. Собир Абдулла чиқиб, Маҳмудхонни бошлаб киради.

Маҳмудхон (ҳовлига кираётуб). Муқимийнинг домласи мени қаердан билар экан? На Кўқонга борган, на Муқимийни кўрган бўлсанм. Муқимийнинг шогирди, деганида ҳам бўлак гап эди. Сирасини айтсанм, Муқимийнинг шогирдига ҳам ишим тушмаган. Уям мени тушида ҳам кўрмаган бўлса керак.

Собир Абдулла. Ундей деманг, Faфур Фулом ҳар сафар Кўқонга борганида сизнинг таърифингизни қиласарди. Кўқонда шоир зоти борки, каттаси ҳам, кичиги ҳам сизни яхши билади. Муташариф бобо

ҳам сизнинг таърифингизни кўп эшиглар. Сизни кўрсалар, балки шогирди Мухаммад Аминхўжани кўргандек бўлиб бошлари кўкка етар.

Махмудхон (*ўзича*). Зарур ишларим бисёр эди. Ҳаммасини ташлаб келдим. Ҳай, майли. Муқимийнинг домласини ҳар куни кўрмасак... (*Сукут. Собир Абдуллага.*)Faфур келгани йўқми?

Собир Абдулла. Faфур акага машина энди боради. Марҳамат, сўрига чиқинг, сизнинг келишингизни кутиб меҳмонга дастурхон ёзолмай ўтирибман.

Махмудхон. Меҳмон отангдан ҳам улуғ, дейишади. Ҳўқонди Латифдай олис жойдан меҳмон келади-ю, мендек шоир зотининг соясига салом берадиган кишини кутиб ўтирганингизни каранг, мулла Собир!

Собир Абдулла. Меҳмон, «Махмудхон келмасларидан дастурхон ёзмайсиз», деб оёқ тираб олдилар. Ана, сўрида ўтирибдилар. Қани (*сўрини кўрсатиб*), кўтарилинг.

Махмудхон сўрига чиқиб, икки қўлини кўксига қўйиб, меҳмон билан саломлашади.

Махмудхон. Ассалому алайкум, тақсир. Хуш келибсиз Тошканди азимга. Яхши келдингизми? Сиҳат-саломатлигингиз яхшими? Поездда уриниб-чарчаб қолмадингизми? Шу муборак ёшда бир Тошканга борай деб йўлга чиқибсиз-да. Боракалло, қадамларингизга ҳасанот.

«Муташариф» қулоғи оғир бўлгани учун Махмудхоннинг сўзларини эшиглай, Собир Абдуллага қарайди.

Собир Абдулла (*«Муташариф»га баланд овоз билан*). Махмудхон сизга салом беряптилар. «Хуш келибсиз, – деяптилар, – Тошканди азимга». «Яхши келдингизми? Сиҳат-саломатлигингиз



жойидами», деяптилар. «Поездда уриниб-чарчаб қолмадингизми?» деяптилар. «Шу муборак ёшда бир Тошканга борай деб йўлга чиқибсиз-да», деяптилар. «Боракалло, қадамларингизга ҳасанот», деяптилар.

«Муташариф» «маъқул», дегандек бошини
қимирлатиб қўяди.

Махмудхон (*Собир Абдуллага қараб секин овоз билан*). Муқимий ҳазратларининг бу домласи тушмагур каловланиб қолганга ўхшайди. Каловланмай ҳам нима қилсин, шогирдининг арши аълога кетганига қанча йиллар бўлган бўлса! Бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда, десак ҳам бўлар экан бечора домланинг. (*«Муташариф»га мурожаат қилиб.*) Таксир, мучалингиз нима? Юздан ошгандирсиз? Муқимий ҳазратларига устозлик қилганман, денг. Барака топинг, кўп яшанг. (*Муташарифдан садо чиқмаётганини кўриб.*) Қулоқ масалалари чатоқقا ўхшайдими, таксир? Мен ҳам мулла Собиржонга ўхшаб бақирсам, қулоғингизнинг қолган пардаси ҳам йиртилиб кетиши мумкин. Худо келиб-келиб сиздек улуғ домланинг қулоғига пахта қўйиб кетадими? (*Муташариф тушунарсиз ҳаракат қиласди.*)

Собир Абдулла. Худога тил теккизманг. Домла хафа бўлдилар.

Махмудхон. Худога тил теккизиб жинни-пинни бўлдимми? Шундок табаррук ёшдаги домланинг қулоғига худо пахса урмаганида ота-бола бўлиб гурунглашиб ўтирган бўлардик-да, мулла Собиржон. (*Яна Муташарифда ўзгариш.*)

Собир Абдулла. Яна худога тил теккизяпсиз, Махмудхон ака. Домла ранжияптилар.

Махмудхон. Хўп, тавба қилдик, тавба қилдик. Қулоқ-ку аллақачон нафақага чиқсан экан, кўз-чи, кўз? Кўзингиз жойидами?

Собир Абдулла. Кўзлари жойида бўлмай, қаерда бўлсин, Маҳмудхон ака? Ё одам кексайганда кўзи елкасига кўчиб чиқади, деб эшитганмисиз? Гапингиздан латта ҳиди келадиган бўлиб қолиптими? Домлага айтадиган бамаъни гапларингиз йўқми, Маҳмудхон ака!

Маҳмудхон (*ўзича*). Бу ерга келмай мен ўлай. Тушимда кимнингдир арвоҳини кўргандима-а-а! Отамнинг арвоҳи, деб эрталаб уч ракат «Ёсин» сурасини ўқиган эдим. Мутакаббир, йўғе. Муташаккир, йўқ, Муташарриф домланинг арвоҳи экан! (*Муташаррифга баланд овоз билан*). Бугун сизни туш кўрган эдим. Қаранг, учрашар эканмиз. Тушда ҳам кўп хосият бор-да. Таксир, мен, мана, олтмишга кирмасдан, қулоқдан қолганман. Сизга ҳавасим келиб турипти. Кўз тегмасин, ҳали ҳам қулофингиз яхши экан, кўзингиз ҳам яхшими?

«Муташарриф» Собир Абдуллага тушунмаган киши бўлиб қарайди.

Собир Абдулла (*Муташаррифга баланд овоз билан*). Маҳмудхон ака аптекачи эмасмилар, озмоз тиббиётдан хабардорлар. (*Ҳазиллашиб*.) БаъзанFaфур Ғуломни ҳам (*томогини кўрсатиб*) даволаб турадилар...

«Муташарриф» жаҳлланади.

Собир Абдулла. Маҳмудхон, «Таксир, мен, мана, олтмишга кирмасдан, қулоқдан қолганман», деяптилар. «Сизга ҳавасим келиб турипти», деяптилар. «Кўз тегмасин, ҳали ҳам қулофингиз яхши экан, кўзингиз ҳам яхшими?» деяптилар.

«Муташарриф» нимадир дейди.

Собир Абдулла (*унинг сўзларини «таржима» қилаётган кишидек, Маҳмудхонга*). Муташариф домла: «Кўзим ҳам, қулоғим ҳам балонинг ўқидек», деяптилар.

«Муташариф» (*кутилмагандага сўзлаб юборади*). Йўқ, мен Маҳмудхондан: «Пешонангдаги кўзми ё супранинг тешигими?» деб сўрадим.

«Муташариф» соқол-мўйловини олади, салла-чопонини ечади.

Маҳмудхон (*ҳайратда*). И-е,Faфурвой, ўзингизми? (*Faфур Fулом билан Собир Абдулла қотиб-қотиб кулишади.*) Мен ҳам Muқимиининг домласи аллақачон кўкариб чикқандир, деган хаёлда эдим... Хали сизлар (*Faфур Fулом билан Собир Абдуллаға қараб*) Топчинский-Попчинский бўлиб мени лақиллатгани чакирган экансизлар-да? Шунча зарур ишларни ташлаб келдим-а! (*Ўзини аразлаганга солади.*)

Faфур Fулом. «Мени ҳеч ким лақиллатолмайди», деб кериладиган сенмисан, Маҳмудхон?! Laқиллатиш мана мунақа бўлади. Чолни кўрсанг бувам дейдиган бўлиб қолибсан-у, яна биздан хафа бўласан! Кел, энди бир қучоқлашиб кўришайлик.

Маҳмудхон. Йўқ, кўришмайман мени мазах қиладиган арвоҳ билан.

Faфур Fулом (*сўридан тушиб, Маҳмудхонга яқинлашади*). Сен мени соғинмаган бўлсанг, мен сени соғиндим, дўстим, Тоҷикистонда юриб. Уч кун уч йилдек туюлди. Кеча оқшом келиб, бугун эрталаб сени кўргим, бағримга босгим келди. Наҳотки, Faфур Fулом деган минг йиллик дўстингни кечирмасанг!

Маҳмудхонда ўзгариш. У ҳам сўридан тушиб, секин-аста Faфур Fуломга яқинлашади. Сўнг иккаласи қаттиқ қучоқлашиб кетади.

Фафур Фулом (кўзига ёш олиб). Нима қилай? Онам мени қадрдонларимни тез-тез соғинадиган, кўрмаса асло туролмайдиган қилиб туккан бўлса.

Собир Абдулла. Қани энди мени ҳам шундай соғинсангиз, **Фафур ака!** Бу дунёдан армонсиз ўтган бўлардим.

Фафур Фулом. Кечаке кечқурун сафардан келган одам бугун тонг отар-отмас, сўфиники қуrimасдан уйингизга келиб турибди-ку, **Собиржон!** Соғиниш бундан ортиқ бўладими? Айт, **Махмудхон!**

Чироқ ўчади.

Иккинчи кўриниш

Ўша жой. Ўша куннинг эртаси. Тонг сахар. Собир Абдулла ўрин-кўрпаларни йифиб, нонушта дастурхонини ёзишга тараддуд кўрмокда.

Махмудхоннинг овози. **Фафур!** Каёқдасан, шўрим қуриб қолди!

Гулзор орасидан бир тутам райхон ушлаб **Фафур Фулом** чиқиб келади.

Ховлининг бошқа тарафидан ажабтовур бир холатда **Махмудхон** кўринади.

Фафур Фулом. Нима гап? Тинчликми? Ё ош ҳазм бўлмадими?

Собир Абдулла (узоқдан). Нега ҳазм бўлмади? **Фафур Фулом** дамлаган, аканг қарағай олов ёқиб турган ош-а?

Махмудхон. Гап ошда эмас.

Фафур Фулом. Бошдами?

Махмудхон (унинг сўзини эшиштмай). Кечаси ётар пайтида қўйдирма тишимни истакондаги сувга солиб қўядиган одатим бор эди. Эрталаб тонг

сахарда уйғонсам, ўша тишим истаконда ҳам йўқ, оғзимда ҳам.

Фафур Фулом. Йўқолмасдан аввал бормиди?

Махмудхон. Ҳазилнинг ўрни эмас, муллаFaфур.

Собир Абдулла (*узоқдан*). Оғиздаги тиш қаерга кетади? Бирор бошқа жойга меҳмонга бориши керак эмасмиди?

Махмудхон. Э, Собиржон, биргалашиб мени мазах қилаверманглар. Шоир бўлмасам ҳам, шоиртабиат одамман. Кўнглим нозик.

Фафур Фулом. Кўнгли нозик одамнинг тиши ҳам нозик бўлади. Тишингиз қаерга ҳам кетарди, Махмудхон. Кўп хафа бўлманг, келиб қолар.

Махмудхон биродарларининг ҳазилидан ранжиб, дарахтзор томонга йўналади.

Махмудхон (*у ёқ-бу ёққа назар ташлаб, ўзича*). Қаерда йўқотибман-а, билмайман! Тушиб колганмикин? Ёки кеча ош еяётганимизда...

Фафур Фулом. Бўлди-бўлди. Ташвишланма! Тишинг тайинлик одамда!

Махмудхон. Нима дединг? Тайинлик одамда, дединги? (*Фафур Фуломга яқинлашади.*)

Фафур Фулом (*ўзига-ўзи сўзлагандек*). Мўйсафид деб уни ким айтади?! Туппа-тузук, инсофли, имонли одамга ўхшаганди-я! Одамлар ҳам айниб кетишиди. Об-бо, одамлар-ей!

Собир Абдулла. Ҳа, нима гап?

Фафур Фулом (*Собир Абдуллаға*). Анави носфуруш қўшнингизнинг исми нима эди?

Собир Абдулла. Қайси носфуруш?

Фафур Фулом. Нечта носфуруш қўшнингиз бор, Собиржон?

Махмудхон. Қайси носфуруш? Менинг тишимга нима алоқаси бор носфурушнинг?

Фафур Фулом. Алоқаси бўлмаса гапиравмидим.

Собир Абдулла. Носир сариқни айтяпсизми?

Фафур Фулом. Ҳа, айтгандек, Носир сариқ эди-я исми! Носфурушлик қилавериб сарғайиб кетган. Ранги рўйига қараб бўлмайди. Ким кўп, лётчик кўп. Биттасининг чарм қоплаган кўзойнагини сотиб олиб, тақиб юрса ўладими? Ҳозирги маданий замонда носфурушлар кўзига ана шунақа кўзойнакни, қўлига елим қўлқопни тақиб ишлашлари керак. Носнозик нарса.

Маҳмудхон. Носир сариқнинг нима алоқаси бор менинг тишимга? Нега гапни бошқа томонга бураб юборасан?

Собир Абдулла (*эшитмаган киши бўлиб, Fafur Fуломга*). Исми Носир сариқ бўлса нима қипти? Носфурушлик қилаверганидан кейин у сарғайиб кетмай, мен сарғайиб кетайми? Дарвоке, унинг исми Носир эмас, Муҳаммадносирхон! У катта мулла одамнинг ўғли. Отаси 30-йилларда Қашқарга қочиб кетган.

Маҳмудхон. Ҳой, барака топгурлар, менинг тишимни топиб берасизларми ё Носир сариқнинг келиб чиқишини мухокама қиласизларми? Балки бирортангиз Қашқарга ҳам бориб келарсиз?

Фафур Фулом (*Maҳмудхонга*). Йўқ, Қашқарга боришга вақтимиз йўқ. Аввал сенга йўқолган тилла тишингни топиб беришимиз керак. Кейин борсак бораверамиз.

Маҳмудхон. Эй, худо!.. Куним қанақа бетавфиқ одамларга қолди! Мен боғдан гапирсам, улар тоғдан келади-я.

Фафур Фулом (*сўзини бўлиб*). «Худо», «худо», дейсан-у, «берди»сини айтишимга имкон бермайсан. Одам деган сабрли бўлади. (*Ўйлагандек бўлиб.*) Ошдан кейин, ёдингда борми, сен олмазорга ўтиб

кетдинг. Мулла Собир уйнинг бекасидек (*Собир Абдуллага қараб қўйиб*) дастурхонни йиғишириб, эшик томонда увуллаб юрган кучукнинг олдига бориб қоқди. Шундайми, мулла Собир?

Собир Абдулла. Шундай,Faфур ака. Мехмон келганда ит ҳам, мушук ҳам умидвор бўлади, гўштпўшт ташлайдими, деб.

Faфур Фулом. Шу кучук тушмагур дастурхон қоқилган жойдан аллақандай нарсани тишлаб қочганини кўриб қолган эдим. Шу денг, тилла топган тиланчикдек шунақасига шаталоқ отиб қочдики, қизиқиб, дарвозахонага бориб, орқасидан қарадим.

Махмудхон (*сабрсизланиб*). Тез-тез айтсангизчи, ёрилиб кетай девомман.

Faфур Фулом. Орқасидан қараб турсам (*сукут, Махмудхон безовталанади*), орқасидан қараб турсам.

Махмудхон. Э қараб туравермай ўлинг. Кейин нима бўлди?

Faфур Фулом. Шу денг, орқасидан қараб турсам...

Махмудхон. Бўлди-да қараганингиз! Ҳадеб қарайверадими кап-катта киши итнинг орқасига!

Faфур Фулом (*ўзини жаҳлланганга солиб*). У ёғи эсимда йўқ..

Махмудхон. Эсингизда бўлмаса, ит билан Носир сарикдан гап очиб нима қиласдингиз? (*Йигламоқдан бери бўлади.*)

Собир Абдулла. Сезиб турибман, у ёғини ҳам яхши биласиз. Келинг, бечора Махмудхон аканинг бошига шундай кўргилик тушиб турган бир пайтда сиз ҳам унинг жигарини қон қилманг.

Собир Абдулланинг сўзларини эшигтан Махмудхон хўрлиги келиб йиғлаб юборади.

Фафур Фулом. Йиғламанг, Махмудхон, йиғламанг. Тиш топиладиган нарса. Тиш кўндириладиган оғиз ишлаб турса, одамзод ўлмайди.

Собир Абдулла (*Faфур Fуломга*) «Орқасидан қараб турсангиз...»

Фафур Фулом. Орқасидан қараб турсам, кўприкдан ўтаётганда, Носир сариқ унинг оғзидағи нарсани кўриб қувган эди, кучук ташлаб қочди. Носир сариқ уни ердан олди-ю, сувга чайиб, оғзига солгандек бўлди. Мен ҳайрон қолдим. Наҳотки, туппа-тузук мўйсафид киши кучук билан суяқ талашса, деган мулоҳаза билан уйга қайтдим. Энди ўйлаб кўрсам, ўша нарса суяқ эмас, сенинг кўндирма тишинг экан.

Собир Абдулла. Вой, уятсиз Муҳаммад-носирхон-ей! Кейинги пайтда нега думоги кўтарилиб қолди, десам, одамларнинг оғзидағи тушиб қолган тилла тишларни ити билан йиғиб юриб, бойиб қолган экан-да!

Махмудхон (*астойдил ишониб*). Уни боплайман. Носир сариқни энди эл-юрт Носир сариқ эмас, Қора Носир деб атайдиган қилмасам, кимсан, Махмудхон эмасман!

Фафур Фулом. Ҳай-ҳай, дўстим, бу шахдингиздан қайтинг. Носир сариқ бу тишни ўзиники деб ўйлаган бўлса ажаб эмас. Унинг ҳам бир тиши лиқиллаб қолганми, доим тили билан ўша тишини туртиб кўярди.

Махмудхон. Тиши лиқиллаб қолганми-лиқиллаб колмаганми, бу билан менинг ишим йўқ. Уни бутун шаҳарга шармандаи шармисор қиласман.

Собир Абдулла. Жон Махмудхон ака. Ундей қиласман. Яхшими ё ёмонми, Носир сариқ менинг қўшним бўлади. Одам зоти қўни-қўшниси билан аҳил яшashi лозим. Шундай қиласангиз, худо сизни ҳам, мени ҳам кечирмайди.

Махмудхон. Сиз бу нозик ишга аралашманг. Носир сарик тайёр тишга хўжайин бўлиб олади-ю, мен оғзимни очиб қолавераманми?

Фафур Фулом. Кўчада тайёр тиш ётади-ю, ким олмайди, Махмудхон. Айниқса, Носир сарикқа ўҳшаган оғзида тишидан ҳам каваги кўп кишилар. Сен уни хафа килиб юрма! Тишинг кучукда кетса, нима бўлар эди!

Махмудхон. Йўқ, мен уни тузлайман. «Бу кимнинг тиши?» деб одамлардан сўраб-сuriштирумай, сувга чайиб, оғзига ўрнатиб олади-ю, индамай кетавераманми?!

Собир Абдулла. Қизишманг, Махмудхон ака, қизишманг.

Фафур Фулом. Агар менинг тишим тушиб колиб, аввал бирор ит, кейин бирор носфуруш уни оғзига солиб олган бўлса, мен бундай бевафо тишдан воз кечган бўлардим.

Махмудхон. Ахир бу тиши ясаттириш учун тиш дўхтирнинг дўконига бир ой қатнаганман! Бир ой оғзимга бир қошиқ овқат олмаганман. Ошқозон «овқат, овқат!» деб турганда, оч-наҳор юриб кўринглар. (*Хўрлиги келади.*)

Фафур Фулом (*раҳми келган бўлиб*). Махмудхон, биласан, менинг бир яхши одатим бор. Сенга ўхшаб тишим йўқолиб қолмасин деб доим запасини ёнимда олиб юраман. Кел, шуни сенга бера қолай. Зора, бошқа тишларинг билан оғиз-бурун ўпишиб кетса. (*Ён чўнтағидан ўрама қогоз чиқариб, очади-да, ичидаги тишини тантанавор бир ҳолатда Маҳмудхонга беради.*) Мана, ола қол... Кейин ўзинг химматингга қараб мени хурсанд қиласан.

Собир Абдулла. Зўр одамсиз-да,Faфур ака! Хотамтой ҳам сиздек саховатли бўлмаган! Махмудхоннинг тиши йўқолиб қолишини олдиндан билгандек, запас тилла тишини олиб юрган экансиз.

Фафур Фулом. Бу ҳам бўлса Маҳмудхоннинг омади. Агар сизнинг тишингиз тушиб қолганида, бермаган бўлардим.

Собир Абдулла. Нега? Мени шунчалик хуш кўрмайсизми?

Фафур Фулом. Хуш кўришга-ку хуш кўраман. Аммо сизнинг ёмон одатингиз бор. Келиним Саодатни ўпаман, деб лабини тишлаб оласиз. (*Кулишади*.)

Маҳмудхон (*тўсатдан бақириб*). И-е, бу ўзимнинг тишим-ку! Мени шунаقا лақиллатасизларми, иккита шоир бир бўлиб!!!

Фафур Фулом. Тиш – керакли матоҳ, Маҳмудхон. Уни дуч келган жойда қолдириб кетавермайди, киши!

Ҳамма хаҳолаб кулади.

Учинчи кўриниш

Ўша жой. Ўша кишилар.

Машина овози келади. Шовқин-сурон билан шоиру хонандаю созандалар кириб келишади.

Собир Абдулла меҳмонлар келаётганини кўриб, уйдан янги болиш ва кўрпачалар олиб чиқиб, сўрига файз кирита бошлайди. Дастурхон ёзади.

Хабибий (*кириб*). Ассалому алайкум, азизлар!

Фафур Фулом (*у билан кўришиб*). Ҳабибий домла, яхши келдингизми? Сизни кўрсам, раҳматли отамни кўргандек бўламан. Доим беш юзинчи лампадек нур сочиб, нуроний отахон бўлиб юринг. (*Юнус Ражабий билан кўришиб*). Юнус тоға, сизни ҳам кўрар кун бор экан-а. Соғ-саломатмисиз? Бир арава бола-чакалардан ортиб, сўзимни қолдирмасдан келганингиз учун ташаккур...

Юнус Ражабий (*унинг сўзини бўлиб*). Faфурвой, сизни кечадан бери ахтараман, Собир Абдулланинг уйида ўтирибман чилла қилиб, демайсиз ҳам.

Faфур Fулом. Вой, тоға-ей, чиллани сизга чиқарган. Янгамнинг этакларидан ҳафталаб силжимайсиз. Танбурнинг қорнини чертиб ётганингиз ётган. (*Кулишади.*)

Юнус Ражабий. Кўзингиз тегди, мулла Faфур, кўзингиз тегди. Қариб ҳеч нарсага ярамай қолаяпман.

Faфур Fулом. Танбурдан дармон кетди, денг. Сизни яхши биламан. Кўз тегмасин деб белингизга тумор боғлаб юрасиз. Не-не созандалар танбур чертмай қўйишган, сиз ҳали ҳам танбур навосини жаранглатиб юрасиз.

Юнус Ражабий. Об-бо, Faфурво-ей, асқияни сизга чиқарган. Лофнинг аравасини олиб қочганингизда раҳматли Юсуфжон Қизик ҳам сизга бас келолмасди. Асли бу гапларингизни Ҳабибий домлага айтсангиз, ўринли бўлармиди.

Faфур Fулом. Нечук?

Юнус Ражабий. Ёзган ғазалларини ўкимаяпсизми? Ҳали ҳам ўлдим-куйдимдан нарига ўтмайдилар. Янгамизга ҳали ҳам тинчлик бермаяптилар чоғи.

Faфур Fулом. Шоирлар шунаقا бўлади ўзи, Юнус ака. Тўқсон ёшга тўлиб, оёқларидан дармон кетиб, чўзилиб ётишса ҳам, оғизларидан ишқмуҳаббат хуштаги тушмайди.

Юнус Ражабий. Кеча ўғилларидан янги ғазалларини юборибдилар, Юнус тоғангга бориб айт, шўхроқ куй басталасин, деб. Бу ғазалда нима ёзибдилар, денг:

*Хар замон кўрсам, ёшим улгайса ҳам, эй
сарвиноз,
Қоматим ҳам бўлмагай, қўлга асо даркор эмас.*

Кулишади.

Ҳабибий домла нимага шама қилаёттганларини сезаяпсизми, мулла Faфур. «Қоматим ҳам бўлмагай», деганларини қаранг! Шундай дейишга уялмайдилар ҳам. Яна мен бу ғазалга шўх куй басталар эмишманда, у кишим ғазални сарвинаозларга ашула қилиб айтиб берар эмишлар!

Кулги.

Faфур Fулом. Ҳабибий домланинг сарвинаози ким эканини наҳотки билмасангиз, Юнус ака! Мана, эшигинг:

*Ҳар кишининг таъбига лойиқ севикли ёри бор,
Толеимдан ўргилай, ёримга ҳеч ёр ўхшамас.*

Мана шунақа. Ҳабибий домла бегона сарвинаозга кўз қирини ташлайверадиган бастакору шоирлардан эмас. Ўзлари бу гуноҳли дунёда яшаётган бўлсалар ҳам, кўнгиллари арши аълодан пастга тушмайди. Бундай кўнгил базми жамшидни ҳам хуш кўрмайди, Юнус ака!

Ҳабибий. Мулла Faфур, бизни жуда узлатга чекинганлар қаторига киритиб юбордингиз. Базми жамшидга тушиб қолсак, сизни уялтирумаймиз. Пиёла узатасизми...

Faфур Fулом. Гул-лола кўрсатасизми...

Ҳабибий (*бу гапни эшийтмай*). Оёқ ўйинга тушасизми, сиз нима қилсангиз, биз ҳам шуни қилишга куч-дармон топамиз.

Юнус Ражабий (*чеккага*). Домласи тушмагур ҳали ҳам қариб қуийлмаганга ўхшайди.

Ҳабибий (*сезиб*). Бир нарса дегандек бўлдингизми, Ушшоқвой ака?

Юнус Ражабий. Мулла Faфурнинг ўзига ўхшаган қирчиллама йигитларни йиғдириб келганини айтаман, домла.

Фафур Фулом. Ҳали ҳам унча-мунча кирчиллама йигитлардан кам жойингиз йўқ. Камтарлик қилманг. Би-ир битингиз тўкилсин, деб сизларни олиб келгани Мустафони юборган эдим-да.

Юнус Ражабий. Барака топинг, мулла Фафур. (*Маҳмудхонга яқинлашиб.*) Лутф-алтофга берилиб, Дори-Дармонийни унутиб қўйдик чоғи. (*Маҳмудхон билан кўришишади.*) Соғ-саломат юрибсизми, Маҳмудхон? Аптекангизга биз, мўйсафидларбоп дори-дармонлар келиб туриптими?..

Фафур Фулом (*унинг сўзини бўлиб*). Кампирнинг дарди фўзада, деганлари шу-да. Аптекачини кўришса, дармон дорини суриштириб кетишади. Салом-алик ҳам ўлда-жўлда бўлади.

Хабибий (*ҳали ҳам уй билан сўри ўртасида елиб югурган Собир Абдуллага қараб*). Мулла Собир, тепага чиқиб олиб, тушгингиж келмай қолдими?

Фафур Фулом Тепага чиқиб олганидан кейин қайси ахмоқнинг пастга тушгиси келади?! (*Собир Абдуллага.*) Тушманг, Собиржон, зинхор туша кўрманг. Керак бўлса, сиз билан сўрашгани сўрига ўзлари чиқишин.

Юнус Ражабий (*ҳамроҳларига қараб*). Собиржон сизу биз ўлтирадиган жойни нозу неъматлар билан ясатаётган кўринадилар.

Фафур Фулом (Собир Абдуллага қараб).

Зохирни ясашдан дили виждонни ясантир,
Виждонни солиб ишга, бу давронни ясантир.

Хабибий

Ижод ила эк чўлу биёбонга қизил гул,
Кўп мева экиб, чўлу биёбонни ясантир.

Фафур Фулом

Меҳнат ила зеб боғла лаёқат-ҳунарингга,
Юлдуз яратиб, чакна-ю, осмонни ясантир.



Хабибий

Минбарга чикиб, бошла қўшиқларни уялмай,
Карсаклар ила халқ тўла майдонни ясантири.

Faфур Фулом

Нур чашмасидур халқинг учун қалби хазинанг,
Соч нур, бу ёруғ қалб ила инсонни ясантири!

Собир Абдулла (сўридан тушаётуб)

Сен элдан агар ширау шарбат умид этсанг,
Борбони бўл-у, боғ ила бўстонни ясантири.

Пастга тушиб, меҳмонлар билан кучоклашиб
кўришади.

Юнус Ражабий (*Собир Абдулла билан кўришар экан*). Боракалло, шоир дўстлар! Сизлар ҳаммаёкни боғу бўстонга айлантираётганингизда биз бир чеккада қўл қовуштириб турсак яранмас экан. (*Созандаларга*.) Қани, йигитлар, тезрок жойлашиб, асбобларни филофидан чиқариб олинглар.

Хабибий. Дилемдагини айтдингиз, оға. Дилем-сиз, дилем. Аммо шўхроғидан бўлса, Мулла Faфур билан Мулла Собиржоннинг маком қилганини кўриб, ором олармидик.

Faфур Фулом. Маҳмудхон дўстимни-чи? У бир куни тўйда хиром айлаганида, Мукаррамахоним бу тўйда менга эҳтиёж йўқ экан, деб тўрва-халтасини кўтариб чикиб кетган.

Собир Абдулла. Қани, меҳмонлар, марҳамат. Ким сўрини хоҳласа – сўрига, ким Пушкин билан Глинкага ўхшаб ўтиришни истаса – устол-устулга.

Ҳамма ўзи истаган ердан макон топиб ўтиради. Созандалар асбобларини созлаб, мумтоз куйлардан чала бошлайдилар.



Тўртинчи кўриниш

Ўша жойнинг гулзору дарахтзор томони.Faфур Фулом,Хабибий,Юнус Ражабий,Собир Абдулла ва Махмудхон сухбатлашиб юришибди.

Сахна очилган пайтда булбулнинг сайрагани эши-тилади.

Юнус Ражабий.Ота-боболаримизнинг яхши бир одатлари бўлган.Шаҳар ховлидан ташқари,дала ховлини ҳам барпо этишган улар.Ёзниг жазирама иссиқ кунлари бошланмасдан дала ховлига кўчиб чиқишган.Дала ховлида эса узум,олма,нок,анор,анжир дегандек ноз-неъматларнинг етмиш бир нави гуллаб,хосил берган.Улардан ташқари,райхону жамбилларнинг шилдираб оккан ариқ лабида бўй таратиб турганини айтмайсизми!

Faфур Фулом.Шоир бўлиб кетинг-е,уста.

Юнус Ражабий.Инсон дунёга бир марта келади.Шундай бўлгандан кейин,эмис-эркин яшashi,табиат етказиб берган ноз-неъматлардан тўла баҳраманд бўлиши лозим.Афсуски,большевиклар масjid ва мадрасаларимизни вайрон қилибгина колмай,йил бўйи бизни,қўни-қўшиларимизни ноз-неъмат билан таъминлайдиган дала ховлиларимизни ҳам тортиб олишди.

Faфур Фулом.Большевикларни кўп ёмонлай-верманг.Тўғрими,мулла Собир?

Собир Абдулла.Тўғри айтасиз.Дўппининг тагида одам бор,дейишади.Эшитган қулокнинг етказадиган оғзи ҳам бор.

Faфур Фулом (*киноя билан*).Яқинда большевиклар коммунизм деган жамиятни қуриб беришади.Шунда дала ховли ҳам бўлади,шахар ховли ҳам.Худди мулла Собиржоннинг боғига ўхшаган...



Юнус Ражабий. Кошкийди худо шундай кунларга етказса.

Faфур Fuлом. Уста, хафа бўлманг-ку, сиз ҳам, мен ҳам ёлғиз ўзимизни ўйлайдиган бўлиб қолганмиз. (*Киноя билан*) Ҳукумат ҳаммани ўйлаяпти. Агар илгари эллик-олтмиш нафар кишининг боғи бўлган бўлса, мана, ҳукумат Эски шаҳарда Пушкин номидаги, Янги шаҳарда Горький номидаги, Асака даҳасида немис биз билан урушиб юрмасиң, деб Тельман номидаги боғларни барпо этган. Бу боғларда сиз билан бизнинг оилаларимиз истироҳат қилишмоқда.

Хабибий. Дарвоке, мулла Faфур, Пушкин боғи тўғрисида яхши шеър ёзган эдингиз, шекилли.

Собир Абдулла (*ёд ўқий бошлайди*):

Бир ватанинг ўғлименким, ҳар тараф гул-лола боғ,
Қалб кўзидаи энг коронги кечада порлар чароғ.
Ҳар йигит мағруру ҳар қиз кўкраги қўш чўққи тоғ,
Сув десанг шарбат оқар, иқлим десанг, қаймогу ёғ,
Ўз-ўзини мақтаганда, мақтамай қолгайми мен?

Хабибий билан Юнус Ражабий. Боракалло.

Юнус Ражабий. Зўр шоирсиз-да, мулла Faфур. Чўлпон бўлиб кетинг-ей. (*Faфур Fuлом ни-мадир демоқчи бўлади. Давом этиб.*) Фақат сиз айтган боғлар жаннатнинг кавсар ҳовузли боғларига ўхшайди. Бу боғларда на бирор гулни узолмасанг, на думалаб ётолмасанг ошна-оғайнилар билан. На парранда боқолмасанг. На асалари тутолмасанг. Чунки, бу боғлар сизники ҳам, меники ҳам эмас, ҳукуматники!

Faфур Fuлом. Мана, қаранг, уста. Агар мана бу боғ мулла Собирнинг боғи эмас, ҳукуматнинг боғи бўлганида, мана бу жонворлар (*төвукларни кўрсатиб*) ҳансираб ётмаган бўларди.

(*Маҳмудхонга*). Бу товуқлар нимага ҳансираяпти,
Маҳмудхон? Фаҳмламадингми?

Маҳмудхон. Йўқ. Нимага ҳансираяпти?

Фафур Фулом. Мендан сўрайсан-а? Билсам,
сендан сўрармидим.

Маҳмудхон. Собиржон, ўзингиз айта қолинг,
товуқларингиз нега ҳансираяпти?

Собир Абдулла (*ўйлаб*). Кўп тухум туғса,
семиз товуқлар чарчаб қолади.

Маҳмудхон. Кўп тухум туғса, дедингизми?

Собир Абдулла. Ха, кўп туғишади. Масалан,
хув анави катта оккулок эрталабдан бери бешта
туғди. Энг кичиги учтадан...

Маҳмудхон. Бўлмаган гап! Мени лақиллат-
моқчимисиз, шоир? Шу ёшга кириб битта товуқ
бешта тухум туққанини эшиитмаганман.

Хабибий (*Собир Абдуллага, ўйинни давом эт-тириб*). Товуқларингиз кечгача қанча туғади?

Собир Абдулла. Бериладиган овқатга қараб.

Фафур Фулом. Дарвоке, Собиржон, товуқ-
ларингиз пишган тухум ҳам туғади, деб эшиитгандим.
Шу ростми?

Собир Абдулла. Рост,Faфур ака.

Хабибий. Бунақасини эшиитмаган эканман. Со-
биржон, агар сир бўлмаса, айтинг. Менинг болала-
рим баъзан тухумни пиширишга ҳам вақт тополмай
колишади.

Фафур Фулом. Худоёрхоннинг саройида
ҳам пишган тухум туғадиган товуқлар бўлган, деб
ўқигандим, бир фаранг сайёҳининг инқилобдан ав-
вал чоп этилган китобида. Собиржон ё шу китобни
ўқиган, ё Кўқондаги бирор чолдан эшиитган кўринади.

Юнус Ражабий (*баҳсга қўшилиб*). Собир-
жон, агар шу гап рост бўлса, сирини асло очманг.
Буни ихтиро дейишади. Бу катта илмий ва амалий
аҳамиятга молик ихтиро бўлиши мумкин. Агар те-

гишли идорага ёзиб юборсангиз, ҳам патент оласиз, ҳам машҳур ихтирочи деган ном қозонасиз. Ихтирочи-шоир деган унвонни ҳали хеч ким олмаган тарихда...

Фафур Фулом. Жуда феълингиз тор-да, уста. Шу сирни бизлар ҳам билсак, хотинларимиз бизни бошларига кўттарган бўлишарди. Уларнинг юкларини енгил қилган бўлардик. Айтинг, сиз янгамизниң белини қачонгача дол килиб юрасиз?

Хабибий. Ҳукумат, ихтиrolар – халққа, деб шиор ташлаган, уста. Биз ҳам шу ихтиродан умидвормиз. Айтинг, Собиржон!

Собир Абдулла. Айтмайман!

Махмудхон. Айта қолинг, Собиржон. Биз ёш бола эмасмиз: сир шу ерда қолади!

Хабибий. Ҳа, сирни ошкор қилмасликка ваъда берамиз.

Юнус Ражабий. Айтинг, Собиржон. Илтимос қиласмиз.

Собир Абдулла. Кўймадинглар, қўймадингларда!.. Фақат битта шарт билан айтаман. Эшитасизлар-у, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қолади.

Ҳамма. Розимиз, айтинг.

Собир Абдулла (*огзини қўли билан пана қилиб, секин овоз билан*). Бу товуқлар оддий товуқлар эмас. Қўқондан олиб келишган. Уларнинг ота-боболари Худоёрхоннинг саройида катта бўлишган. Товуқларим шундай зотли бўлгани учун уларга баъзан пиширилган овқат бераман. Иссиқ, ҳатто қайнок сув ичирман, баъзан шакар солинган кўк чой ҳам дамлаб бераман. Уларни шундай эркалаб, хурмат-иззат кўрсатган кунларимда пишган тухум туғишади.

Ҳамма ҳайрон.

Хабибий. Фаройиб воқеа!

Юнус Ражабий. Оламшумул кашфиёт!

Ҳамма Маҳмудхонга қарайди.

Маҳмудхон (*узоқ сукутдан сўнг, Собир Абдуллаға*). Ҳисоблаб чиқдим! Пишган тухум қимматга тушаркан!

Faфур Fулом. Яшавор, дўстим!.. Бир зумда хисоблаб чиқдинг-а! Машинасан, машина!

Кулги.

Кўчадан машина овози эши билади. Собир Абдулланинг: «Мустафо, кетаверинг. Faфур ака бугун ҳам бизни кида дам оладилар», – деган ва шу заҳоти Мустафонинг: «Собиржон ака, мени Муҳаррама ая юбордилар. Эртага Ҳиндистондан меҳмон келаётган экан. Faфур акани олиб кетаман», деган овози келади.

Собир Абдулла (*кириб, Faфур Fуломга*). Мустафо келди. Эртага хинди стонлик меҳмонларингиз келаётган экан. Faфур акани олиб кетаман, деб оёқтираб турипти.

Ҳабибий (*Faфур Fуломга*). Ким келаётган экан, мулла Faфур? Неру жаноблари эмасми?

Faфур Fулом. Йўқ, Ҳабибий домла. Икки кекса ҳинд ёзувчиси келиб, мен билан, менинг сизларга ўхшаган ажойиб дўстларим билан танишишмоқчи. Эртага кечкурун ҳаммангизни кутаман. Маҳмудхон, тағин бирор баҳона топиб, мени меҳмонлар олдида уялтириб қўйма. Улар ҳам сенга ўхшаган содда ва самими кишилар.

Саҳна қоронғилашади. Машинанинг кетаётган овози.

Радиодан Faфур Fуломнинг товуши эши билади:

*...Олам билар, Фурқат деган йўли бор,
Беруний майдони, Ёшлар кўли бор,
Муқимий биносин худди сўли бор,
Кўрсатувчи милиционер қўли бор.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!*

ИККИНЧИ ПАРДА

Сахна олди

Ичкаридан Юнус Ражабий ижросида мумтоз ўзбек халқ ашулаларидан бири эшигилмоқда. Орачора «Дўст», «Барака топиинг, Юнус ака!», «Саломат бўлинг», «Ўзингизга ҳам, овозингизга ҳам кўз тегмасин, уста!» деган овозлар келади.

Шу пайт прологдаги Йигит пайдо бўлади. У ёқ-бу ёққа мўралаб, ашула овози келаётган уйга кирмоқчи бўлади.

Йигит. Фурқат йўлию Ёшлар кўлини ҳам, «Муқими» театрининг сўлию, милиционернинг Арпапояга қараган қўлини ҳам топдим. Энди онасини йўқотган қўзидаи гаранг бўлиб турипман. Кирай десам, олтмиш-етмишни урган кишилар ашула тинглаб, бошларини сарак-сарак қилиб ўтиришипти. Улар орасига сукулиб кириб, бошимни мен ҳам сарак-сарак қилиб ўтиришга тоқатим йўқ. Кирмай десам, «Бизнинг уйга кириб ўтинг, дўстларим», деб кечкурун ҳам, эрталаб ҳам радиодан шеър ўқиди шоирFaфур Fулом. Кирай десам, «Сенга кўзим учиб турувдими, бола?!» деб энсаси қотиб ҳайдаб чиқарса, обрўйим бир пул бўлади. Кирмай десам, Faфур Fуломсиз ишим битмайдиганга ўхшайди. Кирай десам...

Шу пайт олисдан ҳуштак товуши эшигилади. Йигит ўзини панага уради.

Бешинчи кўриниш

Faфур Fуломнинг уйи. Шинамгина болаҳона. Саҳна ортида ажабтовур боғ. Кузнинг салқин шабадаси дарахтларни тилла кукунлар билан безаб кетган пайт.

Faфур Fулом, Ҳабибий, Маҳмудхон, созандалар ва бошқалар дастурхон атрофида сұхбат қуриб ўтиришипти.

Саҳна очилиши билан Юнус Ражабий кириб келади. «Хуш келибсиз!», «Яхши келдингизми, уста?», «Куттириб қўйдингиз. Кўзимиз тўрт бўлди сизни кутиб», деган овозлар.

Юнус Ражабий (*мөҳмонарга қуллуқ қилиб, Faфур Fуломга*). Зап ажойиб иш қилибсиз-да, мулла Faфур. Бизга ўхшаш калтафаҳм кишиларнинг ақлига келмайди, бу қилган улуғ ишингиз. Барака топинг, умрингиз узок бўлсин.

Faфур Fулом. Яқинда раҳматли Ҳамид Олимжонни туш кўрган эдим. Нима учундир кейинги кунларда уни бот-бот кўриб турибман, тушимда. «Раҳмат, дўстим, бола-чакамдан хабар олиб турибсан. Айниқса, аямнинг кўнглини сўраб турганингдан бошим осмонга етаяпти», деди. Ҳамид билан бир отамлашиб гаплашмоқчи эдим, шу пайт момагулдурак гулдураб, уйғониб кетдим. Ўша куниёқ Зулфиянинг уйига бир сават тандирдан янги узилган жizzали нон кўтариб бордим-да: «Зулфияхон, айланай, хушрўй келиним, мен анчадан бери бир ниятни дилимга туғиб юрган эдим. Шуни айтгани келдим», дедим. «Faфур ака, қандай ният? – деб сўради Зулфия тортиниб. Балки кўнглига бошқа бир фикр келгандир. Шуни пайқаб, тезроқ дилимдагини очдим. «Ниятим шуки, сен яхши шоира бўлиб етишдинг. Фақат Ўзбекистон эмас, сени бутун дунё

билади. Ҳамид эришмаган мартабаларга сен эришдинг. Сен бизнинг ифтихоримизсан! Шунинг учун мен сенинг шарафингга зиёфат бермокчиман», дедим. «Бу фикримни Мухаррама аянгта айтган эдим, у ҳам маъкуллаб, кўзига ёш олди. Келаётган шанба оқшомида сени, албатта, кутаман», дедим. «Факат кимлар билан, неча киши бўлиб келишингни айт. Ҳар бирингта бир кийимлик Марғилоннинг саккиз тепки атласидан тайёрлаб қўймоқчиман», дедим. Зулфия дугоналарини санай бошлади: (*бармоқларини бирмабир букиб*) Ҳалимахоним, Мукаррамахоним, Со-рахоним, Тамараҳоним, Бертаҳоним, Ҳадичаҳоним, Василаҳоним, Ҳабибаҳоним, Саидаҳоним...» Мана, улар бир уй бўлиб меҳмонхонани гуллатиб, менинг заъфарон кўнглимга қўклам уфорини пуркаб, яйраб-яшнаб ўтиришипти.

Ҳабибий. Минг тасанно сизга, муллаFaфур! Зулфияхонимнинг ўксик кўнглини осмон баравар кўтарадиган иш қилибсиз!

Юнус Ражабий. Мулла Faфур, даврада қимтиниб ўтирган икки аёлни танимадим. «Қаро қўзим»ни йиғлаб эшитиши. Улардан бирини раҳматли Ҳамиднинг онаси, десам, Комила ая барвастароқ эдими...

Faфур Fулом (кулиб). Бу жаннат гулларининг келишини эшитиб, ҳиндистонлик меҳмонларим типирчилаб қолиши. «Машхур ўзбек шоиру санъаткор аёллари билан бир даврада ўтиришни истаб қолиша бўладими? Мен Зулфия келинимга: «Даврангизга эркак зоти у ёқда турсин, дарвоза олдида туриб олиб, хатто эркак пашшани ҳам киритмайман», деб ваъда берган эдим. Аммо на илож, хонадонимга Абу Райҳон Беруний, Ҳусрав Дехлавий, Захириддин Муҳаммад Бобур сингари табаррук боларим руҳини олиб келган меҳмонларга «йўқ», десам, айб бўларди. Ўйлаб-ўйлаб бир хийла иш-

латдим. Тожикистандан Бадахшон гўзаллари киядиган икки-уч кўйлак олиб келган эдим, бахтга қарши, Мухаррамхонга торлик қилиб қолувди. Буни қарангки, Гурбахш Синг билан Навтеж Синг дeng ота-бола меҳмонларимга якон кийгизиб кўрган эдим, худонинг қудрати билан худди ўзларига тикилгандек бўлди. Бирам очилиб кетишдики, кўрган одам уларни Мукаррамхоним билан Тамараҳонимдан сира ажрата олмайди. Бошларига марғилонча рўмол танғиб, меҳмонхонанинг тўрида савлат тўкиб ўтиришипти. Бу сирдан факат Зулфия хабардору мен хабардорман. Зулфияхон меҳмонларимни ҳинд шоираси Амрита Притамнинг опалари, деб таништириди. Амрита Притамнинг бу опалари «тишлари оғриётгани учун» оғиз очмай, томоша қилиб ўтиришипти ҳозир.

Кулги.

Ҳабибий. Ана топқирлигу, мана топқирлик!
Гуллар ҳам хурсанд, тиканлар ҳам..

Faфур Fулом. Ҳай-ҳай, Ҳабибий домла, нималар деяпсиз? (*Ҳазиллашиб.*) Ҳали Ҳиндистондан мамлакатимизга дўстлик элчилари бўлиб келган мухтарам зотларни келиб-келиб тиканга ўхшатасизми?! Камина бу ўтириш тўғрисида тегишли жойга ҳисобот ёзиб беришим керак. Сирасини айтсан, ўтиришга сиз ҳам, Юнус aka ҳам, Маҳмудхон ҳам (*қўлинин кўкка бигиз қилиб*) уларнинг рухсати билан келгансиз.

Ҳабибий (*қўрқиб кетади*). Тавба килдим, тавба! Агар ҳисобот ёзадиган бўлсангиз, мен, қўконқишлоқлик оми шоирнинг номини ҳам, бояги сўзимни ҳам асло хат қилманг, мулла Faфур!

Faфур Fулом (*бошқаларга кўз қисиб*) Нима, (*яна қўлинин кўкка наиза қилиб*) уларни алдайми? Буюк ҳинд халқининг вакилларини тиканга

ўұшатганингизни ўзим айтдим, деб ёзайми? Ўзим балога гирифтор бўлайми?

Махмудхон. Йўқ, йўқ, мулла Faфур, сиз ўзбек халқига кераксиз. Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Fафур Fулом (*кўзини қисиб*). Қандай эҳтиёт қилай ўзимни, сизлар мени аждахонинг оғзига рўпара килиб турганингизда...

Хабибий. Хай-хай, мулла Faфур, одамни қўрқитманг. «Аждаҳо» деганингиз нимаси? «Тикан» деган сўзим қайда-ю, «аждаҳо» қайда! Еган-ичганим татисин, мулла Faфур! Мен ниҳояти айтмоқчи бўлганимни тушунасиз, деб ўйлаган эдим. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қолсин, иним! Шундок бўлсин!

Юнус Ражабий (*ўйин кетаётганини сезиб*). Энди, мулла Faфур, ҳаммамиз ҳам худонинг оқ сут эмган бандасимиз. Ҳабибий домла бу қалтис гапнинг оқибатини ўйламай дабдурустдан айтиб юбордилар. Шунақами, домла?

Ҳабибий. Шунақа-шунақа.

Юнус Ражабий. Агар ўша гап ёзилаётган бўлса, секин тузатиб қўйишнинг иложини топинг! (*Ҳабибийга қараб*.) Шунақами, домла?

Ҳабибий. Шунақа, шунақа.

Fафур Fулом. Қанақа «шунақа-шунақа»?

Юнус Ражабий. Яъниким, «Гуллар ҳам хурсанд, тиканлар ҳам», деган (*ургу билан*) машъум иборадаги «тиканлар» сўзини, масалан, (*ўйлаб*) «туваклар» деган сўз билан алмаштириб қўйинг. Гул ҳам, гулнинг туваги ҳам хурсанд, деган маъно чиқади. Биз радиода кўпинча шундай қиласиз.

Fафур Fулом (*кўз қисиб*). Юнусвой ака, сизни оқил ва доно акам деб хурмат қилиб юрсам, сиз ҳам мени хиёнат йўлига бошламоқчимисиз? Ичларингда бирор сиёсий ҳушёр одам борми ўзи?

Махмудхон (*жиддий*). Мен. Мен сиёсий ҳушёр одамман. (*Fафур Fуломга қараб*.) Ёдингизда бўлса,

Чўлпоннинг Ҳамза театридан қандай ҳайдалганини айтиб берган эдингиз. Келинг, биз ҳам мажлис килиб, Ҳабибий домлани шу сиёсий хатоси учун даврамиздан ўчирайлик. Ҳабибий домла уйларига бориб, дори-пори ичиб, ўзларига келсинлар. Шунда улар ҳам жазоланган, биз ҳам сиёсий хатога дахлдорликдан холи бўлурмиз.

Фафур Фулом. Мана, бор экан-ку сиёсий хушёр одам! Баракалла, Маҳмудхон! Сен фақат аптекачи эмас, замоннинг нозиклигини ҳам яхши тушунадиган заки одам экансан.

Маҳмудхон мамнун бўлганини яширмайди. Ҳабибий домла караҳт ҳолатда. Кўзларидан оқа бошлаган ёшни дастурхоннинг учи билан артади.

Ҳабибий. МуллаFaфур, (*сукум*) уйингизга келмай мен ўлай. Ўзи оёғим тортмай турган эди. Юнусвой: «Бирга борамиз. Кийина қолинг», деб қўймай олиб келган эдилар. Мана, Юнусвой, биз ҳам девор бўлмаса, кўчани кўрадиган одамлар тоифасиданмиз. Эсингиздами, Усмон ака: «Домла, Faфурнинг олдида эҳтиёт бўлинг», – дерди. Раҳматлининг гапига кирмай, шайтоннинг измига кириб, юзига оёқ босибман. (*Йиглади.*)

Юнус Ражабий. Хафа бўлманг, домла. Бу дунёда ўлимдан бошқа ҳамма нарсага даво топса бўлади. (*Faфур Fуломга қараб.*) Нима дейсиз, мулла Faфур? Даво топиладими?

Faфур Fулом. Ҳабибий домланинг ҳолатини кўриб, ўзимнинг ҳам раҳмим келяпти. Бир иложини қилмасак бўлмас. Туппа-тузук одам кексайган чоғида камалиб кетса, бизга ҳам касри уради.

Ҳабибий. «Қамалиб кетса? (*Жаҳл билан.*) Хали қамаламанми ҳам!

Юнус Ражабий. Ҳой, мулла Faфур! Ҳабибий домла қамаладиган иш қилмадилар-ку! Кексайган чоғларида у кишини ҳам, бизларни ҳам чўчитаверманг.

Махмудхон. Тўғри айтасиз, Юнус ака. Кексайган чоғимизда биз ҳам Ҳабибий домлага (*ўйлаб*) пе... пе... передача элтиб юрмайлик.

Ҳабибий (четга). Нафасинг курсин ...сен аптекачининг!

Юнус Ражабий (*у ёқ-бу ёқни текшириб бўлгач*). Сирасини айтсам, бу гапни факат ўзимиз эшитдик. Мана, ҳаммаёқни илма-тешик килиб чиқдим. Бирор ёзиб оладиган ускунани кўрмадим. Бунақа ускуна йўқ! Йўқ!! Бинобарин, ҳамма нарса ўзимизга боғлиқ. Қани, ким нимани таклиф қиласди? Айтинглар!

Ҳамма Faфур Фуломга карайди.

Faфур Фулом. Агар бирор идорага бориб гулламасанглар, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қолади.

Юнус Ражабий. Мана бу мард одамнинг гапи!

Махмудхон. Мана бу, валломатлик! Мана бу, чин дўстнинг иши! Омон бўл-ей, Faфурвой!

Юнус Ражабий. Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, мулла Faфур!

Махмудхон. Мендан ҳам!

Ҳабибий. Раҳмат, мулла Faфур! Умрингиз узок, мартабангиз яна ҳам баланд бўлсин!

Ҳамма хурсанд. Ҳабибий ўзи сезмаган ҳолда дўпписини осмонга отиб, илиб олади.

Юнус Ражабий (Ҳабибийга). Домла, балойи азимдан осон кутулганингиз учун яхши бир ўтириш килиб берасиз энди.

Faфур Fuлом. Agар Ҳабибий домла ўтиришдан қочадиган бўлса, мана мен, аканг қарағай сизларни кутаман.

Maҳмудхон. Нега энди сиз? Ҳам Ҳабибий домлани аждаҳо оғзидан олиб қоласиз-да, ҳам ўзингиз ўтиришни қилиб берасизми?

Ҳабибий. Қанака аждаҳо? Мен аждаҳо оғзига тушадиган иш қилибманми? Гапингизни ўйлаб гапиринг, Maҳмудхон! Нима бало аптекангиздаги аччиқ дориларни ичиб олганмисиз, оғзингиздан нукул сассиқ гап чиқаяпти?!

Maҳмудхон. Аждаҳо оғзига тушай деб турганингизни ҳаммамиз кўриб турдик-ку, домла. Яхши ҳамки мулла Faфур иложини топиб, сизни (*беозорроқ сўз ахтариб*) ...илоннинг оғзидан олиб қолди. Maбодо сизнинг ўрнингизда бўлганимда, мен жон-жон деб ўтириш қилиб берган бўлардим.

Юнус Ражабий. Энди қизишмайлик, биродарлар. Ҳабибий домла ошдан қочадиган одам эмаслар. Ёзган битта ғазалларининг қалам ҳақи бир эмас, икки-уч ошга етади.

Faфур Fuлом. Ундай бўлса, ўтиришга борадиган жўраларнинг, дастурхонга олинадиган нознеъматларнинг рўйхатини тузайлик.

Maҳмудхон. Янги сўйилган қўй гўштига қилинган ошни емаганимга анча бўлди. Молбозорда кора қўчкорлар сероб бўлиб қолган. Домла, истасангиз ўғлингиз билан бозорга бирга бориб, бир бўрдоки қўчкорни ўзим танлаб берсам.

Юнус Ражабий (*Ҳабибийнинг асабийлашаётганини кўриб*). Бўрдоки қўй бўлиши шарт эмас. Домлага жабр қилмайлик. Фазал қачон ёзилади-ю, қачон унга куй басталанади? Қачон ашула бўлиб эфирга чиқади-ю, қачон қалам ҳақи тегади?

Faфур Fuлом. Нима демоқчисиз, уста? Битта ошга шунча олди-бердими?

Юнус Ражабий. Айтмоқчиманки, инон-ихтиёрни Ҳабибий домланинг ўзларига берайлик. Биз қозонни ёпишга ёпдик. Агар у кишининг ўзлари бошқа қозонда жиз-биз қилиб бераман, десалар, рози бўлмасдан иложимиз қанча!

Ҳабибий. Ўтириш бўлса, ўтириш. Битта ўтириш сизлардан айлансин, сиёсий ҳушёр жўралар!

Юнус Ражабий (*Ҳабибийнинг сўнгги сўзини эшишмаганга олиб*). Бу бошқа гап! Розимисиз, жўралар?

Махмудхон. Мен икки қўлимни кўтараман.

Ҳабибий (*четга*). Кўлинг курсин кўтарилиб тушаверадиган!

Фафур Фулом. Мен ҳам розиман. Мана, Ҳабибий домла, қандай ажойиб, инсонпарвар дўстларингиз бор! Сизни, керак бўлса, ернинг тагидан ҳам олиб чикишади. Бундай дўстлар учун битта ўтириш эмас, ўнта ўтириш қилиб берсангиз ҳам оз!

Ҳабибий (*киноявий*). Ҳа, ажойиб, инсонпарвар дўстлар эканлигинги кўриб турибман. Буни қаранг, битта тиканинг ичидан битта ўтиришни суфуриб олдинглар. Раҳматли Усмон ака, «Фафурнинг олдида эҳтиёт бўл!» деб бекорга тайинламаган эканлар. Сал бўлмаса, битта тикан деб жонимни суфуриб олардингиз-а, инсонпарвар, ажойиб дўстларим!

Кулги.

Шу пайт аёл либосидаги ҳинду мөхмонлар хонага кириб келишади.

Мөхмонлар: Намасте, намасте!

Дилгир Ҳабибий уларнинг кулгили қиёфаларини кўриб, чехраси очилади.

Фафур Фулом (*мөхмонларга*). Азиз мөхмонлар, қалай, жаннатта кириб чиққандек бўлдингларми?

Ўзбек гўзалларининг нафис мажлиси сизга манзур бўлдими? (*Юнус Ражабийни кўрсатиб.*) Юнусвой акамиз, меҳмонлар Мукаррамахонимдан кўзларини узмай ўтиришипти, дедилар. Шу ростми? Гурбахш дўстим, агар ўғлингиз Мукаррамахонимгами ё бошқа бир жононгами ошифта бўлиб қолган бўлса, каминаи камтарин совчилик қилишга тайёрман. Факат бир шарт билан: менга ҳам Наргиснimi ё бошқа бир ҳинд гўзалиними олиб берасиз. (*Кулишади.*)

Гурбахш Синг (*ҳинд тилида*). Жуда ажойиб анжуман бўлди. Айни пайтда бу анжумани анжу-ман эмас, гўзаллар танлови деса ҳам бўлади. Агар ёшрок бўлганимда, ўғлимдан олдин ўзим шулардан бирини менга олиб беринг, деб сизга ёпишиб олган бўлардим.

Нантеж Синг (*ҳинд тилида*). Олган таассу-ротларимни дадамнинг олдида айттолмайман. (*Ҳазиллашиб.*) Агар мана шу гўзаллардан биронтасини менга олиб берсангиз, Калькутта билан Бомбайни ҳам сотишга тайёрман.

Фафур Фулом. Самарқанду Бухорони сотмоқчи бўлган Ҳофизга ўхшаб-а?

Кулги.

Меҳмонлар (*ҳинд тилида*). Энди бизга ҳордик олишимиз учун ижозат берсангиз.

Фафур Фулом. Сизларни дўст-ёрларим билан таниширишга улгурмадим. Бу киши (*Ҳабибийни кўрсатиб*) мавлоно Ҳабибий бўладилар, ўзбекнинг катта шоири (*меҳмонлар Ҳабибий билан қучоқ очиб кўришишади*). Бу муҳтарам зотнинг ёнларидағи – машхур ўзбек бастакори ва ҳофизи Юнус Ражабий, мумтоз ҳалқ ашулаларининг беназир ижрочиси (*меҳмонлар Юнус Ражабий билан ҳам қучоқ очиб*

кўришишади). Мана бу тарвузга ўхшаган думалок киши – менинг болалик дўстим, машхур аптекачи Махмудхон Ҳушёрхонов (*мехмонлар Маҳмудхон билан қучоқ очиб кўришишади*). Булар (*созандаларни кўрсатиб*) Ўзбекистоннинг машхур созандалари. (*Мехмонлар икки қўлларининг учларини кўкракларига яқинлаштириб кўришган бўладилар.*) Майли, сизларга ижозат. Энди истироҳат қилинглар. Тушларингизга яна ўзбек гўзаллари кирсин.

Мехмонлар чиқишидиди.

Олтинчи кўриниш

Ўша жой. Ўша кишилар.

Юнус Ражабий созандалар жўрлигида мумтоз халқ ашулаларидан бирини айтаётган пайтда парда очилади.

Фафур Фулом (*ашула тугагандан сўнг*). Яшанг, уста. Шу ашулангизни Файратий, яхши кўрганидан, сизга жўр бўларди.

Юнус Ражабий. Дарвоқе, Файратий анчадан бери кўринмайди. Саломатми?

Фафур Фулом. Бироз бетоб эди. «Ўзимни яхши сезсам, албатта, бораман», деган. Балки оқшомга қадар келиб қолар.

Шу пайт бизга таниш Йигит эшикдан мўралайди, сўнгра киради.

Йигит. Ассалому алайкум, ҳурматли устозлар! (*Юнус Ражабийга*.) Ашулангизни тугатишигизни кутиб турувдим. Аммо-лекин маза қилиб эшитдим, раҳмат, устоз!

Фафур Фулом (*Йигитга*). Ким бўласан? Мана, кўриб турибсан: бутун мен бандман. Шеър-пер сўраб келган бўлсанг, чакки қилибсан. Эртага кел.

Йигит. Ишим зарил, Faфур дада. Эртага кеч бўлади.

Faфур Fулом. Нима экан, якшанбада, албатта, битиши лозим бўлган иш?

Йигит. Мени ҳайдашди.

Faфур Fулом. Каердан ҳайдашди?

Номаълум йигит. Институтдан.

Faфур Fулом. Қайси институтдан?

Номаълум йигит. Театр-рассомчилик институтидан?

Faфур Fулом. Менинг бу институтга нима дахлим бор?

Йигит. Институт директорининг кабинетида сизнинг катта портретингиз осиғлиқ турипти.

Faфур Fулом. Агар директорингниң кабинетида Станиславскийнинг портрети осилиб турганда, унинг олдига борган бўлармидинг?

Йигит. Директоримизниң кабинетида Станиславскийнинг портрети осилиб турмайди. У театрни эмас, поэзияни севади. У сизнинг мухлисингиз.

Faфур Fулом. Шундай дегин.

Йигит. Шундай.

Faфур Fулом. Хўш, мендан нима истайсан? Мен сенга қандай ёрдам беришим керак?

Йигит. Шу мухлисингизга бир оғиз айтиб қўйсангиз.

Faфур Fулом. Нимани?

Йигит. Фалончи менинг ўғлим бўлади, уни ўқишга тиклаб қўй, деб қўнғироқ қилсангиз.

Faфур Fулом. Менинг ҳамма ўғилларим институтни битириб, профессор бўлганларини бутун дунё билади. Агар директоринг чиндан ҳам мухлисим бўлса, буни у ҳам билади.

Йигит. Ёш пайтимда келганимда мени «ўғлим», деган эдингиз, суйиб... Эсингидан чиқдими?

Фафур Фулом. Бу ёғи қизик бўлди-ку. Качон келгандинг? Ким билан келгандинг?

Йигит. Отам билан ёш пайтимда келган эдим. Ўшанда бошимни силаб: «Ўғлим, ўғлим», деган эдингиз.

Фафур Фулом. Отанг ким бўлади?

Йигит (*ўйлаб*). Адҳам Ҳамдам.

Фафур Фулом. Ҳали Фарғонанинг афандиси Адҳам Ҳамдамнинг ўғлимисан!

Йигит. Ха, Адҳам Ҳамдамнинг ўғлиман.

Фафур Фулом. Отанг ҳуда-бехудага келавер-масди.

Йигит. Тушунмадим.

Фафур Фулом. Бемавруд келдинг, болам.

Йигит. «Ўғлим!» денг, дадажон!

Фафур Фулом. Отангдан ҳам баттар шилқим кўринасан, Адҳам афандининг ўғли!

Йигит (*ялинаб*). Директоримга қўнғирок килсангиз, дадажон! Мана, телефони! (*Бир парча қоғозни беради.*)

Фафур Фулом. Юнусвой ака, Файратийни соғиндим, деганмидингиз?

Юнус Ражабий. Ҳа, келса, яхши бўларди.

Фафур Фулом. Шу болани юборайлик Файратийнинг уйига. Ўликни ҳам тирилтириб келадиган абжирга ўхшайди.

Юнус Ражабий. Агар меҳмон аёлларингиз қўзғолмасларидан келса, унга ҳам Бадахшон қизларининг либосларини кийгизиб, улар орасига киритиб юборган бўлардик.

Фафур Фулом Юнус Ражабийга «қойил», дегандек имо қилиб, токчадан қоғоз-қалам олади-да, хат ёзишга тушади.

Фафур Фулом (*Йигитга*). Бор, сен чикиб тур. Шоир Файратийга хат ёзиб бераман. Олиб борасан.

Директоринг Файратийнинг жияни бўлади. Айтсанг, қўнғироқ қилади.

Йигит чиқади.

Faфур Fулом (овоз чиқарив ёзди).

«*Файрато, ёнингдаги шилқимни барбод айлагил,
Адресимиз Аррапоя, сен буни ёд айлагил.
Абдумаҳмуду Ҳабибий тўти қушдек интизор,
Тез келиб, сұхбат аро базмимни обод айлагил.*»

Юнус Ражабийнинг исм-шарифини шеърга қўшмадим. Бунга сабаб у киши заёмда юз минг сўм ютганлар. Ёмон ниятли одамлар сезмаслиги керак. Хозирча Уста Юнус Ражабий секрет. Сенга ҳурмат билан Мирзо Абдул Қодир Faфур Шоший, собик Коратоший».

Юнус Ражабий. Мулла Faфур, мен ҳам ошга тушадиганга ўхшаб қолдимми?

Fафур Fулом. Хотиржам бўлинг. Сизнинг заёмдан 100 минг сўм ютганингиз хозирча сир.

Fафур Fулом хатни конвертга солиб, олиб чиқади ва бир неча сониядан кейин қайтиб киради.

Fафур Fулом. Узокдан аёлларимизни кўрдим. Чамаси, ховлини айланиб, гулларурайхону жамбилларни исказ, яна меҳмонхонага кираётган кўринадилар. Куз кунлари оқшом тушиши билан одамзод ғаройиб хаёллар оғушида қолади. Қани, кўрайлик-чи, бизнинг аёлларимиз қандай хаёллар канотида парвоз этишар экан?

Юнус Ражабий. Фақат шоир эмас, рухшунос олимҳамман, денг, мулла Faфур!

Ҳабибий. Шоир зоти аввало рухшунос бўлади, уста. Киши рухини билмаган, шу рухнинг нозик торларини чERTолмаган шоир – шоир эмас.

Faфур Fулом. Афсуски, шоир ўз рухининг хамма ҳаракатини ва ўз қалбининг барча жилвалари-ни қофозга тушира олмайди. Шеърга шоир қалбидағи ҳаяжон ва бўронларнинг беш-ўн фоизигина тушади, холос.

Махмудхон. Нега? Масалан, сиздек катта шоир кўрган-билганларингизни бизга юз фоиз қилибгина эмас, қўшиб-чатиб юз эллик икки юз фоиз қилиб ҳам айтиб берасиз-ку!

Faфур Fулом. Айтиб бериш бошқа, шеър қилиш бошқа. Мана, Зулфияхонни олайлик. Ҳамид Олимжоннинг ўлимидан кейин у қандай руҳий бўронларни бошидан кечирмади. Агар бирор шоир шундай бўронларнинг ҳаммасини қофозга туширса ё туширишга уринса, жинни бўлиб қоларди.

Шу пайт аёллар хонасидан қўшиқ садолари эши-тила бошлайди. Бу садолар ёқимли бўлгани учун Faфур Fулом эшик ва деразаларни ланг очиб юбо-ради. Ҳалима Носирова ижросида «Тановар»нинг дилбар мавжлари хонага оқиб киради. Ҳамма лол ҳолатда. Айниқса, Faфур Fулом.

Faфур Fулом. «Тановар»! Ота-боболарим ярат-ган мусиқий санъат мўъжизаси!..

Секин-аста ашулага Faфур Fулом, Юнус Ра-жабий, Ҳабибий ва Махмудхон ҳам қўшиладилар. «Тановар» баланд пардаларда янграб, бутун оламни эгаллагандек бўлади.

*Энди сендек, жоно, жонон қайдадур,
Кўриб гул юзингни бодга бандадур,*

*Сақлай ишқинг токи жоним тандадур,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.*

Саҳна коронfilaшади.

УЧИНЧИ ПАРДА

Еттинчи кўриниш

Ўша жой. Faфур Fуломдан бошқа барча иштирокчилар шу ерда. Уларнинг бирлари чой ичиб, бирлари китоб жовонини титкилаб, бирлари деразадан шоир боғини томоша қилиб туришибди.

Шу пайт уй олдига келиб тўхтаган машина овози келади. Бир оздан сўнг товушлар эшитилади.

Файратий овози. Faфур, бу хира элчинг, бетоб бўлиб ётганимга қарамай, тўшакдан турғизиб олиб келди. Шошганимдан, пул олмай чиқкан эканман, таксичи эшикда дарғазаб бўлиб турипти. Бир икки сўм бериб юбор унга.

Faфур Fулом овози. Ма, олиб чиқиб бер. Такси бу пулга ўзингни ҳам Ҳиротгача элтиб қўяди. (Бир оздан сўнг.) Ҳа, яна келдингми? Катталарнинг этагида ўрмалашиб нима қиласан, бола?

Йигит овози. Дадажон, мен ҳам сизга ўхашаш қайсарман. Бола дадасига ўхшамай, кимга ўхшасин!

Faфур Fулом овози. Ҳой, бола, бу гапингни отанг эшитмасин. Сени ҳам ўтмас пичоқ билан сўяди, мени ҳам зуғумга олади.

Йигит овози. Отам сўйса, мени шундай деганим учун эмас, ўқишдан ҳайдалганим учун сўяди. Агар менга раҳмингиз келиб, директоримга қўнғироқ қилмасангиз, институтдан ҳайдалган талаба бўлиб уйингизда хизмат қилиб юравераман.

Файратий овози. Қип-қизил дардисар экансанку, бола! Faфур, бу болани қаердан топдинг?

Faфур Фулом овози. Мен-ку ундан қутула олмай сенга юборган эдим. Сен ҳам адаштириб келмабсан-да, бу хира пашшани!

Файратий овози. Кел, дүстим, қўнғирок қилмасанг, барибир қўймайди, бу бола. Қўнғирок қила қол, ўша институтининг директорига. Балки шу боланинг одам бўлишига сабабчи бўлиб қоларсан.

Файратий, Faфур Фулом ва уларга эргашиб Йигит ҳам кириб келишади.

Файратий (*кириб*). О, жамоат жам-ку! Мушоира бўлаяптими ё мақомхонлик? Маҳмудхоннинг борлигига қараганда, қўпроқ гурунгга ўхшайди. (*Ҳаммалари билан қўришади.*)

Хабибий. Келиб яхши қилдингиз, мулла Файрат. Булар учовлашиб менга ағёрлик қилишаётган эди. Бекордан-бекорга битта ошга тушиб турипман, шу чоғда.

Файратий. Нучук? Дуо ўкиб, келаётган балоқазоларни қайтармадингизми?

Хабибий. Елкамга ош тушганига ҳам шукур килиб турибман. Ош қолиб, палахмон тоши ҳам тушиши ҳеч гап эмас эди.

Faфур Фулом. Домла кексайган чоғларида ношукур бўлиб қолиптилар. Қўпол сиёсий хато қилганларини айтмайман сенга. Ёпиғлиқ қозон – ёпиғлиқ қолсин.

Юнус Ражабий. Ўтган ишга салавот, азизлар. Мана энди жамоат жам бўлиб, яхши-яхши гаплардан сўзлашсак ярашади.

Маҳмудхон. Шундай бўлсин. Уста, бир танбур чертиб, хониш қилсангиз.



Юнус Ражабий. Мен ҳам худди шундай нијатдаман. (*Faфур Fуломга қараб.*) Мулла Faфур, шу топда елкамга илҳом фариштаси кўниб, икки қатор шеър тўкидим.

Faфур Fулом ва бошқалар. Қани, эшистайлик.

Юнус Ражабий.

*Келиб қолди шу пайт дўстим, доно Fайратий,
Кўлга олиб танбуримни расо сайратий!*

Махмудхон. Шоир бўлиб кетинг-ей!

Хабибий. Йўқ, уста, ҳамма ўз касбининг эта-
гидан тутгани маъқул. Агар шундай қадди-қомати
келишган шеърларни ёзаверсангиз, Faфур Fуломдек
шоири давронни ҳам аро йўлда қолдириб кетасиз.

Кулишади.

Faфур Fулом (*қўлига танбурни олиб*). Мен
танбурнинг қулоғини кам бураб, торларини кам чер-
тишимнинг сабаби ҳам шу: сизни йўлда қолдириб
кетмай дейман, уста!

Кулишади.

Дафъатан куз шамоли эсиб, дераза пардаларини
шиддат билан ўйнайди. Кун совиб, ҳаво ўзгаради.
Сўнг аҳён-аҳёнда тўкила бошлаган ёмғир тезда май-
да қорга айланади. Кор тобора шиддатли тус олади.
Мана, расмана чиройли, йирик-йирик қор ёғиб, паға-
паға оппок булут янглиғ, теварак-атрофни забт этиб
бормоқда.

Хабибий (*ҳайратланиб*). Яхши одамнинг сада-
каси кетсанг арзийди. Оппок қор олиб келдингиз,
мулла Fайратий!

Фафур Фулом. Қаранг, фаришталар осмондан парқув болишларининг боғичини ечиб, оппок патларни яхши ниятлар ила сиз билан бизнинг устимизга сочишмоқда. Кор – барака белгиси! (*Баланд товуш билан.*) Зулфияхон, кўряпсизларми, сизлар шарифингизга қор ёғмоқда! Илк қор!..

«Кўраяпмиз! Қандай ажойиб оқшом-а! Faфур ака, корни ҳам заказ қилган эдингизми?!» деган овозлар.

Faфур Фулом (*Юнус Ражабийга қараб.*) Уста, сизнинг елкангизга қўнган илҳом фариштаси учиб, менинг елкамга қўнган кўринади.

Юнус Ражабий. Қани, бўлмаса, сиздан эшитайлик.

Хабибий. Илҳом фариштаси қулоғингизга нималар деганини бизлар ҳам билайлик!

Faфур Фулом (*осмонга қараб*).

*Катта парқув болишдек келгуси неъматларнинг
Ҳаммамизга сут берган онахон сийнаси бу.*

*Ўзбек шуҳрат қозонган офтоб-маърифатнинг
Бугунги хуш оқшомда суви, хазинаси бу...*

«Тасанно», «Саломат бўлинг!» деган овозлар.

Хабибий. Мулла Faфур, биринчи қор сизнинг уйингизга келганимизда ёғаяпти. Оллоҳ сизни сийлар экан.

Faфур Фулом. Кор ...уйимда ёлғиз зерикиб, йиғламоқдан бери бўлиб ўтирган пайтларимда ҳам ёғиши мумкин эди. Лекин қор сиз, азизлар, келган кунингиз ёғаяпти: Оллоҳ аввало сизларни, кўшни хонадаги аёлларимизни сийлар экан.

Файратий. Қани энди табиатнинг шу гўзал мўъжизасини Собир Абдулла ҳам биз билан бирга

кўрганида!.. Дарвоқе,Faфур, Собиржон кўринмаяпти?
Бетоб эмасми?

Фафур Фулом. Бугун оқшом чоғи хотини Кўкондан поездда бола-чақасини олиб келади. Собиржон бу дунёдаги энг жентилмен эрлардан эмасми, кир-пир чайиб, хамир қориб, қозонга олов ёқиб, «Хотинжон, қачон келасиз?» деб интизор кўзларидан дув-дув ёш тўкиб ўтирипти, ҳозир!

Махмудхон. Маза-маза, Собиржоннинг хотинига маза. Собиржон эр эмас, хазина!

Фафур Фулом. Битта Собиржон эмас, ҳаммангиз ҳам хазинасиз!

Юнус Ражабий. Агар Собиржон аёл киши бўлиб туғилганида, унга ўзим уйланган бўлардим!
(*Кулишади.*)

Ҳабибий. Мулла Faфур, ёшроқ чоғимиз бўлганида, бир ғаройиб корхат ёзиб, Собиржонга юборган бўлармидик!

Юнус Ражабий. Нима, корхат ёзишга хам ярамайдиган, «пуф!» деса, янги туғилган мушукнинг боласидек думалаб тушаверадиган чоллар бўлиб қолдикими?!

Фафур Фулом. Тўғри айтасиз, уста. Корхатни биз, шоири давронлар, ёзмасак, ҳали тухумдан чиқмаган болалар ёзадими? Файрат, қоғоз-қаламни тайёрла! Бирга корхат ёзамиз.

Файратий ўз уйида юрган кишидек, деворга ўрнатилган шкафни очиб, қоғоз, қалам, сиёҳдон ва ручка олади-да, келиб ўтиради.

Фафур Фулом (*қор ёгишига бир оз маҳлиё бўлиб, сўнгра айта бошлийди, Fайратий ёзив боради*). «Азиз дўстимиз Собиржон ибни Абдуллоҳга етиб маълум бўлсинким:

Кўлингизда яркираб турган бу хат – қорхат, укам,
Кўлга тушдингиз, иложсиз, белни боғлайсиз маҳкам.
Бисти гавжум йифилурмиз улфати чор, ўргилай,
Ҳарнаки топган-таянган бўлса noctor, ўргилай.
Ўн қадоқ гўшт, бир қази – Тошкентча «норин»
дейдилар,

Кўлга тушгач, хоҳ ранжи, хохи оғрин, дейдилар.
Битта хуш хониш дуторчи кизгина бўлса фаранг,
Фозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.
Мен-ку, ичмайман, ароқхўрнинг ароқдир шеваси,
Менга басдир бир яшик «Жигулёвский» пивоси.
Иссик уйда сиз мулозим, биз таралло қилгумиз,
Мияни кўлга қокиб бергунча ялло қилгумиз.
Воқеан, ёддан чиқай дебдир талабнинг тантиси:
Яхна гўшт, япроқ қази, закускамизнинг мантиси...
Собиро, тан бер ўзинг ҳам, биз каби меҳмон қани?
Интизор кўзлар-ла кутган сендайин мезбон қани? –
деб Fafur ал-Фулом».

Юнус Ражабий. Агар Собиржон сезиб қолиб,
хатни қайтариб юборса-чи, унда нима бўлади?

Fafur Fulom. Fajrat, ёз: «Кўлга тушсам,
жавобгарман», деб. (*Fajratiy* бу сўзларни ёзиб
бўлгач, ўзи қўл қўяди.) Мана, қўл қўйдим... Хой,
бола, қаердасан?

Йигит. Шу ердаман.

Fafur Fulom. Sobir Abdulla degan зўр
шоирни эшитганмисан? Унинг пьесалари қўйилмаган
театр йўқ, бу дунёда. Сенинг директоринг ҳам мен-
дан кўра кўпроқ Sobir Abdullanинг гапига қулоқ
солади. Мана шу хатни олиб бориб, шахсан унинг
қўлига топширасан-да, дархол қуён бўласан! Тушун-
дингми?

Йигит. Тушундим, дадажон! Sobir Abdullaga
қуённинг расмини кўрсатаман-да, шу захоти учиб
келаман.

Фафур Фулом. Оқ йўл сенга!

Тантанавор куй.
Сахна қоронғилашади.

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Саккизинчи кўриниш

Дўрмондаги Ёзувчиларнинг ижод боғи. Кенгмўл хона. Стол-стулларнинг бир қисми жой-жойига қўйилган, бир қисми эса чеккада бир-бирининг устига тахланганича турибди. Деразадан боғнинг сўлим қишки манзараси кўзга яққол ташланади...

Собир Абдулла телефон гўшагини қўйиб, ким биландир сўзлашмокда.

Собир Абдулла (*сахна ташқарисида юрган кишига қараб*).Faфур Фуломнинг истаги билан корхат зиёфатини Дўрмонга кўчирдим. Бола-чақанинг бағир-буғиридан четда, хилватда кечган гурунг нашъали бўлади, деди. Колаверса, Шайх билан Миртемир хам шу ерда ижод қилишаётган экан. Абдулла Қаххорни-ку онаси Дўрмонда туқкан – Дўрмондан бир қадам ҳам силжимайди. Шухрат билан Ҳамид Фулом ҳам уч-тўрт нафар шогирдини олиб келиб қолар. Ҳар ҳолда, 20–30 кишини қиши куни уйда кутишнинг ўзи бўлмайди.

Овоз. Янгам ҳам келиб қоларлар-а?

Собир Абдулла. Янгангни Адҳам Ҳамдамнинг ўғли пишириқларни кўтаришиб олиб келади. Мен ҳам уларнинг келишини кутиб турибман.

Овоз. Ҳадемай меҳмонларингиз кела бошлашади. Масаллик ҳали келмагани учун қозонга олов ёқолмай турибман.

Собир Абдулла. Янгангнинг кечикадиган одати йўқ эди. Адҳам Ҳамдамнинг ўғли-ку юлдузни бенаарвон урадиганлардан кўринади. Бир оз кутайлик. Янганг нўхатни кеча кечқурун увитиб қўйган. Моҳора – ярим соатда тайёр бўладиган таом. Катта қозонга ўт ёкиб турсанг ҳам бўлади.

Кўшни хонадан чиқиб кетаётган кишининг шарпаси.

Телефон жиринглайди.

Собир Абдулла (*гўшакни олиб*). Лаббай.

Овоз. Собиржон, қўй бордими? Пулим камроқ эди, 200 сўм бердим. Яна бирор кишидан пул топдимикан?

Собир Абдулла. Нега 200 сўм бердингиз? Адҳамнинг ўғли қўй учун ҳам, бозордан оладиган бошқа нарсалар учун ҳам етарли пул олган-ку мендан!

Овоз. И-я! Менга Собиржон акам камхарж эканлар, қўйга пул етмай турипти, деди-ку!

Собир Абдулла. Маҳмудхон ака, адашмаяпсизми? Адҳамнинг ўғли сизга шундай дедими?

Овоз. Ха, Адҳамнинг ўғли! Яна меҳмонлар қишуни шамоллаб колишса, деб минг хил дори-дармонларни насияга олиб кетди.

Собир Абдулла. Ҳой,Faфур аканинг аптекачи ҳазилкаш дўсти! Мени қўрқитманг! Улар кечикиб тургани учун юрагим така-пука бўлиб турипти, ўзи. Тезроқ келинг.

Овоз. Ҳазиллашаётганим йўқ, мулла Собиржон. Менинг ҳазиллашганимни кўрганмисиз? (*Гўшакнинг қўйилган товуши.*)

Собир Абдулла. Бу бола хомлик қилиб пулни олдириб қўйдимикин? Тавба! (*Уйига қўнгироқ қиласи.*) Алло! Яшнаой, қизим, ойинг уйдами? Чакир. Саодатхон, нега шу пайтгача келмаяпсизлар?

Мехмонларнинг келадиган пайти яқинлашиб қолдику! Ошпаз қозонга ўт ёқмай сизларнинг масаллик олиб келишингларни кутиб ўтирипти.

Овоз. Адҳамжоннинг ўғлини кутиб ўтирибман. Барвакт келаман, деган эди, ҳанузгача дараги йўқ. Мошина-пошина уриб кетмадимикин ишқилиб? Бирор фалокат рўй берган бўлса, отасига нима деймиз?

Собир Абдулла. Нафасингизни иссик қилинг, хоним. Келиши билан йўлга тушинглар.

Овоз. Хўп бўлади, дадаси.

Ҳабибий билан Юнус Ражабий кириб келишади.

Ҳабибий (*кўришиб*). Ассалому алайкум, мулла Собиржон! Қиши куни уринтириб кўймадикми сизни?

Юнус Ражабий (*кўришиб*). Чарчатиб кўймадикми, Собиржон? Яна ўтиришни Дўрмонга кўчирибсиз. Кўпроқ меҳмонларни айтган кўринасиз?

Собир Абдулла (*ташвишли бир ҳолатда*). Faфур аканинг маслаҳати. Ишқилиб уятда қолмай, уста.

Юнус Ражабий. Нега уятда қолар экансиз, Собиржон? Янгамиз билан бирга қанчадан-қанча меҳмонларни кутавериб, тажрибангиз ошиб кетган. Бошқа мамлакатда яшаганингизда каттакон ресторанни очиб, миллионер бўлиб кетган бўлардинглар.

Собир Абдулла. Миллионер бўлишдан гапирманг. Бир бурда нон билан тириклик ўтказган кунларимиз оз бўлмаган. Энди учта-тўртта пьесамиз кўйилиб, дастурхонга сон кириб қолган. Шунга ҳам шукроналар айтамиз, оға! Аммо ҳозир... (*Тўхтаб қолади.*)

Ҳабибий. Нима «ҳозир»?

Собир Абдулла. Адҳам Ҳамдамнинг ўғли бозор қилиб, хонимнинг пиширган нарсаларини олиб келиши лозим эди... (*Тўхтаб қолади.*)

Ҳабибий. Нега тўхтаб қолдингиз? Гапириңг.
Бирор воқеа содир бўлдими?

Собир Абдулла. Келмай турибди...

Ҳабибий. Ким?

Собир Абдулла. Адҳамжоннинг ўғли! Буниңг устига, Маҳмудхон акадан қўйга деб 200 сўм пул олипти! Мехмонлар шамоллаб қолишса, асқатади, деб анча-мунча дори ҳам олипти, насияга! Яъни каминанинг хисобимдан!

Юнус Ражабий. Вой, муттаҳам-ей!

Собир Абдулла. Адҳамжоннинг ўғли хар ҳолда ёмон йўлга кирганлардан бўлмаса керак. Мошина-пошина уриб кетган бўлса, шу топда бирор мурдахонада ётибдими, бечора! (*Кўзига ёш олади.*) Ҳар хил хаёлга бориб, безовта бўляяпман.

Юнус Ражабий. Мошина-пошина урмагандир. Бундан бирор соат аввал уйимга бориб: «Юнусвой амаки, Дўрмонга кетаяпман, машинада олиб кетайми?» деб сўради. «Йўқ, Ҳабибий амакинг билан ўзимиз борамиз», дедим. У, «Ундей бўлса, менга бирор 200 сўм бериб турсангиз, Дўрмоннинг йўлида янги сўйилган қўйнинг гўштини, янги тайёрланган қази-қарталарни олардим», деди. Хуллас, мендан 200 сўмни ундириб, Дўрмонга аллақачон етиб келган бўлиши керак эди.

Собир Абдулла. Ана, холос! Юнусвой ака, шунинг учун ҳам «уятга қолмасам бўлди», деяпманда! Шарманда бўладиган бўлдим, оғалар!

Ҳабибий (*Юнус Ражабийга*). Уста, рост гапни айтдингизми? Сизнинг уйингиздан чикиб, меникига келди, у муттаҳам! Мени ҳам олиб кетмоқчи бўлди. Кейин оғилхонадаги қўйни кўриб қолиб: «Домла, бугун милиса мол бозорга ҳеч кимни йўлатмаётган экан. Шу қўйингизни олиб кетсан, пулинини Дўрмонга борганингизда Собиржон амаким берардилар», деб

қўйнинг бўйнидаги арқонни ечиб, олиб кетди. Ҳали мен бечора корхатнинг ошига бораман, деб битта қўйга тушган бўлсам-а!..

Собир Абдулла. Нималар деяпсиз, домла! Айтган ҳар бир сўзингиз пичок бўлиб бағримга санчилаяпти-ку! Яна биз ҳаммамиз бир муттаҳамнинг тузорига илинган бўлмайлик! (*Телефон ёнига бориб, рақам теради.*) Алло, хоним?

Овоз. Мен, Яшнаман, адажон!

Собир Абдулла. Ҳа, Яшнахон, сенмисан? Аяжонинг қаерда?

Овоз. Аяжоним... дори ичаяптилар.

Собир Абдулла (*ҳаяжонланиб*). Қанака дори? Нега ичаяпти?

Овоз. Мана, ўзлари ҳам келиб қолдилар. Гўшакни бераяпман.

Собир Абдулла. Хоним, тинчликми? Нега дори ичаяпсиз?

Овоз. Адҳамжоннинг ўғли худди юрагим увишиб қолинини билгандек, бериб кетган эди, шуни ичиб ўтирибман.

Собир Абдулла. Кўп ташвишланманг, хоним. Келса келар, келмаса осмон узилиб ерга тушмас. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Сиз борсиз – мен борман, хоним!

Овоз. Яқинда кимдир моргдан қўнғироқ қилиб, Адҳамжоннинг ўғлини қорнида чандиги бормиди-йўқмиди, деб сўраб қолди. Шундан чўчиб кетдим. Тағин уни пулдор экан, деб ўйлаб бирор шпана чавақлаб кетган бўлмасин. Адҳамжон бизни бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам кечирмайди-я, адаси!

Собир Абдулла. Ниятингизни яхши қилинг, хоним.Faфур aka ҳар эҳтимолга қарши мурдахонага ҳам қўнғироқ қилдирган бўлса керак. Тегирмонга тушса, бутун чиқадиган болалардан, Адҳамжоннинг



ўғли! Келиб қолади, хоним. Ҳаяжонланмасдан, бе-
зовта бўлмасдан ўтиринг. (*Гўшакни қўяди.*)

Овоз. Ёғ қизиди, Собиржон ака! Пиёзни келти-
ринг, ёғ ёниб кетмасин!

Собир Абдулла. Оббо! (*Талвасаланиб қолади.
Шу пайт телефон жиринглайди. Шошилганча
гўшакни олиб.*) Алло, алло, Маҳмудхон ака?

Маҳмудхоннинг овози. Адҳам Ҳамдамнинг
ўғли келдими, Собиржон? У муттаҳам Fafurвойни
ҳам шилиб кетибди-ку!

Собир Абдулла. Нима, Fafur акани ҳамми?
Нима қилипти?

Маҳмудхон овози. Мана, гўшакни ўзларига
бераман.

Fafur Fулом овози. Собиржон, бу Адҳам-
нинг ўғли деганимиз қип-қизил аферист экан!
Маҳмудхонни-ку лақиллатиш қийин эмас, уйимга
келиб, менинг ҳам бурнимдан ип ўтказиб кетипти,
бу абллаҳ!..

Собир Абдулла (*йигламсираб*). Сизга нима
қилипти бу муттаҳам?

Fafur Fулом овози. Неварамнинг туғилган
кунига бир тоғора сомса келган экан, шуни кўтариб
кетипти! Дўрмонга олиб бораман, Fafur дадам айт-
дилар, деб!

Собир Абдулла. Бу, шарманда бўлганим,
Fafur ака! Сиз бошлиқ 20–30 киши келадиган!
Аммо дастурхонда шашвор ҳам йўқ. (*Йигламсираб.*)
Шарманда бўлдим, шарманда!

Fafur Fулом овози. Хафа бўлманг, мен
ҳозир шаҳар милисасини оёққа турғизаман! Ернинг
тагидан бўлса ҳам топаман, у аферистни! (*«Дуд-дуд-
дуд».*)

Телефон жиринглайди.

Собир Абдулла (*гўшакни кўтариб, хаста овоз билан*). Алло!

Овоз. Собиржон ака, кечирасиз, ишим чиқиб қолди...

Собир Абдулла. Алло, ким бу?

Овоз. Мен, Сайд Аҳмадман. Ишим чиқиб қолди, деяпман. Мен боролмайман. Адҳам Ҳамдамнинг ўғли олган 200 сўмни сиздан кейин оларман...

Собир Абдулла. Нима, нима? Қанақа 200 сўм?

Овоз. Адҳам Ҳамдамнинг ўғли оркестрга деб, мен билан Ҳамид Фуломдан 200 сўмдан пул оловди.

Собир Абдулла. Қанақа оркестр? Қанақа пул?

Овоз. «Корхат»нинг ўтиришига оркестрни топиб келишни буюрган экансиз. «Тошкент» меҳмонхонасининг оркестрини гаплашиб бердим! Шунинг закалатини Ҳамид Фулом билан мен бердик. Етмаганига ўзингиз қўшарсиз!

Собир Абдулла. Хой, Сайд Аҳмад, жинни-пинни бўлганингиз йўқми? Қанақа оркестр? Қайси ўтиришимизга оркестр чақирғанмиз? Ё мени ўлдириб, тепамда мотам маршини чалдирмоқчимисизлар, бугун? А? (*Додлаб юборади.*)

Овоз. Собир ака, ёмон эшитилаяпти, кулаётганингиз йўқми?

Собир Абдулла. Нега кулар эканман, йиғла-япман, Сайд Аҳмад, йиғлаяпман! Ҳамманг мени бир бўлиб хонавайрон қиласизлар! Хонавайрон ҳам гапми, шарманда қиласизлар, шарманда! (*Гўшакни жаҳл билан қўяди.*)

Яна телефон жиринглайди. Собир Абдулла йиғлаб, телефондан узоқлашади.

Юнус Ражабий келиб, гўшакни кўтаради.

Юнус Ражабий. Алло!

Овоз. Собиржон ака?

Юнус Ражабий. Мен Юнус акангизман. Нима дейсиз, Мустафо?

Овоз. Faфур акам Дўрмонга бормадиларми? Адҳам Ҳамдамнинг ўғли мени кун бўйи банд қилиб, хозиргина қўйиб юборди. Уйга келсам, Faфур акам кетиб қолган эканлар. Каердан ахтаришни билмай турибман.

Юнус Ражабий. У муттаҳам сизни нега кун бўйи банд қиласи?

Овоз. «Собиржон амаким айтдилар, у ерга борарканмиз, бу ерга борарканмиз», деб жон-ҳолимга қўймади.

Юнус Ражабий. Ҳозир қаёқдасиз?

Овоз. Ёзувчилар уюшмасида. Faфур акамни ахтариб шу ерга келган эдим.

Юнус Ражабий. Ўша ерда тура туринг. Faфур бизга қўнғироқ қилиб қолиши мумкин. Шунда айтаман, топишиб оласизлар.

Овоз. Мен ҳозир бирорта одамдан бензин пулени топмасам бўлмайди Адҳам Ҳамдамнинг ўғли: «Дўрмонда бераман», деб киссамни тозалаб кетган!

Юнус Ражабий. Оббо, Адҳамзода-ей, сизни ҳам тунаб кетдими, ярамас!

Овоз. Нима? Бошқаларнинг ҳам киссасини тозалаб кетибдими?

Юнус Ражабий. Майли, буёғи билан ишингиз бўлмасин. (*Гўшакни қўяди.*)

Эшик очилиб, Faфур Фулом, Файратий, Маҳмудхон ва бир неча артистлар кириб келишади. Собир Абдулла меҳмонларни йиғлаб кутиб олади.

Faфур Фулом (*ўтирганлар билан кўришиб*). Собиржон, майли, йиғлайверманг! Бу аферистнинг адабини яхшилаб бераман. Faфур Фуломни

лақиллатадиган Ёсуманни ушлаб, шундай шарманда қилайки, онадан туғилганига пушаймон қилсин! (*Санъаткорларни кўрсатиб.*) Мана бу санъаткорлар тўйдан майда-чуйда кўтариб кетишаётган экан. Хойнахой Собир Абдулланинг дастурхони қупқуруқ бўлса керак, деб бошлаб келаяпман. Қани, устол-устулларни жой-жойига қўйиб, дастурхонни ёзинглар!

Хозир бўлганлар четроқда устма-уст қўйилган стулларни олиб, стол атрофига қўйиб чиқишади ва дастурхон ёзишади.

Фафур Фулом (*Собир Абдуллага*). Уйга қўнғироқ килиб кўринг-чи, мабодо аферистимиз то-пилиб, келиним Саодатхон билан бирга келишаётган бўлса...

Собир Абдулла (*унинг сўзини бўлиб*). Хўп бўлади! (*Қўнғироқ қиласди.*) Алло, Саодатхон, жоним! Адҳамжоннинг ўғлидан дарак-парак бўлмадими?

Овоз. Йўқ. Балога йўлиққур алдаб кетганга ўхшайди!

Фафур Фулом (*гўшакни унинг қўлидан олиб*). Майли, Саодатхон, кўп куйинманг, касалланиб қоласиз. Мен бу аблахнинг онасини Учқўрғондан кўрсатиб қўяман! Бу шайтонвачча бизни алдаб-аҳмок килиб кетганига қарамай, биринчи кор шарафига базми жамшид қиласиз! (*Гўшакни қўйиб, қайта номер теради.*) Алло, сенмисан, генерал! Топдингларми?

Овоз. Фафур ака, биз ҳаммаёқни илматешик килиб юбордик. Сизнинг уйингизга келган боланинг Адҳам Ҳамдамга ҳеч қандай алоқаси йўқ экан. Фамилияси Ҳамдамов бўлгани учун ўзини Адҳам Ҳамдамнинг ўғлимани, деб юрган. Афсуски, бундан

бир соат аввал Тошкент-Москва самолётида учиб кетипти. Аэропортдан Ёзувчилар уюшмасига, сизнинг номингизга хат юбориби, ярамас. Мустафо хатни олиб кетди. Биз Москва шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига мурожаат килдик. Улар Ҳамдамовни ушлаб, Тошкентга қўлига кишан солиб қайтариб юборадилар.

Фафур Фулом. Шундай бўлсин, генерал! Жиноят жазосиз қолса, жиноятчининг уруғи кўпаяди. (*Гўшакни қўяди. Юнус Ражабийга.*) Юнусвой ака, шунча машмашадан кейин юрак чигилини ёзмасак бўлмайди. Қани, соқийлик рутбасини қўлингизга олинг!

Мехмонлар дастурхон атрофига келиб ўтирадилар. Пиёлаларга мусаллас қуиля бошлайди. Ширин сухбат бошлайдилар. Шу пайтда эшикдан ҳаллослаганича Мустафо югуриб киради.

Мустафо. Fafur aka! У бадбаҳт ҳаммамизни калака қилиб, Москвага қочиб кетипти! Аэропортдан мана бу хатними, телеграмманими бериб юборипти!

Фафур Фулом (*қоғозни унинг қўлидан олиб, ўқийди*). «Хурматли дадажон!» (*Четга.*) Ўғлим бўлмай тўнғиз копгур! (*Эшиштириб.*) «Сизнинг олдингизда ҳам, Собиржон амакимнинг олдиларида ҳам, ҳаммангизнинг олдингизда катта гуноҳкорман. Аммо, на қилайки, чорам йўқ эди. Сиз директоримга қўнғироқ қилмаганингиздан кейин мени институтдан узил-кесил ҳайдашди. Ўзимни қаерга қўйишни билмай қолдим. Ўзимни тонг сахарда анхорга ташламоқчи бўлувдим, аллақаердан милиционер пайдо бўлиб қолиб, ушлаб қолди. (*Сукут*) Маҳмудхон амакимга шунчалар ялиндим: ҳалиги доридан топиб беринг, деб. Дўстингиз унамади...» (*Маҳмудхонга.*) Қанака дори?

Махмудхон. Баччағар бир ютум бўлса ҳам заҳар топиб беринг, деб келганди.

Фафур Фулом бир оз ўйланиб қолади.

Фафур Фулом. Шу гапни менга айтсанг бўлмасмиди? Ҳаётдан тўйган экан-ку, бечора!

Овозлар. Хатда нима ёзганини эшитайлик.

Фафур Фулом (*ўқишида давом этади*). «...Ўша кунларда Москва газеталаридан бирида эълон чикиб колган эди. Пойтахт театрларидан бири Хлестаков ролини ижро этиш учун танлов эълон қилган экан. Мен Наби Раҳимовнинг шу ролини яхши кўриб қолиб, Хлестаковнинг барча ўзбекча ва русча монологларини ёдлаб олган эдим. Ҳатто иккинчи курсда домлам курс иши сифатида «Ревизор»ни қўйганида, мен бош ролни ижро этган эдим. Барча ҳужжатларни, ўша ўкув спектаклидан олинган суратларни, спектаклнинг радионусҳасини юборган эдим, танловдан ўтибман шекилли, чақириб қолиши.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, самолёт билетига ҳам, меҳмонхонага ҳам, Москва трамвай-прамвайларида юришга ҳам, уч-тўрт кун тирикчилик қилишга ҳам мулла жиринг керак. Хуллас, дадажон, сиз ҳаммангиз ўзбек халқининг Хотамтойлари бўлганингиз учун бир эркалиқ қилгим келди. Насиб қилса, отона меҳрини кўрмай, болалар уйида яхшими-ёмонми тарбия кўрган мендек нодон, мендек баҳтсиз боланинг Наби Раҳимовдек маъхур артист бўлганини кўтарсиз.

Сизларнинг бугунги ўтиришингизни ҳам, асабларингизни ҳам бузганим учун мен баҳти қарони кечи-ринглар! Ҳудо хоҳласа, келгуси йили «корҳат»нинг ўтиришини Дўрмонда ўзим қилиб бераман!

Дадажон! Менга омад тиланг! Мабодо Москва театрлари учун характеристика керак бўлиб қолса,

албатта, яхши характеристика ёзиб берасиз деб умид қиласан.

Сизга Жамбул умрини, Алпомиш кучини, ҳазрат Навоийнинг обрўсини тилаб, бир оғиз сўзингизни аяган ўғлингиз Ҳамдам Ҳамдамов». (*Хатни стол устига ташлайди.*)

Собир Абдулла. Ҳамдам Ҳамдамов бўлмай, жувонмарг бўлгур.

Юнус Ражабий. МуллаFaфур, ўша илтимосини бажо келтирганингизда бу савдолар бўлмасмиди?

Ҳабибий. Шу ўлтиришга келишга ҳам оёғим тортмай турган эди-я.

Махмудхон. Мендан бир ботмон дори-дармон олиб кетган эди.

Faфур Fулом (*ўйлаб*). Бу бола мен ўйлагандек аферист кўринмайди. Аферист бўлса, қочардикетарди, думини тутқазмай. (*Бир оз сукутдан сўнг. Ўқинч билан.*) Ўша шеърият мухлиси бўлган, менинг мухлисим бўлган директорига бир оғиз айтиб кўйсам, асакам кетармиди?! (*Ўйланиб.*) Бошка ролларини-ку билмайман, аммо Хлестаков ролини кийворадиган бола экан! Театрга шунака туғма артистлар ҳам керак-да, Собиржон! (*Сукут.*) Қани, олайлик! (*Ҳамма нима учун қадаҳ кўтараётганини билмай, ҳайрон. Шу пайт Fайратий хатни олиб, Faфур Fуломга дейди.*)

Fайратий. Хатнинг орқасида ҳам бир-икки сўз ёзилган эканми?

Faфур Fулом (*хатни Fайратийнинг қўлидан тортуб олиб ўқиуди*). «Дадажон! Ҳабибий домланинг қўйларини олишга олдим-у, мўйсафидга жабр бўлмасин деб, ён қўшниларининг ҳовлисидаги тутга боғлаб кетдим. Собиржон амаким, Юнус тогамлар беришган пул ҳисобига Ижод уйининг катта ошхонасига дастурхон безатиб қўйганман. Ўша ерга ўтиб, базми жамшидга марҳамат қилсанглар! Бун-

дан Саодатхон аямларнинг хабарлари бор. Улар менинг илтимосим билан Дўрмон ҳангомасини сизлардан яшириб турдилар. Менинг ҳам, уларнинг ҳам бир қошиқ қонимиздан кечинглар. Ҳурмат билан ўғлингиз Ҳамдам Ҳамдамов». (*Бир оз сукутдан сўнг.*) Вой, шайтон-е!

Собир Абдулла қўнғироқ килиш учун телефон олдига боради. Шу пайт Саодатхон бир тоғора пишириқ кўтариб киради.

Саодатхон. Ассалому алайкум, азизлар! (*Faфур Fуломга.*) Faфур ака! Фақат сиз эмас, биз, қўқонлик аёллар озгина бўлса ҳам ҳазил қилишни биламиз. Бир сизларни синаб кўрайлик, дедик-да, Ҳамдамжон билан!

Хабибий. Ажаб воқеа бўляптими?

Юнус Ражабий. Ўнгимми, тушимми, билмай колдим.

Махмудхон. Ҳазил ҳам шунака бесўнакай бўладими, Саодатхон? Бир ботмон дорининг пулига тушдим деб, инфаркт бўлишимга оз қолди.

Саодатхон. Махмудхон ака, лоф деса ола қопни олиб қочадиган бўлиб кетибсизми? Мана, дорингиз. (*Дастурхон орасидан кичик пакетчани олиб, стол устига қўяди.*) Юраги мўртлар ичадиган дори экан.

Файратий. Энди, биродарлар, ўзбек бор жойда ҳазил-ҳузил ҳам бўлади. Нозикми, бесўнақайми, ишқилиб, ҳазилнинг таги зил бўлмаса бўлди.

Юнус Ражабий. Ҳамдамжоннинг етим ўсганлигини эшитиб, бир воқеа ёдимга тушди. Уруш йиллари денг, Янгийўлдаги театрда ишлаб юрган эдик. Бир куни денг, Турғун Алиматов шаҳарга тушиб, скрипка кўтариб чиқди. Шаҳар бозорида ленинградлик бир ўрис киши тирикчилик тақозоси билан музикант отасидан қолган скрипкани сотмоқчи

бўлиб турган экан. Турғунбой дeng, мирқуруқ бўлса ҳам ҳаваси келиб, скрипкани қўлига олиб чалипти. Аввал ўзбекча куйни, кейин эгаси ҳам би-и-ир маза қилсин деб «Катюша»ни. Ҳалиги дeng, ўрис киши урушдан қайтаётган экан. Етим қолган фарзанди Ўзбекистондан паноҳ топганини эшитиб, ахтариб келган экан. Тошкентдаги болалар уйидан топибди. Ўзбек ҳалқи фарзандининг бошини си-лаб, соғ-омон катта қилаётганини кўриб, азбаройи хурсанд бўлганидан бояги скрипкани, ҳалиги дeng, Турғунбойга совға қилипти. «Буни сотиб, бойбадавлат бўлиб қолармидим? Яхши одам кўринасиз, чалишни ҳам биларкансиз, музикант ҳам экансиз. Зора отамдан қолган шу табаррук скрипкани сизга совға билан ўзбек ҳалқи олдидағи қарзимни озгина бўлса ҳам узсам», дебди.

Хабибий. «Ҳалиги дeng», гаройиб ривоят экан.

Юнус Ражабий. Э, домла тушмагур, «ҳалиги дeng»ни кўпроқ айтиб юбордимми, куляяпсиз? Ҳалиги... (эсига тушиб.) Ривоят эмас, нак бўлган воқеа. Етимнинг бошини силашдан ортиқ савоб йўқ, бу дунёда.

Фафур Фулом. Муҳаммад пайғамбар рўза ҳайити кунлари масжидга кетаётган эканлар, йўлда йиғлаб, кўзлари гирён бўлиб турган бир етим болани кўриб қолиптилар. Муҳаммад пайғамбар етим боланинг қошига келиб: «Сени бирор хафа қилдими? Нимага йиғлаяпсан?» деб сўраптилар. Етим бола: «Ҳамма ўртоқларимнинг туялари бор. Улар ҳайит намозига тужа миниб боряптилар. Туям йўқлиги учун йиғлаяпман», деб жавоб берипти. Муҳаммад пайғамбар етимнинг сўзларини эшитиб, бўйинларини ер баравар эгибдилар-да: «Кел, бўтам, елкамга чиқиб ўтири, мен сенинг туянг бўла қолай», дебдилар. Етим бола Муҳаммад пайғамбарнинг елкаларига чиқиб, тужа килиб юра бошлабди. Етим бола яна армондан чиқиш

учун Мұхаммад пайғамбардан туяга ўхшаб «афу», «афу» деб ўқиришни сўрапти. Мұхаммад пайғамбар бир марта «афу» деб ўқириптилар, бола хурсанд бўлиб, «Яна, яна» депти. Мұхаммад пайғамбар иккинчи марта «афу» деб ўқирган эканлар, Яратгандан нида келибди: «Бир марта «афу» деб ўқирганингда одамзоднинг учдан бир қисмининг гуноҳидан ўтдим. Иккинчи марта «афу» деб ўқирганингда иккинчи гуноҳкор қисмини ҳам кечирдим. Энди бас қил, зеро, яна бир марта «афу» десанг, ҳамма бандаларимнинг гуноҳидан кечишга мажбур бўламан ва ер юзида дўзахга тушадиган бирор гуноҳкор қолмайди». (*Бир оз сукутдан сўнг.*) Мана шунака, етимнинг бошини силашдан ортиқ савоб йўқ, дунёда. Етимнинг бошини силаган киши парвардигор олдида ҳар қандай гуноҳларидан фориғ бўлади.

Ҳабибий. Фаройиб ривоят экан.

Фафур Ғулом. Балки ривоятдир, балки бўлган воқеадир. Бунинг сира аҳамияти йўқ. Аммо шу нарса ҳақиқатки, етим болаларга меҳр-оқибат кўрсатиш, уларни ота-она меҳрига зор этмаслик – улуғ фазилат. Фақат етим-есирларни эмас, барча болаларни палапон пайтидан бошлиб вояга етгунига қадар меҳрмуҳаббат боғида парвариш қилиш – сиз билан бизнинг парвардигор олдидаги бурчимиз. Меҳр кўрган авлодгина...

Шу пайт дафъатан хона деворлари ортга силжиб, Ижод боғининг навбаҳор кунларидаги гўзал манзараси кўзимизни қамаштириб юборади.

...меҳр кўрган авлодгина меҳрибон, самимий, бағри кенг, ҳалол ва ақл-фаросатли кишилар бўлиб улғаяди.

Саодатхон. Улуғ гапларни айтдингиз, Фафуржон ака. Бўйнингизни эгиб, «афу» демасангиз ҳам шояд мен билан Ҳамдамжонни кечирган бўлсангиз керак.

Faфур Fулом. Албатта, кечирдим. Ҳаммамиз кечирдик.

Собир Абдулла. Менинг инфаркт бўлиб, нариги дунёга равона бўлишимга бир баҳя колди, Саодатхон. Ҳамдамжонни кечирган бўлсам ҳам...

Саодатхон. Нима, мени кечира олмайсизми? (*Собир Абдулла бошини эгид, бирор сўз айтмайди.*) Ундаи бўлса, ундаи бўлса... (*Аразлаб чиқиб кетади.*)

Сукунат. Ноқулай вазият.

Faфур Fулом (*вазиятдан чиқиши учун хиргойи қила бошлайди*). Энди сендек... (*Сукут.*) Энди сендек... жоно-жонон... (*Сукут.*) Қайдадир... (*Сукутдан сўнг.*)

Энди сендек, жоно, жонон қайдадур,
Кўриб гул юзингни боғда бандадур.

Махмудхон. Робинзон Крузо бўлиб кет-е, Faфур!

Юнус Ражабий. Робинзон Крузо эмас, Карузо. Энрике Карузо, буюк итальян ҳофизи.

Махмудхон. Робинзон Крузоми, Карузоми – нима фарқи бор?

Faфур Fулом (*эътибор бермай*). Энди сендек..

Собир Абдулла (*ўрнидан туриб, секин ашулага қўшилади*). Энди сендек...

Ҳамма ашулагага қўшилади. Ашула давомида Саодатхон ҳам кириб келиб, жўровоз бўлади.

Ҳамма

Энди сендек, жоно, жонон қайдадур,
Кўриб гул юзингни боғда бандадур,



*Сақлай ишқинг токи жоним тандадур,
Ўзим ҳар жойдаман, қўнглим сандадур.*

Хабибий (*тўсатдан*). Мулла Faфур, агар ўша куни кор ёғмаганида, қорхат ҳам ёзмаган бўлардик. Адҳам Ҳамдамнинг боласи ишини битириб ё битирмай тинчгина кетган ҳам бўларди.

Ражабий. Агар шу боланинг ўқиши давом этиришига ёрдам берганингизда ҳозир маза қилиб ўтирган бўлармилик.

Faфур Fулом. Машойихлардан қолган бир байт бор:

*«Агар»ни «Магар»га қилсалар никоҳ,
Бир ўғил туғилур, номи «Кошки».*

Хабибий. Машойихларнинг шу байтлари ҳозир менинг хаёлимга келганди.

Faфур Fулом. Сиз шунақасиз, мавлоно. (*Киноя қилгандек*). Ҳамма нарсани олдиндан сезасиз. Мана мен битта ғариб боланинг бошини силаш лозимлигини унутиб қўйибман. Шояд худо мени кечириб, айбимни ювиш имконини берса. Шояд мен сизларнинг ҳам, бола-чақаларимнинг ҳам, қолаверса, барча юртдошларимнинг ҳам қўнглини кўтарадиган, дардларига малҳам бўладиган янги асарларни ёзсам, халқим олдида ҳам, Яратганинг олдида ҳам юзим доим ёруғ бўлади.

Собир Абдулла. Нималар деяпсиз, Faфур aka? Сиз «Сен етим эмассан» шеърини ёзган кунингиздан бошлаб ҳаммага меҳр-шафқат ва мурувват тимсоли бўлиб яшаяпсиз.

Faфур Fулом. Энди тушундим: Меҳр-шафқат ва мурувват эрта тонгдан яrim тунга қадар, яrim тундан эрта тонгга қадар гуллаб турадиган азим

дарахт экан. Агар биз меҳрга, ёрдамга, бир оғиз ширин сўзга муҳтоҷ бева-бечораларнинг бошларини силай олмасак, шу куни Меҳр дараҳтининг гуллаб турган шоҳларидан бири қуриб қолиши ҳеч гап эмас экан.

Бу, ҳалокат сари яқинлашиб бораётган дунёни фақат бир нарса – Меҳргина қутқариши мумкин, азизларим!

П а р д а.



МУНДАРИЖА

Воқеий ҳикоялар

Фафуона сафар.....	5
Амин ва Амина.....	8
Тараддууд	20
Достонга арзийдиган қўшиқ	27
Муборак имзо.....	34
Унутилмас кун	42
Шам ва чақмоқ	49
Иккинчи учрашув	62
Ҳамойил	69
Қасамёд.....	84
Ойзар (киноқисса)	95
Гули ва Навоий (музиқий драма)	167
Дўрмон ҳангомалари (комедия)	217

Адабий-бадиий нашр

Наим КАРИМОВ

БУ АЖИБ ДУНЁ

(Воқеий қисса ва ҳикоялар, саҳна асарлари)

Муқовада Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов-нинг «Шоҳсанам ва Фариб» асаридан фойдаланилди.

Мухаррир М.Якубджанова
Бадиий мұхаррир У.Сулаймонов
Техник мұхаррир Б.Каримов
Мусаххих З.Кудратов

Кичик мұхаррирлар: Д.Холматова, Г.Ералиева
Компьютерда тайёрловчи С.Азизтоева

Нашриёт лицензияси АIN№ 158, 14.08.2009.
Босишига 2016 йил 3 августда рухсат этилди.
Офсет қоғози. Бичими $84 \times 108^1 / _{32}$. «Virtec Peterburg»
гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоги 15,12. Нашр табоги 13,96.
Адади 2000 нұсха. Буюртма №16-429.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz


НАИМ КАРИМОВ

Бү ажиб дунё



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-668-9



9 789943 286689